Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

2021
№ 1 (91)

1997 йилдан нашр этилади

Тошкент – 2021

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:
Бекмуродов А.Ш.

Таҳрир ҳайъати:
Азизов Х.Т.
Алимов Б.Б.
Саттаров С.А.
Ҳусанов О.Т.
Бекмуродов М.Б.
Раҳимова Д.Н.
Жалилов А.Т.
Юлдашев А.Э.
Хамидулин М.Б.
Ҳайитов Х.С.
Ҳайитов О.Э.
Исламқулов А.Х.
Холов А.Ҳ.
Чўтпўлатов М.Ч.
Қаюмова К.Н.

Таҳририят:
Масъул муҳаррир:
Бахранов Л.Э.

Муҳаррирлар:
Кабулова Д.Б.
Абдуллаева Г.Л.

Мусаҳҳиҳлар:
Абдуллаева М.С.
Шорихсиева А.F.

Техник муҳаррир:
Юлдашев А.Ж.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45
Мурожаат учун телефон:
71-232-60-76, 71-232-60-77

E-mail: jurnal95@mail.ru

Буюртма:

ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

Босишга 14.05.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/8. Нашр босма табоғи 12.3. Адади 70 нусха.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси босмахонасида чоп этилди.
Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й. Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 45.

Мундарижа/Содержание/Contents

Ушбу сон мавзуси: Бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий ва замонавий тенденциялари
Тема выпуска: Организационно-правовые и современные тенденции менеджмента
Issue subject: Organizational legal and modern trends of management

5 **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси**

27 **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги йиғилишлар, учрашув ва ташрифлар хроникаси**

Маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси /
Махалля – это светлое лицо нашего общества и зеркало нашей совести /
The makhalla is the bright face of our society and the mirror of our conscience

36 Адҳам БЕКМУРОДОВ. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик ташаббуси: "маҳаллабай" ишлаш тизими маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг самарали механизми сифатида**

Бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари /
Организационно – правовые основы управления /
Legal bases of management

44 Иса ХАМЕДОВ. **Развитие организационно-правовых основ борьбы против коррупции в Республике Узбекистан: проблемы и возможности**

52 Жамшид ИБРОҲИМОВ. **Терроризмни оқлаш ва террористик ҳаракатларни содир этишга ундаш учун жиноий жавобгарликни жорий этиш масалалари**

58 Наргиза НОРҚУЛОВА. **Ўзбекистонда одам савдосини бартараф этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари**

64 Қудрат САДУЛЛАЕВ. **Фуқаролик жамиятида жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ ҳуқуқлари таҳлили**

71 Воҳиджон ТОПИЛДИЕВ. **Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ташкилий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Бошқарувда замонавий тенденциялар /
Современные тенденции в управлении /
Modern trends in management

76 Ҳилола УМАРОВА. **Давлат-хусусий шериклик ривожланишининг ўзига хослиги: халқаро тажриба**

83 Жамшид ЮСУПОВ.**Ўзбекистонда электрон давлат хизматлари ривожи**

91 Феруз КУРБАНОВ. **Анализ моделей корпоративного управления и возможности их имплементации в Узбекистане**

99 Шерзодбек ОТАБОЕВ. **Ҳокимликларнинг ҳудудларни ривожлантиришдаги фаолияти натижадорлигини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш**

106 Бахтиёр МАМАТКАРИМОВ. **Корпоратив бошқарув моделлари тадқиқи ва татбиқи**

Замонавий раҳбар кадрлар – давр талаби /
Современные руководящие кадры – требование времени /
Modern leadership personnel – a requirement of the times

112 Анвар ЮЛДАШЕВ. **Давлат фуқаролик хизматчилари касбий ўсишини бошқариш тизимининг илмий-амалий асослари**

117 Бектош БЕРДИЕВ. **Профессионал бошқарув кадрларини тайёрлаш: муаммолар ва вазифалар**

122 Иқболжон ОДАШЕВ. **Глобал пандемия даврида юзага келиши мумкин бўлган жамоавий конфликтларни ҳал этишда раҳбар фазилатлари**

Иқтисодий соҳани ривожлантириш истиқболлари /
Перспективы развития экономического сектора /
Perspectives for the development of the economic sector

128 Элнорахон МЎМИНОВА. **Миллий иқтисодиёт тармоқларида блокчейн технологияларини қўллаш имкониятлари**

135 Собиржон ҚОЗОҚОВ. **Ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий омиллари**

140 Жасур ШАМСИЕВ. **Ёқилғи-энергетика корхоналарини бошқариш тизимидаги ислоҳотлар**

144 Тоштемир БЕРДИЕВ. **Самарали корпоратив бошқарувнинг компаниялар инвестицион жозибадорлигини оширишдаги роли**

Жамият бошқарувини такомиллаштириш масалалари /
Вопросы совершенствования общественного управления /
Issues of improving Public Administration

150 Улуғбек АЗИЗОВ, Нуриддин ХОЛИЯРОВ. **Демографик вазият ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсири**

158 Хуршид МИРЗАҲМЕДОВ. **Ёшларда онлайнлашув маданияти**

163 Шавкат АСАДОВ. **Ўзбекистон Республикасида маҳалла институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**

Бошқарувда рақамли технологиялар /
Цифровые технологии в менеджменте /
Digital technologies in management

170 Акбар МАҲМУДОВ, Элёр ПРИМОВ. **Фармацевтика соҳасидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятига рақамли бошқарувни жорий этиш масалалари**

176 Абдуҳаким ЮЛДАШЕВ. **ERP-тизими орқали корхонани инновацион бошқариш**

183 Умида АБДУРАҲМОНОВА (СУЛТАНОВА). **Рақамли дипломатияга асосланган халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти /
Узбекистан и мировое сообщество/
Uzbekistan and the World Community

188 Юлдуз МАХМАСОБИРОВА. **Региональные вопросы в развитии сотрудничества между Узбекистаном и Французской Республикой**

195 Мансур ЮНУСОВ. **Халқаро майдонда Ўзбекистон имижини кенг тарғиб қилиш масалалари**

202 Муроджон МУСТОФАЕВ. **Янги халқаро ташкилотга аъзолик: янги ташаббуслар ва истиқбол**

209 **Академия ҳаётидан / Из жизни академии / Academy life**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Охирги маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатида 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионта иш ўрни йўқотилган.

Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам кутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 на-

фар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз пайтида кўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонкуяр шифокорларга, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбиркор ва фуқароларимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар раҳбарларига ташаккур билдираман.

Мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган чет давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакилларига раҳмат айтиб, эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳурматли парламент аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Жорий йилда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислоҳотларни қатъий давом эттирдик.

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – "GSP+" тизимини татбиқ этиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим келгусида республикамизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратади.

Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

Бу йил республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, "Навоийазот"да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар

фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – "темир дафтар" тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган "IT-парклар"да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.

Якунланаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди.

Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди.

Ўзбекистон "Очиқ маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошкор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

"Иқтисодий эркинлик" рейтингида ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислоҳотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. "Меҳр-3" операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан, аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги "махсус кузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотларимизнинг эътирофидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

Қадрли халқ ноиблари!

Азиз юртдошлар!

Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда **"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!"** деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз.

Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканмиз, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.

Таъкидлаш керакки, пандемия барчамизга тиббиётнинг бирламчи бўғини – тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган "пандемиянинг навбатдаги тўлқини" ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг **"Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин",** деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.

Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Шу мақсадда **"Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади",** деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз.

Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

Учинчидан, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бундан минг йил олдин **"Довюрак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди",** деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташаббуслар мени жуда қувонтирди.

Айниқса, куни кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгилик-

ка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган довюрак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда **"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили",** деб ном беришни таклиф этаман.

2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қуйидаги кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

Биринчидан, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади.

Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг мукобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

Иккинчидан, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислоҳотлар жадал давом эттирилади.

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона "электрон таълим" тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган "Миллий ўқув дастури" жорий этилади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида "касбга ўргатиш тизими" жорий этилади.

Яна бир масала – педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг

"ҳаёт давомида ўқиш" тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади.

Яна бир бор такрорлайман, **жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим.** Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур. Шу боис ўқитувчи, мураббий ва методистлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошлаган ишларимиз келгуси йилда ҳам давом эттирилади. Бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Учинчидан, олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади.

Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Ҳозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олийгоҳларга кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртлари ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли хусусий олийгоҳларга ҳам зарур мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

Шу муносабат билан келгуси йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

Тўртинчидан, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Жорий йилда илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилди. Жумладан, 98 та ихтисослашган мактаблар ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди.

Энди кейинги йил учун устувор илм-фан йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, **"Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт",** деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни мукаммал ўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз.

Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни таклиф этаман.

Шу мақсадда келгуси йилда таълимнинг барча бўғинларида ушбу фанларни ўқитиш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган мактаблар очиш, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишлар амалга оширилади.

Физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бешинчидан, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади.

Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади.

Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади.

Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин.

Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

Олтинчидан, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Ҳозирги кунда республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади.

Умуман, бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирсак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайсиз. Бу маблағлар йил давомида кўпайтириб борилади.

Бу ташаббус умумхалқ ҳаракатига айланиши, саховатпеша ҳамюртларимиз ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишига ишончим комил.

Олий Мажлис палаталари Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаб, бу борада фаоллик кўрсатган юртдошларимизни рағбатлантиришни ҳам назарда тутиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳам вақти-соати келди.

Умуман, ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича юқорида қайд этилган форумда жуда кўплаб масалалар ечимини келишиб олдик. Шунинг учун бугун улар тўғрисида батафсил тўхталмадим.

Барчамиз учун эндиги вазифа – ушбу ташаббус ва таклифларни тўлиқ амалга оширишдан иборат.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

2021 йил учун яна бир муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчидан, келгуси йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

Бу ишлар учун 2021 йил давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан, албатта, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар йўналтирилади.

Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

Иккинчидан, она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир.

Шу мақсадда кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион

нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

Учинчидан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат "тиббий бригадалар" ташкил этилади.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та "оилавий шифокор" пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Бундан ташқари, "қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилади ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Олис ва чекка ҳудудларда бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёжманд аҳоли учун скрининг тадбирларига хусусий шифохоналар ҳам жалб этилиб, уларга субсидия ажратилади.

Ўрта бўғин тиббиёт ходимлари – ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ва мавқеини оширишга алоҳида ургу берамиз. Жумладан, 47 та Ибн Сино номидаги техникумларни ҳар йили битирадиган 20 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз тиббиётнинг бир нечта соҳаларида касб эгаси бўлиб чиқади. Шунингдек, ўрта бўғин тиббиёт ходимларига "ҳамширалик иши" билан мустақил шуғулланиш учун рухсат берилади.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий гематологик касалликдан азият чекмоқда.

Шу сабабли келгуси йилда онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади.

Ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олинади ва шу мақсадлар учун бюджетдан 140 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил этилади. Бунинг учун 2021 йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала – аҳолимизнинг катта қисмини қийнайдиган ўткир қон-томир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этамиз. Ушбу марказлар аҳолига инфаркт ва инсульт ҳолатларида тезкор ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ўлим ва ногиронликни камайтиришга хизмат қилади. Шу тариқа ҳар йили камида 30 минг нафар инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Бешинчидан, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш – аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Келгуси йилда 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади.

Аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Спорт ҳақида гапирганда, яна бир муҳим вазифа олдимизда турганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Яқинда Осиё олимпия кенгаши 2025 йилда Ёшлар ўртасида Осиё ўйинларини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч, десак, тўғри бўлади. Айни вақтда бунинг масъулияти ҳам катта эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Қитъамиз миқёсидаги ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўришимиз лозим.

Олтинчидан, халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бюджетдан 420 миллиард сўм йўналтирилади. Жумладан, ҳудудлар-

да 22 та театр ва маданият объекти қурилади ва реконструкция қилинади.

Тошкент шаҳрининг марказида Миллий академик драма театри, машҳур япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейи, замонавий кутубхона ҳамда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуасини барпо этиш бўйича амалий ишлар бошланади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб пойтахтимиз марказида "Истиқлол" мажмуаси қад ростлайди.

Илгари кўп йиллар давомида ўтказиб келинган Тошкент халқаро кинофестивали "Ипак йўли дурдонаси" – Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта ташкил этилади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 7 мингдан зиёдни ташкил этади.

Афсуски, кейинги пайтларда бебаҳо маданий меросимиз бўлган айрим обидаларимизга зарар етказиш ҳолатлари учраётгани бу борада эътибор сусайганидан далолат беради. Бу иш нафақат Маданият вазирлиги, балки маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

Ҳукумат бир ой муддатда маданий мерос объектларининг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиши лозим.

Қадрли халқ вакиллари!

Янги йилда иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

Сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат. Шуларни инобатга олиб, кейинги йилда қуйидаги йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга оширамиз.

Биринчидан, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этамиз.

Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак – камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак.

Нима учун биз "темир дафтар"ни жорий этдик? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишлашни ташкил этишдир.

Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган "Ижтимоий реестр"да "темир дафтар"даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

Биринчи навбатда, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлашимиз лозим. Бу масалада халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосидаги ҳисоб-китоблар якунига етказилмоқда. Келгуси йил 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари миқдори эълон қилинади.

Ҳукумат икки ой муддатда ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқсин.

"Темир дафтар"га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича "мотивация, кўникма ва молиявий кўмак" тамойили асосида янги механизм жорий этилади.

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда келгуси йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбобускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилади.

Шунингдек, ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Шунинг учун келгуси йил-

дан бошлаб янгича тизим жорий этилади. Унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилади ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими бир ой муддатда ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориши зарур. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак.

Иккинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак.

Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекгидроэнерго", "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислоҳ қилишга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда "МакКинзи", "Бостон консалтинг Групп", "Ротшильд" каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди.

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади.

2021 йилда "Саноатқурилишбанк", "Асака банк", "Ипотека банк", "Алоқа банк", "Турон банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш банк"ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи Европа банклари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Таркибий ислоҳотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.

Биз давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш учун, халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик.

Келгуси йилда "Фарғона азот" ва "Деҳқонобод калий" заводлари, "Кока-кола ичимлиги" корхонаси, "Билдирсой" ва "Чорвоқ" оромгоҳлари, "Ичан қалъа" ва "Ҳайат Реженси" меҳмонхоналари, "Пойтахт" бизнес мажмуаси, алкоголь, ёғмой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилади.

Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади.

Учинчидан, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.

Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металлар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин, энергия ресурсларига бўлган талаб ортиб боради. Шунинг учун нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислоҳотларни ва бошланган йирик лойиҳаларни якунига етказишимиз лозим. Жумладан, 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланади.

Шунингдек, табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор механизмларини жорий этамиз. Бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орқали табиий газни сотиш, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. "Ўзтрансгаз" компанияси эса фақат газни транспортировка қилади.

Суюлтирилган газ бозорида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида унинг импортига ўрнатилган божлар бекор қилинади.

Заргарлик соҳасида ҳам тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратилади. Бунда келгуси йил 1 мартдан бошлаб, кумушни биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби ўрнатилади.

Автомобиль саноатида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва корхоналарга тенг шароитлар яратиш орқали соҳада ишлаб чиқарувчилар сони кўпайтирилади.

2021 йилдан бошлаб озиқ-овқат, нефть ва электротехника каби тармоқларда 73 та акциз солиғи бекор қилинади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда.

Келгуси йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлади.

Тўртинчидан, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгазкимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда "яшил иқтисодиёт" билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз "драйверлари"га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд.

Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилиши лозим.

Ҳозирги кунда Фозғондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бош, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги "Технопарк" каби саноат кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намоён этмоқда.

Ҳукумат келгуси йил 1 апрелгача истиқболли саноат кластерлари рўйхатини аниқлаб, уларни жадал ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Шунингдек, "божхона ҳудудида қайта ишлаш режими"да саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур.

Шу билан бирга, инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак.

Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар очиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ механизмлар асосида сотилади. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак.

Умуман олганда, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида техноген рудани қайта ишлаш заводи, шунингдек, республикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади.

Биргина Тошкентдаги "Яшнобод" технопаркида яна 11 та замонавий электротехника корхонаси ишга туширилиб, у ердаги жами корхоналар сони 17 тага ва ишловчилар сони 11 мингтага етказилади.

Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 760 мегаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилади.

Қашқадарё вилоятида қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот беришни бошлайди.

Бешинчидан, макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунинг учун келгуси йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади.

Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади.

Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак. Шу мақсадда келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозим.

Янги йилда миллий валютада чиқариладиган халқаро облигациялар улушини ҳозирги 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш зарур.

Шу билан бирга, келаси йили банклараро валюта бозори "онлайн" платформага ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Марказий банк молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритсин.

Шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади.

Олтинчидан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда. Бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат беришни таклиф этаман.

Келгуси йилда "Солиқчи – кўмакчи" тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади.

Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади.

Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз "оёққа туриб олишлари" учун уларга кўмак беришни давом эттирамиз.

Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилади.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади.

Хабарингиз бор, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилган эдик. Бунинг натижа-

сида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 мингтага етди. Шунинг учун мораторий муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-пок тадбиркорларни – такрор айтаман – замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади.

Еттинчидан, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим.

Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш механизмларини жорий қилиш бўйича таклиф киритсин.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда "ягона дарча" тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғликларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

Саккизинчидан, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари биринчи марта 2020 йил бошида ўз зиммасига олган мажбурият ва режалари ижроси ҳақида маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот берди.

Бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик – билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда.

Ҳолбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди. Тараққий этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиғи "билимлар иқтисодиёти" ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани буни яққол исботламоқда.

Бундан буён ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва "ўсиш нуқталари"дан келиб чиқиб ривожлантирилади. Бунинг учун келгуси йилда 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини тузишни таклиф этаман. Жамғарма маблағлари маҳаллий кенгашлар таклифларига асосан инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

Келгуси йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳукумат ҳудудларда 130 минг километр узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари ва 40 мингдан ортиқ трансформаторни босқичма-босқич янгилаш дастурини келгуси йил 1 апрелга қадар тасдиқлаши зарур. Шунингдек, 5 мингдан ортиқ таъмирталаб кўприкни тиклаш бўйича дастур қабул қилинади. Бу ишларга 2021 йилда 400 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Яна бир муҳим масала – сўнгги 3 йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Лекин пандемия туфайли ушбу йўналишдаги ишларимизни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган эдик.

Ҳукумат бир ой муддатда 2021 йил учун "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Ушбу дастурларни республика ва маҳаллий бюджетлар томонидан тенг улушларда молиялаштиришни назарда тутсин.

Халқаро молия институтлари ҳам мазкур дастурда иштирок этиш учун 270 миллион доллар йўналтиришга тайёр эканини билдирди.

Ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу – уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Қисқа қилиб айтганда, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кетиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозим.

Шу мақсадда Ҳукуматга кейинги йил 1 мартдан бошлаб ички туризм йўналишларидаги авиақатновларни йўлга қўйиш ва авиачипта нархининг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш тизимини жорий этиш вазифаси юкланади.

Шунингдек, бир қатор ҳудудий аэропортлар давлат-хусусий шериклик асосида ташқи бошқарувга берилади.

Кейинги йилда 2 та тезюрар поезд ҳаракати йўлга қўйилади, Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш бошланади.

Аҳоли пунктлари ўртасидаги, айниқса, қишлоқларни туманлар марказлари билан боғлайдиган узлуксиз автобус қатновлари хусусий секторни жалб қилиш орқали кўпайтирилади.

Тошкент шаҳрида ер усти метросининг 12 километрлик иккинчи босқичи фойдаланишга топширилади. Шу тариқа ер ости ва ер усти метро линиялари яхлит тизим сифатида бир-бирига уланади.

Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислоҳотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади.

Тўққизинчидан, келгуси йил аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади.

Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос "ижтимоий модели"га босқичма-босқич ўтилади.

Муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг нафар юртдошимиз фойдаланиши мумкин бўлади.

Эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишларимиз кўлами янада кенгайтирилади. Бунда 27 мингта ёки бу йилга нисбатан 2,5 баробар кўп оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалларини тўлаш ва кредит фоизларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилади.

Ўнинчидан, янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Келгуси йилда Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим.

"GSP+" тизими доирасидаги имтиёзларни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон яқинда Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Келгуси йилда корхоналарга хом ашё сотиб олиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади.

Экспорт қилувчиларга чет элда савдо уйлари ва дўконлар очиш ҳамда реклама харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Умуман, Ҳукуматга келгуси йилда товар ва хизматлар экспортини камида 20 фоизга ошириш вазифаси топширилади.

Ҳурматли парламент аъзолари!

Ислоҳотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади.

Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган. Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд. Сабаби – кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди.

Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган.

Афсуски, бундай раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига керақсиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолмоқда.

Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаяпти.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрласин. Бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштиришни назарда тутиш зарур.

Келгуси йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарур.

Иккинчидан, бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади.

Келгуси йил бошидан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ўзларининг қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул бўлади.

Депутат ва сенаторларни ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришга чақираман.

Шу ўринда яна бир масала – туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошини ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Масалан, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида 150 минг, Ургут туманида 500 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ёки Шайхонтоҳур тумани аҳолиси қарийб 350 минг, Бектемирда эса – 46 минг нафар. Лекин ушбу туманларда бошқарув ходимлари сони ва уларнинг иш ҳақи бир-биридан катта фарқ қилмайди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ўрта ва қуйи бўғин бошқарув идораларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, улардаги ходимлар сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

Учинчидан, маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш лозим.

Маҳаллий ҳокимлик ва кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган Қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислоҳотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур.

Ислоҳотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, **"маҳалла - жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси",** десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт.

Бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлади.

Шунингдек, маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш зарур.

Жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишларни бошлаб, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилади.

Бунинг натижасида бу янги эксперимент орқали биргина Ғиждувон туманида 8 миллиард сўм ёки Фарғона шаҳрида 11 миллиард сўм маблағ айнан аҳоли долзарб деб ҳисоблайдиган муаммоларни ҳал этиш учун сарфланади.

Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратишимиз керак. Бунда маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришиш имконияти яратилади.

Маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат Вазирлар Маҳкамаси билан бирга 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин. Ушбу ҳужжатларда ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши лозим.

Тўртинчидан, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлаб очиқ эълон қилинаётган давлат харидларига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.

Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Бундан ташқари, охирги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилингани бундан буён уларнинг қарор қабул қилишида очиқликни таъминлаш зарурлигини тақозо этмоқда. Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бир ой муддатда очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича таклиф киритсин.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизими жорий этилади.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади.

Бешинчидан, ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

Сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин жойларда барча раҳбарлар ҳам ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, берилган имкониятлардан фойдаланмоқда, аҳоли ва тадбиркорларга зарур шарт-шароит яратмоқда, деб айта олмаймиз.

Амалдаги назорат тизими эса кўпроқ формал тусга эга бўлиб, ижрони ташкил этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилмаяпти. Шунинг учун келгуси йилда бу борада янги иш тизими жорий этилади.

Энди Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилишдан иборат бўлади. Шу мақсадда Адлия вазирлигига зарур ваколат ва ресурслар берилади.

Шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, "жамоатчилик эшитувлари" ва "жамоатчилик мониторинги" тизими жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади.

Шунингдек, таҳлиллар асосида ижрога халақит бераётган ортиқча вазифа ва функциялар қисқартирилади.

Давлат идораларидаги ижро сифати ва ҳолатини вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларида, республика даражасида эса – Вазирлар Маҳкамасида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиёти жорий этилади.

Ҳукумат Адлия вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат бошқаруви академияси билан бирга бир ой муддатда ушбу тизимни жорий этиш бўйича зарур чоратадбирларни белгиласин.

Адлия вазирлиги барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали **"Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда",** деган мавзуда кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб, халқимизга ислоҳотлар моҳияти ва натижаларини етказиб бориш тизимини жорий этсин.

Олтинчидан, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир.

Хабарингиз бор, айни пайтда Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жой-

ларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди.

Аччиқ бўлса ҳам, тўғрисини тан олиб айтишимиз керак: бу ўрганишларимиз натижасида биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқди. Шулар асосида "Аёллар дафтари" шакллантирилмоқда, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилмоқда.

Бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган "Аёллар маслаҳат кенгашлари" ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Лекин бу ҳали аёллар муаммоларини ечиш учун биз бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишларнинг бошланиши, холос.

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Аёлларнинг андиша қилиб, биз – эркакларга айта олмаган дарду ташвишлари, кундалик муаммолари, орзу-ниятларини уларнинг ўзидан яхши тушунадиган инсон йўқ.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борган ислоҳотларимиз натижасида Парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Энди хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этишни таклиф қиламан.

Кенгашга бу борада катта тажрибага эга бўлган Сенатимиз Раиси Танзила Камоловна Норбоева раҳбарлик қилса, деган таклифни билдирсам, ўйлайманки, барчангиз мени қўллаб-қувватлайсиз.

Жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилиши энг тўғри йўл бўлади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни янги ташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун "Халқ банки" томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.

Олий Мажлис палаталари ва Ҳукумат бир ой муддатда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқсин.

Яна бир муҳим масала – нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Республика "Нуроний" жамғармаси томонидан кексаларга доимий ёрдам кўрсатилиши учун унинг молиявий имкониятлари янада кенгайтирилади. Бунинг учун кейинги йилда ушбу жамғармага бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини мазмунли ташкил этиш учун тўловлар миқдори оширилади ҳамда уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Шунингдек, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида янгидан ташкил этиладиган сиҳатгоҳларда ҳамда мавжуд дам олиш масканларида жами 25 мингдан ортиқ нуронийларнинг соғлиғи тикланади.

Марказий телеканалларимизда намойиш этилаётган "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" кўрсатуви сони кўпайтирилиб, мазмунан бойитилса, шунингдек, "Нуронийлар маслаҳати", "Маҳаллада гурунг" каби янги кўрсатувлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Еттинчидан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш зарур.

Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш

каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишларни ташкил этиш учун келгуси йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этишни таклиф қиламан. Ушбу вакил қуйи палата йиғилишларида иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиш бўйича таклифлар бериш ваколатига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Навбатдаги муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар том маънода "тўртинчи ҳокимият"га айланиб бормоқда.

Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин **ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг талаби.**

Биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб боряпмиз.

Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда.

Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.

Бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамларимизнинг далили сифатида куни кеча Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали "туҳмат" ва "ҳақорат қилиш" каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинди.

Келгуси йилда ҳам сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилади.

Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришнинг дастлабки даврида оммавий ахборот воситаларини кенг қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш, давлат идораларида ахборот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилган эди. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, уларни янада ривожлантириш, мустақил фаолият юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Агентлик фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Хабарингиз бор, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамларни қўйдик. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Биринчидан, янги йилдан бошлаб жорий этиладиган **"бир суд – бир инстанция"** тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим.

Ҳозирги кунгача вилоят судлари чиқарган қарор устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида кўриб чиқилар эди. Биргина 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган 13 мингта шундай қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Келгуси йилдан бошлаб бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибида кўриш амалиёти бекор қилинади.

Навбатдаги муҳим масала – янги йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та судлар битта суд сифатида бирлаштирилади. Бу янгилик аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратади. Шунингдек, келгуси йилдан суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд

ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади.

Яна бир муҳим янгилик – инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди.

Энди инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, "онлайн" тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.

Иккинчидан, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилади. Жумладан, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар босқичма-босқич қисқартирилади.

Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинади. Мазкур енгиллик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилади.

Учинчидан, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур. Ушбу ҳолатлар ҳали ҳам учраб тургани, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан икки ой муддатда ўз таклифларини ишлаб чиқиши зарур. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига "мониторинг ташрифлари" тизими йўлга қўйилиши керак.

Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Тўртинчидан, ўтган йили 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Бу билан 50 минг нафардан ортиқ шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилди.

Келгуси йилда бу ишларни давом эттириб, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини берсак, нима дейсизлар? Бу ўзгариш билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий қилинади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар яқин-узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жадаллаштиришимиз лозим.

Келгуси йилда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислоҳотларимизни давом эттирамиз. Хусусан, Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади. Ҳуқуқ тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилган ислоҳотларимиз изчил давом эттирилади.

Сўнгги йилларда республикамизда юз берган табиий ва техноген офатлар, куз-қиш мавсумида содир бўлаётган ёнғин ва бошқа кўплаб ноҳуш ҳолатлар бу борадаги мавжуд тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юртимизда барпо этилаётган кўплаб йирик объектлар ва баланд қаватли биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизимини ташкил этиш зарур. Шунингдек, соҳанинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини тубдан мустаҳкамлаш лозим.

Шу сабабли 2 ой муддатда "Фавқулоддаги ҳолат тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳамда юқорида қайд этилган муаммолар ечимига қаратилган Ҳукумат дастури ишлаб чиқилсин.

Ҳурматли сенатор ва депутатлар!

Қадрли меҳмонлар!

Келгуси йилда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият берилади.

Биринчидан, давлатимиз олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади.

Иккинчидан, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Мураккаб пандемия шароити биз бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва керак эканимизни яна бир бор яққол намоён этди. Бу ижобий жараёнларни чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқаро институти ташкил этилди.

Келгуси йили Тошкентда минтақамизнинг Жанубий Осиё билан муносабатларига доир юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилади.

Шулар қаторида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" халқаро анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Учинчидан, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтирамиз.

Ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлатлар билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарур.

Тўртинчидан, биз қўшни Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонамиз ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамни бундан кейин ҳам аямаймиз.

Афғон муаммосини ҳал этишга қаратилган глобал саъй-ҳаракатларга Тошкент Халқаро конференцияси ҳам мустаҳкам пойдевор яратди, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташладик. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга беқиёс хизмат қилади.

Бешинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Жорий йилда республикамиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан, кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

2021-2022 йилларда Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилиши бўйича ҳам жиддий тайёргарликни бошладик.

Олтинчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги бўйича эришаётган ютуқларимизни тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз.

Келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **"Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим"** глобал форуми, ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжумани, диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказамиз.

Еттинчидан, дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида "Ватандошлар" жамғармасини тузишни таклиф этаман.

Саккизинчидан, жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Барчангизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланади. Шу боис ушбу санани Ўзбекистонда **"Халқлар дўстлиги куни"** деб белгилашни таклиф этаман.

Тўққизинчидан, минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади.

Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги би-

лан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз.

Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани, Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг таҳлилларига кўра, пандемия хавфи ҳали узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Демак, инсоният бошидаги синовлар яна қанча давом этиши номаълум.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, нуфузли экспертлар прогнозига кўра, пандемия бутун дунёда инқирозли ҳолатлар, ижтимоий кескинлик, қашшоқлик каби муаммоларни кучайтириши мумкин.

Барчамизга аёнки, пандемиядан кейин дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси албатта ўзгаради.

Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли ва самарали бошқарув тизимига, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган аҳолига эга бўлган давлатлар пандемиянинг кенг тарқалиш хавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади. Буни Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди. Лекин эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, жаҳондаги вазиятга сергаклик билан қараб, барчамиз – ким бўлишимиз, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлаш ҳақида жиддий ўйлашимиз зарур.

Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.

Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш – Президентдан бошлаб, барча даражадаги раҳбарларнинг бош вазифаси бўлмоғи даркор.

Ана шу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда асосий талаб – давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу жараёнда натижадорлик ва сифатни оширишдан иборат.

2021 йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Президентлик сайлови бўлиб ўтади.

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Биринчи навбатда, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда шакллантириш керак.

Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу муҳим сиёсий кампания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Ўйлайманки, бугунги Мурожаатномада ўртага қўйилган устувор вазифалар бўйича парламентимиз, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, кўпни кўрган донишманд нуронийларимиз, ташаббускор ёшларимиз – кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Ҳукумат бир ой муддатда ана шу устувор йўналишлар ва вазифалар бўйича кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар, фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, **2021 йил Давлат дастурини ҳамда Ўзбекистоннинг пандемиядан кейинги тараққиёт дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз олдимизга қўйган марраларга эришиш учун бизда табиий ресурслар ҳам, куч ва имкониятлар ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Ортимизда, тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган кўп миллатли халқимиз – ҳаёт йўлларида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нуронийларимиз, меҳнаткаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

Энг муҳими, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда.

Биз барчамиз **"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!"** деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ўз орзу-мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз.

Бугун яхши ниятлар билан жуда катта марраларни ўзимизга белгилаб олмоқдамиз. 2021 йилда олдимизда ҳар қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турибди. Албатта, уларга эришиш осон бўлмайди. Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас.

Биз буларнинг барчасини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Йўлимизда катта ғов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш учун бошлаган ислоҳотларимизни оғишмасдан давом эттирамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишлашимизга тўғри келади.

Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.

Эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва ирода-ли бўлиб чиқмоқда. Ўзининг ҳаёти ва тақдири, келажаги Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.

Барчамизга ана шу улуғ сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни кириб келаётган янги – 2021 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, фарзандлар, набираларнинг камолини кўриш бахтини тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, катта раҳмат сизларга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди. https://president.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДАГИ ЙИҒИЛИШЛАР, УЧРАШУВ ВА ТАШРИФЛАР ХРОНИКАСИ

11 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига келди. Дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.

Мазкур ҳарбий қисмда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, барча замонавий қулайликлар яратилган. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

12 январь

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларнинг раҳбар ва қўмондонлик таркиби, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

13 январь

Президент Шавкат Мирзиёев машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари, генерал, офицер, сержант ва аскарларга табрик йўллади.

14 январь

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

14 январь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони йиғилганларни, барча ҳарбийларни, уларнинг оила аъзоларини байрам билан муборакбод этди.

Президент Шавкат Мирзиёев унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига сиҳат-саломатлик, зиммасидаги олижаноб вазифаларни самарали адо этишда улкан зафарлар тилади.

15 январь

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

19 январь

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланди.

Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди.

21 январь

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига жўнаб кетди.

Бухоро вилоятига ташрифнинг илк манзили Олот тумани бўлди. Президент олиб борилган ишларни кўздан кечирди.

Хусусан, Олот, Қоракўл, Жондор, Ромитан, Пешку ва Шофиркон туманларида 45 мингта уй, 204 та кўп қаватли турар жой таъмирланган. Мингдан ортиқ ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик

объектлари, йўллар, электр, газ ва алоқа тармоқлари тикланган.

22 январь

Бухоро вилоятига сафарини давом эттирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев эрта тонгда Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик ва саодат тилаб дуо ўқилди.

25 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Саудия кўп қиррали муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

27 январь

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форуми ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни илгари сурган эди.

Йиғилишда ўша форум ва Мурожаатномада айтилган таклифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

28 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин олий даражада илгари эришилган келишувларга мувофиқ, видеоанжуман шаклида учрашув ўтказдилар.

Ўзбекистон ва Корея етакчилари сиёсий мулоқотнинг бугунги ҳолати ва уни мустаҳкамлаш истиқболларини, савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат ва энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий алмашинув соҳаларида аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалаларини таҳлил қилдилар.

Томонлар БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида, шунингдек, юқори технологиялар, "яшил" ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги дастурларни илгари суриш мақсадида "Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасида яқиндан ҳамкорликни давом эттирадилар.

29 январь

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилларда бу ерга бир неча бор келиб, уни чиройли ва сифатли қилиб қуриш, дунё олимлари фикрини ўрганиб, мазмунини бойитиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Бу галги ташриф чоғида шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

UNESCO, ISESCO каби халқаро ташкилотлар, илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Марказ учун малакали гид-таржимонлар тайёрлаш, уларнинг мамлакатимизда ислом дини ёйилиши ва илм-фан ривожи бўйича ихтисослаштириш вазифаси қўйилди.

Бу ердаги илмий меросни ёшларга замонавий тарзда етказиш учун марказ қошида мультимедиа бўлими, қадимий хаттотлик анъаналарини кўрсатиш учун устахона-лаборатория ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

30 январь

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат кўрсатди.

Қуръон оятлари тиловат қилинди. Ислом Каримовнинг эзгу ишлари, олижаноб инсоний фазилатлари ёдга олинди.

2 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикасининг делегацияси – мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ҳаниф Атмар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргарни қабул қилди.

Афғонистон делегацияси аъзолари Ўзбекистон Президентига кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг саломи ва энг эзгу тилакларини етказдилар.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Тошкент шаҳрида етакчи халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокида ўтган Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳ биринчи йиғилишининг самарали якунлари юксак баҳоланди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Абдул Раззоқ Довуд Ўзбекистон Президентига учрашув ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдирди ҳамда Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Олий ва юқори даражадаги бўлажак учрашув ва мулоқотлар режаси келишиб олинди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашди.

Очиқ мулоқот чоғида партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари, бугунги кунда улар олдида турган асосий вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

4 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига келди.

Ташриф дастуридаги биринчи манзил – Олтиариқ туманидаги "Файзли боғлар сари" узумчилик кооперацияси бўлди.

Президент келган кооперациянинг 6 гектарлик токзори ўрнида илгари пахтадан 20, ғалладан 25 центнер ҳосил олинар эди. Ўтган йили бу ерда боғ яратилиб, "ҳусайни", "келин бармоқ", "ризамат" навли узум кўчатлари экилган. Қатор ораларида помидор, бодринг, кўкатлар, қалампир ва бошқа сабзавотлар етиштирилмоқда. Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган.

Энг муҳими, бу майдон 51 нафар ёшга, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирларига ажратиб берилган. Улар плёнка остига сабзавотлар экиб, тўрт мартагача ҳосил олиш мумкинлигини айтишди.

Шу ерда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимот қилинди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Риштон туманида қурилган Халқаро кулолчилик марказини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқ устаси Алишер Назиров устахонасида бўлди. Кўргазмага қўйилган кулолчилик буюмларини кўздан кечирди.

Президент таниқли кулоллар Музаффар Саидов ва Шарофиддин Юсупов хонадонига ҳам кириб, улар билан самимий суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев ўз уйида тикувчилик цехи очиб, маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлаган учкўприклик аёллар билан мулоқот қилди. Улар фаолиятини кенгайтириши учун логистикага қулай жойда замонавий комплекс қуриб бериш бўйича мутасаддиларга вазифа топширди.

5 февраль

Фарғона шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Сессияда аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифалари белгиланди.

Президент ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилда Фарғона вилоятидаги 19 та туман ва шаҳарда биттадан Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилиши, "Ёшлар: 1+1" лойиҳаси доирасида 8 мингдан зиёд ишсизлар тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитилиши белгиланди. Хотин-қизларнинг ўз ишини очишига кўмаклашиш, муҳтожларнинг уй сотиб олиши учун бошланғич бадал пулларини тўлаб бериш, ажралишларнинг олдини олиш муҳимлиги таъкидланди.

10 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Ашраф Ғани давлатимиз раҳбарига Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклаш масалаларида кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун биродар Афғонистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдирди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масаласи юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар ҳудудлар кесимида муҳокама қилиниб, мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берилди. Коммунал хизматлар тизимини янада яхшилаш, кўп қаватли уй-жой фондини ва лифтларни таъмирлаш, кўприкларни реконструкция қилиб, кадастрини яратиш зарурлиги таъкидланди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари жойлардаги "ўсиш нуқталари"дан келиб чиқиб, шакллантирилиши ҳамда маҳаллий Кенгашларга киритилиши белгиланди.

12 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига ташриф буюрди.

Президент Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тизимида фойдаланилаётган махсус техника ва воситаларни кўздан кечирди.

Ташриф чоғида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Шон-шараф музейи очилди. Давлатимиз раҳбари уни кириб кўрди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этди.

Йиғилишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги ишлари танқидий муҳокама қилинди.

17 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон Савдо Ташкилоти бош директори Нгози Оконжо-Ивеалага ушбу юксак ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан табрик йўллади.

Давлатимиз раҳбари ўз мактубида янги бош директор раҳбарлигида ушбу ташкилотнинг ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги самарали ислоҳотлар амалга оширилиши ҳамда глобал инқирозни бартараф этиш ва халқаро савдо муносабатлари тизимини янада ривожлантириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилишига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз тез фурсатда ЖСТга аъзо бўлиши масаласида яқиндан ҳамкорликни давом эттириши муҳим экани алоҳида таъкидланди.

18 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига борди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан суҳбатлашди, интенсив боғнинг инвестори билан мулоқотда бўлди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Чуст туманидаги "Chust textile" хусусий корхонасини бориб кўрди.

Президент корхонадаги иш жараёнини, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев "Даштбоғ" кичик саноат зонасида бўлди.

Шу ерда Наманган вилоятида йўл, транспорт, қурилиш ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Ахсикент ёдгорлигини очиқ осмон остидаги музейга айлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

* * *

Президент "Даштбоғ" кичик саноат зонасидаги корхоналарни кўрганидан кейин, маҳалладаги шароитларни кўздан кечирди. Исмоил Киргизов ва Малика Парпиева хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

"Даштбоғ" маҳалла идораси, Давлат хизматлари маркази филиали кўздан кечирилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги "Art soft holding" ширкатининг илмий-амалий малака ошириш маркази ҳамда "Ишга марҳамат" моно-маркази фаолияти билан танишди.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, мураббийлар, касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди. Давлатимиз раҳбари вилоятга келишдан асосий мақсади, ислоҳотларни амалга оширишда қийинчилик туғдираётган омиллар, Наманганнинг иқтисодий салоҳияти, ишбилармон одамлари ҳақида гапирди.

19 февраль

Наманган шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

- Хабарларинг бор, Наманган вилоятининг аввалги ҳокими Хайрулла Бозоров ислоҳотларимизни амалга ошириш бўйича кўп ишлар қилди. Бу ерда олинган сабоқ ва тажрибани иккинчи вилоятда ҳам қўллаш, одамларнинг бирини икки қилиш учун уни Фарғона вилоятига ҳоким қилдик. Энди Наманган вилоятига янги ҳоким тайинлаш масаласини кўриб чиқишимиз керак. Наманганнинг бугунги ривожига муносиб, уддабурон, халқпарвар, тадбиркорни қўллаб-қувватлайдиган одамни раҳбар қилиб сайлашимиз керак, – деди Президент.

Халқ депутатлари, нуронийлар, аёллар, ёшлар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Шавкат Абдуразоқов Наманган вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида Наманган вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш биринчи муҳим вазифа эканини таъкидлади. "Маҳаллабай" тизимда тадбиркорликни ривожлантириш учун 850 миллиард сўм кредитлар ажратишга кўрсатма берилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрининг "Бунёдкор" маҳалласини бориб кўрди.

Давлат раҳбари маҳалла раиси ва маслаҳатчиси билан мулоқотда бўлди.

Мутасаддиларга зарур муҳандислик тармоқларини тортиб, маҳалладаги шароитларни яхшилаш бўйича кўрсатма берилди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида бўлди. Шароитларни кўздан кечириб, бу ерда тарбияланаётган болалар билан суҳбатлашди.

Президент "Саховат" уйини ҳам бориб кўрди. Унинг биноси 1982 йилда қурилган.

- Менга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бирдек қадрли. Бугун жуда оғир кун бўлди, кўп масалаларни муҳокама қилдик. Самолётга ўтириб, қайтиш олдидан кўнглимдан сизлар ўтдингиз. Шу муаммони ҳал қилмасдан кетаманми, деб ўйладим. Менга "Саховат" уйларига эҳтиёжи бўлган нуронийлардан жуда кўп хатлар келади. Шуларни инобатга олиб, ижтимоий ҳимояни кучайтирамиз. 4 ой ичида Наманган шаҳрида "Саховат" уйи учун янги бино қуриб берилади. Сизлар муносиб шароитларда яшайсиз, даволанасиз. Сизларга соғлиқ ва узоқ умр тилайман, - деди Давлатимиз раҳбари.

22 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади. Коронавирус пандемияси муносабати билан кенгашнинг навбатдаги йиғилиши Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти форумнинг биринчи кунида, унинг ялпи қисмида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда демократик янгиланишларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш доирасидаги ишларнинг асосий вазифаларига батафсил тўхталиб ўтди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилояти ҳамда гидроэнергетика тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда соҳани трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президент лойиҳаларни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, сифат жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

24 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида йўл-транспорт тизимини яхшилаш ва янги йўллар қуришга оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда давлатимиз раҳбари Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тирбандликлар юзага келаётган ўндан ортиқ кўчада қисқа муддатларда қўшимча ҳаракат йўналишларини очиш бўйича топшириқ берди.

* * *

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда қайд этилганидек, жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини 702 минг тонна уруғ ва 105 миллион туп кўчат билан таъминлаш, пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

25 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Президент лойиҳаларни сифат ва қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш, иншоотларни қуришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

26 февраль

Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, ўз соҳаларида эришган ютуқларини рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш таклифи илгари сурилди.

2 март

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда маслаҳатчи Чакрабартининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсиялари кўриб чиқилди.

Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, давлат улуши мавжуд корхоналарни трансформация қилиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

3 март

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон-БАА ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш сифати масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир лойиҳа ипотека веб-порталига жойлаштирилиши ва барча учун очиқ эълон қилиниши, уйларнинг бўлажак эгаси сифатни назорат қилиш имконига эга бўлиши кераклиги таъкидланди.

4 март

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг (ИҲТ) видеоанжуман шаклида ўтган 14-саммитида иштирок этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида ўтган тадбирда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Эрон Президенти Ҳасан Руҳоний, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Покистон Бош вазири Имрон Хон, шунингдек, ИҲТ бош котиби Ҳади Сулаймонпур, минтақавий тузилмалар раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Саммит кун тартибига мувофиқ, COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Пандемия шароитида мамлакатларимиз иқтисодиётининг кучли ва заиф томонлари яққол кўрингани қайд этилди. Ушбу хатар минтақа мамлакатлари бир-бирига ўзаро боғлиқ экани, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш зарурлигини очиқ-ойдин намоён этди.

Шу билан бирга, ИҲТга аъзо мамлакатларнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия ташкилотга самарали раислик қилгани учун Президент Режеп Таййип Эрдоғанга миннатдорлик билдириб, раислик Туркманистонга ўтгани муносабати билан Президент Гурбангули Бердимуҳамедовни табриклади ва унга муваффақиятлар тилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, айниқса, Евроосиё маконидаги минтақаларнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган муҳим ташаббуслар ва аниқ таклифлар бирлашмага аъзо мамлакатлар етакчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

6 март

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Байрамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари хотин-қизларни ушбу айём билан табриклаб, уларга меҳри, эҳтиромини изҳор этди.

* * *

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ фаол хотин-қизлар юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотланган эди. 3 мартдаги Президент қарорига биноан эса йигирма саккиз нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Президент Шавкат Мирзиёев байрам тадбирида ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Шунингдек, жойларда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича намунали фаолият олиб бораётган 297 нафар хотин-қизга "Мўътабар аёл" нишонлари берилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатини бориб кўрди. Ётоқхона ва даволаш хоналарида яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари муассасада яшаётган фахрийлар билан суҳбатлашди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида 138 нуроний давлат таъминотига олинган. Президентимиз бу ерда маданий тадбирлар ўтказиш учун янги бино ҳамда пансионатга туташ 3 гектар майдонда Нуронийлар паркини барпо этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Видеоконференция тарзида ўтган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар

ижтимоий муассасалар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Касаба уюшмалари федерациясига "Саховат" уйларидаги барча нуронийларни ҳар йили бир марта юртимизнинг энг яхши санаторийларида соғломлаштириш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимларининг фидойилигини, меҳрибонлигини алоҳида таъкидлаб, уларнинг ойлик иш ҳақларини ошириш бўйича кўрсатма берди.

9 март

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва уни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва самимий тилакларини етказди.

Халқаро сиёсат ва минтақавий шериклик, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

11 март

Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксаройда Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг тор доирадаги музокараси бўлиб ўтди.

Очиқ ва дўстона руҳда ўтган учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини юқори баҳолади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг кенг кўламли масалалари муҳокама қилинди.

12 март

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садир Жапаров Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтқазди.

* * *

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги технопаркка ташриф буюрди.

Қирғизистон Президентига технопаркдаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар - маиший техникалар, электрон газ ҳисоблагичлар, лифтлар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совитиш тармоқлари ҳақида маълумот берилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистоннинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Федерал канцлери Ангела Меркель билан видеоанжуман шаклида музокара ўтказди.

Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг учрашуви кун тартибидан жаҳонда мураккаб эпидемиологик вазият оқибатида инқирозли ҳодисалар кучайиши шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти ва Германия Канцлери икки йил аввал Берлин шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилаётгани икки томонлама муносабатларнинг барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

15 март

Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда кўп қиррали Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

16 март

Президент Шавкат Мирзиёев "ЛУКОЙЛ" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда Россиянинг етакчи нефть-газ компанияси иштирокидаги устувор инвестиция ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилишининг бориши тўғрисида батафсил маълумот берди.

Суҳбат чоғида пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

17 март

Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида икки мамлакат етакчилари яқинлашиб келаётган баҳорий айём – Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, қардош халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденевни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси якунлангани муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Россиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасига 11 йилдан ортиқ вақт мобайнида раҳбарлик қилиб келаётган элчи Владимир Тюрденевнинг икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Россия элчисини давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади.

18 март

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Чиноз туманига борди. Сув хўжалигида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Чиноз туманидаги "Эшонобод" маҳалласини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари "Қўжакент текстил груп" корхонасидаги иш жараёнини кўздан кечирди, шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги "TCT Cluster" кластери томонидан бунёд этилган шолини қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

* * *

Чирчиқ – Тошкент вилоятининг энг йирик шаҳарларидан бири. Ҳудуд ривожлангани сари аҳоли сони ҳам ортиб бормоқда. Шаҳарнинг "Шодлик" маҳалласида қурилган 4 та 16 қаватли уй аҳолининг ўсиб бораётган талабини таъминлашга қаратилган. Уларда жами 288 хонадон бўлади. Тўрталаси ҳам шу йил фойдаланишга топширилади. 17 та хонадон ногиронлиги бор ҳамда уй-жойга муҳтож аёлларга, 15 таси ўз соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатаётган ёш оилаларга ажратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилишнинг бориши билан танишди.

* * *

Президент Чирчиқ шаҳрига ташрифи чоғида "Ифтихор" маҳалласига кириб кўрди. Кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманидаги "Евро Глобал Инвест" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишди.

19 март

Нурафшон шаҳрида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Даврон Хидоятов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

Халқ депутатлари, вилоят фаоллари сўзга чиқиб, номзод ҳақида фикрларини билдиришди. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Даврон Хидоятов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Тошкент вилоятида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказилди.

Президент мактаб ва боғчаларни қуриш билан бирга таълим мазмунини бойитиш, энди қамровдан сифатга ўтиш кераклигини таъкидлади. Аҳоли учун қулай жойда замонавий шифохона ташкил этиб ҳамда уни клиник база қилиб, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

21 март

Тошкент шаҳридаги "Humo Arena" мажмуасида Наврўз байрами шодиёнаси бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари кўп миллатли халқимизни Наврўз байрами билан табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

Давлатимиз раҳбари Наврўз байрамини нишонлаётган барча халқларга, хорижий ҳамкорларга табрик ва саломларини йўллади.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Наврўзга бағишланган тантанали маросимдан сўнг, байрам сайлида иштирок этди. Сайилга келган одамлар билан суҳбатлашиб, уларни табриклади.

Давлатимиз раҳбари миллий маданият марказлари, фольклор-этнографик жамоалар чиқишларини кузатди. Ёш ижрочиларга доим ўқиш ва изланишда бўлиш кераклигини таъкидлаб, ижодий муваффақиятлар тилади.

22 март

Президент Шавкат Мирзиёев 22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига табрик йўллади.

23 март

Президент Шавкат Мирзиёев халқаро консультантлар – Альфред Гузенбауэр, Александр Квасьневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва институционал жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашилди.

Учрашув якунида яқин ҳамкорлик ва фаол алмашинувларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди. Яқин истиқболдаги амалий ҳамкорликнинг биринчи галдаги вазифалари ва формати келишиб олинди.

24 март

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда шу борадаги амалий ишлар муҳокама қилинди.

26 март

Президент Шавкат Мирзиёев Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Тошкентда бўлиб турган Қирғиз Республикаси Бош вазири Улукбек Мариповни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

30 март

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, бу учрашув икки давлат ўртасидаги алоқаларда янги даврни бошлаб беришини таъкидлади.

Музокарада сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

31 март

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтказилган норасмий саммитида иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мустаҳкам тарихий ришталар, муштарак тил, маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси таъсирида давом этаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш йўлида кенгашнинг яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Минтақамизнинг улкан стратегик аҳамиятга эга транспорт ва транзит салоҳиятидан янада унумли фойдаланишга, Осиёдаги глобал бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё ҳудудида транспорт йўлакларини, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа бозорларига элтувчи йўналишларни ривожлантириш, логистика инфратузилмасини кенгайтириш бўйича йирик лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга чақирди.

Шавкат Мирзиёев Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас қадамжолар бўйлаб "Табаррук зиёрат" лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирди. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди. https://president.uz

**Маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси /
Махалля – это светлое лицо нашего общества и зеркало нашей совести /
The makhalla is the bright face of our society and the mirror of our conscience**

Адҳам БЕКМУРОДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ректори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СТРАТЕГИК ТАШАББУСИ: "МАҲАЛЛАБАЙ" ИШЛАШ ТИЗИМИ МАҲАЛЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан бундан 5 йил олдин бошланган давлат сиёсатининг энг муҳим тамойилларидан бири – очиқлик ва шаффофлик тамойили, хусусан, давлат идоралари ва кенг халқ оммаси орасида очиқ мулоқотни ташкил этиш, аҳолининг зарур эҳтиёж ва муаммоларини аниқлаш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда намоён бўлмоқда. Мамлакат сиёсий лидерининг давлат сиёсатидаги бундай стратегик ёндашуви дунёнинг энг илғор демократик давлатлари раҳбарлари олға сураётган қарашлардан бир неча йил олдинда эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Масалан, Президент Э.Макрон Франциянинг дунёга машҳур ҳисобланган, мамлакатнинг сиёсий элитасини тайёрлашга ихтисослашган Миллий бошқарув мактабини 2021 йили тугатиб, унинг заминида Давлат хизмати институтини ташкил этар экан, ўз қароринининг энг муҳим асосларидан бири сифатида давлат хизматчилари аҳолининг энг қуйи қатлами эҳтиёжларини етарли даражада билмаслиги, мазкур мактаб эса давлат идоралари масъулларини халқ билан очиқ мулоқотга тайёрлай олмаётганлигини таъкидлаган эди. Президентнинг фикрича,"Франция қачон ислоҳ қилинади, қачонки элита ва халқ қуйида бир-бирини ўзаро тушунса ҳамда якдиликда ҳаракат қилса". Хусусан, Франция лидери томонидан "Ишчилар, хизматчилар ва фермерлар фарзандлари, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшлар юксак хизматнинг жамиятдаги тимсоли бўлиши жуда ҳам муҳим"лиги таъкидланган.

Ўзбекистоннинг сиёсий лидери ва миллат раҳнамосининг яна бир муҳим ғояси жамиятда ижтимоий адолат тантанасига эришиш, хусусан, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун тенг ва муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу борада давлат идоралари жараёнга эмас, балки натижага интилиши ва эришишининг таъминланишидан иборат. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан таклиф этилган ҳудудларда "маҳаллабай" ишлаш тизимининг йўлга қўйилиши - йиллар давомида давлат сиёсати устуворликларида ҳеч кўзга ташланмаётган қишлоқ, маҳалла ва овулларда аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими механизми сифатида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш мана шундай ижтимоий адолатнинг юзага чиқиши ҳисобланади.

* * *

Кейинги тўрт йилдан ортиқ давр давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга катта эътибор

қаратилмоқда. Қисқа муддат давомида ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани бунинг яққол далилидир.

Бундай эътиборнинг қатор сабаблари бор, албатта. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз"[1].Маҳалла институти ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, у миллий давлатчилигимизда ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳақдаги маълумотларни Наршахийнинг "Бухоро тарихи", Алишер Навоийнинг "Ҳайрат-ул аброр" ва бошқа тарихий асарларда учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат идораларининг қабул қилаётган қарорлари ўта марказлашганлиги эътироф этилди. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида "Маҳалла - жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси" деб эълон қилиниб: "... барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт"[2] эканлиги таъкидланди.

Маълумки, маҳалла институти ёш авлод тарбияси, оила юритиш ва мустаҳкам оилани шакллантириш, миллий қадриятлар, одатлар ва анъаналарни асраб-авайлаш, аҳоли орасида иноқ-аҳилликни, тинчликтотувликни сақлашда катта роль ўйнаши билан бирга, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишнинг таъсирчан тизимидир.

Маҳалла институти миллий давлатчилигимизнинг асосий қуйи бўғини бўлиб, ўзини ўзи бошқариш тамойилларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди", деб белгиланган [3; 60]. Шу билан бирга, ушбу тузилманинг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини янада оширишга давлат томонидан кўмаклашиш масаласи ҳам алоҳида эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги стратегик ташаббуси маҳалла бошқаруви салоҳиятини тубдан ошириш, маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудуддаги аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига камбағалликни қисқартиришга эътибор қаратиш, бунинг учун ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бўйича янги тизимни жорий этишга, "маҳалла раиси - ислоҳотчи" тамойилига асосланган ҳолда ушбу тизимни халқпарвар қилишга қаратилган.

Ушбу стратегик ташаббус билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида илгари сурилган ташаббусларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро амалиётга кўра ўзига хос бўлган "маҳаллабай" ишлашнинг 3 бўғинли вертикал тизими (1-расм) ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги бўғинларни ўз ичига олади:

биринчи бўғин - маҳалла раиси ва маҳаллага тижорат банки томонидан бириктирилган доимий вакил. Банкларнинг малакали мутахассислари ҳар бир маҳаллага

бир нафардан (кичикроқ ва бир-бирига яқин бўлган иккита маҳаллага бир нафар) доимий вакил сифатида бириктирилган. Бугунги кунда республикамиз бўйича 9190 та маҳаллага жами 9100 нафардан ортиқ банк вакиллари бириктирилган. Ушбу доимий вакиллар орқали маҳаллада ишсиз аҳолини, ёшлар ва аёлларни касб-ҳунарга ўргатиш ва тадбиркорликка ўқитиш ташкил қилинади. Шунингдек, ушбу вакил орқали тадбиркорларга кредит олиш ва тижорат лойиҳаларини амалга оширишда ёрдам берилиб, маҳалла раислари ва фаоллари билан тизимли иш олиб борилади;

иккинчи бўғин - секторлардаги бошқарув офислари. Бошқарув офислари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман (шаҳар)ларда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилиб, республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бўлади. Бундай бошқарув офислари республикамиздаги 206 та туманнинг ҳар бирида 4 тадан мавжуд. Бошқарув офислари мутахассислари маҳаллага бириктирилган доимий вакиллар билан бирга, жойлардаги шароитни ўрганиб, лойиҳаларни шакллантиради ва амалга оширишга кўмаклашади;

учинчи бўғин – туман (шаҳар) ва вилоят мувофиқлаштирувчи гуруҳлари. Республика бўйича вилоят даражасида 14 та, туман (шаҳар) даражасида 206 та мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилган. Ушбу гуруҳларга тегишлилиги бўйича вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади.

1-расм. "Маҳаллабай" ишлашнинг уч бўғинли тизими

Юқорида келтирилган ҳар бир бўғин вакилларининг ўзига хос вазифалари бор ва улар бир-бирини тўлдириб боради. Масалан, маҳалла раислари ва доимий вакиллар томонидан маҳаллани ўрганиш натижалари асосида бошқарув офислари томонидан ҳар бир маҳалланинг иқтисодий салоҳияти, "ўсиш нуқталари" ва "драйвер" соҳаларини эътиборга олган ҳолда тадбиркорлик лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширишни таъминлайди. Бошқарув офислари маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ҳам асосий функционал вазифаларни бажаради. Бошқарув офислари ва маҳаллаларга бириктирилган доимий вакиллар томонидан маҳаллада аниқланган муаммоларни вилоят ва туман мувофиқ-

лаштирувчи гуруҳлари томонидан жойида бартараф этиш чоралари кўрилади.

Ҳудудларда "маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиал орган - Республика комиссияси ҳам тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 15-16 апрель кунлари Самарқандга ташрифи давомида маҳаллабай ишлашнинг янада янги тузилмаси илгари сурилди ва ушбу тузилмани 1 майдан бошлаб Пастдарғом туманида, 1 июлдан бошлаб вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида жорий этиш топширилди. Маҳаллабай ишлашнинг янги тузилмасига кўра, туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари тузилмасида Маҳаллабай ишлаш маркази ташкил этилади ва ҳар 3 та маҳаллага 1 тадан инспектор бириктирилади. Маҳалла раисининг томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари штати ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бошқарувига ўтказилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган стратегик ташаббуснинг негизи ҳисобланган "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизими вужудга келди. Ушбу тизимнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган юртдошларимиз муаммоларини "хонадонбай" ҳал этиш ҳамда камбағалликни қисқартиришда маҳалланинг роли янада оширилди;

- ҳар бир маҳалланинг муаммоларини тоифаларга таснифлаган ҳолда "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш ҳамда "драйвер" соҳаларни белгилаш асосида маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқишга замин яратилди;

- инфратузилмавий муаммоларни ечишнинг тезкор ҳамда тизимли ёндашуви ишлаб чиқилди;

- оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда аҳолининг реал эҳтиёжларини инобатга олиш ҳамда тадбиркорликка давлат кўмагини манзилли ташкил қилиш ва янги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга шарт-шароит яратилди;

- жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишлар бошланиб, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди бу ваколатни янада кенгайтирилиб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартибнинг жорий этилиши белгиланди;

- аҳоли бандлигини қоғозда эмас, амалда ташкил қилиш, касбга ўргатиш, меҳнат орқали хонадонларнинг даромадини ошириш имкониятлари кенгайди;

- давлат бошқаруви органларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилди, ҳар бир вазирлик ва идоралар ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириши ва ташкил этиши, амалдорларнинг фаолиятига жойларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо бериш жараёнига старт берилди.

Албатта, мамлакатимизда юз бераётган бундай улкан ўзгаришларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳам дахлдорлик ҳисси билан ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Албатта, ҳар қандай янги тизимнинг муваффақиятли ишлаши, аввало, иштирокчиларнинг тизимнинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда мақсадли хатти-ҳаракат қилишига боғлиқдир. Шунинг учун Академия "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизими мазмун-моҳиятини очиб бериш, иштирокчиларга зарурий билим ва кўникмаларни беришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишлар, асосан, қуйидаги 4 босқичда амалга оширилди:

1. Интенсив семинар-тренинглар ва очиқ мулоқотларни ўтказишга тайёргарлик. "Маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимига доир 20 соатлик (2 кунлик) махсус интенсив семинар-тренинглар ва очиқ мулоқотлар ўқув режа-дастури ҳамда 12 соатлик (2 кунлик) масофавий ўқув семинари режа-дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда ишчи тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари билан келишилди.

Уларда ҳар бир маҳалланинг "ўсиш нуқтаси"дан келиб чиқиб, маҳаллаларга ва туман (шаҳар)ларга бириктирилган республика вазирлик, идоралар ва тижорат банкларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, чуқур таҳлил асосида "драйвер" соҳаларни белгилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликдан чиқаришда "маҳаллабай" ишлаш бўйича янги тизимнинг мазмунини тушунтиришга доир мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Интенсив семинар-тренинглар ва очиқ мулоқотларни ўтказиш учун Академия, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ҳамда ҳудудий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари орасидан 50 нафардан зиёд тренерлар гуруҳи тайёрланди. Ўқув режадастурга киритилган барча мавзулар бўйича ўқув материаллари (тақдимот слайдлари) тайёрланди ва барча ҳудудлардаги иштирокчиларга тарқатилди.

2. Интенсив семинар-тренинг ва очиқ мулоқотларни ҳудудларга чиққан ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш. Ҳудудларга чиққан ҳолда туман (шаҳар)лар кесимида ўтказилган "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимига доир интенсив семинар-тренинг ва очиқ мулоқотлар қамрови республикамизнинг 7 та ҳудудини ўз ичига олди. 2020 йилнинг 23 декабридан 2021 йилнинг 14 март кунига қадар ўтказилган ўқишлар давомида Хоразм, Бухоро, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг жами 17 870 нафар секторлар раҳбарлари ва котиблари, иқтисодий блок ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролари йиғини раислари ва раис ўринбосарлари иштирок этдилар.

1-жадвал

Давлат бошқаруви академияси томонидан республика туман (шаҳар)ларида "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича ташкил этилган интенсив семинар-тренинглар ва очиқ мулоқотлар тўғрисида маълумот

№	Ҳудудлар номи	Иштирок этганлар сони
1.	Хоразм вилояти	520
2.	Фарғона вилояти	3655
3.	Тошкент шаҳри	550
4.	Наманган вилояти	2460
5.	Бухоро вилояти	1547
6.	Тошкент вилояти	3760
7.	Сурхондарё вилояти	2583
	Жами:	**17870***

***Изоҳ:** 2795 нафар иқтисодий блок вакилларини қўшиб ҳисоблаганда. Интенсив семинар-тренинг ва очиқ мулоқотларга туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ва котиблари, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллаларга бириктирилган тижорат банкларининг ходимлари - доимий вакиллар жалб этилди.*

3. Вилоятлар, туман (шаҳар)лар сектор раҳбарлари ва бошқа раҳбар кадрлар учун интенсив семинар-тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш. Ушбу интенсив семинар-тренинглар жорий йилнинг 6-24 март кунлари республикамизнинг 11 та ҳудудида ўтказилди.

"Маҳаллабай" ишлаш тизимини самарали ташкил этиш мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан семинар-тренингларни юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходимлари, Марказий банк, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,

Давлат солиқ қўмитасининг раҳбар ходимлари, Давлат бошқаруви академиясининг тажрибали профессор-ўқитувчилари жалб этилди.

Семинар-тренингларда жами 2 832 нафар масъуллар иштирок этдилар. Жумладан, вилоят сектор раҳбарлари (56 нафар), вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари (77 нафар), туман (шаҳар)ларнинг сектор раҳбарлари ва котиблари (689 нафар), туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари (773 нафар), вилоят ташкилотлари раҳбарлари (715 нафар), тижорат банклари раҳбарлари ва ходимлари (522 нафар) иштирок этдилар.

2-жадвал

Вилоятлар, туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари, ҳокимлар ўринбосарлари, ташкилот раҳбарлари, тижорат банклари раҳбарлари ва ходимлари учун ҳудудларда ўтказилган семинар-тренинглар

№	Ҳудудлар номи	Иштирок этганлар сони
1.	Сурхондарё вилояти	318
2.	Андижон вилояти	274
3.	Қорақалпоғистон Республикаси	309
4.	Хоразм вилояти	237
5.	Қашқадарё вилояти	234
6.	Жиззах вилояти	254
7.	Сирдарё вилояти	230
8.	Самарқанд вилояти	345
9.	Навоий вилояти	175
10.	Бухоро вилояти	255
11.	Тошкент шаҳри	201
	Жами:	**2832**

4. Интенсив семинар-тренингларни масофавий шаклда ташкил этиш ва ўтказиш. Жорий йилнинг 30 март - 10 апрель кунлари давомида республикамизнинг 9 та ҳудудида "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимига доир масофавий интенсив семинар-тренинглар ташкил этилди ва ўтказилди. Ушбу масофавий ўқишларда жами 18 760 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раислари, уларнинг ўринбосарлари, профилактика инспекторлари, доимий вакиллар, секторлар ҳамда тумандаги иқтисодий комплекс вакиллари жалб этилди.

Ўтказилган интенсив семинар-тренингларда республикада жорий этилаётган янги 3 бўғинли "маҳаллабай" тизимининг мазмун-моҳиятини тушунтириш билан бирга, ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллалар ўсиш нуқталари ва драйвер соҳаларни аниқлаш, давлат томонидан берилаётган субсидия ва компенсация механизмларидан самарали фойдаланиш, маҳалладаги мавжуд томорқа хўжаликлари салоҳиятидан, бўш бино ва иншоотлар ҳамда ер участкаларидан самарали фойдаланиш, кичик саноат зоналарига тадбиркорлик лойиҳаларини жойлаштириш бўйича маслаҳатлар бериш, "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"ни шакллантириш, юритиш ва дафтардан чиқариш тартиби, маҳалланинг салоҳиятини эътиборга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, ижросини таъминлаш, мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш юзасидан муҳокама, суҳбат-мунозаралар ташкил этилди.

Умумий ҳисобда "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимига доир интенсив семинар-тренингларда республикамизнинг 14 та ҳудудидан 39 462 нафар масъуллар ўқитилиши таъминланди.

Шу билан бирга, республикамизнинг 7 та вилоятида туманларнинг "қизил ҳудуд"га кирган 150 дан ортиқ олис маҳаллаларида "маҳаллабай", "хонадонбай", "фуқаробай" ишлашнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш мақсадида фуқаролар билан индивидуал очиқ мулоқот ташкил этилди. Маҳаллаларнинг фаоллари билан ташкил

этилган суҳбатлар натижасида хонадонларнинг даромад манбалари, фуқароларнинг қизиқишлари ва салоҳияти ҳамда ушбу салоҳиятдан фойдаланган ҳолда ижтимоий аҳволни яхшилаш имкониятлари ўрганилди ва тегишли тавсиялар берилди.

3-жадвал

Давлат бошқаруви академияси томонидан "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича ҳудудларда ўтказилган масофавий интенсив семинар-тренинглар тўғрисида маълумот

№	Ҳудудлар номи	МФЙ сони	Иштирок этганлар сони				
			МФЙ раислари	МФЙ раиси ўринбосарлари	Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ва котиблари	Иқтисодий комплекс вакиллари ва доимий вакиллар	Жами
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	416	403	1007	68	205	1683
2.	Андижон вилояти	882	866	2566	64	32	3528
3.	Жиззах вилояти	295	291	476	48	151	966
4.	Қашқадарё вилояти	771	788	1539	60	585	2972
5.	Навоий вилояти	307	301	609	44	47	1001
6.	Сирдарё вилояти	225	211	446	40	65	762
7.	Хоразм вилояти	519	448	1048	48	524	2068
8.	Тошкент шаҳри	524	502	1022	42	346	1912
9.	Самарқанд вилояти	1100	1074	2150	64	580	3868
	Жами:	**4515**	**4884**	**10863**	**478**	**2538**	**18760**

Бундан ташқари, Академия ректори, тегишли секторлар раҳбарлари ва вилоят ҳокимлигининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ишлашга масъул ходимлари иштирокида вилоятнинг энг чекка ҳудудларидаги 200 дан ортиқ хонадонларда реал ҳолат ўрганилиб, ижтимоий оғир аҳволдаги хонадон ва фуқароларга турли шаклда амалий ёрдам кўрсатилди.

Академия томонидан илгари сурилган ташаббуслардан яна бири иқтидорли ёшларни камол топтириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 31 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда иқтидорли ёшларни маънавий-маърифий рағбатлантириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш ҳамда маҳалла фаоллари билан мақсадли мулоқотини йўлга қўйиш учун Тошкент шаҳри Янги ҳаёт туманининг 292-сонли мактаб ўқувчилари ва "Бинокор" маҳалла фуқаролари йиғинининг фаолларини жалб этган ҳолда махсус дастур асосида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбир "Янги Ўзбекистон бунёдкорлари: ёшларга илҳом ва ишонч берайлик" деб номланган бўлиб, унинг қатор ижобий натижалари асосида бутун республика ҳудудида шу тадбирни оммалаштириш бўйича ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мазкур тадбирнинг ўтказилиши "2021 йил - Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" муносабати билан республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган кам таъминланган иқтидорли ёшларда ислоҳотларга ва ўзгаришларга ишонч ҳамда дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган яратувчанлик лойиҳалари натижалари билан таништириш, уларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ҳамда турли бузғунчи ва ёт ғояларга муросасизлик руҳида тарбиялаш, билим олишга, маънавий етук ва жисмонан соғлом бўлишга, ўз

иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришга, ўз тақдири ва мамлакатимиз порлоқ келажагининг ҳақиқий эгаларига айланишга илҳомлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, бу каби тадбирлар маҳалла фаоллари ва ёшлар ўртасида самимий мулоқот ва очиқликка замин яратиши билан бирга, маҳалладаги умумий руҳиятни кўтаради. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, том маънода, "Маҳалла - жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси"га айланади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига табриги. https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-mahalla-tizimi-khodimlari-va-faollariga.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2018.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик ташаббуси: "маҳаллабай" ишлаш тизими маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг самарали механизми сифатида

Адҳам Бекмуродов,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори

Аннотация: *мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда жорий этилган "маҳаллабай" ишлаш тизимининг ижтимоий-тарихий, сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий моҳияти, мазкур тизимнинг жамиятда ижтимоий адолатга эришишдаги роли, ишлаб чиқилган 3 бўғинли вертикал тизим доирасида республика ҳудудларида амалга оширилаётган аниқ амалий чора-тадбирлар, уларнинг натижалари хусусида сўз юритилиб, илмий-назарий хулосалар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *стратегик ташаббус, "маҳаллабай" ишлаш тизими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, "маҳалла раиси - ислоҳотчи", 3 бўғинли вертикал тизим, "ўсиш нуқталари", "драйвер" соҳалар, бошқарув офислари.*

Стратегическая инициатива Президента Республики Узбекистан: система работы в махаллях как эффективный механизм социально-экономического развития махаллей

Адхам Бекмуродов,
доктор экономических наук, профессор, ректор Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье раскрываются социально-историческое, политико-экономическое и правовое значение системы работы в махаллях, внедренной в стране по инициативе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, роль данной системы в достижении социальной справедливости в обществе, определены практические меры, осуществляемые в регионах республики в рамках разработанной трехэтапной вертикальной системы, достижения, а также выдвинуты научно-теоретические заключения.*

Ключевые слова: *стратегическая инициатива, система работы в махаллях, социально-экономическое развитие,"председатель махалли - реформатор", трехэтапная вертикальная система,"точки роста","драйвер" - сферы, офисы управления.*

Strategic initiative of the President of the Republic of Uzbekistan: the "makhallabay" system of work as an effective mechanism for the socio-economic development of makhallas

Adkham Bekmurodov,
Doctor of Economics, Professor, Rector of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article reveals the socio-historical, political, economic and legal significance of the system of work in makhallas introduced in the country on the initiative of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev. The role of the system in achieving social justice in the society, defined in the regions of the republic within the framework of the developed three-stage vertical system, as well as achievements have been considered, besides scientific and theoretical conclusions have put forward.*

Keywords: *strategic initiative, "mahalla" system of work, socio-economic development, "chairman of the mahalla is a reformer", three-level vertical system, "points of growth", "driver" zones, management offices.*

**Бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари /
Организационно – правовые основы управления /
Legal bases of management**

Иса ХАМЕДОВ,
*доктор юридических наук, профессор,
руководитель Центра международно-правовых исследований
и сравнительного публичного права УМЭД*

РАЗВИТИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ БОРЬБЫ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ВОЗМОЖНОСТИ

В нашей стране проводится, особенно в последние годы, большая организационно-правовая работа по противодействию коррупции. Достаточно отметить принятые нормативно-правовые акты, институциональные решения, создание специальных структур в данной сфере, в частности: Указы Президента "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан", "О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан", Законы РУз "О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения", "О противодействии коррупции" [1], а также создание Специальной государственной комиссии по выработке мер, направленных на повышение эффективности деятельности в сфере противодействия коррупции, и Агентства по противодействию коррупции - специально уполномоченного госоргана, ответственного за формирование и реализацию госполитики в сфере предупреждения и противодействия коррупции, подчиняющегося Президенту и подотчетного палатам Олий Мажлиса, которое в настоящее время занимается разработкой Национальной стратегии противодействия коррупции на 2021-2025 годы [2].

Однако нужно иметь ввиду, что эффективный антикоррупционный механизм - это не только специальные антикоррупционные институты (антикоррупционное ведомство, антикоррупционная экспертиза). Прежде всего, это подразумевает современные институты публичного права, присущие правовому государству, которые суммарно создают антикоррупционную институциональную среду. Вот эти институты:

- Административные процедуры – надежная связанность административных органов в процессе применения власти.

- Административная юстиция - надежный судебный контроль правомерности решений и действий административных органов.

- Государственная служба - кадровая политика, основанная на достоинствах и заслугах, обеспечивающая выдвижение лучших и наиболее способных, а также отсев недостойных.

- Качественное нормотворчество на основе оценки регуляторного воздействия (ОРВ) - качественная подготовка законопроектов, иных регуляторных мер, оценка результатов и последствий и постоянное совершенствование правового регулирования.

- Современное умное государственное управление.

Если указанные институты выстроены и функционируют правильно, коррупционные риски снижаются до минимума. И тогда их нетрудно держать под контролем за счет специальных антикоррупционных институтов. Но если в этих основополагающих институтах нет уверенности, то нельзя рассчитывать и на успех антикоррупционной политики.

Все эти направления включены в повестку дня реформы: отражены в стратегических и программных документах (Концепция административной реформы, Концепция совершенствования нормотворческой деятельности, Государственные программы реализации Стратегии действий 2017-2021).

Коротко осветим достигнутые рубежи, возможности и перспективы развития по каждому направлению.

Административные процедуры. Самое главное - принят и вступил в силу Закон Республики Узбекистан "Об административных процедурах" (далее - ЗАП). К сожалению, как показали исследования, Закон не исполняется. Но тем самым вскрылись фундаментальные пороки правоприменительной практики и правовой системы в целом. Беспрецедентное явление в истории нашей правовой системы: ЗАП тотально и повсеместно был проигнорирован всеми правоприменительными органами страны, включая суд. Благодаря своему уникальному реформаторскому потенциалу ЗАП стал лакмусовой бумажкой, выявившей реальную готовность отечественной правовой системы к кардинальным изменениям. Оказывается, бюрократическая инерция при попустительстве суда вполне способна практически полностью блокировать действие прогрессивного Закона, который принят Олий Мажлисом и подписан Президентом. Тут есть, над чем задуматься. Конечно, работа по имплементации проделана плохо. Не проведена на должном уровне переподготовка госслужащих и судей. Не были вовремя разработаны справочные и методические материалы. Эти недоработки сейчас исправляются.

В текущем году при поддержке ПРООН написано пособие по применению ЗАП для госслужащих. Подготовлен Научно-практический комментарий к ЗАП. Обе работы написаны доступным языком, но на уровне современной мировой науки и с учетом передового зарубежного опыта. В настоящее время они готовятся к изданию.

Параллельно Экспертной группой Минюста РУз. подготовлен проект новой редакции ЗАП. Устранены недостатки действующей редакции, сняты проблемные вопросы, которые остались со времени прошлой законотворческой кампании.

Минюстом РУз. готовятся серьезные меры по систематизации (будут охвачены более 90 законов и 500 подзаконных НПА) и переподготовке кадров юридических служб административных органов.

Но все-таки важно обратить внимание на то, что никакие недостатки действующей редакции или недоработки по части имплементации Закона не объясняют и не оправдывают тотальное пренебрежение к ЗАП, которое продемонстрировали наши правоприменители. Исследования, которые мы провели в 2019 г. в рамках контрольно-аналитической деятельности Сената, показали, что юридические службы административных ведомств и хокимиятов не переподготовлены, не обучены применять ЗАП и даже плохо осведомлены о новом Законе. По данным Верховного суда, административные суды применили ЗАП всего 24 раза в более, чем 4000 рассмотренных спорах. При этом соразмерность, ключевой принцип административной процедуры не была проверена ни разу. Известно, что в некоторых очень резонансных делах ЗАП не был применен, несмотря на настойчивые требования заявителя, ни в одной из трех инстанций административного суда.

Здесь мы выходим на проблему другого важного направления работы: реформирование законодательных основ нормотворческой деятельности. В 2019 г. был подготовлен проект новой редакции Закона "О нормативно-правовых актах".

В целом, давая научную оценку рассматриваемому законопроекту, необходимо

отметить, что он в отличие от ранее действовавшего закона значительно расширил предмет регулирования: помимо собственно нормативно-правовых актов, в нем значительное внимание уделяется процедуре нормотворческой деятельности, т.е. порядку планирования, подготовки, принятия нормативно-правовых актов, их исполнения, мониторинга и оценки воздействия.

Такое расширение предмета вполне оправдано с учетом задач, определенных Концепцией совершенствования нормотворческой деятельности. Вместе с тем, такое существенное расширение предмета Закона значительно повышало сложность законопроектной задачи, требовало соответствующего научного обоснования.

К достоинствам акта можно отнести подробное определение предмета регулирования подзаконных актов: актов Президента Республики Узбекистан, Кабинета Министров Республики Узбекистан, ведомственных нормативно-правовых актов.

В то же время, на наш взгляд, упущением представляется отсутствие столь же четкого определения предмета законодательного регулирования. Очевидной прерогативой законодателя, согласно мировой практике развитых правовых государств, является регулирование вопросов правового статуса (прав, обязанностей, ответственности) физических и юридических лиц. В проекте закона упускается эта возможность исправить существенный недостаток отечественного законодательства.

В законопроекте заметна попытка модернизировать и процедурно регламентировать нормотворческую деятельность. Если мы хотим обеспечить обоснованность нормативно-правового регулирования, учет мнений заинтересованной общественности, системность, качество и действенность законодательства, словом, "умное регулирование", мы должны кардинально улучшить процедуру подготовки нормативно-правовых актов на основе лучшего мирового опыта. К сожалению, представленный на экспертизу акт не может обеспечить должного улучшения, поскольку не содержит механизмов, способных заменить сложившуюся практику законопроектной работы и подзаконного нормотворчества.

В документе имеется обилие диспозитивных норм и терминов неопределенного содержания, оставляющих существенные элементы процедуры (например, научную экспертизу) на усмотрение разработчика, что усугубляет неопределенность новой редакции и повышает риски принятия очередного неработающего закона. Если так нечетко регулировать, то скорее всего сложившаяся практика будет идти своим чередом, а Закон в новой редакции может остаться невостребованным. Это убеждает в том, что в реформировании процедуры нормотворческой деятельности необходимы более решительные меры, а не полумеры.

К сожалению, не только в заимствовании зарубежного опыта, но даже в реализации Концепции совершенствования нормотворчества (далее - Концепция) допускалась, на наш взгляд, некоторая половинчатость и непоследовательность. При этом явно не прослеживается выполнение требований Концепции о внедрении эффективного механизма принятия законов прямого действия. Нет ответа на вопрос: что же может переломить сложившуюся в переходный период тенденцию подмены законодательного регулирования подзаконным?

Принцип прямого действия законов должным образом не отражен в принципах, в предмете законодательного регулирования, в процедуре. Статья 22 о пределах подзаконного регулирования при том, что прерогативы законодательного регулирования, на наш взгляд, четко не определены - это было слабое решение. Требование о том, что текст закона должен содержать механизмы прямого действия в ст.53 - это не решение, а лишь повтор задачи, поставленной Концепцией. Сам представленный законопроект, к сожалению, не соответствовал этому требованию! В то же время, новая редакция, напротив, воспроизводила не лучшие черты действовавшего Закона, фактически ставя действие новых законов в зависимость от проводимой в свя-

зи с их принятием систематизации всего массива законодательства (см. ст.67 предлагаемой редакции и ст.23 действующего Закона). А ведь простой принцип автоматической утраты силы всеми подзаконными актами, не соответствующими новому закону, мог бы кардинально изменить ситуацию. К сожалению, в законопроекте такой механизм не был предусмотрен.

Очевидно, что в условиях сложившейся практики правоприменения, ориентированной на подзаконные нормативно-правовые акты, необходимо было гораздо больше внимания в Законе уделить механизму преодоления такой порочной практики, подрывающей верховенство закона.

Нужны принципы и процедуры, которые обеспечат реальное игнорирование правоприменителем (административными органами и судами) подзаконных актов, не соответствующих Конституции и закону, и их своевременную выбраковку из правовой системы.

Принцип достаточности оснований для регуляторного вмешательства государства, прямо предусмотренный Концепцией, также не нашел удовлетворительного воплощения в предложенной редакции. Почему-то этот принцип даже среди принципов не был упомянут. Вместо этого в законопроекте предлагался весьма расплывчатый и абстрактный принцип адекватности. Разве может такой принцип изменить практику нормотворчества? Достаточность оснований требует не только закрепления в данном Законе, но и соответствующего механизма, обеспечивающего прямое действие этого принципа.

Вообще, надо сказать, что перечень принципов и определение их содержания представляется нам не совсем удачным. Задача создания современной эффективной процедуры нормотворческой деятельности требует закрепления совершенно иных принципов. К сожалению, разработчикам не удавалось учесть научную доктрину в этом вопросе.

В законопроекте было упущено требование Концепции о создании действенного механизма конституционного контроля. Конечно, сам конституционный контроль не предмет Закона "О нормативно-правовых актах", но данный Закон носит основополагающий для системы права и законодательства характер, а поэтому не должен был упускать возможности создать важные условия и предпосылки для формирования эффективного конституционного контроля в стране. Для этого достаточно было бы предусмотреть процедуру приостановления действия спорного нормативно-правового акта до его конституционной проверки.

Проект закона дополнялся ст.8 "Принцип гласности". Важно отметить, что нормативно-правовые акты, принимаемые органами государственной власти на местах (хокимияты) нередко противоречат данному принципу. Решения часто принимались без обсуждения с широкой общественностью, проекты решений не публиковались на Едином портале, отсутствовали чёткие административные барьеры и процедуры по вопросам принятия таких решений, в т.ч. в связи с тем, что отсутствовала норма об обсуждении проектов решений органов государственной власти на местах можно заключить то, что отсутствует общественный контроль. Так, например, хокимы нередко принимают решения, напрямую влияющие на жизнь и интересы граждан, в т.ч. юридических лиц и их предпринимательскую деятельность. В связи с этим предлагается чётко установить перечень нормативно-правовых актов, в данном случае решения хокимов городов, областей и районов, которые подлежат обязательному обсуждению на Едином портале по вопросам, непосредственно затрагивающие права, свободы и обязанности граждан и юридических лиц.

В связи с внедрением требования подготовки проектов нормативно-правовых актов на государственном языке в условиях, когда вся законопроектная и нормотворческая практика многие десятилетия систематически опирается на русскоязычный юридический научно-терминологический аппарат, необходима серьезная работа в сфере науки и образования, чтобы этот

вопрос решить без ущерба для качества нормотворческой деятельности. Полагаем, что нельзя недооценивать и сложность реализации предложенной меры.

Необходимо подвести современную научную базу под нормотворческую деятельность, учитывать доктрину правового государства. Этого требуют задачи, которые поставлены Руководством страны в концептуальных выступлениях и документах. В новой правовой основе нуждается наша растущая экономика, инвестиционный климат и население, которое верит провозглашенным лозунгам о приоритетности интересов человека.

Таким образом, законопроект нуждается в некоторой доработке. Прежде всего, необходимо учесть научные основы нормотворческой деятельности и регуляторной политики, а также лучший мировой опыт в этой области. Ориентироваться на Беларусь и Азербайджан, при всем уважении к этим странам, явно было недостаточно для потребностей реформы в нашей мощной динамично развивающейся стране.

Новая редакция ЗАП призвана решить главную проблему, которая была прекрасно проиллюстрирована проблемами исполнения ЗАП. Это взаимосвязанные вопросы: правоприменение и правотворчество. Если административный орган, а тем более суд может по собственному произволу применить или не применить действующий Закон, значит, серьезная фундаментальная проблема таится в самом механизме правового регулирования. Если Закон оказывается лишенным прямого действия, поскольку правоприменители предпочитают применять более привычные подзаконные НПА, даже несмотря на то, что они не соответствуют новому Закону, значит, есть серьезная проблема в самом механизме правового регулирования.

Давайте признаем: эти проблемы появились не вчера и не позавчера! Еще на закате советской эпохи, во времена перестройки, видные советские правоведы отмечали те же самые проблемы в правовой системе, которые мы пытаемся решать сегодня. Закон, лишенный прямого действия, засилие подзаконного регулирования, ведомственных циркуляров, практик и обыкновений, отсутствие реальной защищенности прав граждан и юридических лиц при безупречных лозунгах и идеалах - все это было свойственно правовой системе прошлой эпохи и, увы, сегодня мы все еще боремся с инерцией ее отживших институтов. Чтобы покончить с пренебрежением к закону, утвердить подлинное верховенство закона, реально гарантировать гражданам правовую определенность и безопасность, необходимо закрепить как в ЗАП, так и в ЗНПА новое содержание принципа законности и соответствующие механизмы, обеспечивающие его исполнение.

Принцип законности должен включать следующие элементы:

- Основанность на законе (или оговорка закона) - для любого властного административного вмешательства должна быть законная основа. Соответственно, если нет основания в законе, вмешательство неправомерно.

- Верховенство закона - административным органам и суду запрещается применять подзаконные НПА в части, не соответствующей закону.

- Запрет отклонения - правоприменителям запрещается отклоняться или уклоняться от требований закона. Они обязаны применять действующий закон в полноте его нормативного содержания и не имеют право фрагментарно или выборочно применять нормы законодательства.

Вот это должно быть закреплено в новой редакции ЗНПА. Очевидно, что одних этих принципов хватило бы, чтобы запустить ЗАП в работу. У правоприменителя просто не осталось бы иного выбора, кроме применения Закона. А это и есть путь к обеспечению прямого действия законов.

В связи с этим, необходимо также отметить, что со времен первой законотворческой кампании по принятию ЗАП одним из проблемных вопросов был и остается вопрос принципов административных процедур. Так в 2007г. депутаты Законода-

тельной палаты исключили практически все инновационные принципы административных процедур из законопроекта, внесенного Правительством.

Спустя десять лет в 2017 г. большинство предложенных принципов удалось сохранить, и теперь они есть в действующей редакции ЗАП. Но согласия и единомыслия относительно того, какие именно принципы административных процедур должны быть отражены в ЗАП, среди лиц, поддерживающих реформу, по-прежнему нет. В связи с этим полагаем, что необходимо внести ясность в вопрос принципов с тем, чтобы обеспечить единство подхода к решению этого вопроса в новой редакции ЗАП.

Полагаем, что надо этот вопрос решить окончательно и бесповоротно. Если мы хотим преодолеть устойчивые системные пороки правоприменительной практики, мы должны начать ее системную институциональную перестройку. И начать ее следует с закрепления полного перечня переходных принципов административных процедур в новой редакции ЗАП. Эти принципы станут основополагающими правообразующими ориентирами в большой работе над реформированием институтов правоприменения в нашей стране: от принципов к процессуальным механизмам и новым институтам административно-правовой деятельности.

Чтобы новые законы работали, необходима эффективная система "Административной юстиции", которая сможет заставить административные органы перейти на новые рельсы - применять новые принципы и институты. Историческая практика правовых государств мира свидетельствует о том, что без административной юстиции успех реформы государственного управления невозможен. В сфере административной юстиции - несмотря на формальное проведение реформы (создание административных судов, принятие КоАС), убедительного результата пока нет. Административные суды еще не стали полноценной административной юстицией. И видимо потребуются годы на то, чтобы взрастить новое поколение судей и укрепить административные суды. Ускорить достижение результата реформы административной юстиции позволяет развитие системы досудебного административного обжалования (т.е. системы адм. юстиции внутри публичной администрации!) Здесь мы снова обращаемся к ЗАП. Процедура рассмотрения административных жалоб в заседании, т.е. по квазисудебной формальной процедуре, позволяет большую часть административных споров эффективно решать, не доводя дело до суда. Главное, что это позволит в ближайшей перспективе существенно повысить правовую защищенность заинтересованных лиц, решать проблемы граждан и субъектов предпринимателей на основе ЗАП. Конечно, это потребует серьезной подготовки: создания соответствующих организационных структур административного обжалования и подготовки кадров. Нами подготовлено проектное предложение по разработке соответствующих механизмов. При надлежащей поддержке эта работа может быть выполнена в течение двух лет.

Следующее ключевое направление реформы: Государственная служба. Даже лучшие административные процедуры не будут работать без квалифицированных профессиональных кадров. Еще в 2018 г. Рабочей группой Минюста РУз. был подготовлен проект Закона "О государственной службе". Законопроект отличался совершенно новым подходом к реформе. Были предложены принципиально новые решения целого ряда ключевых проблем государственной службы. В основу законопроекта была положена оригинальная модель, разработанная экспертами ЦПП:

- позволяющая гармонично совместить в переходный период элементы карьерной и должностной модели государственной службы;

- обеспечить планомерное взращивание в среднесрочном периоде (5 лет) новой карьерной государственной службы в недрах существующей системы и поэтапный

отсев некомпетентных, неспособных к изменению и росту;

- принципиально изменен подход к присвоению квалификационных рангов (от должностного принципа к принципу карьеры - не занимаемая должность определяет ранг, а, наоборот, ранг открывает путь к занятию должности);

- предложен совершенно новый институт - Национальный кадровый резерв, не списочный, как принято понимать, а новый организационно-правовой механизм подготовки и переподготовки кадров карьерной госслужбы;

- предусмотрены механизм карьеры, правовые гарантии, в том числе в увязке с административными процедурами, а также заложены антикоррупционные механизмы.

Необходимо принять Закон о госслужбе и запустить реформу. Агентству развития госслужбы (АРГОС) без нового Закона просто нечего делать. Ведь оно замысливалось как уполномоченный орган для новой системы госслужбы, а в действующей системе ему просто нет места (ведь вся нынешняя госслужба управляется по ведомственному принципу и в Агентстве не нуждается).

Касательно ОРВ и умного управления, есть главный вызов - эта работа должна вестись централизовано и с глубоким знанием дела. Пока достигнуты некоторые подвижки в части ОРВ. Умное управление остается скорее мечтой, чем реальностью. Следует иметь в виду, что эти системы смогут заработать на полную мощь только при безусловной политической воле и жесткой вертикали реализации реформы при четкой координации с другими направлениями реформы, прежде всего, с реформой госслужбы. Пожалуй, здесь усилий надо даже больше, чем в случае с реформой административных процедур. С другой стороны, единая вертикаль управления реформой способна служить реализации всех направлений административной реформы. Полагаем, что потребуется разработать и принять базовый Закон "Об основах государственного управления", который закрепит и сведет в единую систему все современные институты качественного регулирования и умного управления.

Источники и литература

1. Закон РУз ЗРУ№660-II 26.08.2004 "О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения".

2. Указ Президента от 29 июня 2020 г № УП-6013 и постановление Президента ПП-4761 от 29.06.2020.

3. Закон РУз ЗРУ-419 03.01.2017 "О противодействии коррупции".

4. Указ Президента УП-5729 27.05.2019 "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан".

5. Указ Президента УП-6013 29.06.2020 года "О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан".

Развитие организационно-правовых основ борьбы против коррупции в Республике Узбекистан: проблемы и возможности

Иса Хамедов,
доктор юридических наук, профессор, руководитель Центра международно-правовых исследований и сравнительного публичного права УМЭД

Аннотация: *статья посвящена некоторым проблемам, возможностям и перспективам развития законодательных и институциональных основ противодействия коррупции в Узбекистане. В ней рассматриваются современные институты публичного права, присущие правовому государству, которые суммарно создают антикоррупционную институциональную среду, в частности, такие как: административные процедуры, административная юстиция, государственная служба, оценка регуляторного воздействия, "умное" государственное управление.*

Ключевые слова: *противодействие коррупции, антикоррупционный механизм, антикоррупционная экспертиза, административные процедуры, административная юстиция, государственная служба, оценка регуляторного воздействия, "умное" государственное управление.*

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш: муаммо ва имкониятлар

Иса Хамедов,
юридик фанлари доктори, профессор, ЖИДУ Халқаро ҳуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий оммавий ҳуқуқ маркази раҳбари

Аннотация: *мақола Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик ва институционал асосларини ривожлантиришнинг айрим муаммолари, имкониятлари ва истиқболларига бағишланган. Унда коррупцияга қарши муҳитни яратувчи ҳуқуқий давлатга хос маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий судлов, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, "ақлли" давлат бошқаруви норматив таъсирини баҳолаш, оммавий ҳуқуқнинг замонавий институтлари кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *коррупцияга қарши кураш, коррупцияга қарши механизм, коррупцияга қарши экспертиза, маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий судлов, давлат хизмати, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, "ақлли" давлат бошқаруви.*

Development of organizational and legal basis of the fight against corruption in the Republic of Uzbekistan: challenges and opportunities

Isa Khamedov,
DSc (in Law), Professor, Head of the Centre for International Legal Studies and Comparative Public Law, University of World Economy and Diplomacy

Abstract: *on some problems and opportunities for the development of the organizational and legal framework for combating corruption in the Republic of Uzbekistan. It examines the modern institutions of public law inherent in the rule of law, which together create an anti-corruption institutional environment, in particular, such as: administrative procedures, administrative justice, public service, regulatory impact assessment, smart public administration.*

Key words: *anti-corruption, anti-corruption mechanism, anti-corruption expertise, administrative procedures, administrative justice, public service, regulatory impact assessment, smart public administration.*

Жамшид ИБРОҲИМОВ,
PhD (юридик фанлар бўйича)

ТЕРРОРИЗМНИ ОҚЛАШ ВА ТЕРРОРИСТИК ҲАРАКАТЛАРНИ СОДИР ЭТИШГА УНДАШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Терроризмни оқлаш ва террористик ҳаракатларни содир этишга ундаш жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи ижтимоий хавфли қилмишлардан ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, жаҳонда терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини такомиллаштириш, жумладан, ушбу жиноятлар учун жавобгарликни дифференциациялаш, мазкур соҳадаги халқаро ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор янги ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш ҳамда жиноят қонунини янада такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда судлар томонидан 2015-2019 йилларда тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жинояти бўйича 64 та, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш жинояти бўйича 100 та ҳамда терроризмни молиялаштириш жинояти бўйича 33 та жиноят иши кўриб чиқилганлиги [1] терроризмни комплекс тавсифланувчи ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

2005 йил 16 майда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциянинг 5-моддаси биринчи қисмига биноан террорчилик жиноятини содир этишга ундаш мақсадида, ҳар қандай мурожаатни оммага етказиш ёки бошқа тарзда тақдим этиш, башарти, шахснинг бундай хатти-ҳаракатлари террорчилик жиноятларини бевосита тарғиб қилиш ёки қилмасликдан қатъи назар, мазкур жиноятларнинг бир ёки бир нечтасини содир этиш хавфини туғдирса, "террорчилик жиноятини содир этишга оммавий ундаш" сифатида баҳоланади [2].

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 244[1]-моддасида (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш) терроризмни тарғиб қилишнинг бир усули - террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш (биринчи қисми) ҳамда террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш (иккинчи қисми) учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ваҳоланки, терроризмни тарғиб қилиш хилма-хил усул ва воситалар ёрдамида содир этилади.

Зеро, даъват қилиш деганда, одамларда ўзини маълум бир тарзда тутиш истагини уйғотиш мақсадида, шу билан бирга, террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун тафаккури ва иродасига таъсир қиладиган мурожаат тушунилади. Даъватлар ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин: оғзаки, ёзма, аудио ёки видеомурожаат кўринишида бўлиши мумкин [3].

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёки терроризмни ошкора оқлашга қаратилган ошкора даъватларнинг вужудга келиш ижтимоий хавфи бундай қилмишларнинг вояга етмаганларга қаратилганлигини сезиларли даражада оширади, чунки, биринчидан, ўспиринларга қаратилган террорчилик ташвиқоти юқори рағбатланти-

рувчи таъсир кучига эга, иккинчидан, вояга етмаганларнинг нормал ривожланиш манфаатларига қўшимча равишда дахл қилади. Шундан келиб чиқиб, мазкур жиноятни вояга етмаганларга қаратилган ёки таълим ташкилотлари ҳудудида амалга ошириладиган террорчилик ташвиқоти учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш зарур [4].

А.А. Балашов бу борада шундай деб ёзади: "Террорчилик жинояти содир этишга ошкора ундаш ўзининг юридик моҳияти бўйича жиноятда иштирок этишнинг намоён бўлиши эмас, чунки у тарғиб қилинаётган қилмишларни бошқалар амалга оширганлигидан қатъи назар, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради ва тегишли мурожаатларнинг қабул қилувчиси эса, номаълум шахслар доираси, яъни - жамоатчиликдир" [5]. Шу нуқтаи назардан, номаълум шахслар доирасига ахборот таъсирини кўрсатиш, террористик ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги, зарурлиги ёки мақбуллиги тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш йўли билан терроризм жиноятини содир этиш мақсадида ундашни террорчилик фаолиятини амалга оширишга ошкора даъват қилиш, деб тушуниш мумкин.

Бизнинг фикримизча, мазкур жиноят таркиби формал тузилишга эга бўлганлиги сабабли, бундай даъватлар мўлжалланган манзилга етиб борганми ёки йўқлигидан ва уларнинг амалдаги самарадорлиги қандай бўлишидан қатъи назар, террорчилик ҳаракатларини содир этишга ошкора даъватлар, тарқатиш пайтидан бошлаб, қонуний равишда тугаган ҳисобланади.

Мазкур жиноят террорчилик фаолияти учун шарт-шароитлар яратади, террористик хусусиятга эга бўлган жиноятлар содир этилишига ёрдам беради ва шу сабабли кўплаб миқдордаги одамлар, ижтимоий институтлар ва умуман, жамиятнинг хавфсизлигига таҳдид солади ва шу билан жамоат хавфсизлигига путур етказади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий фаолият учун ошкора даъватларни тугатиш пайти масаласига турлича нуқтаи назар билдирилади. Масалан, Н.Г. Кадников фикрига кўра, "Одамларда тегишли ҳаракатларни содир этишга қатъиятлилик пайдо бўлган пайтдан бошлаб, бундай жиноятларнинг тугалланган деб эътироф этилиши энг тўғри ёндашув ҳисобланади" [6]. Фикримизча, бундай ёндашув ноўрин бўлиб, бу шахсни жиноий мақсад ҳосил бўлган пайтдан эътиборан жиноий жавобгар бўлишини англатади.

М.А. Ражабованинг ёзишича эса, "Терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий ва кескин кураш олиб бориш даврнинг кечиктириб бўлмайдиган талаби. Бунинг учун терроризм тусидаги қилмишларни жиноят деб таснифлаш белгиланган ўндан ортиқ халқаро конвенциялардаги қоидалар талқинига асосланиб, терроризмга қарши курашда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи шартномавий-ҳуқуқий қоидаларнинг ягона тизимини яратиш ва амалиётда қўллаш чорасини кўриш зарур" [7].

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти бўлиб, жамоатчилик, давлат ва умуман, инсоният хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бир қатор оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноий фаолиятга нисбатан оммавий даъватларнинг субъектив томони тўғридан-тўғри қасд билан ифодаланади, яъни одам тегишли мурожаатларнинг (даъват, чақириқлар) ижтимоий хавфлилигини идрок этиши ва уларни амалга ошириш истагида бўлиши керак.

Бундан ташқари, ошкоралик омили субъектнинг қасди билан қамраб олиниши керак. Айни дамда, оммавий даъватларнинг сабаби ва мақсадлари зарурий аломат сифатида аҳамиятга эга эмас [8].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, терроризмга ошкора даъват этиш жинояти учун хорижий давлатлар жиноят қонунларида ҳам жавобгарлик белгиланган. Масалан, Озарбайжон Республикасининг Жиноят кодексида терроризмга оммавий даъват қилиш (214-модданинг 2-қисми), шунингдек, оммавий тартибсизликлар, фуқароларга нисбатан зўравонлик даъватлари учун жавобгарлик қоидалари (220-модда) ва шунингдек, тажовузкор уруш ҳақидаги оммавий даъватлар (101-модда) учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар киритил-

ган [9]. Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексида (226-модданинг 3-қисми, 233-моддалар) [10] ва Молдова Республикаси Жиноят кодексида (285-модданинг 3-қисми) [11], Туркманистон Республикаси Жиноят кодексида (167 ва 175-моддалар) [12] ҳам юқоридаги ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигига биноан, террорчилик актини амалга оширишга даъват қилиш жиноят деб ҳисобланади (256-модда). Мазкур ҳолат ушбу қилмишнинг криминаллаштириш чегараларини бироз кенгайтирди, бу нафақат оммавий даъватларни, балки терроризмни тарғиб қилишни ҳам кўрсатиш орқали амалга оширилди. Ушбу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида, қонунда ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ёки ахборот-коммуникация тармоқларидан фойдаланиб, ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишув асосида ушбу ҳаракатларнинг содир этилиши белгиланган [13].

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 179 (3)-моддаси биринчи қисмига биноан, ушбу Қонуннинг айрим моддаларига биноан жиноятлар содир этишга даъватлар (террорчилик жиноятлари) жавобгарликка сабаб бўлади [14].

Украинанинг жиноят қонунида оммавий тартибсизликларга даъват қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоида алоҳида – 295-моддада кўрсатилган. Украина ЖКга кўра, қирғинлар, ёндиришлар, мулкни йўқ қилиш, бинолар ёки иншоотларни эгаллаб олиш, жамоат тартибига таҳдид солган ҳолда фуқароларни яшаш жойидан мажбуран чиқариб юбориш, шунингдек, шу каби мазмундаги материалларни тарқатиш, тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлашга даъватлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлади [15]. Украина қонун чиқарувчиси ушбу жиноятнинг криминологик белгиларидан бири сифатида, тегишли даъватлар жамоат тартибига таҳдид солиши кераклигини белгилаб қўйган.

Шунингдек, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Украина ва бошқа айрим давлатлар жиноят қонунларида ҳудудий яхлитликни бузишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга оммавий даъват қилиш (сепаратистик фаолият) учун жавобгарлик белгиланган. Шу каби нормалар Россия Федерацияси Жиноят кодекси 280-моддаси биринчи қисми, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 180-моддаси ҳамда Украина Жиноят кодексининг 110-моддасида белгиланган.

Узоқ хорижий давлатлар тажрибаси бу борада турлича ёндашувлар қўлланилишини кўрсатмоқда. Масалан, Исроилнинг Жиноят қонуни бўйича ирқчилик, зўравонлик ва терроризмга даъватлар жиноий қилмишлар ҳисобланади (Алеф, 1-боб). Бундан ташқари, бундай даъватларни ўз ичига олган материалларни сақлаш ҳам жазоланади, деб тан олинган [16].

Франция жиноят қонунчилигига биноан, "Оммавий чиқишлар ёки ҳайқириқлар орқали ёхуд варақалар тарқатиш ёки ёпиштириш йўли билан матнни, нутқни ёки тасвирни тарқатиш учун бошқа йўл билан қилинган бевосита қуролли йиғин қўзғатиш" жазога лойиқ деб ҳисобланади (Франция Жиноят кодексининг 431-6-моддаси). Бундан ташқари, Франция Жиноят кодексида "Оммавий ҳайқириқлар ёки чиқишларда ёки варақалар ёпиштиришда ёки тарқатишда ёки матн, нутқ ёки тасвирни етказишда ифода этилган ёки бошқа йўл билан амалга оширилган бўйсунмаслик учун бевосита ундашга" жавобгарлик учун алоҳида норма белгиланган (433-10-моддалар) [17].

Моҳиятан ушбу жиноят шахс томонидан террорчилик ҳаракатларини қўллаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ва усулларни ижобий баҳолаш, оқлаш ёки мақташга қаратилган ахборотни тарқатишни ўз ичига олади. Ушбу жиноий ҳаракатнинг объектив томони, шунингдек, содир этилган террорчилик ҳаракатини оммавий оқлашда, яъни уни тўғри ва зарур деб топишда ҳам намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар оммавий равишда амалга оширилиши, яъни бир киши буни бошқа шахслар иштирокида очиқ-ошкора тарзда амалга ошириши ҳамда одамлар ушбу маълумотларни олишлари ёки улар билан танишишларини хоҳлаб, шундай қилиши керак.

Бу борада А.К. Закурлаев таъкидлаганидек, "Конституциявий тузумни зўрлик билан ағдаришга чорловчи даъватлар аниқ

мақсадга қаратилган бўлади. Яъни, давлатни парчалаб юбориш, мамлакатдаги мавжуд давлат тузумига барҳам бериб, уни бошқа бир тузум билан алмаштириш. Бу эса, ўз-ўзидан фуқаролар урушини, бародаркушликни келтириб чиқариб, умуман, мамлакатни ҳалокатли оқибатларга олиб келади" [18], деб ҳисоблайди. Шу билан бир қаторда, Б.У. Таджихановнинг фикрича эса, одамларни оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришга даъват этувчи ва йиғилган тўданинг ғайриқонуний ҳаракатларига раҳбарлик қилувчи муайян шахс ёки шахсларнинг фаолияти алоҳида ижтимоий хавфга эгадир [19].

Латвиялик олим Эрикс Трэлс таъкидлаганидек, терроризмга ундаш жинояти (Латвия Республикаси ЖК, 79.6-моддаси) оғир жиноят ҳисобланади. Муаллифнинг фикрича, мазкур жиноятнинг объектив томони қуйидаги бир қатор муқобил ҳаракатларни ўз ичига олади: 1) терроризмни оммавий тарғиб қилиш; 2) терроризмни оммавий оқлаш; 3) жамоатчиликни терроризмга даъват қилиш; 4) терроризмни тараннум этувчи материалларни тарқатиш; 5) терроризмни оқловчи материаллар тайёрлаш ва тарқатиш; 6) терроризмга даъватларни тарқатиш; 7) терроризм билан таҳдид қилиш, агар ушбу таҳдидларни амалга ошириш мумкинлигига асос бўлса. Мазкур муаллиф таъкидлаганидек, терроризм билан боғлиқ жиноятлар объект бўлиб, жиноий ҳаракатлар гуруҳининг асосий объекти давлат ва халқаро хавфсизлиги ҳисобланади. Терроризм, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига, мулкий манфаатларга, саноат тармоқлари, органлар ва ташкилотларнинг нормал ишлаши, умумий хавфсизлик ва жамоат тартибига ҳамда бошқа манфаатларга таҳдид солади [20].

Шу билан бирга, ҳуқуқшунос олимлар А.Н. Тарбагаев ва Г.Л. Москалевларнинг фикрига кўра, "ошкоралик (оммавийлик) белгиси - ноаниқ одамлар доирасига (аниқ субъектларга эмас) қилинган мурожаат. Ушбу маълумотларни қабул қилаётган шахсларнинг индивидуал хусусиятлари жиноятчини қизиқтирмайди. Бундан ташқари, бу ерда нафақат миқдорий, балки қабул қилувчиларнинг шахсий ноаниқлиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, жамоат жойларида, йиғилишларда, шунингдек, электрон хабарларни оммавий тарқатганда, қабул қилувчиларнинг сони аниқ бўлиши мумкин. Бироқ жиноятчи учун бу одамларнинг индивидуал хусусиятларининг аҳамияти бўлмайди, бу эса, уларнинг маълумотни тарқатишнинг тегишли усулини танлашини белгилайди" [21].

Латвия Республикаси Конституциявий судининг судьяси А.Кучснинг таъкидлашича, шахс терроризмни оқловчи ёки тарғиб қилувчи материалларнинг муаллифи бўлиши шарт эмас, жиноятнинг объектив томони - бошқа шахс томонидан ёзилган материалларни тарқатишда ҳам намоён бўлиши мумкин [22].

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар орасида терроризмни оммавий равишда оқлашга, терроризмни тарғиб қилишга ёки терроризмга ундашга қаратилган материалларни тарқатишда иштирок этадиган одамларнинг роли тўғрисида баҳс-мунозаралар мавжуд. Хусусан, адабиётларда чақириқни (даъватни) ўз ичига олган маълумотнинг муаллифи ва уни тарқатувчиси бошқа шахслар бўлган тақдирда мазкур муаммони ҳал қилишда муайян қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, А.Н. Тарбагаев ва Г.Л. Москалев кўриб чиқилаётган жиноий ҳаракатнинг ижрочиси деб фақат чақириқ ёки даъватларни тарқатувчи шахсларни тан олишни таклиф қилади [23].

Баъзи бир муаллифлар (П.В. Агапов, З.А. Шибзухов) эса, ушбу ҳолатда мазкур шахсларни жиноятда иштирокчи сифатида тан олишни таклиф қилмоқдалар [24], бошқа тадқиқотчилар (А.Н. Тарбагаев, Г.Л. Москалев) фақат маълумот тарқатган шахсни ижрочи сифатида тан оладилар ҳамда унинг муаллифини ёрдамчи сифатида жиноий таъқиб этишни таклиф этадилар. Бу борада З.А. Шибзухов таъкидлаганидек, "Терроризмни тарғиб қилувчи матнни яратиш ушбу жиноятнинг объектив томонининг биринчи босқичи, тарқатиш эса, иккинчи босқичи сифатида намоён бўлади" [25]. Бу борада тадқиқотчининг фикрига қўшилиш мумкин, чунки мазкур ҳолатда тегишли тақиқланган ма-

териалларни тайёрлаш ва тарқатиш ягона қасд билан қамраб олинган.

Бошқача айтганда, мазкур жиноят ҳаракати оммавий равишда содир этилганлигини тан олиш учун камида икки кишидан иборат тингловчилар бўлиши талаб қилиниб, жиноятни содир этиш усул ва воситалари ҳам фарқланади. Буни юқорида келтириб ўтилган олимларнинг фикридан ҳам кўриш мумкин.

Юқоридагилар асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини қуйидаги мазмундаги 155^6-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

"155^6-модда. Терроризмни оқлаш ёки террористик ҳаракатлар содир этишга даъват қилиш

Террорчилик фаолиятини амалга оширишга ошкора даъват этиш, икки ёки ундан ортиқ шахсларни ушбу Кодекснинг 155, 155^2, 155^3, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255^1 ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этишга ундаш мақсадида террорчилик фаолиятини ошкора оқлаш ёки террорчилик фаолиятини маъқуллаш, -

Ўша ҳаракатлар:

а) оммавий ахборот воситалари ёки ахборот-телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда;

б) вояга етмаганларга нисбатан ёки таълим муассасалари ҳудудида содир этилган бўлса, - ушбу моддада террорчилик фаолиятини ошкора оқлаш деганда, террорчилик фаолиятини рухсат этилган, тўғри, қўллаб-қувватлашга ва тақлидга лойиқ ҳаракат сифатида қабул қилиш тўғрисида икки ёки ундан ортиқ шахсларга йўналтирилган мурожаат қилиш тушунилади".

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 31 январдаги 07/24-36-сон хати.

2. Council of Europe Convention on the Prevention of Terrorism // Official Journal of the European Union, L159/3, 2005.

3. Тарбагаев А.Н., Москалев Г.Л. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности (ст. 205.2 УК РФ): проблемы уголовно-правовой регламентации и квалификации // Вестник СПбГУ. Сер. 14. 2016. Вып. 2. - С. 28-38.; Полный курс уголовного права: В 5 т. / под ред. А. И. Коробеева. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2008. Т. IV. - 682 с.; Оценочные признаки в Уголовном кодексе Российской Федерации: научное и судебное толкование: Научно-практ. пособие / под ред. А.В. Галаховой. М.: Норма, 2014. - 736 с.; Уголовное преследование терроризма. - М.: Юрайт, 2008. - 160 с.; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / отв. ред. В.И.Радченко; науч. ред. А.С. Михлин, В.А. Казакова. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Проспект, 2008. - 704 с.

4. Шевченко И.В. Уголовная ответственность за террористическую деятельность: уголовно-правовой и правоприменительный аспекты: Дисс. ... канд. юрид. наук. - Саратов, 2010. - 224 с.

5. Балашов А.А. Уголовная ответственность за публичные призывы к совершению противоправных действий: Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2017. - С. 27.

6. Шибзухов З.А. Уголовная ответственность за публичные призывы к осуществлению террористической деятельности или публичное оправдание терроризма: Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2012. - С. 82.

7. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир: проф. Ж.Тошқулов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - Б.19.

8. Кунов И.М. Уголовно-правовое противодействие распространению криминогенной информации: Дисс. ... канд. юрид. наук. - Краснодар, 2017. - С. 75-76.

9. Озарбайжон Республикасининг Жиноят кодекси (1999 йил 30 декабрда Озарбайжон Республикасининг қонуни билан тасдиқланган) № 787-IQ) (2015 йил 28 апрелдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга) / "ПАРАГРАФ" ахборот тизими - http://online.zakon.kz/

10. Қирғизистон Республикасининг 1997 йил 1 октябрдаги 68-сонли Жиноят кодекси (2015 йил 28 июлда ўзгартирилган ва тўлдирилган) / "ПАРАГРАФ" ахборот тизими - http://online.zakon.kz/

11. Молдова Республикасининг 2002 йил 18 апрелдаги 985- XV -сонли Жиноят кодекси (2015 йил 9 апрелда ўзгартирилган) / "ПАРАГРАФ" ахборот тизими - http://online.zakon.kz/

12. Туркманистоннинг 1997 йил 12 июндаги 222-I-сонли Жиноят кодекси (2015 йил 2 февралда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) / "ПАРАГРАФ" ахборот тизими / URL: http://online.zakon.kz/

13. Старков С.В. Ответственность за несообщение о преступлении в РФ // Отечествен-

ная юриспруденция. - 2018. - №1. - С.18-19.

14. Тожикистон Республикасининг 1998 йил 21 майдаги 574-сонли Жиноят кодекси (2015 йил 18 мартда ўзгартирилган ва тўлдирилган) / "ПАРАГРАФ" ахборот тизими/ URL: http://online.zakon.kz/

15. Украинанинг 2001 йил 5 апрелдаги 2341-III-сонли Жиноят кодекси (2015 йил 14 майдан бошлаб ўзгартирилган ва тўлдирилган) / "ПАРАГРАФ" ахборот тизими / URL: http://online.zakon.kz/

16. Исроилнинг жиноят тўғрисидаги қонуни /М.Дорфманнинг муқаддимаси ва иброний тилидан таржимаси; юридик фанлар номзоди Н.И. Мацнев таҳрири остида. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2005. - С.170-173.

17. Франция Жиноят кодекси // юридик фанлар номзоди, доцент Л.В.Головко, юридик фанлар номзоди, доцент Н.Е.Крыловаларнинг илмий таҳрири; француз тилидан таржима ва муқаддима юридик фанлар номзоди, доц. Н.Е.Крилова. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2002. - С. 370.

18. Закурлаев А.К. Терроризмга қарши курашнинг криминалистик жиҳатлари: юрид. фан. докт. (DSc) ... дисс. - Тошкент: Ҳарбий-техник институт, 2018. - Б.18-19.

19. Таджиханов Б.У. Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи. - Т.: 2006. -Б.34-35.

20. Эрикс Трэлс. Ответственность за оправдание терроризма, прославление терроризма и призывы к терроризму в уголовном законе Латвийской Республики // De securitate et defensione. 2018. - №2(4). - С.40.

21. Тарбагаев А.Н., Москалев Г.Л. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности (ст. 205.2 УК РФ): проблемы уголовно-правовой регламентации и квалификации // Вестник Санкт-Петербургского университета. - Серия 14. Право. 2016. - №2. - С. 33.

22. Kucs A. Tiesu prakse kriminallietcs par nacionala, etniska un rasu naida izraisisanu. - Riga, 2012. - L. 31.

23. Тарбагаев А.Н., Москалев Г.Л. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности (ст. 205.2 УК РФ): проблемы уголовно-правовой регламентации и квалификации // Вестник Санкт-Петербургского университета. Серия 14. Право. 2016. - №2. - С. 28.

24. Агапов П.В. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности или публичное оправдание терроризма: анализ законодательной новации. // Уголовное право. 2007. - №1. - С. 6.

25. Шибзухов З.А. Проблемы квалификации публичных призывов к осуществлению террористической деятельности или публичного оправдания терроризма, совершенных в соучастии. // Общество и право. 2011. - №2. - С. 184-187.

Терроризмни оқлаш ва террористик ҳаракатларни содир этишга ундаш учун жиноий жавобгарликни жорий этиш масалалари

Жамшид Иброҳимов,
PhD (юридик фанлар бўйича)

Аннотация: *мақолада терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари, мавзу бўйича хориж қонунчилиги тажрибаси таҳлил қилинган бўлиб, уни оқлаш ва содир этишга ундаш учун жавобгарликни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *терроризм, терроризм билан боғлиқ жиноятлар, криминализация қилиш, терроризмни оқлаш ва террористик ҳаракатлар содир этишга ундаш.*

Вопросы введения уголовной ответственности за оправдание терроризма и публичные призывы к совершению террористических актов

Жамшид Иброхимов,
PhD (по юридическим наукам)

Аннотация: *в статье анализируются вопросы повышения ответственности за преступления, связанные с терроризмом. В статье разработаны предложения по оправданию терроризма и введению ответственности за подстрекательство к террористическим актам.*

Ключевые слова: *терроризм, преступления связанные с терроризмом, криминализировать, оправдание терроризма и подстрекательство к совершению террористических актов.*

Justification of terrorism and issues of criminal liability for incitement to commit terroristic acts

Jamshid Ibrokhimov,
PhD (in Law)

Abstract: *the article analyzes the issues of improving accountability for crimes related to terrorism. The article developed proposals to justify terrorism and introduce liability for inciting terroristic acts.*

Keywords: *terrorism, terrorism offenses, criminalize, justification of terrorism and incitement to commit terroristic acts.*

Наргиза НОРҚУЛОВА,
PhD (психология фанлари бўйича),
Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институти доценти

ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунга келиб, одам савдоси муаммоси дунё бўйича халқаро терроризм, наркотрафик сингари трансмиллий жиноятлар каби кенг миқёсда тарқалаётганлиги боис, XXI асрнинг глобал муаммоси сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, ушбу муаммо одамлар ҳаёти ва тақдири, дунё барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятни жиддий хавотирга солмоқда.

БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, одам савдосидан жабр кўрганлар сони салкам 200 миллионга етган, деб қайд қилинмоқда. БМТ маълумотларига кўра эса, ҳар йили дунёда ўртача 2,5-3 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили қарийб бир миллионга яқин аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетиб сотиб юборилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2008 йилда республикамизда мингдан ортиқ шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 35-40 фоизини аёллар, 10-15 фоизини эса болалар ташкил этади. Ушбу чегара билмас жиноятчилик ҳозирги кунда 127 давлатда кенг тарқалган [8].

Одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 9 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда, ҳатто, баъзи манбалар Интерпол ташкилоти ахборотларига ҳавола қилган ҳолда 19 млрд. АҚШ доллари миқдорини кўрсатмоқдалар. Афсус билан таъкидлаш жоизки, дунёда "одам савдоси" бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Экспертлар фикрига кўра, одам савдосидан дунё бўйича ҳар йили 4 млн.дан зиёд инсонлар жабр кўрадилар, шулардан 700 мингтасини болалар ва аёллар ташкил этади [4].

Дунёда одам савдосига қарши курашиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш; жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш имконини кенгайтириш; жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш; жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш; мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш; етказилган зарарни ундиришнинг жиноий-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш; жиноят профилактикаси самарадорлигини ошириш [9].

Одам савдоси (траффикинг) – инсон эрки, номуси, қадр-қимматининг таҳқирланишига, инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқлари поймол қилинишига олиб келувчи жиддий ижтимоий муаммо саналиб, инсоннинг асосий ҳуқуқлари: яшаш ва эркин ҳаракатланишининг чекланиши, қийноқ ва азобларга солиниши хавфини юзага келтиради. Зеро, Ўзбекистон Республикасида энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа табиий ҳуқуқлари бўлиб, уларни таъминлаш Конституция билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида [1]: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", дейилган.

Ушбу кафолатларни таъминлаш мақсадида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун билан одам савдоси ва унга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Қонуннинг 3-моддасида "одам савдоси" тушунчасига таъриф берилган бўлиб, одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний мақсадда фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Одам савдоси жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, "Одам савдоси билан шуғулланиш турли ҳолатларни инобатга олган ҳолда, уч йилдан беш йилгача ва саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади" [2].

Ўзбекистонлик олимлар (Қ.Р. Абдурасулова, Ш.Бердиев, М.Х. Жиянов, И.Исмаилов, Ж.А. Неъматов, Ю.С. Пулатов, М.А. Ражабова, М.Х. Рустамбоев, Ф.Тахиров, А.С. Якубов ва бошқ.)нинг илмий ишларида одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига оид умумий масалалар тадқиқ этилган [7].

Одам савдоси кўлами кенгайиб боришининг асосий сабабларидан бўлган: жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз, ноқонуний миграция жараёнларининг кучайиши, давлатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовут, ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши, "оммавий маданият" таъсирининг ортиши, трансмиллий жиноий ташкилотларнинг фаоллашуви жараёнлари, уларга қарши курашнинг халқаро ва миллий механизмларини янада такомиллаштириш давр талабига, заруриятга айланмоқда [7].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашнинг ўзига хос миллий тизими яратилди. Жумладан, миллий қонунчилик нормалари такомиллаштирилиб, одам савдосига қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялар, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази, ички ишлар органлари таркибида одам савдосига қарши курашиш ва унинг профилактикасига оид тузилмалар ташкил этилди.

Жумладан, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара билмайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди [7].

Бу борада 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил қилиниб, одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланган-

ларни ҳимоялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди [10].

Республикамизда 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг 22 фоизга кескин камайишига эришилди [5]. Дунёда одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш сингари одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш, мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, етказилган зарарни ундириш, жиноят профилактикаси механизмлари, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда [7].

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, одам савдосига ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омилларнинг сақланиб қолаётганлиги, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини олға суришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида 2019 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди [6]. Фармон билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Мазкур Фармон одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилиш, шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқади, десак, муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари, юртимизда кейинги уч йил мобайнида одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида кескин ижобий ўзгаришлар қилиниб, бир қатор қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу халқаро ташкилотлар томонидан эътироф қилинмоқда.

Жумладан, 2018 йил 16 октябрда "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида", 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" ва "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. 2019 йил 6 декабрдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилиши билан боғлиқ Конвенциялар ратификация қилинди.

Расмий маълумотларга кўра, республикамизда 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 22 фоизга камайган бўлса-да, чақалоқлар савдоси 43 фоизга ошган. Одам савдоси жинояти билан боғлиқ 710 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 96 таси, яъни 13 фоизи бўйича жиноят иши қўзғатилган [5].

Бу кўрсаткичлар ҳаммамизни сергак туришга, одам савдосига қарши курашни бир

сонияга ҳам сусайтирмаслик, аксинча, тарғибот ишларини кучайтириш, аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавияти, онг-тафаккурида тўғри қарашларни мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирларга жиноятчиларга алданиб қолмасликни содда, тушунарли ва ишончли тарзда тушунтиришга жиддий эътибор бериш лозимлигидан дарак беради.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, 2019 йилда мазкур йўналишлардаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ушбу йўналишда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонун ҳужжатлари, бир қатор дастур ва йўл хариталарига назар ташласак, ҳукуматимиз мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жуда қатъий ва жиддий чоралар кўраётганлигини, барча саъй-ҳаракатлар комплекс равишда амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Ушбу муаммо доирасида 2020 йил 21 июль куни ЕХҲТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича махсус вакили ва мувофиқлаштирувчи идораси томонидан "Жазосизликнинг олдини олиш: одам савдосига қарши самарали суд жараёни орқали адолатни тиклаш" мавзуида видеоконференцалоқа шаклидаги ХХ халқаро анжуманда Ўзбекистон ҳам иштирок этди. Конференцияда одам савдосига қарши курашиш борасидаги илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда ЕХҲТ томонидан Ўзбекистон асосий маърузачи сифатида танланди. Олий Мажлис Сенати Раиси, Миллий комиссия раиси Т.Норбоева томонидан мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар, жумладан, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу турдаги жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан батафсил ахборот берилди. Хусусан, сўнгги йилларда бу соҳада 15 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани, Президент фармони билан Сенат Раиси раҳбарлигида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил қилиниб, ушбу масала бўйича "Миллий маърузачи" институти жорий этилгани таъкидланди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, "Дунё бўйича 21 млн. инсон мажбурий меҳнат жабрдийдаларига айланмоқда. Эркаклар, аёллар, ёш болалар ўз юртлари ҳамда хориж одам савдогарлари қўлига тушиб қолишмоқда" [3].

Ҳозир республикамизда тузилган Идоралараро комиссия томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, одамларни огоҳлантирувчи кўргазмали воситалар шаҳримизда ва вилоятларда кўринадиган жойларга ўрнатилмоқда. Хорижда меҳнат қилиш истаги бўлганлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Уларнинг кўплари ҳали ҳам ўз ҳуқуқларини англаб етмаган, адашган ва Ватанига қайтиш йўлларини излаётган кимсалардир [5].

Фикримизча, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишининг бир нечта сабаблари бор:

- одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги;
- тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи;
- енгил иш топиш орзуси;
- ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик;
- айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлари;
- жиноятдан жабрланганлар дунёқарашининг торлиги, саёзлиги;
- етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик.

Шу сабабдан мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш бўйича ишлар кўлами кенгайтирилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги "Маҳалла ва оила" илмий тадқиқот институти томонидан "Одам савдосидан жабрланганларни реабилитация қилишнинг назарий методологик жиҳатлари" мавзуида илмий тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида одам савдосидан жабр кўрганларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш борасида ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш ишлари режалаштирилган. Одам савдосининг ҳар қандай

кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Зеро, одам савдоси, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ғайриқонуний равишда айнан ўзга инсон томонидан камситилиши кечириб бўлмас жиноятдир.

Одам савдоси муаммоси бўйича сўнгги янгиликлардан бири 2020 йил 17 августда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири бўлиб, 2021 йилнинг 19 февралидан кучга кирди.

Қонунга кўра, одам савдосидан жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг одам савдосига қайта жалб этилиши хавфининг олдини олиш мақсадида идентификация қилинади. Шунингдек, Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга, одам савдосидан жабрланганлар тўғрисидаги ҳамда уларга нисбатан содир этилган ҳолатлар ҳақидаги ахборот, шунингдек, кўрилган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилмаслиги белгиланди.

Дастлабки идентификация ИИВ, Бош прокуратура, ДХХ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ТИВ, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Мазкур босқичда шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида маълумотларни олишга, ўрганишга ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинади.

Юртимизда одам савдосига қарши кураш ишларини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб бориш муҳимдир:

- халқаро ҳуқуқий базаларни ривожлантириш ва одам савдосига қарши курашувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини кучайтириш;
- одам савдосига қарши ҳуқуқни муҳофаза ҳамда ҳимоя қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг интеграция жараёнини кучайтириш;
- одам савдосидан жабрланувчиларнинг асосий қисмини аёллар ва ёшлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда, реабилитация қилиш усулларини шакллантиришда асосий эътиборни ушбу йўналишга сафарбар этиш мақсадга мувофиқ. Зеро, одам савдоси қурбонларини ўз вақтида психологик реабилитация қилиниши мамлакат демографиясига келажакда хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олишда биринчи қадам ҳисобланади;
- жамиятимизда одам савдоси муаммосига халқаро жиноят тусидаги ўта салбий ҳодиса сифатида қораланишига эришиш ҳамда одам савдосига қарши, жабрланганларнинг реабилитациясига доир узоқ муддатли комплекс дастур лойиҳаларининг ижроси таъминланиши;
- одам савдосига доир миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка асослансагина яхши самара бериши мумкин.

Зеро, одам савдоси, унинг инсоний ҳуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний ва ғайриахлоқий равишда айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши кечириб бўлмас жиноятдир!

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ахборот хизмати /Одам савдосига қарши кураш – бурчимиз. 07.07.2014 санада олинган. senat.uz

3. Всемирный день борьбы с торговлей людьми 30 июля // Организация Объединенных Наций [Электронный ресурс]. 2015. – Режим доступа: http://www. un. org/ru/ events/humantrafficking/. Дата доступа: 25.12.2015.

4. Кулажникова С.С. Торговля людьми в международном и региональном аспектах// Вестник ДВО РАН. 2016. №6. – С. 133-137.

5. Муталова З. Одам савдоси инсон эркинлигига таҳдид/ https://minzdrav.uz.

6. Норқучқаров Р. Одам савдоси – аср муаммоси. / muslim.uz. 2016 йил, 11 ноябрь.

7. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. / докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси. 2016.

8. Эшбоев Р. https://sirdaryo.adliya.uz.

9. Қаранг: www.nyu.edu, www.rutgers.edu, www.stanford.edu; http://umn.edu, www.universityofcalifornia.edu, www.columbia.edu; www.unsw.edu.au, www.ox.ac.uk, cam.ac.uk; www.gu.se, uu.se, msal.ru, https://мосу.мвд.рф; http://akadmvd.uz.

10. http://old.uza.uz/oz/society/zimmamizdagi-masuliyatni-t-li-is-ilaylik-30-07-2020.

Ўзбекистонда одам савдосини бартараф этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Наргиза Норқулова,
PhD (психология фанлари бўйича), Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти доценти

Аннотация: *мақолада одам савдоси муаммосининг глобал муаммо сифатида намоён бўлиши, муаммонинг илмий-назарий масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ушбу муаммо юзасидан ишлаб чиқилган ҳукумат қарорларининг таҳлили келтирилган. Муаммо юзасидан Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ташкилотлар томонидан қўлланиб келинаётган асосий механизм ва воситалар тўғрисида сўз борган.*

Калит сўзлар: *одам савдоси, глобал муаммо, траффикинг, халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар.*

Нормативно-правовые основы предотвращения торговли людьми в Узбекистане

Наргиза Норкулова,
PhD (по психологическим наукам), доцент Института по изучению проблем молодежи и подготовке перспективных кадров

Аннотация: *в статье с научно-теоретической точки зрения анализируется проблема торговли людьми, рассматриваются масштабы глобализации данной проблемы по миру. Также в статье рассматривается нормативно-правовая основа по противодействию торговле людьми, анализируются правительственные постановления и документы, разработанные по данной проблеме. Изучаются основные механизмы и инструменты, используемые организациями, действующими по решению данной проблемы в Узбекистане.*

Ключевые слова: *торговля людьми, глобальная проблема, траффикинг, международные организации, неправительственные организации.*

Legal basis for the prevention of human trafficking in Uzbekistan

Nargiza Norkulova,
PhD (in psychology), associate professor, Institute Research of the Youth problems and training prospective personnel

Abstract: *the article considers the problem of human trafficking with a scientific teoritic point of view besides, the issue of scales of globalization of this problem on the world are considered.*

Also, the legal bases on counteraction to human trafficking are covered, the governmental decrees and documents developed on this problem are analyzed. The main mechanisms and tools used by the organizations according to the solution of this problem in Uzbekistan are studied.

Keywords: *human trafficking, global problem, international organizations, trafficking, non-governmental organizations.*

Қудрат САДУЛЛАЕВ,
юридик фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ШАХСИЙ ҲАЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимиз, тарихда биринчи марта, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг диний эркинлик соҳасидаги "махсус кузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз эътирофидир.

Ҳозирги замон демократик давлатларида қонун устуворлиги жамият ва давлат ҳаётининг бош тамойилига айланган. Қонун устуворлиги тамойилининг бундай тантанаси – инсониятнинг кўп асрлик ривожи, изланиши ҳамда тараққиёт тажрибалари, сиёсий ва ҳуқуқий фикр такомилининг натижаси. Ҳозирги замон давлатларининг деярли барчаси фуқаронинг қонун олдида тенглигини эътироф этади ва унинг кафолатларини қонунан мустаҳкамлайди [5].

Қонунийлик – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режим. Қонун устуворлиги ҳақида гап борганда, тадқиқотчилар томонидан "қонун устуворлиги" ҳамда "ҳуқуқ ҳукмронлиги" тушунчаларининг бир мазмунда ёки синоним сифатида қўллаш ҳоллари учраб туради. Лекин илмий адабиётларда улар моҳиятан яқин ҳуқуқий ҳодисалар бўлса-да, айни вақтда, бир-биридан муайян даражада фарқланиши кўрсатилади [6,12]. Ҳуқуқ ҳукмронлиги - ҳар қандай давлат ўзи ҳуқуқий нормалар яратар экан, энг аввало, ўзи айнан шу ҳуқуқ нормаларига амал қилиши керак, яъни амалдаги ҳуқуқ нормалари фуқаролар учун қанчалик мажбурий характерга эга бўлса, давлат учун ҳам шунчалик мажбурий характерга эга бўлиши зарур.

Фуқаролик ҳуқуқи предмети жумласига инсоннинг ўзидан ажратиб бўлмайдиган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳам киради. Буларга: инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, унинг обрў-эътибори, қадр-қиммати, шаъни, шахсий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқ, шахсий ҳаёти дахлсизлиги ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин. Таъкидлаш лозимки, тилга олинган мазкур номоддий бойликлар фақат шахсий, номулкий мазмун-моҳиятдагина мавжуд бўлиб, ҳеч қачон товар муомаласи (алмашуви) объекти сифатида ҳаракат қила олмайди. Зеро, улар ҳар бир инсон, шахс билан чамбарчас боғлиқдир, ундан ажралмайди, бошқа шахсларга берилмайди [6,71].

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оила сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ эгасининг

ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин. Номоддий неъматлар ўзининг ноиқтисодий табиати билан, инсоннинг беқиёслиги ва бетакрорлигини таъкидлаган ҳолда шахсга бевосита боғлиқ эканлиги билан ажралиб туради.

Инсоннинг номга бўлган ҳуқуқи (ФКнинг 19-моддаси) [2], муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари қонунга мувофиқ вужудга келади. Бу ҳуқуқлар ҳуқуқий лаёқат мазмунига тегишли бўлиб, бунга кўра, ҳар бир фуқаро томонидан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва мажбуриятлар олиш лаёқатига эга (ФКнинг 18-моддаси) [2]. Номоддий неъматлар жумласига киритилган ҳаёт, саломатлик, шахсий дахлсизлик, инсоннинг жисмоний ҳолати билан боғлиқ бўлиб, туғилган пайтидан унга тегишлидир. Ҳаёт энг асосий номоддий неъмат сифатида қолган барча ҳуқуқларни келтириб чиқаради.

Бошқа номоддий неъматлар инсоннинг ижтимоий муҳитда мавжудлиги билан боғлиқ ва унга қонунга мувофиқ тегишли ҳисобланади. Бу шаън ва қадр-қиммат, шахсий ва оила сири кабилардир. Инсон бошқаларда ўзига тегишли бўлган сифатлари билан, ижтимоий бурчини адо этиш даражаси билан қизиқиш уйғотади. Инсонда бошқа одамларга нисбатан ҳурмат, хайрихоҳлик, олижаноблик, меҳр-шафқат туйғулари ва бошқа ижобий хусусиятлар қанчалик ривожланган бўлса, жамият учун у шунчалик кўпроқ қимматга эга бўлади ва шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси каби ахлоқий мезон ёрдамида шунчалик юқори баҳо олади [3].

Инсон қадр-қимматининг шаклланишида унинг ўз атрофидаги борлиққа муносабати, ўз теварагидаги жамоа билан ўзаро муносабати муҳим ҳисобланади. Жамият ҳар бир алоҳида шахсга баҳо беришида инсон қадр-қиммати мезон ҳисобланади. Шаън деганда, инсонга бериладиган муайян ижобий ижтимоий баҳо ёки унинг қадр-қиммати бошқа кишилар онгидаги инъикоси англашилади.

Фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати билан бир қаторга унинг ишчанлик обрўси қўйилган. Бу нарса фақат фуқаролар учунгина хос бўлмай, балки юридик шахсларга ҳам тегишлидир. Бозор ва рақобат шароитида обрў-эътибор тадбиркорлик дунёсида юқори баҳоланади. Ишчанлик обрўси фуқаронинг ёки юридик шахснинг касбий, ишлаб чиқариш, воситачилик, савдо ва бошқа фаолиятлари жараёнида шаклланади [4].

Номоддий неъматларга тажовуз фақат бошқа фуқаролар ва ташкилотлар томонидан эмас, балки неъмат эгасининг ўзи томонидан бўлиши ҳам мумкин. У ўзининг саломатлигига гиёҳванд моддалар, алкоголь истеъмол қилиш, даволаниш кўрсатмаларини бажармаслик ёки шифокор ёрдамини назарга илмаслик орқали зиён етказиши, ўзини ҳаётдан маҳрум этиши мумкин.

Номоддий неъматларга тажовуз бошқа фуқаролар ёки ташкилотлар томонидан бўлса, турли хил ҳимоя воситаларини қўллаш чорасини кўрувчи неъмат эгаси тажовузга қарши туради. Худди шу имконият ҳуқуқ эгасининг ворисларига, қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийлари)га ҳам берилган.

Шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсини (ФКнинг 100-моддаси) ҳимоя қилиш тобора кенг қўлланилмоқда. Бузилган номоддий неъматларга ёки шахсий номулкий ҳуқуқнинг моҳиятига нисбатан ана шу бузишнинг оқибатига боғлиқ равишда ФКнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ҳимоялаш усуллари қўлланади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳолатлари ва чегаралари бошқа қонунлар воситасида ҳам ўрнатилиши мумкин. Масалан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш улар бузилган тақдирда, шунингдек, яратилган асарга тажовуз содир этилганда жоиз бўлади. Бунда тажовуз асарни қалбакилаштириш, ўзга шахснинг асарини ўзбошимчалик билан ва ноқонуний тайёрлаш ҳамда тарқатишда ифодаланади. ЎзРнинг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунининг (2006 йил 20 июль) 65-моддасида назарда тутилган муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ФКнинг 11-моддаси меъёрларига мос келади. Зарарни қоплаш ўрнига муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузувчи томонидан олинган даромадни ундириб олишга рухсат берилади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тартиби Конституцияда яшаш ҳуқуқи билан бошланади. Бу - асосий, инсоннинг табиий ҳуқуқи, унинг хавфсизлиги кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат томонидан инсон ҳаёти учун ижобий муҳитни яратиш ва шахс шаънини ҳимоялаш мажбуриятини кўрсатади. Конституцияга бундай тарбиявий-ахлоқий омилларнинг киритилиши амалий маънога эга, яъни шахс ғоясини жамиятнинг энг юқори қадрияти сифатида эътироф этади. Ўлим жазосининг олий жазо сифатида бекор қилиниши инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартлари республика қонунчилигида ва амалиётида қўлланилаётганлигининг яққол тасдиғидир [1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўрнатилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг катта гуруҳи шахс эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилган [1]. Ҳибсга олиш, қамоқда сақлаш фақат суд қарорига биноан амалга оширилади ва суд қарори чиқарилгунга қадар гумонланувчи 72 соатдан ошмаган муддат давомида ҳибсда сақланишига йўл қўйилиши мумкин. Ҳар ким шахсий ҳаётининг дахлсизлик ҳуқуқига, шахсий ва оилавий сирлари дахлсизлигига, шахсий қадр-қиммати ва обрўсининг дахлсизлик ҳуқуқига эга. Бунга: ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир сақланиши, шунингдек, уй-жой дахлсизлиги ҳам киради [3].

Жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар" деб номланган 99-моддасида: "Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин", деб белгиланган [2].

"Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари" деб номланган 81- моддада: "Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан, пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради", деб кўрсатилган [2]."Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлар" деб номланган 1033-моддада: "Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўладилар. Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкий ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (бундан буён матнда - хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкий ҳуқуқлар тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди. Агар натижа икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланадилар. Интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари деб ҳисобланадиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин. Кодекснинг

"Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари" деб номланган 1051-моддасида: "Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир: асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи); асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исмини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ); асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан, чақириб олиш ҳуқуқи; асарни, шу жумладан, унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи)", деб белгиланган [2].

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг, шу жумладан, бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми кўрсатилишига, бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас", деб кўрсатилган.

"Ижрочининг ҳуқуқлари" деб номланган 1077-моддада: "Ижрочига қуйидаги ҳуқуқлар тегишли: исмига бўлган ҳуқуқ; ижрони ижрочининг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи; ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан, ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ. Ижрочининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади: ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи); ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи); ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи); ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто, улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи); ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи); ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар, дастлаб, бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи). Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буён тарқатили-

шига ижрочининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади. Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган ижроларга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1062-моддаси қоидалари қўлланилади.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак. Ижро ёзувидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганидан қатъи назар, ижро ёзувидан фойдаланилган, деб ҳисобланади.

Кодекснинг "Муаллифлик ҳуқуқи" деб номланган 1085-моддасида: "Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига муаллифлик ҳуқуқи ва махсус ном бериш ҳуқуқи ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг муаллифига тегишлидир", деб қайд этилган.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар юзага келган пайтдан эътиборан вужудга келади. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси муаллифини қонун махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар билан таъмин этиши мумкин. Талабномада муаллиф тариқасида кўрсатилган шахс бошқача ҳолат исботлангунга қадар муаллиф ҳисобланади. Ҳуқуқ юзага келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатларгина далил тариқасида жалб этилиши мумкин.

"Селекция ютуғи муаллифининг ҳақ олиш ҳуқуқи" деб номланган ФКнинг 1092-моддасида: "Селекция ютуғининг патент эгаси бўлмаган муаллифи селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патентнинг амал қилиш муддати давомида патент эгасидан ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Селекция ютуғи муаллифига тўланадиган ҳақ миқдори ва тўлов шартлари у билан патент эгаси ўртасида тузиладиган шартномада белгилаб қўйилади", дейилган.

"Мерос таркиби" деб номланган 1113-моддада: "Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи; мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин", деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуни 18-моддасида: "Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", 24-моддада: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", деб кўрсатилган.

27-моддада: "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартиб-

дан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас", деб белгиланган.

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ ҳокимиятчилиги принципининг муҳим қоидаларидан бири сифатида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилди (13-модда).

Ушбу конституциявий принцип доирасида Асосий Қонунимизнинг 7-9-бобларида инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда уларнинг кафолатлари белгилаб берилди. Хусусан, Қомусимизнинг 7-бобида инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган бўлиб, улар тизимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади [1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси мазмунидан англашиладиган ушбу ҳуқуқ мазкур моддада Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари зиммасига ушбу материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбурияти тарзида юкланган.

Мазкур конституциявий норма ўз моҳиятига кўра, фуқароларнинг Конституциянинг 29-моддасида мустаҳкамланган ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи ҳамда 32-моддада белгиланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Яъни, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш орқали бошқа конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратадилар.

Асосий Қонунимизнинг 30-моддасида белгиланган фуқароларни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши учун имконият яратиб бериш мажбурияти ахборот эркинлиги кафолатларидан бири бўлиб, ушбу конституциявий норма Ўзбекистон Республикасининг ўндан ортиқ қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилган, уни таъминлашга қаратилган қўшимча механизм ва тартиботлар белгилаб берилган.

Хусусан, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб бериш билан боғлиқ бир қатор механизмлар белгилаб берилган. Унга кўра, Конституция бўйича тегишли мажбурият юкланган юқорида қайд этилган субъектлар мақбул ахборот ресурслари яратишлари, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашлари шарт.

Шу сингари нормалар Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси тўғридан-тўғри "Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши"га бағишланган. Унга кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши қонун билан чекланиши мумкин. Юридик ва жисмоний шахсларга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эр-

кин фойдаланишни ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида белгиланган фуқароларнинг ўзларини ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқишга бўлган ҳуқуқлари мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ва узлуксиз ислоҳотлар шароитида янги мазмун билан бойимоқда ҳамда ушбу конституциявий ҳуқуқни таъминлашнинг янги усул ва механизмлари жорий этилмоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2020.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: "Адолат", 1996.

3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: "Адолат", 1998.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуни. // Lex.uz

5. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни. //Lex.uz

6. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. / Муаллифлар жамоаси // ю.ф.д., доц. И.Рустамбеков умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮ, 2019.

Фуқаролик жамиятида жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ ҳуқуқлари таҳлили

Қудрат Садуллаев,
юридик фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси бўлим бошлиғи

Аннотация: *мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ҳолатлар таҳлил қилинган. Жисмоний шахснинг исмга бўлган ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш масалалари тўғрисида сўз юритилган. Халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахснинг шахсий қонуни татбиқ этилиши муаммолари, амалиёт ва тажриба муҳокама этилган.*

Калит сўзлар: *фуқаролик ҳуқуқи, шахсий қонун, оила ҳуқуқи, номулкий ҳуқуқлар, қонунга зид, жисмоний шахс, мулк, низоларни тартибга солиш, шаън, қадр-қиммат.*

Анализ прав, связанные с личной жизнью физического лица в гражданском обществе

Кудрат Садуллаев,
кандидат юридических наук,
начальник отдела Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье анализируются научно-теоретические аспекты совершенствования прав личности в международном частном праве, связанных с частной жизнью.Даны сведения по правам, связанным с именем личности, чести, ценности, авторитетной деятельностью и вопросам их защиты. Обсуждены вопросы опыта, практики, проблем внедрения закона физического лица в международном частном праве.*

Ключевые слова: *гражданское право, закон личности, семейное право, неимущественные права, противозаконный, физическое лицо, имущество, коллизионное регулирование, честь, ценность.*

Analysis of Rights related to the inviolability of a person's private life in civil society

Qudrat Sadullaev,
PhD (in Law), Head of Department the Academy of Public Administration underthe President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article analyzes the scientific and theoretical aspects of improving the rights of an individual in international private law related to life.Furthermore, the rights of an individual to a name, honour, dignity, rights related to business reputation an issues of theirprotection have been considered in the article. The problems, practices and experience of the application of the personal law of the individual in private law are also discussed in the article.*

Key words: *subjective law; absolute; relative; conflict of law; individual; property; conflict regulation.*

Воҳиджон ТОПИЛДИЕВ,
юридик фанлар номзоди,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети профессори

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СОҲАСИДА ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижтимоий-иқтисодий соҳада турли субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги тараққиётнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми тарихан таркиб топган ва амалиётда ўзини оқламоқда. Тижорат ва нотижорат шерикликнинг компаниялар ва корпорациялар, жамоат фондлари фаолиятини ташкил этиш, бошқаришдаги турли шакллари, усуллари бунда яққол намоён бўлади. Ўз тарихий тараққиётида бозор тизимидан узилиб қолиб, маъмурий тизимни бошидан кечирган мамлакатларда тўлақонли бозор тизими ва фуқаролик жамияти сегментларини шакллантиришда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш уларни мулкий ва шахсий муносабатлар билан уйғунлаштириш механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса, Европа Иттифоқи, АҚШ, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида вакиллик, корпоратив муносабатлар, йиғилиш қарорларининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига таъсирининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблик касб этаётганлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, ташкилий муносабатлар тўғри йўлга қўйилганлиги ҳисобидан қуйидаги дунё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти [1] 2020 йилда АҚШда - 20,81 трлн., Хитойда - 15,22 трлн., Японияда - 4,91 трлн., Германияда - 3,78 трлн., Буюк Британияда - 2,64 трлн., Францияда - 2,55 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, қуйидаги йирик компанияларнинг [2] қиймати: Saudi Aramco - 1,7 трлн., Apple - 1,2 трлн., Microsoft - 1,1 трлн., Alphabet - 924 млрд., Amazon - 868 млрд., Facebook - 573 млрд., Alibaba - 541 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Жаҳонда кенг қамровли хусусий муносабатларнинг уйғунлашиб бориш жараёнининг ҳозирги босқичида "Фуқаролик ҳуқуқи" фанининг предмети доирасига ташкилий муносабатларни киритиш ва ушбу муносабатларни тартибга солиш методларини яратиш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш, ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекс институти сифатида илмий баҳолаш, ташкилий корпоратив муносабатларнинг самарали ва иқтисодий нуқтаи назардан барча иштирокчилар учун фойдали тизимини яратишга оид ҳуқуқий қоидаларни тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммоларини назарий-методологик ва амалий жиҳатдан ўрганиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг фуқаролик қонунчилигида аниқ белгиланмаган, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида юзага келаётган низоларни ҳал қилишда тарафлар ўртасидаги муносабатларга таш-

килий-ҳуқуқий муносабат эканлигига алоҳида эътибор қаратилмаганлиги оқибатида уларнинг бажарилмаслиги ёхуд бузилишига сабаб бўлмоқда, баъзи ҳолларда ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга оид ҳуқуқий нормаларни қўллаш жараёнида айрим муаммолар вужудга келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида "фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи фуқаролик қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш" [3] вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш муайян даражада ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш орқали амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан, ўзига хос комплекс тусга эга бўлган "ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар"нинг алоҳида ва энг йирик қисми бўлган фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини, уларни ҳуқуқий тартибга солишдаги усул ва воситаларни, механизмларни ишлаб чиқиш, фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасидаги ташкилий муносабатларни, фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда дунёда ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- халқаро хусусий муносабатларда ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро уйғунлаштириш;

- ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ташкилий шартномаларни тузиш, уларни шарҳлаш ва шартнома шартлари бузилишини бартараф этиш;

- ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, йирик битимлар бўйича қарор қабул қилиш, юридик шахс аъзолари, иштирокчилар ва муассислар ўртасидаги муносабатлар, муассислар, аъзолар, раис, директорлар кенгашининг юридик шахс билан боғлиқ манфаатларидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ва ҳоказолар.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, шунингдек, бевосита хўжалик фаолияти юритиш жараёнини амалга ошириш учун ушбу жараёнга ҳозирлик кўриш, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тайёргарлик кўриш лозим бўлади. Бундай ташкилий ишларни бажармасдан, ҳал этмасдан туриб, кейинги жараёнга киришиш мумкин эмас. Одатда, хўжалик юритувчи субъектларнинг дастлабки ва кейинги қатор ташкилий тусдаги муносабатлари давлат бошқарув идоралари билан бўладиган алоқаларга (бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсуниши) асосланган боис, маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бироқ, маъмурий бўйсунишга асосланган бундай ташкилий тусдаги муносабатлар жамиятимизда мавжуд бўлган ва вужудга келадиган ташкилий муносабатларнинг барчасини қамраб олмайди. Фуқаролик кодексининг 2-моддаси 6-қисмида: "Бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунишига асосланган мулкий муносабатларга, шу жумладан, солиқ, молиявий, маъмурий ва бошқа муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно", деб белгилаб қўйилган [4].

Демак, ҳаёт тақозоси туфайли юзага келадиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмайдиган шундай ҳолатлар мавжудки, бундан келиб чиқадиган муносабатлар субъектларнинг ташаббусига, тенглигига, хоҳиш-иродасининг эркинлигига асосланади.

Ҳозирги вақтда фуқаролик ҳуқуқининг предмети мулкий ва шахсий номулкий муносабатлар билангина боғлиқ эмаслиги тўғрисида бир қатор фикрлар айтилмоқда. Жумладан, О.Оқюлов "Фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам киради", [5] деган фикрни илгари суради. Ушбу фикр-мулоҳазанинг исботини у юридик шахслар ташкил этиш жараёнида кўради.

Унинг кўрсатишича, фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатларни анъанавий равишда фақат мулкий ва шахсий номулкий турларга ажратиш ҳар доим ҳам тўғри эмас. Баъзан субъектлар ўртасида шундай муносабатлар вужудга келадики, улар ўз моҳиятига кўра, на мулкий, на шахсий - номулкий бўлиб ҳисобланмайди. Бу ўринда гап фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг муайян тузилмалар тузиш бўйича ташкилий муносабатларга киришиши ҳақида (юридик шахслар ташкил этиш, юридик шахслар иттифоқларини ташкил этиш, биргаликдаги нотижорат ҳамкорлик тўғрисида) бормоқда. Тўғри, цивилист олим Е.А.Суханов улардан баъзиларини мулкий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши бўлган корпоратив муносабатлар, деб ҳисоблайди. Бироқ, бу ушбу муносабатлар моҳиятини аниқ ва тўлиқ ифода этмайди [5, 48].

Ҳ.Р.Раҳмонқулов бу фикрга қўшилган ҳолда уни янада давом эттиради ва чуқурлаштиради. Унинг фикрича, бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунишига асосланмаган тарафларнинг тенглик тамойилига асосланган, ташкилий мулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади ва бундай ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар жумласига қуйидагилар ҳам киради:

- юридик шахснинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи уставини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш;

- таъсис шартномасини тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар ташкил этиш ва уларни юридик расмийлаштириш (турли хўжалик бирлашмалари, ширкатлар ва уларнинг ваколатхоналари, филиаллари шаклидаги юридик шахсларни ташкил қилиш);

- қайтадан ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар (юридик шахсни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш ва ҳ.к);

- биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномани тузиш (оддий ширкат шартномаси) [6, 25];

- дастлабки шартномаларни тузиш (бунда шартнома шартларига мувофиқ келгусида мол-мулк бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича дастлабки шартнома асосида келгусида асосий шартнома тузиш ҳақида келишиб олинади);

- узоқ муддатли хўжалик алоқаларини ўрнатиш учун тузиладиган шартнома;

- мажбурий тартибда тузиладиган шартномалар асосида вужудга келадиган муносабатлар (муайян муддатлар мобайнида шартнома лойиҳаларини тузиш ва унинг шартлари ҳақида келишиб олиш);

- шартнома тузиш олдидан бўладиган низоларни ҳал қилиш ва ҳоказо.

Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар икки хил тоифадаги, яъни ички ва ташқи вазифаларни бажаришга қаратилади. Ташқи ташкилий-ҳуқуқий вазифалар эса корхоналар, ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг иқтисодиёт ва хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида мулкий алоқаларни ўрнатишни ташкил қилишни амалга ошириш билан боғлиқ. Ички вазифалар ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг ҳуқуқий ҳолати (уларнинг уставлари, таъсис шартномалари) билан белгиланади, ташқи ташкилий-ҳуқуқий вазифалар фуқаролик ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатлар шартнома ёрдамида вужудга келади ва шаклланади. Мулкий муносабатлар соҳасидаги шартнома фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан иборат. Шартнома, биринчи галда, мулкий муносабатларнинг вужудга келиши учун асос вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳақиқий қиймат қонуниятларининг жорий қилиниши шароитида мулкий муносабатларни тартибга солиш ва уларни ташкил қилиш вазифаларини бажаради.

"Фуқаролик ҳуқуқи" фани мутахассислари томонидан "хўжалик ҳуқуқи"ни ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида тан олиш ҳақидаги таклифларга қаршилик кўрсатилган даврда О.А.Красавчиков мулкий шартномалар билан бир қаторда, ташкилий-ҳуқуқий шартномалар мавжудлиги ҳақида фикр билдирган эди [7, 55-56]. Ушбу ташкилий муносабатларнинг борлиги ва улар фуқаролик ҳуқуқининг предмети

сифатида тан олиниши кераклиги ҳақида таклиф киритилган эди [8,8]. Шу билан бирга, ушбу ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар режали хўжаликнинг ажралмас белгиларидан иборат, деб қаралган эди.

Режалаштиришга асосланган тузумдан воз кечиш, қиймат қонуниятларидан бозор муносабатлари шароитида фойдаланиш, мулкий муносабатларнинг эквивалент ва ҳақ эвазига амалга оширилиши, шартноманинг эркинлиги ва унинг томонларининг тенглиги, улар томонидан ўз ҳуқуқий ҳолатларига амал қилган ҳолатда мулкий муносабатларни мустақил равишда ташкил қилиш учун шарт-шароит яратади. Бундай ташкилий фаолият жараёнида, асл маънода, мулкий муносабатлар ўрнатилмайди, балки уларни шакллантириш амалга оширилади ва у орқали муносабат иштирокчилари ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатилади.

Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар нисбатан мустақил ҳисобланади. Чунки улар кўпчилик ҳолларда мулкий муносабатларни ўрнатиш учун шарт-шароитлар яратади. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда иқтисодий мустақил ва юридик жиҳатдан бир-бирига бўйсунмаган томонлар қатнашади. Шунинг учун ҳам уларнинг ўзаро муносабатлари фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган тенглик тамойили асосида ўрнатилади [9, 25-28].

Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар бевосита мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг бир элементи сифатида нисбатан мустақил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибидан, ҳақли равишда, жой олиши лозим.

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига: ташкилий мулкий муносабатлар, ташкилий номулкий муносабатлар ва ташкилий корпоратив муносабатлар киради, деган хулосага келиш мумкин. Бу муносабатларнинг барчасини, том маънода, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар деб номлаш ўринли бўлади.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга қуйидаги илмий таърифни таклиф қилиш мумкин: фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар деганда, юридик жиҳатдан тенг ва мулкий мустақил, эрк мухториятига эга бўлган, давлат томонидан таъминланган субъектив ташкилий ҳуқуқларга эга бўлган ва субъектив ташкилий мажбуриятларни ўз зиммасига олган иштирокчилар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида вужудга келадиган, шахсий ёхуд мулкий мазмунга эга бўлмаган амалий (механик) ва юридик ҳаракатлар орқали субъектив ҳаракатларни амалга ошириш, субъектлар ҳаракатларини йўналтириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни вужудга келтириш ва мувофиқлаштириш, эрк иродасини ва саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришда намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Манба ва адабиётлар

1. http://global-finances.ru/vvp-stran-mira-202

2. https://quote.rbc.ru/news/article/5dedffae9a7947200eb42bdd

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: "Адолат", 2018. – 547 б.

5. Окюлов О.О.Современные концепции о предмете гражданского право и проблемы либерилизации системы право. // Материалы международного симпозиума. Традиционное право Узбекистана и Японии: проблемы совершенствования законодательства. – Т.,2002. – С.48.

6. Рахмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 25 б.

7. Красавчиков О.А. Гражданские организационно-правовые отношения. // Советское государство и право. – М.: 1966. № 10 – С. 55-56.

8. Советское гражданское право. Учебник Т.1 Под ред. Проф. Красавчикова О.А. Высшая школа, – М., 1968. – С. 8.

9. Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. – Т.: ТДЮИ, 2003. - 25-28 б.

Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ташкилий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Воҳиджон Топилдиев,
юридик фанлар номзоди,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
профессори

Аннотация: *мазкур мақолада фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари, уларни ҳуқуқий тартибга солишдаги усул ва воситалар, механизмларни ишлаб чиқиш, фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасидаги ташкилий муносабатларни, фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, "ташкилий-ҳуқуқий муносабат" тушунчасига илмий доктринал таъриф берилган ва фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни: ташкилий-мулкий муносабатлар, ташкилий-номулкий муносабатлар ва ташкилий-корпоратив муносабатларга бўлиш таклиф этилган.*

Калит сўзлар: *фуқаролик ҳуқуқининг предмети, ҳуқуқий муносабатлар, мулкий муносабатлар, шахсий муносабатлар, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, корпоратив муносабатлар, субъектив ташкилий ҳуқуқлар, субъектив ташкилий мажбуриятлар.*

Своеобразные свойства правового регулирования организационных отношений в сфере гражданского права

Вохиджон Топилдиев,
кандидат юридических наук,
профессор Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Аннотация: *в данной статье рассмотрены особенности гражданских организационно-правовых отношений, разработка методов и механизмов их правового регулирования, вопросы дальнейшего совершенствования системы гражданско-правового регулирования организационных отношений в рамках субъекта гражданского права. А также дано научное доктринальное определение понятия организационных правоотношений и предлагается разделить гражданские организационно-правовые отношения на организационно-имущественные, организационно-неимущественные и организационно - корпоративные отношения.*

Ключевые слова: *субъект гражданского права, правоотношения, имущественные отношения, личные отношения, организационно-правовые отношения, корпоративные отношения, субъективные организационные права, субъективные организационные обязательства.*

Some assumption for improving the system of organizational and legal relations in civil law

Vokhidjon Topildiyev,
PhD (in Law),
professor, National university of Uzbekistan

Annotation: *this article discusses the features of civil organizational and legal relations, the development of methods and tools, mechanisms for their legal regulation, issues of further improving the system of civil legal regulation of organizational relations within the framework of the subject of civil law. And also a scientific doctrinal definition of the concept of organizational legal relations is given, and it is proposed to divide civil organizational and legal relations into organizational and property, organizational and non-property relations and organizational and corporate relations.*

Key words: *subject of civil law, legal relations, property relations, personal relations, organizational and legal relations, corporate relations, subjective organizational rights, subjective organizational obligations.*

Бошқарувда замонавий тенденциялар / Современные тенденции в управлении / Modern trends in management

Ҳилола УМАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Давлат ва жамиятнинг замонавий ривожланиш суръати тез ўзгарувчан иқтисодий ва технологик тартибларни ўрганишни, пайдо бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилма муаммоларини тезкор ҳал этишни тақозо этмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишга, шунингдек, барча соҳаларда мавжуд бўлган салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланишга ҳамкорликнинг янги йўналиши – давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) ёрдам беради. ДХШ микродаражада, масалан, муайян муаммоларни ҳал қилиш ёки жойларда индивидуал лойиҳаларни ишлаб чиқиш ёки макродаражада, яъни кенг миқёсли давлат лойиҳаларини амалга оширишдаги ҳамкорликни ўз ичига олади.

ДХШ ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган. Айниқса, АҚШда, Европа ва Осиё мамлакатларида бирмунча яхши тараққий этган. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари инглиз тилида Public-Private Partnership ёки "Р3 (П уч)" деб юритилади.

Давлат органлари бюрократияси ва қарорлар қабул қилиш жараёнининг кўп вақт олиши шароитида ДХШни ривожлантириш тезкор илмий ва техник тараққиёт учун жуда муҳимдир. Бу, айниқса, ахборот-коммуникация, биология, тиббиёт, кимё ва бошқа соҳалардаги юқори технологияларга тааллуқлидир. Даставвал, давлатнинг хусусий шериклари ушбу лойиҳаларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ташаббускори бўлиб, уларнинг ҳаракатчанлиги ва самарадорлиги ДХШ лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Инфратузилмани қуриш, хусусан, транспорт соҳасидаги ДХШ лойиҳалари глобал миқёсда капитални ҳаддан ташқари кўп талаб қилиши ва маҳаллий воқеликка мос келиши билан жуда катта талабга эга бўлди.

Америкалик профессор Эллис Мартиннинг таъкидлашича, дунёда ҳар йили ушбу мақсадларга 2,5 триллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланади, аммо бу маблағларни етарли деб бўлмайди. Мавжуд муаммолар кўлами хусусий сектор маблағларини жалб қилишни тақозо этади [4].

Мак Кинзи глобал институти ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги кундаги ўсиш даражасини сақлаб қолиш учун инфратузилмага ҳар йили 3,3 трлн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция ажратилиши лозим. Ваҳоланки, АҚШнинг шу каби эҳтиёжлар учун сарф-харажатлари 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Жаҳон банки ДХШ тизимидан турли соҳаларда кенг фойдаланиш тарафдорларидан биридир. Жаҳон банки (ЖБ) эксперт-лари ўзларининг "Ҳукумат мақсадлари: давлат-хусусий шериклигининг фойдалари ва хавфлари"даги [5] тавсияларида қуйидагиларни таъкидлашади:

- хусусий сектор технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатишда ДХШни жалб қилиш;
- хусусий сектор томонидан маблағларнинг ўз вақтида тежаб ишлатилишини таъминлаш;
- ДХШ лойиҳаларида халқаро компаниялар билан қўшма корхоналар ташкил этиш;
- давлат компанияларининг ДХШ лойиҳаларида иштирок этишини кенгайтириш ва бошқалар.

Жаҳон банки, шунингдек, мазкур соҳадаги қуйидаги хатарларни кўрсатиб ўтади:

- ДХШ лойиҳалари бўйича тендер савдоларининг, айниқса, дастлабки босқичда қимматлиги;
- қарз олишнинг юқори қиймати;
- хусусий ДХШ лойиҳаларининг ижтимоий ва сиёсий хатарлари, айниқса, улар тарифларининг ошиши ёки янги тўловлар ва/ёки тақдим этилаётган хизматлар учун тўловларни жорий этиш зарурати билан боғлиқ бўлса.

Жаҳон банкининг етакчи иқтисодчиси М.Беллер шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаларига ДХШни жалб қилишни муҳим деб билади [6].

Американинг таниқли "Price Waters Coopers" [7] аудиторлик компанияси фикрига кўра, ДХШ АҚШ ривожланишининг ҳозирги босқичи учун бир қатор омиллар сабаб ўта муҳимдир, жумладан:

- амалга оширилаётган лойиҳалар нархини 20% гача пасайтириш (АҚШ шароитида);
- томонларнинг ўзаро манфаатларига ва белгиланган муддатларга риоя этилмаган тақдирда бериладиган жарималар ҳисобига лойиҳани амалга оширишнинг самарадорлиги;
- деярли барча шартномаларда лойиҳа бўйича хавфлар тақсимотининг кўзда тутилганлиги;
- ДХШ лойиҳаларини узоқ муддатли муҳандислик-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Америка Фуқаролик муҳандислари жамияти маълумотларига кўра [8], АҚШ шароитида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва ресурсларни қўллашнинг энг машҳур соҳалари қуйидагилардан иборат:

- таълим соҳаси: стандартлаштириш, модернизация қилиш, рақамлаштириш ҳамда мактаблар ва олий ўқув юртлари томонидан тақдим этилаётган таълим хизматлари имкониятларини кенгайтириш зарурияти;
- шаҳарларнинг нотурар жой фондини тиклаш ва модернизация қилиш;
- маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва сув таъминоти объектларини модернизация қилиш;
- шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасининг турли хил объектлари, масалан, парклар, ижтимоий-маданий аҳамиятга эга объектлар ва бошқалар.

Бироқ, мутахассислар мутлақ кўпчилигининг фикрига кўра, замонавий инфратузилмани тиклаш, модернизация қилиш ва янада ривожлантириш давлат-хусусий шериклигининг долзарб қўлланилиш соҳалари ҳисобланади. Даставвал, федерал темир йўллар ва автомагистраллар тармоғи, катта кўприклар, электр узатиш линиялари, кабеллар, АКТ тизимлари, аэропортлар ва денгиз портлари шулар жумласидандир.

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида давлат-хусусий шериклик шаҳар инфратузилмасини, маданий иншоотларни, паркларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ва модернизация қилиш соҳасидаги деярли барча лойиҳаларни қамраб олади. Европа тажрибасидаги ДХШ ривожланишининг ўзига хос томони шундаки, баъзи лойиҳалар бошқаларига бириктирилади ва шу тарзда каскад реакцияси деб аталмиш воқеликни юзага келтиради [9].

Европа мамлакатларида ДХШни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти унинг ҳуқуқий соҳасини тартибга солишнинг асосий масалаларидан тортиб, савдоларда молиявий иштирокнинг хусусий параметрларига қадар амалга оширилишининг деярли барча жиҳатларида батафсил тартибга солишдир. Шаффофлик ва ДХШни амалга оширишда кимошди савдосида қатнашишнинг қонунийлиги Европа жамоатчилиги учун катта қизиқиш уйғотади. Хусусан, ушбу соҳада мониторинг ҳар ойда нашр этиладиган "Ҳуқуқий таҳлил: Европа харидлари ва давлат-хусусий шериклиги" [10] ихтисослаштирилган журнали томонидан амалга оширилади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида ушбу соҳанинг ўзини тартибга солишдаги қийинчиликлар ДХШни ривожлантиришда муаммолар туғдирмоқда, чунки бу мамлакатлар фаровонлик, маданият ва инфратузилмасининг ривожланиш даражаси жиҳатидан бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Шунга кўра, муаммоларни ҳал қилишнинг устувор йўналишлари ҳам улар учун фарқ қилади. Масалан, Скандинавия

мамлакатларида кичик кўлни сақлаш масалалари маҳаллий жамоалар учун ўта муҳимдир, Греция ёки Италия аҳолиси учун фаровонликнинг асосий даражасини сақлаш масалалари биринчи ўринда туради. Хусусан, германиялик профессор Т.Крумм ўзининг "Ғарбий Европада давлат-хусусий шериклик сиёсати: қиёсий баҳо" асарида буни таъкидлайди.

ДХШ ривожланишининг яна бир ўзига хос хусусияти Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигини Европа Иттифоқининг амалдаги ҳуқуқий нормалари билан стандартлаштириш ва бирлаштириш талабидир [12].

Европа инвестиция банки ходимлари давлат-хусусий шериклик доирасида Португалияда амалга оширилган 25 лойиҳани таҳлил қилиб, қуйидаги натижаларни аниқладилар [13]:

- ДХШ лойиҳаси иштирокчилари уларни амалга ошириш учун Испания, Франция, Португалия ва бошқа бир қатор давлатлардан инвесторларни жалб қилишга муваффақ бўлдилар;

- умумий узунлиги 4600 км. дан ортиқ бўлган ўнлаб кўприклар, тўлиқ ёки қисман пулли йўллар қуришга эришилди;

- миллий ва халқаро банк ҳамжамиятини ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда кенг иштирок этишга жалб қилиш, капитал бозорларига киришга муваффақ бўлинди;

- соғлиқни сақлаш ва темир йўл транспорти, сув таъминоти ва шаҳар инфратузилмаси, шунингдек, аэропортлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали ДХШ моделлари диверсификация қилинди;

- бир қатор бошқа тармоқларда "ноу-хау" оқимига эришилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) доирасида ДХШ лойиҳаларининг самарадорлиги бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу тадқиқотлар доирасида 2012 йилда ИҲРТ томонидан ДХШ лойиҳаларининг жамоатчилик бошқаруви тамойиллари қабул қилинди. Уларга қуйидагилар киради [15]:

- ваколатли ва манбалар томонидан қўллаб-қувватланадиган аниқ, башорат қилинадиган ва қонуний асосларни яратиш;

- "пул маблағларини жалб қилиш муносабати билан ДХШга қайтиш" бўйича лойиҳаларнинг самарадорлигини танлашнинг асослилиги;

- инвестицияларнинг юқори сиёсий даражада танланиши. Рақобатлашадиган кўплаб лойиҳалар мавжудлиги сабабли, ҳукумат устуворликларни ва стратегик мақсадларни танлашга жавобгардир. Улар харидлар ёки молиялаштириш масалаларига нисбатан устувор бўлиши керак;

- бюджет жараёнига киритилиши, молиялаштиришни шаффоф амалга ошириши ва коррупцияга барҳам бериши.

ИҲРТ доирасида қишлоқ хўжалигидаги инновациялар соҳасида ДХШ лойиҳаларини ўрганиш ишлари олиб борилди [16]. Француз мутахассиси К. Мередду тўпланган халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллаш нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлигини оширишга имкон беришига алоҳида урғу беради [17].

К.Мередду ушбу соҳага хос бўлган қуйидаги хусусиятларни аниқлади:

- қишлоқ хўжалигидаги ДХШ лойиҳаларининг бир хил эмаслиги;

- ҳукуматлар томонидан ДХШ самарадорлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, улар томонидан шартларнинг қўйилмаслиги, шунингдек, хатарларнинг мутаносиб равишда тақсимланиши;

- давлатнинг ДХШ лойиҳаларидаги улушининг 50% дан ошмаслиги;

- ҳукуматлар томонидан қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар учун шарт-шароитлар яратишда қонунларнинг қабул қилиниши, тўпланган тажриба билан алмашиш, ушбу соҳада ўқув ва илмий тадқиқот институтларини яратиш орқали муҳим аҳамиятга эга;

- ҳукуматлар имзоланган шартномалар бажарилишининг кафолати сифатида иштирок этишлари, бизнес учун барқарор шарт-шароитларни яратиши, ушбу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва шу кабиларга жавобгар бўлиши керак [18].

ДХШ Осиё давлатларида, айниқса, кенг тарқалди. Бир қатор ривожланган давлатлар, масалан, Япония, Осиё минтақасидаги давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ДХШлардан

фойдаланади. Ҳиндистон Иқтисодий алоқалар вазирлиги таркибида давлат-хусусий шериклик билан шуғулланадиган алоҳида бўлим мавжуд. Ҳиндистонда давлат-хусусий шериклигининг алоҳида вебпортали Public Private Partnership in India мавжуд бўлиб [21], у ерда реал вақт режимида мониторинг, тендер савдолари ва ҳ.к. мониторинги олиб борилади. Иқтисодий алоқалар вазирлиги қошидаги ДХШ лойиҳалари билан уларни самарали амалга ошириш учун тузилган қатор тузилмалар шуғулланади, жумладан:

- ДХШ лойиҳаларини баҳолаш қўмитаси котибияти;
- ваколатли қўмита;
- траст фонди ва Ҳиндистон инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш жамғармаси орқали молиявий ёрдам кўрсатишни таклиф қилган лойиҳалар бўйича ваколатли институтлар;
- бошқа тузилмалар.

Ҳиндистоннинг ўзига хос жиҳати - инфратузилмани ривожлантиришга [22], айниқса, қишлоқ жойларда, энг кўп иш жойлари бўлган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш (capacity building) [23] учун шарт-шароит яратиш ва бошқалардир.

Покистонда ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда инфратузилмани ривожлантириш, сув таъминоти ва бошқалар билан бир қаторда қишлоқ жойларда замонавий таълимнинг тарқалиши ва камбағалликни камайтиришга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Покистон ушбу мақсадлар учун халқаро ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий донор тузилмалардан маблағ жалб қилишни режалаштирмоқда. ДХШ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун 2017 йилда Покистоннинг Давлат-хусусий шериклик маъмурияти ташкил этилди [24]. Ушбу тузилма юқори тезликда ҳаракатланадиган, шу жумладан, пулли асосдаги автойўллар тармоғини яратишга алоҳида эътибор бермоқда.

Хитой воқелигини ҳисобга олган ҳолда, Жануби-шарқий Нанжинг университети (ХХР) профессорлари Ж.Вуан ва А.Яжонг бошчилигидаги хитойлик муаллифларнинг фикрига кўра, мақсадларни танлашда ва ДХШ лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини баҳолашда нарх-наво ва сифат омилини ҳисобга олиш муҳимдир [25].

ХХР олдида турган устувор вазифалар асосида муаллифлар шаҳар ва қишлоқлар учун инфратузилма қурилишида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига бўлган талабни алоҳида таъкидлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, Хитой халқларининг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, маҳаллий қишлоқ жойларда амалга оширилаётган барча лойиҳалар, маълум даражада, ДХШ механизмлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

"Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"-ги Қонунда [1] давлат ва хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш бўйича Агентлик ва ягона ДХШ маълумот порталини яратиш кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда энергетика, транспорт, коммунал хизматлар ва соғлиқни сақлаш соҳаларида давлат-хусусий шериклик (ДХШ)ни кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Шундай қилиб, бюджет юкини камайтириш ва хусусий секторни йирик лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш мақсадида, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. ДХШ бошқарувини тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш мақсадида алоҳида қонунлар ва ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Бугунги кунга қадар энергетика, соғлиқни сақлаш ва коммунал соҳаларда 10 дан ортиқ йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари имзоланган. Аммо Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда, бу кўрсаткич ДХШнинг мавжуд имкониятларини тўла акс эттирмайди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Президенти мутасаддилар олдига кўп тармоқли клиник шифохоналарни, жумладан, онкологик ва гемодиализ марказларини ва бошқаларни яратиш учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги 270 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ДХШнинг 14 та устувор лойиҳасини амалга оширишни тезлаштириш вазифасини қўйди.

Мутахассислар фикрига кўра, Ўзбекистонда транспорт-логистика соҳасини янада модернизация қилиш учун яқин 10 йил ичида тахминан 27 миллиард АҚШ доллари керак бўлади. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийси ўртасида автоуловларнинг ўтказувчанлиги ва ҳаракатланиш тезлигини ошириш мақсадида яқин йилларда қўшимча магистрал йўллар қурилиши зарур бўлади. Шу муносабат билан, Қамчиқ довони орқали пулли йўл ва янги туннель қуриш, шунингдек, Тошкент-Самарқанд автомагистрали лойиҳасини тезлаштириш учун тендер эълон қилиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон банки таҳлилига кўра, Ўзбекистондаги мавжуд аэропортларни модернизация қилиш учун ўрта ҳисобда 800 миллион АҚШ доллари керак бўлади. Бунинг учун оммавий асосда Тошкент, шунингдек, Бухоро, Фарғона ва Урганч шаҳарларидаги аэропортларни хусусий бошқарувга ўтказиш учун техник топшириқни ишлаб чиқиш кўзда тутилган, яъни фойдасиз аэропорт фойдали аэропорт билан бирга хусусий бошқарувга ўтказилади.

Коммунал хизматлар, жумладан, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация соҳалари ДХШ соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Масалан, Осиё тараққиёт банки мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, Қарши, Андижон, Нукус ва Наманган шаҳарларида мавжуд канализация тизимларини модернизация қилиш ва қамров доирасини кенгайтириш учун 2,6 миллиард АҚШ доллари керак бўлади. ДХШ механизмларини жорий этиш давлат бюджети юкини енгиллаштиради ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайди.

ДХШни амалга оширишда электр энергияси сектори ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Ҳозирда умумий қуввати 2440 мегаватт бўлган электр станцияларини қуриш ва қайта жиҳозлаш бўйича 5 та шартнома имзоланган ва яна 4200 мегаваттли 11 та лойиҳа ишлаб чиқилиш босқичида турибди. ДХШ тамойилларини нафақат электр энергиясини ишлаб чиқаришда ишлатиш, балки уни охирги истеъмолчиларга етказиб бериш ҳам устувор вазифа ҳисобланади. 2021 йилдан мамлакатда давлат ва хусусий электр станциялари ва истеъмолчилар иштирокида улгуржи электр энергияси бозори шакллантирила бошланади.

Умуман олганда, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклигини янада ривожлантириш, лойиҳалар самарадорлигини, хатарларни бошқариш жараёнларини баҳолаш ва инвестиция инфратузилмаси лойиҳаларини амалга оширишда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади. Қайта тикланадиган энергетика, энг аввало, қуёш ва шамол энергияси, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва ижтимоий хизматлар соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилади.

Муаллиф ушбу муаммони мукаммал баён этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган ва мутахассисларни тадқиқот натижалари бўйича илмий мунозарага таклиф этади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни. lex.uz/

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги "Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3980-сонли қарори. lex.uz/

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 1009-сонли қарори. lex.uz/

4. "What Successful Public-Private Partnerships Do", Ellys Martin, Harward Business Review, JANUARY 08, 2019. https://hbr.org/2019/01/what-successful-public-private-partnerships-do

5. "Government objectives: benefits and risks of public-private partnership". 31.10.2016. https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/overview/ppp-objectives

6. "Financing Urban Development Financing Urban Public Infrastructure", Michel Bellier, Lead Transport Finance Specialist, World Bank,

http://www.eib.org & https://slideplayer.com/slide/6144973/

7. "Public-Private Partnerships in the US: the state of the market and the road ahead", November 2016, Group pf authors, lead by Peter Raymond, Capital projects and infrastructure Global leader, https://www.pwc.com/us/en/industries/capital-projects-infrastructure/library/public-private-partnerships.html

8. American Society of Civil Engineers, Report Card for America's Infrastructure, 2013.

9. History RePPPeated - How public-private partnerships are failing, 07.10.2018, https://eurodad.org/HistoryRePPPeated

10. European Procurement & Public Private Partnership Law ReviewVolume 14, Issue 1 (2019),- https://epppl.lexxion.eu/article/EPPPL/2019/1/0

11. The Politics of Public-Private Partnerships in Western Europe Comparative Perspectives, Thomas Krumm, Assistant Professor, Turkish-German University, Istanbul, Turkey, 2016., https://www.e-elgar.com/shop/the-politics-of-public-private-partnerships-in-western-europe

12. "Influence of Socio-Economic Environment on the Development of Small and Medium Business", University of Lodz, 2011, Edited by Anna Iwona Adamik, ?Agnieszka Zakrzewska, ?Marek Matejun.

13. "11 Public Private Partnerships (PPP) in Portugal Pedro Eiras Antunes EIB - European Investment Bank IADB, 8-9 December 2005 Portuguese experience in ppp.", http://www.eib.org & https://slideplayer.com/slide/10392967/

14. "French High-speed Rail Public-Private Partnership (PPP) Case", 12.29.2016г., http://www.transformcn.com/Topics_En/2016-12/29/content_102252.htm

15. "Review of recommendations in the governance and design of Public-Private Partnerships", May 2012, www.oecd.org/gov/budgeting/PPPnoSG.pdf

16. Moreddu, C. (2016), "Public-Private Partnerships for Agricultural Innovation: Lessons From Recent Experiences", OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers, No. 92, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/5jm55j9p9rmx-en

17. K.Moreddu, C. (2016), "Public-Private Partnerships for Agricultural Innovation: Lessons From Recent Experiences", OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers, No. 92, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/5jm55j9p9rmx-en

18. Public-private partnerships for agricultural innovation: lessons from recent experiences oecd food, agriculture and fisheries papers n°92 © oecd 2016

19. "The strategy for the global food value chain: Promote "Made WITH Japan" through Public-Private Partnership", presentation by the Japanese government to the 6th meeting of the OECD Food Chain Analysis Network on PPPs for agricultural innovation, 13-14 October 2014, Paris.

20. www .oecd.org/site/agrfcn/meetings/6th-oecd-food-chain-analysis-network-meeting-october-2014.htm

21. https://www.pppinindia.gov.in/

22. www.infrastructureindia.gov.in

23. http://dea.gov.in/divisionbranch/infrastructure-and-energy-division#PPPCell

24. Public Private Partnership Authority, http://www.pppa.gov.pk/

25. "Selection of performance objectives and key performance indicators in public-private partnership projects to achieve value for money", Jingfeng Yuan Alex Yajun Zeng,Miroslaw J. Skibniewski Qiming Li, Journal of Construction Management and Economics, Volume 27, 2009, https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/0144619090 2748705?src=recsys

Давлат-хусусий шериклик ривожланишининг ўзига хослиги: халқаро тажриба

Ҳилола Умарова,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори

Аннотация: *мақола хорижий давлатларда кенг тарқалган давлат-хусусий шериклик тажрибасини умумлаштиришга бағишланган бўлиб, унда халқаро экспертларнинг изланишлари асосида энергетика, транспорт ва коммунал соҳаларда замонавий инфратузилмани тиклаш, модернизация қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшма лойи-*

ҳаларни амалга оширишда ДХШни кенгайтиришнинг долзарблиги асосланди. Ушбу натижалар ҳали ҳам мавжуд бўлган бюрократия, коррупция, қарор қабул қилишдаги сусткашликларни бартараф этишда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: *давлат-хусусий шериклик, хорижий инвестициялар, лойиҳалар, энергетика, транспорт, коммунал хўжалиги, модернизация.*

Своеобразие развития государственно-частного партнерства: международный опыт

Хилола Умарова,
директор Агентства по развитию президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Аннотация: *статья посвящена обобщению опыта, широко распространенного во многих зарубежных странах государственно-частного партнерства. На основе ряда мнений международных экспертов выявлена особая актуальность расширения ГЧП для реализации совместных масштабных проектов в энергетике, транспорте и коммунальном хозяйстве, восстановлении, модернизации и дальнейшем развитии современной инфраструктуры. Эти результаты обретают теоретический и практический характер в силу имеющихся ещё бюрократичности и коррупции, а также медленного принятия решений.*

Ключевые слова: *государственно-частное партнёрство, иностранные инвес-тиции, проекты, энергетика, транспорт, коммунальное хозяйство, модернизация.*

The peculiarity of the development of public private partnership: an international experience

Khilola Umarova,
director of the Agency for the Development of the Presidential, Creativity and Specialized Schools

Abstract: *the article aims to summarize the experience of public-private partnerships widespread in many foreign countries. Based on a number of opinions of international experts, the urgency of expanding public-private partnerships in the implementation of major joint projects to restore, modernize and further develop modern infrastructure in the energy, transport and utilities sectors has been identified. These outcomes are of theoretical and practical significance due to the bureaucracy, corruption, and delays in decision-making process that still exist in our offices and institutions.*

Key words: *state-private partnership, foreign investments, projects, energetics, transport, utilities, modernization.*

Жамшид ЮСУПОВ,
Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖИ

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб давлатларида "ягона ойна" тамойили асосида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизими жорий этилиб, жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, сўнгги йилларда мазкур давлат хизматларининг аксарияти онлайн кўрсатилувчи электрон ҳукумат тизимининг фаол ажралмас қисмига айланаётганлигини кузатиш мумкин.

Бу борада давлат хизматларини ривожлантириш ва унинг асосини яратиш, аввало, республикамизда электрон ҳукуматнинг асоси сифатида 2003 йилда имзоланган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ дейиш ўринли. Зеро, мазкур Қонунда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган [1].

Кейинги босқичларда ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари сифатида давлат бошқаруви тизимини кенг тарзда ахборотлаштириш бўйича "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунлар муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаш ўринлидир. "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонун марказий ва жойлардаги ҳукумат бошқарув органларида ахборот тизимлари орқали ташкилотлар ўртасида ўзаро электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солса [2], "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни белгилаб берди ҳамда давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштирди. Бунинг исботи сифатида ушбу Қонунда электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш шартлари ва электрон давлат хизматларининг сифатини баҳолаш тартиби кўрсатилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш асосий масалалар сифатида назарда тутилган [3].

Мазкур муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида бугунги кунга келиб, мамлакатимизда электрон ҳукуматнинг етарлича мувофиқлаштирилган архитектураси юзага келди, десак муболаға бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, электрон ҳужжат айланмаси ва электрон мурожаатларни ўзида намоён қилувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда

давлат органлари ва ташкилотларининг алоҳида ўз порталларидан иборатдир.

Электрон ҳукумат сиёсатининг амалдаги ёрқин намунаси сифатида ишлаб чиқилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013 йилда яратилган бўлса, қисқа давр ичида кўплаб электрон хизматларни ўзида қамраб олди ва бугунги кунга келиб, ушбу портал орқали 300 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланиш имкони яратилди.

Шунингдек, ариза берувчиларга давлат органлари томонидан электрон давлат хизматлари кўрсатишни таъминловчи ахборот тизимларининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш Ягона порталнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланди [4].

Бу билан фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига, ташкилот ва муассасалар вакилларига вақт ҳамда маблағини тежаган ҳолда, давлат ҳокимиятининг барча элементлари бўйича тўлиқ ахборот олиш, у ёки бу давлат органига электрон шаклда мурожаат қилиш имкони берилди.

Бу тизимнинг яна бир муҳим эътирофли томони шундаки, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига бугунги кунга келиб 600 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар ўзаро интеграция қилинди. Электрон ҳукуматнинг ушбу амалдаги ахборот тизими эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари қабулига масофадан туриб онлайн ёзилиш, давлат органларидаги мавжуд бўш иш ўринлари учун маълумотномаларни олиш ва юбориш, фуқаролик ҳамда шахсга доир маълумотларни олиш юзасидан мустақил онлайн ариза тақдим этиш каби аҳолига қатор қулайликлар яратди.

Ушбу йўналишда кенг жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалда фойдаланиш кўлами ортиб бориб, 2017 йилга келиб 65 дан зиёд хизматни тақдим этувчи Ягона порталнинг янги my2.gov.uz сайтидаги талқини ишга туширилди. Ушбу сайт орқали эса эндиликда фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни марказий маълумотлар базасидан фойдаланиш орқали автоматик тарзда олиш, электрон ҳукумат фойдаланувчиларини аниқлашда Ягона идентификация тизимидан фойдаланиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун шахсий кабинетларни яратиш имкониятлари ишлаб чиқилди. Бу билан ҳар бир жисмоний шахс ўз идентификация маълумотлари асосида рўйхатдан ўтиш ва давлат хизматларини электрон тарзда олиш ҳамда маълумотларни шахсий кабинетида сақлаб бориш имкони яратилди.

Ягона порталдан фойдаланувчилар кўламининг ошиб бориши ҳисобига бу билан боғлиқ соддалаштириш ва идентификациялашнинг ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида синалган янада мукаммал кўринишларига ўтиш тақозо этила бошланди. Ўз навбатида, фуқаролар орасида фойдаланилаётган электрон ҳукуматнинг бошқа бир қатор лойиҳалари ҳам катта муваффақиятларга эришди. Хусусан, id.gov.uz ягона идентификация тизими электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда барча электрон ҳукумат тизимида ҳар бир шахс учун алоҳида қайднома яратувчи электрон идентификациялашнинг қулай воситасига айланди ва бу орқали эндиликда интернет ва компьютерда ишлашнинг бирламчи кўникмасига эга ҳар қандай фуқаро учун эркин рўйхатдан ўтиш имконияти пайдо бўлди.

Яна бир муҳим маълумотлар архиви сифатида data.gov.uz очиқ маълумотлар порталининг ишлаб чиқилганлиги бўлиб, ушбу портал мамлакатимиздаги 128 давлат органи ва ташкилотларининг 3517 электрон маълумотлар тўпламини ўзида жам қилган йирик ҳажмли ахборот ресурсига айланди ҳамда ушбу электрон ахборот манбаидан фойдаланиш динамикаси эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон халқаро Очиқ маълумотлар Хартиясига 23 мамлакат сифатида қўшилди ва Жанубий Корея ва Филиппиндан кейин Осиёда учинчи мамлакат бўлди [5]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиқлиги индексида

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди [6].

Бундан ташқари, республикамизда электрон ҳукумат ривожининг яна бир кўриниши сифатида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш имконини берувчи "Лицензия" ахборот тизимини қайд этиш лозим.

Маҳаллий ҳокимликларнинг ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги фаолияти натижадорлигини замонавий менежмент тамойиллари асосида баҳолаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳудуд раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун илғор хорижий тажриба асосида замонавий менежмент тизимини жорий этиш, ҳокимлар фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ мезонларни ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш бўйича қатор устувор вазифалар белгиланган [1]. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда йўлга қўйилган ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолаш амалиётини таҳлил қилиш, жойлардаги мутахассислар фикрини ўрганиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги ЎРҚ-388-сонли Қонунига биноан (2-модда) ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларда ҳисоботларини эшитиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, ҳокимларнинг фаолияти ҳокимликка юклатилган вазифаларнинг бажарилиш муддати ва сифати, юқори турувчи органлар топшириқлари бажарилиш муддати ва сифатига қараб баҳоланмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2960-сонли қарори билан маҳаллий ҳокимликларнинг (ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари) аҳолини иш билан таъминлашдаги фаолиятини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилган [3]. Унга мувофиқ, улар белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминласа, тегишлича мукофотлаш, аксинча бўлса, интизомий жазо чораларини қўллаш белгиланган. Бунда баҳолаш индикаторлари сифатида қуйидаги 6 та мезон кўрсаткичлари келтирилган:

- ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали иш билан таъминланган кишилар сони;
- меҳнат органлари ёрдами билан ишга жойлашган кишилар сони;
- хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш бўйича йўл хариталарини амалга ошириш, давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки хусусийлаштириш натижасида иш билан таъминланган кишилар сони;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида иш билан таъминланган кишилар сони;

- якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан қўшимча ишчилар ёллаш натижасида иш билан таъминланганлар сони;

- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитлар ҳисобига иш билан таъминланган ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари аъзолари, аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрда "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 973-сонли қарори қабул қилинди [4]. Унга мувофиқ, йўлга қўйилган баҳолаш тизимидаги мезон-индикатор бўйича максимал кўрсаткич 100 баллни ташкил этиб, бунда расмий статистик маълумотлар бўйича максимал кўрсаткич 80 балл, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар бўйича максимал 20 балл билан баҳоланади. Расмий статистик маълумотлар 43 та мезон-индикатор (кўрсаткич)дан иборат бўлиб, 3 та мезон-индикатор туман ва шаҳарлар бўйича ҳисобланмайди ва тегишинча, 40 та мезон-индикатор бўйича ҳар бир шаҳар ва туман раҳбарлари максимал 80 балл билан баҳоланади. Бунда ҳар бир мезон-индикатор тегишли кўрсаткичларнинг миқдорига мувофиқ ҳолда 0 дан 2,0 баллгача баҳоланади. 100 фоиз кўрсаткич энг юқори 2 балл билан баҳоланади ва қолганлари фоиз кўрсаткичи бўйича энг юқори баллга нисбатан мос равишда ҳисобланади. Мезон кўрсаткичлари қуйидаги соҳаларни қамраб олган:

- ижтимоий соҳанинг ривожланганлик ҳолати (15 та кўрсаткич);

- иқтисодиётни ривожлантириш (10 та кўрсаткич);

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш (4 та кўрсаткич);

- коммунал хўжалиги ва уй-жой соҳаларини ривожлантириш (9 та кўрсаткич);

- ҳуқуқбузарликни камайтириш (3 та кўрсаткич);

- уйма-уй юриш, халқ билан мулоқот, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни ечиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги (2 та кўрсаткич);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар ва уларнинг ҳал этилиши (2 та кўрсаткич).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-4702-сонли қарорига мувофиқ юқоридаги баҳолаш амалиёти бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-4702-сонли қарори асосида ҳудудлар рейтингини ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди. Мазкур қарор ҳудудларнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш ва шу асосда улар рейтингини тузишга хизмат қилади. Аксарият ҳолларда, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нисбатан паст ривожланган ҳудуд рейтингда охирги ўринни эгаллайди. Шуни таъкидлаш керакки, қарор билан тасдиқланган услубий ёндашувлар ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолашни ўзида тўлиқ акс эттирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январда "Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 8-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, у тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш борасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган [5]. Қарорнинг асосий ижрочи органлари Ўзбекистон Рес-

публикаси Иқтисодиёт вазирлиги (ҳозирги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги) ҳамда Адлия вазирлиги этиб белгиланган. Баҳолаш индикаторлари расмий статистик маълумотлар ва ўтказилган сўровлар бўйича маълумотлар асос қилиб олинган. Бунда баҳолаш индикаторлари этиб, тадбиркорлик соҳасининг барча жиҳатларини қамраб олган 20 та мезон индикаторлари ишлаб чиқилган. Ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси аниқланган индикаторларнинг миқдорига қараб, 1 баллдан 10 баллгача рейтингда баҳоланиб, "намунали", "яхши", "қониқарли" ва "қониқарсиз", яъни:

– 9 баллдан 10 баллгача бўлган ҳудуд – "намунали";

– 7 баллдан 9 баллгача бўлган ҳудуд – "яхши";

– 5 баллдан 7 баллгача бўлган ҳудуд – "қониқарли";

– 5 баллгача бўлган ҳудуд – "қониқарсиз" деб топилади.

Маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг жорий тартиби таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, баҳолаш индикаторларини танлашда ҳокимликларнинг фаолиятини комплекс баҳолаш нуқтаи назаридан ёндашилмаган, уларнинг айрим фаолият турлари баҳоланмоқда. Аксарият ҳолларда, ҳудуднинг ривожланганлик ҳолати асосида баҳоланмоқда, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг олдинги даврга нисбатан ўзгариши ёки ўсишига кам эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, баҳолаш мезонлари сифатида ҳудудга алоқадор деярли барча кўрсаткичлар киритилган, ҳокимликларга бевосита алоқадор ва уларнинг тўлиқ ваколатидаги кўрсаткичларга, шунингдек, ҳудудларнинг ўзига хослиги, экологик вазияти ва иқтисодий салоҳиятига кам эътибор қаратилган. Умуман олганда, мазкур баҳолаш амалиётини замонавий менежмент (KPI) тамойиллари, жаҳон тажрибаси, халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган рейтинглар талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолаш, унинг мезонларини ишлаб чиқиш бўйича қатор хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан изланишлар олиб борилган. Масалан, Г.Фетисова ва О.Притула [6], В.Анриянов ва В.Трубников [7], А.Тюриков ва А.Якунин [8], А.Багирова, О.Нотман, Й.Вереш [9] каби олимлар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Содиқов [10], Т.Ахмедов [11], Ш.Назаров [12] ва бошқалар ҳам тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар, ушбу масаланинг юридик жиҳатлари Қ.Умидуллаев [13] ва З.Исроилова [14] каби тадқиқотчилар томонидан ёритилган.

Қатор хорижий давлатларда фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими (KPI) йўлга қўйилган ва бу ўз самарасини амалда кўрсатган. Ушбу йўналишда ўтказилган тадқиқотлар натижасида айрим хорижий давлатлар (Австралия, Буюк Британия, Бельгия, Янги Зеландия, Франция, Германия, Нидерландия, Канада, Россия, Қозоғистон) тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари асосланган ва уларда баҳолаш мезонлари йўналишлари сифатида қуйидагилар таклиф этилган [15]:

- мижозларга хизмат кўрсатиш, транспорт хизматларидан самарали фойдаланиш танловини яратиш;
- атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш;
- бизнес юритишга кўмаклашиш;
- инновацион ва рақобатбардош давлат хизматлари кўрсатиш;
- технологик самарадорликни ошириш;
- ресурсларни бошқариш;
- бюджет даромадлари манбасини кенгайтириш;
- инвестицияларни инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтириш ва бошқалар.

Тадқиқотимиз доирасида жойларда ўтказилган сўровномалар ва интервьюлар натижалари таҳлили маҳаллий ҳокимлик тизимида ҳокимлик ходимлари фаолияти натижадорлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш йўлга қўйилмаганлигини, шу билан бирга, республика органларининг ҳудудий ташкилотларида аксинча бўлиб, уларнинг аксариятида баҳолаш йўлга қўйилганини кўрсатмоқда [16].

Ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолашнинг бош мезонлари сифатида аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатлари ҳамда уларнинг қондирилиш даражаси, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) кўрсаткичлари, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг рейтинглари ва расмий статистик кўрсаткичлар таҳлил этилиб, таҳлиллар ушбу мезонларнинг устуворлик даражаси юқори эканлигини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

"Маҳаллий ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолашда қуйидаги қайси мезонлардан фойдаланиш лозим?" деган саволга берилган жавоблар (мезонлар устуворлик даражаси бўйича "0"дан "10"гача баҳоланган)

Мезонлар	Барча респондент-лар	Ҳокимликлар мутахассис-лари
Аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатлари ва уларнинг қондирилиш даражаси	6,9	6,8
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш индикаторлари	6,3	6,0
Маҳаллий давлат бошқаруви органларининг рейтинглари	6,2	7,1
Расмий статистика кўрсаткичлари	6,2	6,1
Республика/вилоят раҳбарлари баҳолари	6,1	6,5
ОАВ, интернет сайтларида (блогерлар томонидан) эълон қилинаётган баҳолар	6,0	5,6
Ҳокимликлар/идоралар қошидаги жамоатчилик кенгашлари баҳолари	5,9	6,4
Нодавлат ташкилот томонидан ўтказиладиган ижтимоий сўровномалар натижалари	5,8	5,3
Маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари баҳолари	5,5	6,0

Сўровнома натижалари асосида ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолашда ижтимоий соҳани ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш, тадбиркорлик, инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш каби соҳаларни қамраб олиш зарурлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

"Маҳаллий ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолашда қуйидаги қайси мақсадларни қамраб олиш керак?" деган саволга берилган жавоблар (мезонлар устуворлик даражаси бўйича "0"дан "10"гача баҳоланган)

Мақсадлар	Барча респондент-лар	Ҳокимликлар мутахассислари
Ижтимоий соҳани ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш	8,0	8,2
Тадбиркорлик, инвестиция муҳитини яхшилаш/хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш	7,6	7,9
Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш	7,4	7,9
Инновациялар ва инсон капиталини ривожлантириш орқали унумдорликни ошириш	7,1	7,7
Экологик муҳитни яхшилаш	6,8	6,8

Ўтказилган интервьюларда ҳокимлик фаолияти натижадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ҳокимлик вакилатида бўлган масалалар қамраб олинишига кўпроқ эътибор қаратиш, ҳудудга баҳо бериш орқали фаолият натижадорли-

гини аниқлашда ҳудуднинг географик жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, унинг табиий бойликлари мавжудлиги ва инфратузилма (автомобиль йўллари сифати, темир йўл линияларининг мавжудлиги) билан таъминланганлигига эътибор қаратиш ҳамда мустақил сўровномалар ўтказиш орқали баҳолаш лозимлиги таъкидланди.

Маҳаллий ҳокимликлар фаолияти таҳлили уларнинг ваколат, вазифа ва функциялари аниқ тақсимланмаганини, республика даражасидаги давлат идоралари (вазирлик, қўмита ва б.) ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасида ваколатлар аниқ чегараланмагани ёки ҳудудий ташкилотлар билан ҳокимликлар ўртасида ваколат (вазифалар) тақсимланмаганини, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ўртасида вазифалар тақсимоти йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу каби ҳолатлар эса маҳаллий ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини замонавий менежмент тамойиллари (KPI) асосида баҳолашга, яъни мезонлар ишлаб чиқишга салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини баҳолаш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, баҳолаш, аксарият ҳолларда, ҳудуднинг ривожланганлик ҳолати ҳамда муаммоларнинг ҳал этилганлиги бўйича амалга оширилмоқда. Мезон кўрсаткичлари қаторига уларнинг ваколатига тўлиқ кирмайдиган вазифаларнинг (масалаларнинг) ечими бўйича эришиладиган кўрсаткичлар ҳам киритилган. Ҳудуднинг салоҳияти, имкониятлари, ҳокимликларнинг ваколати доирасидаги масалаларга кам эътибор қаратилмоқда. Умуман олганда, бугунги кунда мазкур амалиётни замонавий менежмент тамойиллари асосида ҳудуднинг географик жойлашуви, унинг салоҳияти, имкониятлари ва инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати каби жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Бугунги кундаги ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолаш мезонлари уларнинг айрим жиҳатларинигина қамраб олмоқда (янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтириш ва б.). Аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида мустақил сўровномалар ўтказиш орқали баҳолашга кам эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини KPI асосида баҳолаш учун қуйидаги 4 та йўналишдаги мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1-йўналиш мезонлари – расмий статистик кўрсаткичлар. Расмий статистик кўрсаткичлар асосида баҳолашда кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида олдинги даврга нисбатан ўсиши ёки ўзгариши асос қилиб олинади ва статистик кўрсаткичлар ҳокимнинг ўринбосарлари кесимида ишлаб чиқилади. Статистик кўрсаткичларни шакллантиришда ҳокимликларнинг бевосита амалий ҳаракати, уларнинг ваколатида бўлган масалаларнинг амалга оширилиши натижасида эришиладиган кўрсаткичлар танлаб олинади.

2-йўналиш мезонлари – Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) кўрсаткичлари. БРМ кўрсаткичлари асосида баҳолашда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан ташкил этилган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2019 йил 20 мартда тасдиқланган кўрсаткичлардан маҳаллий ҳокимликларга бевосита алоқадор ёки уларнинг ёрдами (кўмаги) билан эришиладиган кўрсаткичлар асос қилиб олинади. Бунинг учун, маҳаллий ҳокимликларнинг аниқ жавоб берадиган соҳаларини, жумладан, ҳоким ўринбосарлари соҳаларини ажратиб олиш мақсадга мувофиқ.

3-йўналиш мезонлари – аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатлари. Аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатлари асосида баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қабулхоналарида рўйхатга олинаётган бевосита ҳокимликларга алоқадор, яъни мурожаатнинг бевосита ижрочиси маҳаллий ҳокимлик бўлган мурожаатлар ажратиб олинади ва таҳлил этилади. Бунда мурожаатлар сони, уларнинг ўзгариши ва ҳал этилганлик даражасига алоҳида эътибор қаратилади.

4-йўналиш мезонлари – мустақил сўровномалар ўтказиш. Сўровнома натижаси асосида баҳолашда аҳоли ва тадбиркорларнинг тегишли саволлар асосида фикри ўрганилади. Бунда сўровноманинг сифатли ва шаффоф ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Сўровнома саволларини тузишда маҳаллий ҳокимликларга алоқадор масалалар қамраб олиниши лозим.

Юқоридаги мезонлар йўналишлари асосида баҳолаш амалиётини жорий қилиш маҳаллий ҳокимликлар фаолияти натижадорлигининг ошиши, мақсадга йўналтирилган бошқарувни шакллантириш, ҳисобдорлик тизимини ривожлантиришга муайян даражада хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли Фармони. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 23-сон, 301-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2960-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 388-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 973-сонли қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2017 й., 09/17/973/0396-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги "Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 8-сонли Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2020 й., 09/20/8/0031-сон.

6. Фетисова Г.В., Притула О.Д. Оценка эффективности деятельности органов местного самоуправления.//Вестник Новгородского государственного университета. 2014, №82. – С.44-49.

7. Андриянов В.Н., Трубников В.В. Эффективность местного самоуправления: критерии и показатели // Известия Иркутской государственной экономической академии. 2012, № 1. – С. 139-142.

8. Тюриков А.Г., Якунин А.С. Оценка социальной эффективности управления регионом по критерию качества жизни населения// Вестник Военного университета. 2011, № 1. – С. 111-117.

9. Багирова А.П., Нотман О.В., Вереш Й. Методика комплексной оценки микрорайонов мегаполиса на основе мнений горожан// Экономика региона. 2017. Т.3. Вып.4. – С. 1038-1150.

10. Садыков А.М. Методические вопросы оценки социально-экономического развития регионов. – Т.: "Iqtisod-Moliya". 2006. – С. 143-144.

11. Ахмедов Т.М. Экономика регионов: вектор развития.// Экономическое обозрение. 2003, №9. – С. 7.

12. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов// Монография. – Т.: IFMR, 2014. – С. 162-163.

13. Умидуллаев Қ.У. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2019.

14. Исроилова З.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Европа Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси кўмагида бажарилган "Маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолияти натижадорлигини KPI асосида баҳолаш" бўйича тадқиқот натижалари. Тошкент, 2020. – 22-24 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Европа Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси кўмагида бажарилган "Маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолияти натижадорлигини KPI асосида баҳолаш" бўйича тадқиқот натижалари. Тошкент, 2020. – 37-44 б.

Ҳокимликларнинг ҳудудларни ривожлантиришдаги фаолияти натижадорлигини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш

Шерзодбек ОТАБОЕВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Аннотация: *мақолада Ўзбекистондаги маҳаллий ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини баҳолаш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилди, уларда баён қилинган баҳолаш мезонлари ва ҳисоблаш услублари ўрганилди, шу йўналишдаги муаммолар аниқланди. Шунингдек, мавзу бўйича илмий адабиётлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, ўтказилган сўровнома ва интервьюлар натижалари таҳлил қилинди. Таҳлиллар ва сўровномалар натижалари асосида маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.*

Калит сўзлар: *ҳудуд, маҳаллий ҳокимиятлар, фаолият натижадорлиги, сўровнома, интервью, баҳолаш мезонлари, KPI.*

Совершенствование критерий оценки результативности деятельности хокимиятов в развитии регионов

Шерзодбек Отабоев,
PhD (по экономическим наукам),
Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, руководитель проекта

Аннотация: *в статье проанализированы принятые правовые документы по оценкам результативности деятельности местных хокимиятов в Узбекистане, изучены описанные в них критерии оценки и методы расчета, выявлены имеющиеся проблемы в этом направлении. По теме также изучена научная литература и опыт зарубежных стран. Проанализированы результаты проведенных опросов и интервью. По результатам анализа и опросов были разработаны предложения по совершенствованию критерий оценки деятельности местных хокимиятов.*

Ключевые слова: *территория, местные хокимияты, результативность деятельности, опросы, интервью, критерии оценки, KPI.*

Improving the criteria for assessing the performance of local khokimiyats (mayor`s offices) in the development of territories

Sherzodbek Otaboev,
PhD (in Economics),
Institute of Forecasting and Macroeconomic Research, Head of the Project

Abstract: *the article analyzes the adopted legal documents on evaluating the effectiveness of local khokimiyats in Uzbekistan, examines the evaluation criteria and calculation methods described in them, identifies existing problems in this direction. The results of the conducted surveys and interviews have been analyzed. On the topic were also studied scientific literature and experience of foreign countries. Based on the results of the analysis and surveys, proposals were developed to improve the criteria for assessing the activities of local khokimiyats.*

Key words: *territory, local khokimiyats, effectiveness, surveys, interviews, evaluation criteria, KPI.*

Бахтиёр МАМАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси сиртқи магистратура тингловчиси

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ТАДҚИҚИ ВА ТАТБИҚИ

Ривожланган мамлакатлар қонунлари "корпорация" мақомини муайян ташкилий тузилмага, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ва ҳақиқий мавжуд бўлган юридик шахс сифатида белгилаб, бир вақтнинг ўзида корпоратив ҳамжамият иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқаришнинг асосий меъёрлари ва механизмларини ҳам белгилаб беради.

Корпоратив бошқарувнинг меъёрлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

I. Давлат томонидан ишлаб чиқарилган меъёр ва қоидалар акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солади (марказлашган меъёрлар). Уларга қимматли қоғозлар, компаниялар, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва акциядорлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар, солиқ қонунчилиги, иқтисодий ночорлик ва бошқалар киради.

II. Акциядорлик жамиятлари томонидан меъёрлар асосида тартибга келтириладиган ва кучга киритиладиган (корпоратив меъёрлар): ихтиёрий қабул қилинган корпоратив бошқарувнинг андозалари ҳақидаги ўзаро келишув ва компания даражасида уларнинг амалга оширилиш тартибини белгилайдиган ички меъёрлар.

Корпоратив бошқарувнинг мураккаб ва зиддиятли табиатини эътиборга олиб, Ўзбекистонда акциядорлик жамияти акциядорлари учун корпоратив ҳамжамиятнинг турли хил қатнашчилари билан унинг фаолиятини бошқарувчи турли органлар ўртасидаги келишувлар ва зиддиятларни ҳал этиш механизмини шакллантириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, корпоратив хатти-ҳаракат механизмини тартибга солувчи турли кўринишдаги кодекслар, хусусан, акциядорлар манфаатларини таъминлаш масалалари, бошқарувчининг акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши олдида ҳисоб бериши масалаларини ифодаловчи қоидалар ишлаб чиқилиши зарур.

Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида корпоратив бошқарувнинг Америка, Германия ва Япония моделларини кўриш мумкин. Бу моделлар хусусида мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг назарий-методологик масалаларига ўз ҳиссасини қўшаётган олимлардан Д.Суюнов ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган [3].

Жумладан, Америка моделининг асосида ҳар бир фуқарони шахсий бойликка эга бўлишини таъминлаш ётса, Германия моделининг асосида эса, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи ётади.

Японияда корпоратив бошқарув модели Германия ва Америка моделлари орасидаги модель бўлиб, унда иккала мамлакат бошқарув моделининг элементлари иштирок этади. Ушбу моделларнинг қиёсий таҳлили [2] қуйидагича акс эттирилган (1-расм). Корпоратив бошқарувнинг Америка модели бевосита АҚШда акциядорлик мулкининг тизим хусусиятларига боғлиқдир.

АҚШда корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари акциядорлик мулкчилик шакли хусусиятларига бевосита боғлиқ. Хусусан, АҚШ корпорацияларига бошқа сармоядорлардан кўра ўз таъсирини кучлироқ ўтказа оладиган йирик сармоядорларнинг йўқлиги хос. Ушбу сармоядорлар қўлида 50%дан ошиқ капитал жамланиб, кўпроқ молиявий менежер сифатида қатнашишга мойил, улар Директорлар кенгаши ишида қатнашишга интилмайди ва ўзларининг йирик пакетга эгалик қилиши, компанияларга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиқиб,

1-жадвал.

Корпоратив бошқарув моделлари

Унитар модель (АҚШ, Британия)	Континентал модель (Германия)	Тармоқ модель (Япония, Корея)
1. Бошқарувнинг ягона органи мавжуд. 2. Акциядорлик капиталининг катта қисми майда инвесторлар сармоясидан иборат. 3. Акциялар инстиционал инвесторлар қўлида жамланган. 4. Самарали ва ликвидли қимматли қоғозлар бозори. 5. Миноритар акциядорлар ҳуқуқи юқори даражада ҳимояланади.	1. Аниқ ажралган икки поғонали бошқарув органи мавжуд: - Кузатув кенгаши; - Ижроия органи; 2. Корпоратив назорат бозори ривожланмаган ва паст ликвидли. 3. Акцияларга ўзаро эгалик қилиш тизими мавжуд. 4. Кузатув кенгашида самарали вакиллик тамойили амал қилади.	1. Мустақил директорларнинг йўқлиги. 2. Кенгашнинг барча аъзолари бошқарув органи вакили ҳисобланади. 3. Акциядорлик сармояларини йирик инвесторлар эгаллаган. 4. Ягона саноат гуруҳига аъзолик кенг тарқалган. 5. Аъзо компаниялар ўртасида манфаатлар тўқнашуви йўқ.

ўзларини масъулиятни зиммаларига олишдан олиб қочадилар.

Япон моделида корпоратив бошқарув, тармоқ мазмунига кўра, Америка моделига ҳам, Германия моделига ҳам ўхшамайди, лекин ушбу иккала моделнинг айрим жиҳатларини ўзида мужассам этади.

Корпоратив бошқарувнинг, немис моделида, АҚШдан фарқли ўлароқ, Германияда акциядорлик капиталининг асосий қисми бошқа компаниялар эгалигида туради: барча акциядорлик капиталининг ярмидан кўпини бир-бирининг акцияларига эгалик қилиш тизимини ўзида мужассам этади. Шахсий инвесторлар Германияда иккинчи йирик инвесторлар гуруҳини ташкил қилса ҳам (немис компанияларининг тахминан 16% акциясига эгалик қиладилар), улар акцияларининг кўп қисми тақдим этувчи сертификат кўринишига эга бўлиб, бу сертификатлар уларнинг эгалари топшириғига кўра, хусусий акциядорлар акцияларининг жуда катта қисми жамланган банклар томонидан бошқарилади. Шунинг учун, Германия компанияларини эркин сотувда бўлган акцияларининг жуда катта улуши (90%дан ортиғи) ташкилот-инвесторлар томонидан бошқарилади.

Юқоридаги ҳар бир моделнинг асосий белгилари ёки элементлари қуйидагилар:

-акциядорлик жамияти ёки корпорациянинг асосий иштирокчилари;

-муайян моделда акцияларга эгалик қилиш тартиби;

-Кузатув кенгашининг таркиби;

-қонунчилик доиралари;

-листингга киритилган корпорациялар учун ахборотнинг ошкор этилишига нисбатан қўйиладиган талаблар;

-акциядорларнинг маъқуллашини талаб қилувчи корпоратив харажатлар.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар ичида миллат менталитети муҳим аҳамиятга эгадир. Миллат менталитетини ташкил этувчи элементлар (билим салоҳияти, илмий тафаккур, мақсад салоҳияти, ижтимоий муҳит, қадрият, анъаналар, маданият, сиёсий муҳит, иқтисодий психология, ҳуқуқий онг ва ҳ.к.) иқтисодий тизим ва уни бошқаришга бевосита боғлиқ омиллар мажмуи ҳисобланади. Миллатнинг менталитети миллатнинг шаклланиш тарихи, унинг қадриятлари ва билим салоҳияти кабилар асосида вужудга келади.

Янги корпоратив бошқарув тизимини қўллаган ҳолда технологиялар илғор ривожи ва миллий иқтисодиётнинг глобаллашувини корхоналарнинг қайта ташкил қилиниш суръатлари ошишига ва ундаги корпоратив тузилмаларнинг тубдан ўзгаришига таъсири намоён қилади.

Корпоратив бошқарув компаниясининг Директорлар кенгаши (менежмент, маъмурият) Кузатув кенгаши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуини ўз ичига олади, шунингдек, компаниянинг мақсадларини шакллантириш механизмларини, уларга эри-

шиш ҳамда самарали бошқариш воситаларини белгилайдиган фаолият ҳисобланади. Самарали корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари (корпоратив бошқарув тизими акциядорлари ҳуқуқлари) ҳимоя қилиниши керак.

2. Акциядорларга тенг муносабатда бўлиш (корпоратив бошқарув тизими барча акционерларга, шу жумладан, миноритар ва хорижий акциядорларга) таъминланиши керак.

3. Корпоратив бошқарув тизими манфаатдор томонларнинг қонуний ҳуқуқларини тан олиши ва ижтимоий манфаатдорликни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва корпоратив секторнинг молиявий барқарорлигига эришиш учун компания ва барча манфаатдор томонлар ўртасидаги фаол ҳамкорликни рағбатлантириши керак.

4. Ахборотнинг ошкоралиги ва шаффофлиги (корпоратив бошқарув тизими корпорация фаолиятининг барча муҳим жиҳатлари, шу жумладан, молиявий ҳолати, фаолият натижалари, мулкдорлар таркиби ва бошқарув таркиби тўғрисидаги ишончли маълумотларни ўз вақтида ошкор қилишни таъминлаши керак).

5. Бошқарув кенгашининг мажбуриятлари (Бошқарув кенгаши бизнесни стратегик бошқаришни, менежерлар иши устидан самарали назоратни таъминлайди ҳамда акциядорларга, умуман, компанияга ҳисобот беришга мажбур).

1-расм. Корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизмларининг умумий кўриниши [1].

Акционерлик компаниясида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жамоа низолари (менежмент - акционерлар) ва корпоратив таваккалчиликларни бошқариш қобилиятини белгиловчи ички механизмларга қуйидагилар киради:

- мулкчилик таркиби;
- ички аудит (ички корпоратив назоратни ташкил этиш);
- Директорлар кенгаши;
- қарорлар қабул қилиш ва хавфларни бошқариш тизими;
- мотивация тизими.

Мулкчиликнинг тузилиши манфаатлар тўпламини белгилайди ва корпоратив бошқарувнинг асосий субъектлари ўртасидаги зиддиятнинг асосини ташкил этади. Бу ерда мулк ҳуқуқларининг концентрация даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳуқуқларнинг юқори даражада тўпланиши шароитида турли хил акциядорлар гуруҳлари, биринчи навбатда, йирик мулкдорлар ва миноритар акциядорлар ўртасидаги низолар хавфларни тақсимлаш имкониятлари чекланган доимий характерга эга бўлади.

Мулкдорнинг тури (институционал инвестор, молиявий институт, давлат ёки хорижий инвестор ва бошқалар) катта аҳамиятга эга. Баъзи компанияларда институционал инвесторга устунлик берилади (суғурта компаниялари, пенсия, қўшма фондлар ва бошқалар), аммо қуйидаги омиллар уларнинг акциядорлар сифатида пассивлигини кўрсатади:

- компанияларнинг устав капиталида аҳамиятсиз иштирок этиш (мисол учун АҚШда пенсия жамғармаси битта компанияда 10% дан юқори акциялар пакетини сотиб олишга ҳақли эмас);
- "билетсизлар муаммоси" тўғридан-тўғри бошқарувда фаол иштирок этаётган институционал инвесторлар, бошқаларни бошқаришда, тўғридан-тўғри бошқарувда қатнашмайдиган бошқа институционал инвесторларга ижобий муҳит яратади;
- агар институционал инвесторлар нафақат акциядорлар, балки хизмат кўрсатувчи молиявий воситачилар (масалан, суғурта компаниялари) бўлса, манфаатлар тўқнашуви хавфи ортади.

Мулкдорнинг ўзига хос тури давлат бўлиб, одатда, унга ишонишади, мамлакатнинг барча аҳолиси манфаатларини ифода этади. Одатда, компания фаолияти устидан назоратни самарали амалга ошириш учун у компанияда катта улушга эга. Бу ҳолда содир бўладиган муносабатлар мураккаб тузилишга эга:

-ижро этувчи ҳокимият бошлиғи давлат мулкини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилади, акциядорлик мулкини бошқаришда давлат манфаатларини ифода этувчи тегишли ижроия органи қатнашади. Ушбу муносабатларнинг бундай мураккаб тузилиши давлат мулкини бошқариш самарадорлигини пасайтиради, бу эса инвесторларнинг ишончига салбий таъсир қилади.

Корпорацияда иштирок этадиган хорижий инвесторларнинг имкониятлари ташқи (мамлакат хатарлари, ҳуқуқий ва институционал муҳит ҳолати) ва ички омиллар (мулкчиликнинг концентрацияси) билан белгиланади. Нафақат тузилиши, балки мулкчилик шакли ҳам мавжуд зиддиятлар ва корпоратив хавфларни бошқариш қобилиятини белгилайди.

Қарорлар қабул қилиш тизими корпоратив бошқарувнинг ички механизми сифатида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва компанияда бошқарув қарорлари ишлаб чиқилишини назорат қилиш ҳамда назорат қилиш орқали бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятини белгилайди.

Қарорлар қабул қилиш тизими, баъзи экспертларнинг фикрига кўра, турли хил даражадаги корпорацияларнинг бошқарув органлари (акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, бошқарув) ўртасида ҳақиқий қарорлар қабул қилиш ваколати тақсимланадиган процедуралар мажмуи сифатида аниқланиши мумкин. Акциядорлар билан муносабатлар ўрнатиш (масалан, турли овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш, овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш ва акциядорларни ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқиш), айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ахборот таъминоти, акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби - корпорация бошқарувидаги асосий бўғинларга бўлган талабларни келтириб чиқармоқда.

Корпоратив бошқарувнинг навбатдаги ички механизми корпорацияда қабул қилинган тартибни, бошқарув ва Директорлар кенгашининг иш ҳақи ва санкциялари ҳажми, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулларини белгилайдиган мотивация тизими ҳисобланади. Шубҳасиз, ушбу механизмнинг асосий мақсади – компания бошқарувини барча акциядорлар манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишга ундайдиган мотивация тизимини яратиш. Бу, биринчи навбатда, компания қийматини максимал даражада оширадиган бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ. Биз бундай қарорлар корпоратив муносабатларнинг бошқа иштирокчилари манфаатларига зид келиши мумкинлигини таъкидлаймиз. Аксарият мамлакат компаниялари раҳбарияти самарали ишлаш мотивация тизимини яратиш зарурлигини англай бошлайди, улар буни ишлаш натижалари билан боғлайди. Директорлар кенгашига келсак, рағбатлантириш тизими ишламайди. Кўпинча, Бошқарув кенгаши аъзолари компаниянинг ишлаши ва қийматига боғлиқ бўлмаган, лекин йиғилишлари сонига қараб белгиланадиган ҳақ олишади. Кенгаш аъзоларига ҳаддан ташқари масъулият юкланиши уларнинг қарорларни тезда қабул қилишдан қўрқишига олиб келади. Бошқарув аъзоларининг консерватив ҳаракатлари кўпинча таваккалчилик ва акциядорлар даромадларининг оптимал балансига тўғри келмайди.

Корпоратив бошқарувнинг энг муҳим механизми – Директорлар кенгаши бир вақтнинг ўзида акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизмидир. Директорлар кенгашининг асосий функциялари: бошқарув фаолиятини мониторинг қилиш ва бошқариш, стратегик бошқарув қарорлари ва алоҳида аҳамиятга эга қарорлар ишлаб чиқиш (қўшилиш/ қўшилишни тасдиқлаш, капитал таркибидаги ўзгаришлар, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқалар). Тўғри ташкил этилган корпоратив бошқарув тизимида Директорлар кенгаши каби механизм менежерлар, акциядорлар ва

барча манфаатдор томонлар ўртасидаги маълумотларнинг ассиметриясини камайтиришга қаратилган бўлиб, натижада, компаниянинг ишчанлик обрўси ва жамоанинг тўқнашувлари эҳтимолини камайтиради.

Кўпинча, Директорлар кенгаши асосий эгалар ва миноритар акциядорлар ўртасида манфаатларнинг оқилона мувозанатини таъминлашга қодир эмас. Унинг ваколати ва жавобгарлиги ўртасидаги чегара аниқланмаган. Директорлар кенгашининг таркиби, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда бизнинг қонунчилигимиз анча ривожланган. Бу менежерлар олдида ўз манфаатларини ҳимоя қилишда акциядорларнинг вакили эканлиги аниқланди (ишончли жавобгарлик).

Унинг ҳуқуқий тузилиши (1-2 даражалари) ва ишчи таркиби (ихтисослашган қўмиталарнинг мавжудлиги) аниқланди. Кенгаш аъзолари фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, унинг таркибида мустақил аъзоларнинг мавжудлиги кўрсатилади. Бироқ Директорлар кенгаши аъзоларининг ҳуқуқий жавобгарлиги чоралари ва уларни акциядорларнинг ҳуқуқбузарликларидан ҳимоя қилиш чоралари ўртасида оқилона мувозанат топилмади. Нотўғри ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қарорлардан келиб чиқадиган зарар Директорлар кенгаши аъзоларининг мулк қийматидан сезиларли даражада ошиб кетиши мумкин.

Шу муносабат билан, Директорлар кенгаши аъзоларининг профессионаллиги ва ахлоқий фазилатлари ҳамда уларнинг ишбилармонлик обрўсига эътибор катта аҳамиятга эга. Компанияга зарар етказадиган Директорлар кенгашининг хатти-ҳаракатлари бехосдан бўлиши мумкин. Бошқарув аъзолари маҳоратининг йўқлиги, уларнинг тўғри ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқа олмасликлари бошқарувнинг янада самарали элементлари билан қопланиши мумкин: акциядорларнинг умумий йиғилишида энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш, мустақил директорларни таклиф қилиш, махсус қўмиталар ва хизматларни ташкил этиш, шу жумладан, ички корпоратив назоратни (аудит) ташкил этиш билан боғлиқ.

Корпоратив бошқарув тизимида бошқариш процедуралари, бошқарув жараёнлари ва ихтисослаштирилган бўлинмалар: бошқарма, бўлимлар ва қўмиталар ташкил этилиши керак. Ички корпоратив назорат ички аудит хизмати ва назорат-тафтиш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Қоида тариқасида, ушбу бўлинмалар Бош директорга бўйсунади. Аммо тафтиш комиссиялари Директорлар кенгашига бириктирилган. Компанияда ихтисослаштирилган ички назорат хизматларининг мавжудлиги унинг фаолияти кўлами, бизнесни амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти, устав капиталининг тузилиши ва бошқарувнинг ички корпоратив бошқарувга бўлган муносабати билан белгиланади. Масалан, Директорлар кенгаши таркибидаги тафтиш комиссияси каби хизмат йирик компанияларга хос бўлиб, уларнинг Директорлар кенгашида бир нечта эгаларининг вакиллари бор. Унинг мавжудлиги компаниянинг юқори бошқарув органи (Кузатув кенгаши) барча даражадаги менежерларининг ўз ҳаракатларига объектив ва мустақил баҳо олишига интилишини англатади.

Яхши корпоратив бошқарув ва назорат амалиёти ошкораликни талаб қилади, яъни ички назорат ва аудитни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини компаниянинг йиллик ҳисоботида акс эттиради. Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботларни самарали бошқариш тизимини яратиш учун жавобгарлиги; ўтган молиявий йил якунига кўра ички назорат тизими ва унинг доимий мониторинги самарадорлигини баҳолаш принциплари ва усулларини аниқлаш зарур бўлади.

Акциядорлик жамиятлари акцияларини фонд бозорига қўйилишидан олдин корпоратив бошқарувнинг асосий элементларини шакллантириши шарт:

1) акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолияти ҳамда қонунлар, норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилувчи Тафтиш комиссияси;

2) назорат ва аудит хизмати (ички аудитор), молиявий фаолият нуқтаи назаридан акциядорлик жамиятлари фаолияти ҳар

куни баҳоланади, ҳисобот ва назоратга тайёргарлик амалиётини кузатади;

3) вазифаларига ички аудитор ва жамиятнинг ташқи аудитор билан муносабатларини назорат қилиш киради.

Манба ва адабиётлар

1. Бурков В.Н., Агеев И.А., Баранчикова Е.А., Крюков С.В., СеменовП.И. Механизмы корпоративного управления. – М.: ИПУ РАН, 2004. – 109 с.

2. Веснин В.Р. Модели корпоративного управления: механизмы внешнего и внутреннего контроля фирмы. Электронный ресурс. URL:http://www.elitarium.ru/korporativnoe-upravlenie-kontrol-akcioner-menedzhersobstvennost-dejatelnost-informacija-jeffektivnost.

3. Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. – Т.: "Akademiya", 2007. – 103 б.

Корпоратив бошқарув моделлари тадқиқи ва татбиқи

Бахтиёр Маматкаримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси сиртқи магистратура тингловчиси

Аннотация: *мақолада корпоратив бошқарувнинг Америка, Германия ва Япония моделлари ўрганиб чиқилган, корпоратив хатти-ҳаракат механизмини тартибга солувчи турли кўринишдаги кодекслар, хусусан, акциядорлар манфаатларини таъминлаш масалалари, бошқарувчининг акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши олдида ҳисоб бериши масалаларини ифодаловчи қоидалар ишлаб чиқилиши зарурлиги асосланган.*

Калит сўзлар: *корпоратив бошқарув, акциядорлик жамияти, бошқарув тизими, ички назорат, корпоратив харажатлар, Директорлар кенгаши.*

Исследование и внедрение моделей корпоративного управления

Бахтиёр Маматкаримов,
слушатель заочной магистратуры Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье изучены модели Америки, Германии и Японии по корпоративному управлению. Отношение и корпоративный механизм действий разных видов кодексов, вопросы обеспечения интересов акционеров, вопросы необходимости разработки определяющего положения отчетности управляющего перед общим собранием акционерного общества - это вопросы, которые необходимо разработать.*

Ключевые слова: *корпоративное управление, акционерное общество, система управления, внутренний контроль, корпоративные расходы, совет директоров.*

Models of corporate governance

Bakhtiyor Mamatkarimov,
Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article examines the models of America, Germany and Japan on corporate governance. The attitude and corporate mechanism of action of different types of codes, issues of ensuring the interests of shareholders, issues of the need to develop a defining statement of the manager's reporting to the general meeting of the joint stock company are discussed in the article.*

Key words: *corporate governance, joint stock company, management system, internal control, corporate expenses, board of directors.*

**Замонавий раҳбар кадрлар – давр талаби /
Современные руководящие кадры – требование времени /
Modern leadership personnel – a requirement of the times**

Анвар ЮЛДАШЕВ,
тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси профессори

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ КАСБИЙ ЎСИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Бошқарув маҳорати

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, ҳар бир раҳбардан ғайрат-шижоат, ҳалоллик ва садоқат билан ишлашни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Андижонда ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқида: "Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади", деб таъкидлаган эди [1].

Илмий-назарий тарафдан қараганда, мазкур талабларни икки жиҳатдан ўрганиш мумкин. Биринчидан, бугунги глобаллашув шароитида давлат бошқаруви миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг етакчи ташкиллаштирувчиси бўлиб келмоқда. Бундай шароитда самарали бошқарув ҳар қандай ривожланишнинг устувор йўлларини очиб беради, меҳнат ресурслари, инсон капиталидан унумли фойдаланиш имкониятини яратади. Агар, бошқарувнинг самарали усул ва услублари қўлланилса, мунтазам ва динамик ўсишни таъминлай олади.

Иккинчидан, бундай шароитда ҳар бир раҳбар ходим унга бириктирилган ташкилот, қолаверса, ҳукумат ва давлат олдидаги ўз масъулиятини чуқур ҳис этиши лозим. Бошқарувнинг комплекс характерга эга эканлиги, унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий мақсадлари бирлигини кўрсатади. Ушбу фаолиятнинг асосий характерларидан яна бири тарбиявий характерга эга эканлигидир.

Маълумки, ҳар қандай фаолият бошқарилиши лозим. Ўз пайтида марксизм-ленинизм назариясининг асосчиларидан бири бўлган Карл Маркс "Нисбатан катта бўлган ҳар қандай ташкилотдаги ижтимоий муносабатлар озми-кўпми бошқарувни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, жузъий вазифалар ва умумий мақсадлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиради", деган эди [2]. К.Марксниng фикрича, "Алоҳида скрипкачи ўзини ўзи бошқаради, лекин оркестр дирижёр бошқарувига муҳтож" [3].

Албатта, сўнгги пайтларда марксизм-ленинизм таълимотига кам одам эътибор беради, лекин К.Марксниng юқоридаги ўхшатмаси чуқур маънога эга эканлигини тан олишимиз лозим, чунки мураккаблик ёки ҳажм жиҳатидан турлича бўлган жамоалар оркестр каби турли даражадаги бошқарувни талаб этади. Шунингдек, раҳбарни оддий дирижёр билан ўхшатишда ҳам бир томонлама ёндашиш ноўрин, чунки самарали бошқарув раҳбардан нафақат "дирижёрлик", балки "композиторлик" маҳоратини ҳам талаб этади. Бу эса раҳбар ходим ўзи бошқарадиган жараённинг эътиборга молик барча жиҳатларини ўзи шакллантириши кераклигидан далолат беради. Натижада, у ҳам кундалик режалаштирилган вазифаларни, ҳам истиқболдаги стратегик мақсаднинг бажарилишини таъминлаши керак. Бошқарув фаолиятининг ижтимоий заруриятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, унинг характери, қўлланиладиган услуб ва воситалари, шунингдек, раҳбар ходимнинг бошқарув усули мавжуд иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Ушбу фаолият айрим адабиётларда "раҳбар тажрибаси", "бошқарув усули", "раҳбар услуби", "иш усули" сифатида ҳам қўлланган.

Раҳбар (услуби) тажрибаси

Муваффақиятли бошқарув тажрибасининг аҳамияти, унинг самарадорлигини доимий равишда такомиллаштириб бориш исбот талаб қилмайдиган аксиома. Бунинг аҳамияти икки жиҳатдан эътиборга лойиқ:

- биринчиси, самарали бошқарув амалиётда жамланган тажрибани илмий умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

- иккинчиси, ушбу тажриба келгусида амалиётга татбиқ қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган материал сифатида ишлатилиши мумкин. Тажриба – амалиётдан олинган, ҳалигача ўзининг илмий-услубий негизини топмаган ҳолат. Ҳар қандай илмий таълимот негизида амалиётда ўз тасдиғини топган тажриба шаклланади, умумлаштирилади, асосланади. Демак, ҳар қандай назария бизнинг амалий билим ва кўникмаларимизнинг мантиқан тизимлаштирилган ва умумлаштирилган хулосаси бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш учун хизмат қилади. Ушбу фикр бошқарув фаолиятига, шунингдек, давлат ва жамоат бошқарувига ҳам тааллуқли.

Умумлаштирилган амалий тажриба бошқарув фаолияти назариясининг негизи ва ажралмас қисми деган тезисни инкор этиб бўлмайди. Бу эса бошқарув илмини такомиллаштириш мақсадида соҳадаги амалий тажрибани умумлаштириш ва тизимлаштириш лозимлигини англатади.

Кўз олдингизга келтириб кўринг, турли соҳаларидаги корхона ва ташкилотлардаги ўртача бошқарув даражаси хориждаги илғор ташкилотларнинг бошқарув даражасигача кўтарила олса, республикамизнинг мазкур соҳаларида ишлаб чиқариш унумдорлиги қанчалик ошган бўлар эди. Демак, бошқарув даражасининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бериш учун унинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда бу борадаги илғор амалий тажрибаларни умумлаштириш лозим.

Бошқарувнинг самарали олиб борилган амалий жиҳатларига нисбатан кўпинча "бошқарув маҳорати" деган ибора қўлланилади. Ушбу ибора билан, одатда, бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи раҳбар ходимларнинг ўзларига хос бўлган ёндашув ва қобилиятлари назарда тутилади. Мазкур ибораниг мазмунида ташкилот, корхона ёки соҳани самарали бошқариш тажрибаси, ушбу тажрибани тизимли равишда умумлаштириб бориш ҳам ифодаланган.

Самарали бошқариш учун, албатта, кенг қамровли, чуқур билимлар ҳам талаб қилинади. Бу билимларни бошқарув фаолиятида унумли қўллаш учун раҳбар ходимлар шахсий тажриба ва махсус кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Одатда, чуқур билим ва кўникмалар узоқ вақтдаги фаолият натижасида шаклланади. Шу қаторда вақтни тежаш заруриятн, ундан унумли фойдаланиш бошқарув фаолияти учун ҳам долзарб муаммо. Бу эса ҳар ким фақат ўз ютуқ ва камчиликлари асосида билим ва тажрибага эга бўлишлари керак, дегани эмас. Шунинг учун самарали бошқарув тажрибаси раҳбарлар томонидан ўрганилиши ва келгусида фойдаланиш учун таҳлил этилиб, умумлаштириб борилиши лозим.

Маълумки, кўпинча раҳбарлардан бошқарувга илмий ёндашиш талаб этилади. Бошқарувга илмий ёндашишнинг ўзи нима десангиз, кўплар жавоб бера олмайди. Раҳбарнинг қабул қилаётган қарорлари, агар улар давлатнинг конституцияси, асосий қонунлари, мамлакат раҳбари ва ҳукумати қарорларига зид ва қарама-қарши бўлмаса, шунингдек, оптимал қарорлар бўлиб, норматив талабларга жавоб берса, улар илмий асосланган қарорлар дейилади [4].

Илмий асосда бошқариш ходимларни илҳомлаштириш, ғайратлантириш, уларнинг ҳаракатларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ. Шу билан бирга, бошқарув – мунтазам равишда қарорлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш. Раҳбарнинг кўп қиррали бошқарув фаолияти у ҳаётга татбиқ этаётган қарорлар ва уларнинг назоратида намоён бўлади. Бошқарув натижасида ҳам бугунги кунниng вазифалари бажарилади, ҳам истиқболли мақсадларни бажариш учун негиз тайёрланади.

Самарали бошқарув қарорларини қабул қилувчи раҳбар учун керакли шарт, биринчидан, юқори даражада чуқур билимларга

эга эканлиги ва иккинчидан, бой амалий тажрибага асосланиши лозимлигидир.

Бундай шароитда етарли амалий тажрибага эга бўлишнинг ўзида икки асос мавжуд. Биринчиси – шахсий тажриба, иккинчиси – соҳа бўйича илғор ютуқларга эга шахслар билан тажриба алмашиш, улардан ўрганиш, уларни умумлаштириш ва доимий равишда таҳлил қилиб бориш.

Раҳбарнинг шахси

Бугунгидек мураккаб, дунё мамлакатлари олдида янги глобал таҳдидларнинг долзарблашуви шароитида раҳбар ходим шахс сифатида фақат ўзига хос бўлган жиҳатлар билан намоён бўлади. Уни шахс сифатида баҳолаш учун ундаги инсонийлик жиҳатлари, умумий билимлар даражаси, раҳбарлик кўникмалари, тизимли ва танқидий фикрлаши, гуруҳда ишлай олиши, мулоқот маданияти, шунингдек, ўзгалар тажрибасини ижодий ишлата билиш қобилиятларини инобатга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р.Хатамов "Постда" газетасига берган интервьюсида раҳбарларга қўйиладиган қуйидаги маънавий талаблар етук шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлайди:

- "Биринчидан, ҳар бир раҳбар, аввало, кўнгли очиқ, қалби тоза, ақл-заковат соҳиби, юксак салоҳиятли бўлиши керак. Бошқаларга етакчилик қилишга, биринчи галда, ҳалол ва диёнатли, халқпарвар инсонлар танланмаса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди;

- иккинчидан, раҳбар ўзини тарбиялаб вояга етказган, ишонч билдириб, юқори лавозимга муносиб кўрган халқига ҳалол хизмат қилиши, зиммасидаги улкан масъулиятни доимо чуқур ҳис этиши лозим. У халқ олдида, юрт олдида жавобгар эканлигини унутмаслиги керак. "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши зарур;

- учинчидан, раҳбар қўл остидаги тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассисларга таяниши, жамоанинг фикрига асосланиб хулоса чиқариши керак;

- тўртинчидан, раҳбарнинг иш услуби ва у қабул қилган қарорлар фаолият самарадорлигига хизмат қилиши керак. Раҳбар бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларидан воз кечиши, расмиятчиликка берилмаслиги муҳим;

- бешинчидан, ҳар қандай раҳбарда ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанликни зўравонликка, қатъиятни манманликка айлантириш ўта калтабинликдир. Бундай иллатлар раҳбарни яхши мутахассис кадрлар ва самимий инсонлардан узоқлаштиради;

- олтинчидан, раҳбар қўл остидагиларни таниш-билиш ва маҳаллийчилик ҳамда шахсий садоқатига қараб танламаслиги лозим. У жамоадаги яхши мутахассисларни қадрлаши, уларнинг хизмат фаолияти давомида орттирган бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланишга интилиши керак;

- еттинчидан, раҳбар турли мақтовлардан боши айланиб, "доҳий"лик касалига чалиниб қолмаслиги муҳимдир. Акс ҳолда, бундай раҳбарлар атрофида фақат ўз манфаатини ўйловчи "маслаҳатгўйлар", амалпараст, лаганбардор, оддий одамларга зулм ўтказувчилар тўпланиб қолади. Иғво, туҳмат ва ҳасадгўйлик эса, жамоада маънавий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлиб, парокандаликни юзага келтиради;

- саккизинчидан, раҳбар адолатсизликка асло йўл қўймаслиги лозим. Ҳар бир ишда одиллик билан қарорлар қабул қилиши, қўл остидагиларга нисбатан ҳурмат билан қараб, холисона муносабатда бўлиши керак;

- тўққизинчидан, раҳбар ўз шахсий ҳаётида ҳам бошқаларга намуна ва ибрат бўлиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, турли зарарли одатлардан холи бўлиши зарур;

- ўнинчидан, раҳбарнинг барча ишлари очиқ ва шаффоф бўлиши лозим. Унинг вақти-вақти билан жамоа олдида ҳисобот бериб туриши раҳбарлик фаолиятига фақат обрў келтириб, атрофдагиларда унга нисбатан ишончни оширади.

Бундан ташқари, раҳбар ўз ғояси ва ҳаракат дастурига эга бўлиб, бошқаларни ҳам шу йўлдан бошлаши, ягона мақсад атрофида бирлаштириши муҳим аҳамият-

га эга" [5]. Раҳбарлик фаолиятининг шакли, даражаси, усул ва воситалари турлича бўлишидан қатъи назар, кўпгина самарали фаолият олиб борган раҳбарлар бошқарув фаолияти умумэътироф этилган асосий принциплар ва услубларни ишлатган ҳолда ўхшаш сифатларга эга эканлигини кўрамиз. Мисол сифатида Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Амир Темур, У.Черчиль, Ф.Рузвельт, И.Сталин, К.Аденаур каби сиёсий, ҳарбий ва давлат раҳбарларини эсга олишимиз мумкин. Улар турли хил характерга эга бўлишлари билан бир қаторда, барчалари учун умумий бўлган чуқур таҳлил, ташкилотчилик, стратегик режалаштириш, ҳар қандай шароитда ҳам мақсадни аниқлай олиш ва унга эришиш учун ҳаракат қилиш, қатъият ва керак ҳолларда эгилувчанлик каби қобилиятларга эга эканликлари тарихдан маълум.

Юқорида таъкидланганидек, бошқарув фаолияти раҳбар ходимга катта талаб ва масъулиятлар юклайди, улар ичида бирламчиси маънавий-ахлоқий принциплар ва албатта, профессионаллик. Бугунги кун раҳбар ходимларига қўйиладиган асосий талабларни (ҳозирда компетенциялар деган сўз кўпроқ қўлланилмоқда, замонавий илмий адабиётларда 5 та, айримларида 9 та тури мавжуд. Хусусан, стратегик фикрлаш, тизимли таҳлил, лидерлик, бошқарув профессионализми, креативлик, мослашувчанлик, натижага йўналганлик, янги тажрибага очиқлик, гуруҳда ишлай олиш) қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Сиёсий талаблар (компетенциялар)

Раҳбар ходим давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида етарли билимга эга бўлиши ва ўз билимларини ҳаётга татбиқ эта билиши керак. Ҳар қандай муаммони ҳал қилишда у давлатнинг устувор мақсадларидан, йўналишларидан келиб чиқиши лозим. Мазкур муаммоларни у (якқахон тарзда ёки жамоа билан) еча билиши, мураккаб муаммоларни ҳал қилишда жамоа фикрига қулоқ сола билиши керак.

Раҳбар ўз қўл остидаги ходимларни руҳлантириш, илҳомлантириш, ўзининг ёки ўзгалар тажрибаси асосида уларни Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга чорлай олиши лозим.

Ишчанлик қобилияти (профессионализм)

Раҳбарнинг ишчанлик қобилияти унда илмий билимлар, амалий тажриба, техник, технологик, иқтисодий ва ижтимоий тайёргарлик, шунингдек, психология ва педагогикадан керакли билим ва кўникмаларга эга эканлиги билан боғлиқ. Ишчанлик қобилияти ватанпарварлик (сиёсий тайёрлик) билан бирга, самарали бошқарувнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, раҳбар ўз фикрини қисқа, аниқ ва тушунарли ифодалай билиши керак. Ундан ташқари, раҳбар қонунчиликнинг ўзига тегишли соҳаларида етарли билимга эга бўлиши лозим.

Шундай қилиб, таҳлиллар ва кузатишлар шуни тасдиқлайдики, агар раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор ходимлар кўп бўлса, бундай жамоада муҳит соғлом бўлиб, ходимларнинг ишчанлик кайфияти ҳам юқори бўлади. Раҳбар маънавияти фаолият самарадорлиги ва жамоанинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, етакчининг иқтидори жамоа муваффақиятини таъминлайди. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, жамоа ютуқларининг саксон фоизи раҳбар ташкилотчилигига, қолган йигирма фоизигина ходимларнинг салоҳиятига боғлиқ эканлиги исботланган [6].

Манба ва адабиётлар

1. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар). – Т.: "Yoshlar nashriyot uyi", 2019. – 115 б.

2. Маркс К., Энгельс Ф. – М.: Собрание сочинений, 2-е изд. – Т. 23. – С. 342.

3. Маркс К., Энгельс Ф. – М.: Собрание сочинений, 2-е изд. – Т. 23. – С. 342.

4. Юлдашев А.Э., Хасанов О.А., Салайдинов Б.Ш. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари. – Т.: "Замон полиграф", 2017. – 82-83 б.

5. Хатамов Р.А. Раҳбар маънавияти. // "Постда", 2019 й. №11. – 19-27 б.

6. Мордвинова Е.Л., Ростовцева И.А. Эффективное командообразование с помощью методов мотивации. // https://

cyberleninka.ru/article/n/effektivnoe-komandoobrazovanie-s-pomoschyu-metodov-motivatsii/viewer

Давлат фуқаролик хизматчилари касбий ўсишини бошқариш тизимининг илмий-амалий асослари

Анвар Юлдашев,
тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори

Аннотация: *мақолада раҳбар ходимлар, давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий ўсиши, соҳани профессионаллаштириш жараёнларини илмий қайта кўриб чиқиш, анъанавий бошқарув фаолиятининг стереотиплари ва ҳозирги ривожланиш босқичининг талаблари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши хусусида сўз юритилиб, мавзуга доир янгича ёндашувлар асосланган ва назарий хулоса ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *давлат фуқаролик хизмати, профессионаллик, давлат хизматчиларининг касбий фаолияти, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш.*

Научно-практические основы системы управления профессиональным ростом государственно-гражданских служащих

Анвар Юлдашев,
доктор исторических наук,
профессор Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *статья посвящена актуальным аспектам проблемы повышения квалификации государственных служащих. По данной сфере деятельности ставится вопрос о научном обзоре процесса профессионализации государственной службы. В статье отмечено, что основной проблемой является нарастающее противоречие между стереотипами традиционной управленческой деятельности и требованиями текущего этапа развития, обосновывается новый подход к содержанию повышения квалификации государственных служащих, а также разработаны теоретические заключения.*

Ключевые слова: *государственная служба, профессионализм, профессиональная деятельность государственных служащих, повышение квалификации государственных служащих.*

Scientific and practical foundations of the professional development management system for civil servants

Anvar Yuldashev,
DSc (in History),
professor, the Academy of Public Administration Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article is devoted to the topical aspects of the problem of professional development of civil servants. Taking into account the results of sociological surveys on this type of activity, the question is raised about a scientific review of the process of professionalization of the civil service. It was noted that the main problem in the field of management today is the growing contradiction between the stereotypes of traditional management activities and the requirements of the current stage of development. The author substantiates a new approach to the content of advanced training of civil servants, taking into account that the civil service is a multifaceted and complex type of activity. The proposed measures are aimed at improving the quality of services in the state system.*

Key words: *civil service, professionalism, professional activity of civil servants, advanced training of civil servants, professionalism.*

Бектош БЕРДИЕВ,
PhD (сиёсий фанлар бўйича),
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси

ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида юз бераётган жадал ўзгаришларнинг асосини ташкил қиладиган бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш тизимини бутунлай ислоҳ қилиш ўз долзарблигини йўқотмайдиган масаладир. Зеро, ҳар қандай ислоҳотнинг, тараққиётнинг етакчи кучи (локомотиви) бу – бошқарув кадрлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида Шавкат Мирзиёев: "Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат", дея таъкидлаган эди [1]. Давлатнинг, жамиятнинг, шахснинг тақдири, халқнинг фаровонлиги, тўқлиги, давлат ва сиёсатдан розилиги, мамлакат тараққиёти, хавфсизлиги ва барқарорлиги, аввало, раҳбар омилига боғлиқ. Кучли тафаккурга эга, адолатли ва бошқарувда самарадорлик кўрсата оладиган шижоат соҳиби бўлган, қобилиятли, салоҳиятли раҳбар кадрларни етиштириш эса давлатдан каттадан-катта ресурсларни ва маълум бир даврни, энг асосийси, бу соҳада оқилона сиёсат олиб боришни талаб қилади.

Бугунги кунда тараққиётда ўта илгарилаб бораётган давлатлардан ортда қолмаслик, ёнма-ён юриш халқимиз орзусидир. Мамлакатимиз табиий ресурсларга бой бўлиши, иқлим жиҳатдан жаннатмонанд эканлигига, тараққиёт учун, дунёда муносиб ўринга эга бўлиш учун барча имкониятларга эга эканлигига қарамасдан, тараққий этиб бораётган давлатлардан анча ортда қолаяпмиз. Бунинг кўплаб сабаблари бўлса-да, уларнинг ичида, асосийси, бу – турли бўғинлардаги раҳбар кадрлар бошқарув салоҳиятининг ниҳоятда пастлиги, бошқарув ва раҳбарлик илмини пухта эгалламаганлиги, уларни танлаш ва тайинлаш тизимининг қолоқлиги ёки миллий менталитетимизнинг "салбий хусусиятлари" таъсири асосида лавозимларга, масъулиятли ишларга "тавсия қилиниши"-дир. Давлат томонидан ишлаб чиқиладиган, жуда катта умидлар боғланадиган мегалойиҳалар барбод бўлишининг асосий сабаби ҳам айнан раҳбар кадрларни танлаш ва улар бажара олмайдиган вазифаларни уларга юклашдир. Афсуски, учинчи даражали кадрларга биринчи даражадаги вазифалар, биринчи даражадаги кадрларга эса учинчи даражадаги вазифалар юкланмоқда. Ушбу масалаларни чуқур ўрганмасак, таҳлил қилмасак ва хатоларни тузатмасак, дунёнинг қолоқ давлатлари сафида ўрнимиз "мустаҳкамланиб" бораверади.

Демак, раҳбарларда бошқарув салоҳиятини ривожлантириш, аввало, ҳар томонлама мукаммал кадрларни етиштириш ва маълум бир синовлардан сўнггина, масъулиятли лавозимларга тайинлаш масаласи давлатимизнинг стратегик вазифасидир. Тўғри, кадр танлаш масаласи жуда мураккаб ва масъулиятли жараён. Лекин, салоҳиятли кадрларни танлаш борасида хатоларга йўл қўйиш миллат ва халқ учун ҳалокат ҳамдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг дунё билан интеграциялашуви ва ўз тараққиётида турли халқаро рейтингларни ва инсон ресурсларини ривожлантириш индикаторларини жорий қилаётганлиги эътирофга лойиқ ҳодиса. Лекин, бунда рақамларга эмас, натижага эътиборни қаратиш муҳим. Раҳбарларнинг нафақат савияси,

балки унга ишониб топширилган тармоқ ёки соҳада янгилик қила олиш салоҳияти, муаммоларни ҳал қила олиш борасидаги қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли стратегик режалар белгилаши ва уни амалга ошира олиши асосий мезон бўлмоғи керак.

Профессионал раҳбар кадрларни, салоҳиятли бошқарувчиларни тайёрлаш ва танлаш, уларни ўз ўрнига қўя олиш жараёни мамлакат ҳаётининг энг долзарб масаласи экан, бу борада доимий ўзгаришлар, янгиликлар ва такомиллашув бўлиши керак. Раҳбар кадрларни танлашнинг энг олий мезонлари, лавозимга тайинлашнинг тажрибадан ўтган синовларини қўллашгина бу борада стратегик бурилишни, сакрашни таъминлаши мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ўз ривожланишининг учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратиш жараёни муносабати билан айнан раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларнинг бошқарув, психологик, маънавий, сиёсий салоҳиятини юксалтириш ва уларни доимий мониторинг қилиб бориш, давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, бугунги кун раҳбар кадрларини лавозимларга тайинлашдан олдин махсус тизимни, методологияни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳар қандай ташкилотнинг ёки тармоқнинг фаолият йўналишига мос кадрларни топиш, уларнинг ишчанлик, ташкилотчилик, маънавий сифатларини синовдан ўтказиш, уларнинг қайси соҳага лаёқати борлигига қараб лавозимга тайинлаш масалаларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Зеро, "глобаллашув шароитида раҳбардан талаб қилинаётган яна бир хислат унинг ўз атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишиларни жалб этиши ва жамлашида кўринади. Бундай раҳбар янгиликка интилувчи, кучли етакчидир. Ташаббускорона иш қайнаб турган жойда эса муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши бўлади" [5].

Раҳбар кадрларни танлаш методологиясига шахсий сифатларни ҳисобга олиш, яъни соҳани ва қўл остидаги ходимларини ривожлантириш, ўз устида доимий ишлаш, ижтимоий-маънавий муҳитдан хабардорлик сингари хусусиятларни, албатта, киритиш лозим. Бугунги кун давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фақатгина буйруқни бажарадиган робот механизм кадрлардан воз кечиб, мустақил фикрлайдиган, масаланинг ечими бўйича пухта ва аниқ қарорлар қабул қиладиган, уларнинг ижросини таъминлай оладиган кадрлар кераклигини тушуниб етиш лозим.

Раҳбар кадрларнинг бошқарувдаги катта муаммоси уларнинг бошқарув самарадорлиги пастлигидир. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун уларда, аввало, иш жараёнини ташкил қилиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, турли анъанавий услублардан воз кечиб, креатив ишлаш механизмларини, кўникмаларини амалий шакллантириш масалаларига эътибор қаратиш керак. Энг муҳими, улар маълум бир лавозимларга тайинлангандан сўнг, олган билимларини нечоғлик қўллаётганлигини мониторинг ёки таҳлил қилишдир. Чунки, замонавий билимларни олган кадрлар, кўпинча, ўз идорасига қайтиб бориши билан яна ўша эски бюрократик иш тизимига асосланган услубда фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам масаланинг яна бир муҳим жиҳати, яъни уларга фақатгина замонавий ва креатив иш услубинигина эмас, балки ўша бюрократик иш тизимини ўзгартириш стратегиясини ўргатишдир.

Бугунги кунда раҳбар кадрлар фаолиятида кузатиладиган энг катта ва мураккаб муаммолардан бири ўз ташкилоти ва тармоғи учун кадр танлай олиш ва уларни бошқариш лаёқатининг етишмаслигидир. Бу борада, афсуски, раҳбарларда команда шакллантириш, HR (инсон ресурсларини ривожлантириш) борасидаги билимларнинг пастлиги сақланиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқларига зид равишда, шунингдек, инсон ресурслари мамлакатнинг миллий бойлигига айланиши шароитида ташкилот-

га келган янги раҳбар томонидан олдиндан ишлайдиган ходимларга нисбатан "бутунлай тозалаш" операциясига мойилликнинг мавжудлиги ва бу жамиятда катта норозиликларга сабаб бўлишини эса, минг афсуски, кўплаб раҳбар англаб етмаган ва ҳануз бундай номақбул ишларни амалга оширмоқдалар. Ходимларга паст назар билан қараш, гоҳида ўзининг тор мезонлари ёрдамида уларни саралаш, ўзининг яккаҳокимлигига таяниб, хоҳлаган кадрларини ишлатиб ва қолганларини бўшаб кетишга мажбур қилиш, "нотаниш" ходимлардан хавфсираш, уларни душман сифатида қараш руҳиятидан озод қилиш масаласи соҳадаги энг долзарб вазифалардан бўлиши шарт. Айниқса, ходимларнинг ноҳақ бўшатилиши, уларга доимий руҳий босим ўтказилишидан ҳимоя қиладиган ҳуқуқий механизм ёки тизимни яратиш энг устувор вазифа сифатида тезда ўз ечимини топиши лозим.

Кўплаб раҳбарларда ўз мансабини йўқотишдан қўрқиш синдроми ҳам кенг тарқалган муаммолардан бири бўлиб қолаётганлиги, ўзига келажакда рақобатчи бўлишидан хавотирга тушиб, кўплаб ўринбосарларини ёки соҳани яхши тушунадиган кучли мутахассислардан қутулишга бўлган ҳаракатлар ҳам, афсуски, кенг тарқалган. Бунинг ижтимоий хавфини эса кўплаб раҳбарлар тушуниб етмаяптилар. Бу эса, ўз навбатида, бўшатилган кадрларнинг хорижий мамлакатларга иш излаб кетишларига ёки давлат сиёсатидан норози бўлишларига олиб келмоқда. Демак, ноқобил раҳбарлардан кадрларни ҳимоя қилиш тизими ҳам зудлик билан жорий қилиниши лозим.

Бугунги раҳбар кадрларда кузатилаётган яна бир ўта салбий ҳолат уларнинг маънавий савияси пастлиги, ахлоқсизлик сифатлари тез-тез намоён бўлаётганлигидир. Қўл остидагиларга адолатсиз муомалада бўлиш, уларни ҳақорат қилиш кўникмалари "ўта ривожланганлиги" натижасида кўплаб кадрларнинг ўзига бўлган ишончи йўқолмоқда, бошқалар олдида қаттиқ мулзам бўлиши натижасида руҳий эзилиш содир бўлмоқда. Демак, бошқарув кадрларининг инсонийлик, маънавий ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш, бошқаларнинг шаънини, ор-номусини ҳурмат қилиш ҳиссини шакллантиришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бошқарув кадрлари эгаллаши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат – соғломлик масаласи. Аммо баъзи ҳудудларда кўплаб раҳбар кадрларнинг турли омиллар сабабли ўта беўхшов тусга кирганлиги (қорни катта, кийиниш ёки ўзини тутиш малакасининг пастлиги), спорт билан шуғулланмаслиги, соғломлик тамойилларига амал қилмаслиги ҳам кўп учрайди. Бундай ҳолат уларнинг руҳига, кайфиятига, муомала маданиятига ҳам таъсир кўрсатадиган омил эканлигини эътироф этмоқ жоиз. Бу эса халқ орасида раҳбар кадрларга нисбатан ҳурматсиз муносабатнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кун баъзи раҳбар кадрлари фаолиятида кузатилаётган яна бир камчилик – уларда омма ёки жамоа олдида гапира олиш салоҳиятининг ўта пастлиги, тадбирларда ёки мажлисларда аудиториянинг зерикишига сабаб бўладиган узундан-узун маърузаларни қоғозга қараб ўқиб беришида ҳам намоён бўлмоқда. Шунингдек, ОАВ билан ишлаш кўникмаларига эга эмаслиги, оддий интервью беришни ҳам эплай олмаслиги сингари камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари, баъзи туман ҳокимлари томонидан фейсбук ижтимоий тармоғида очилган саҳифаларни кўрсангиз, бўлиб ўтаётган "зерикарли" тадбирларнигина ёритиш билан чекланиб қолаётганлиги ва ушбу хабарларни фақатгина саноқли одамлар томонидан ўқилаётганлигини кўришимиз мумкин. Қизиқарли статистик маълумотлар, ҳудудни ривожлантириш бўйича таклифлар ва унга халқнинг муносабатини ўрганиш, муаммоли масалаларнинг ечими борасида нималар қилиш лозимлиги ва ҳоказолар ҳақида кам сўз юритилади. Демак, раҳбарларга ахборот сиёсатининг замонавий тенденцияларини, улардан самарали ва креатив фойдаланиш услубларини ўргатиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалалари сифатида майдонга чиқмоқда.

Раҳбарлар руҳиятида танқидни кўтара олмаслик, фақатгина мақтовлар эшитиш-

га одатланиш муаммоси сақланиб қолаётганлиги, уларга бундай "қадрият"лардан воз кечишнинг ижобий томонларини тушунтириш, умуман, бу руҳиятдан халос бўлиш йўлларини, психологик ва маънавий қарашларни кўпроқ сингдириш йўли билан эришиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилиши лозим. Бошқарув кадрлари учун раҳбарлик масъулияти ва замонавий усуллар хусусида доимий курслар, семинарлар ташкил қилиниши зарур.

Муаммолар ичида раҳбар кадрларнинг ҳимояси, ҳуқуқлари, манфаати, мавқеи, масъулияти, бурчи кабилар алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга мавзудир. Раҳбарликнинг ўзи осон эмаслигини яхши тушунган ва улар масъулиятини ҳис қилган ҳолда, уларнинг хизмат вазифалари, иш вақти, масъулият чегараси, ҳуқуқ ва манфаатлари, жамиятдаги ўрни ва мавқеи масалалари ҳам тобора янгиланаётган Ўзбекистоннинг долзарб масалаларидан.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, биз содиқ, масъулиятли, халқ манфаати ва тинчлигини, фаровонлигини ўйлайдиган, унинг ғамини ейдиган, ишнинг кўзини биладиган, замонавий фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга, муносиб раҳбарларни топиш, тарбиялаш, масъул лавозимларга тайинлаш, фаолиятни доимий мониторинг қилиш сингари вазифаларни давлат сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида белгилаб олсаккина, қўйилган мақсадларга эришамиз. Чунки замоннинг ўзи бизни тараққиёт йўлида йўқотилган вақт ўрнини тўлдиришга, халқимизнинг дарду ташвишларини бартараф қилишга, эртанги кунниг муносиб авлодларини тайёрлашга ва улар олдида масъулиятни янада чуқур ҳис қилишга ундамоқда.

Манба ва адабиётлар

1. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз". Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016. http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5139-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3300784

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5264-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3431985

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/454999

5. Холов А. "Замонавий раҳбар қандай бўлиши керак?". http://biznes-daily.uz/uz/gazeta-birja/52823-zamonaviy-rahbar-qanday-bulishi-krak

Профессионал бошқарув кадрларини тайёрлаш: муаммолар ва вазифалар

Бектош Бердиев,
PhD (сиёсий фанлар бўйича),
Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси

Аннотация: *мақола бугунги кунда Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг долзарблиги, бу борадаги муаммолар, бажарилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган. Шу билан бирга, раҳбар кадрлар тайёрлаш ва уларнинг бошқарув кўникмаларини ривожлантириш масалалари, мавжуд муаммолар, шунингдек, раҳбар кадрлар фаолиятида учраётган камчиликлар тўғрисида сўз борган.*

Калит сўзлар: *сиёсат, сиёсий бошқарув, раҳбар кадрлар, раҳбар кадрларни танлаш, тайинлаш, ислоҳот, тараққиёт, давлат ва жамият бошқаруви, раҳбар масъулияти, бошқарув лаёқати, креативлик, самарадорлик.*

Подготовка профессиональных руководящих кадров: проблемы и задачи

Бектош Бердиев,
PhD (по политическим наукам), старший преподаватель Международной исламской академии Узбекистана

Аннотация: *статья посвящена актуальности подготовки руководящих кадров в Узбекистане, проблемам и задачам, которые требуют своего решения. Вместе с тем, анализированы деятельность организаций, непосредственно занимающиеся вопросами по развитию управленческих навыков руководящих кадров в Узбекистане, освещены, насколько эффективно они выполняют свои задачи, изложены проблемы и недостатки в деятельности руководящих кадров.*

Ключевые слова: *политика, политическое управление, руководящие кадры, отбор руководящих кадров, назначение, реформа, прогресс, государственное и общественное управление, ответственность руководителя, управленческие навыки, креативность, эффективность.*

Management training: challenges and tasks

Bektosh Berdiev,
PhD (in Politics), senior lecturer at the International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract: *the article is devoted to the relevance of the training of executive personnel in Uzbekistan, the problems and tasks that need to be addressed. At the same time, it analyzes the activities of organizations that are directly involved in the development of managerial skills of leading personnel in Uzbekistan, how effectively they perform their tasks, outlines problems and shortcomings in their work and in the activities of leading personnel.*

Key words: *politics, political management, leadership personnel, selection of leadership personnel, appointment, reform, progress, state and public administration, managerial responsibility, management skills, creativity, efficiency.*

Иқболжон ОДАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти етакчи мутахассиси

ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖАМОАВИЙ КОНФЛИКТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА РАҲБАР ФАЗИЛАТЛАРИ

2020 йил инсоният тарихидаги ёддан чиқмайдиган глобал ҳолат билан узоқ вақт сақланиб қолади. Бунинг сабаби, 2019 йил якунида Хитойнинг Ухан шаҳрида аниқланган COVID-19 коронавирус пандемияси бўлиб, ушбу вируснинг шу кунгача замонавий тиббиёт фанига номаълумлиги, унинг мураккаб генетик кодга эгалиги, одамдан-одамга ҳаво орқали тез юқиши, энг муҳими, вирусга чалинганларнинг дунё бўйлаб тез суръатларда тарқалиши, ундан зарарланганларнинг даволаниши учун етарли инфраструктура мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги, ўлим ҳолатларининг мавжудлиги билан жаҳон ҳамжамиятини ларзага солмоқда. Инсоният тарихида кузатилган турли хил пандемиялар орасида даволаш мураккаблиги, мавҳумлик жуда ҳам юқорилиги ва келгусидаги кутилаётган илмий тадқиқотларнинг натижадорлиги қай даражада бўлиши ноаниқлиги билан COVID-19 Жаҳон пандемиялари ноаниқлиги индексида деярли 25 баллик кўрсаткичда баҳоланаётгани вазиятнинг нақадар жиддий ҳамда раҳбарлар, лидерлар, етакчилар учун эса энг масъулиятли жараён эканини кўрсатади.

Бошқарувнинг бутун дунё бўйича умуминтизомий, ҳамма учун мажбурий ва масъуллик ҳиссини уйғотувчи, одатий бошқарув учун хос бўлган жўшқин ҳаракат тарзидан воз кечиш ёки уни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш билан муаммони ечиш, инфекциянинг кескин тарқалишини қисқартиришга таъсир этувчи воситаларни қўллаш (оммавий карантин, бошқарувнинг масофавий ечимларини жорий қилиш, муаммонинг ечимини микробиология қонун-қоидаларини ўзлаштирган ҳолда амалга ошириш) орқали бошқариш жорий қилиниши билан характерланади.

Инсониятнинг одатий ҳаёт тарзини мутлақо ўзгартириб юбораётган глобал пандемия шароитида корхона ва ташкилотларда, жамиятнинг турли гуруҳлари билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда юзага келаётган зиддиятлар, тўқнашувларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки оқилона бошқарувни амалга оширишда раҳбар фазилатлари муҳим ўрин эгаллайди. Олимлар томонидан эътироф этилаётган минимал тартибларни ўрнатиш, пандемиянинг чуқурлашиб кетишига йўл қўймаслик, жамоавий норозиликлар ва конфликтлар ҳукмронлик қилаётган пайтда раҳбар фазилатларини аниқланиб, белгилаб олиниши бугунги кун талабидир.



1-расм. Дунё мамлакатларида турли даврларда кузатилган пандемияларнинг ноаниқлик индекси [1]

Жаҳон ҳамжамиятининг кундалик мутлақ зиддиятига сабаб бўлаётган глобал пандемия умуминсоният конфликтига сабаб бўлиб, уни назоратга олиш ва жабҳасини қисқартириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Конфликт – томонларнинг муаммо юзасидан ишлаб чиққан ечимининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги оқибатида пайдо бўладиган, вазиятнинг жиддий у ёки бу томонга ўзгариши устида содир бўладиган тўқнашувлар, келишмовчиликлар кўринишида намоён бўлувчи шахсларнинг руҳий кескинлашуви натижаси. Барча томонлар жараённи ўз назоратига олишга қаттиқ интиладилар. Натижада, конфликт тобора чуқурлашиб, кенгайиб, икки киши ўртасида юзага келган зиддиятнинг ўз вақтида оқилона бартараф этилмаслиги оқибатида жамоавий, ижтимоий ва глобал конфликтларни келтириб чиқаради. Конфликт воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши сабаби, вазиятнинг реал ҳолати, муаммо ечимининг самарадорлиги жиҳатидан унинг даражасини белгилаб беради. Барча конфликтларнинг асосий бош омили томонларнинг юзага келган вазиятдан норозилигида ўз ифодасини топади. Шунингдек, конфликт кенг қамровли тушунча бўлиб, жамиятнинг барча соҳа ва тармоқларида сиёсат, иқтисодиёт, маданият, ижтимоий ҳаёт ва бошқаларда содир бўлувчи жараёндир.

Даоцизм мактабининг асосчиси Лао-Цзынинг фикрича: "Одамларнинг табиатига хос бўлган чиройли нарсаларнинг чиройли эканлигини фаҳмлаганида бефарқлик, сахийлик бор жойда эса бахиллик келиб чиқади. Яъни, дунёдаги ҳар бир нарса ўзини ташкил этувчи бошқа нарса орқали рад этилиш хусусиятига эгадир" [2].

Дастлаб, COVID-19 пандемияси юзага келиши натижасида жаҳон мамлакатларида содир бўлган оммавий норозиликлар, жамоавий конфликтлар тафсилоти билан қуйидаги мисоллар ёрдамида танишиб чиқамиз ва ушбу можаролар асосида тадқиқотнинг тавсия ва хулосаларини шакллантирамиз.

1-мисол. Дунё бўйлаб COVID-19нинг кескин тарқалишининг олдини олиш юзасидан ҳукумат томонидан жорий қилинган карантин чекловлари оммавий конфликтларни келтириб чиқарди. Булар жумласига: АҚШда 2020 йил 18 апрель куни Мичиган, Огая, Техас, Мериленд, Кентукки ва Висконсин штатларида бўлиб ўтган оммавий норозилик намойишлари, намойишчилар бир нечта автоуловлардан сунъий равишда катта тиқилинчларни яратишгани ҳамда "Коронавирус билан касалланиш ҳуқуқини беринг, лекин менинг эркинлигимни чекламанг", "reopen" ("яна очиш", яъни изоляцияни тўхтатиш) каби чақириқлари билан оммавий конфликтларнинг юзага келгани мисол бўла олади.

Бу каби оммавий конфликтлар, Германияда – Берлин шаҳрида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг чекланишига қарши рухсатсиз намойишлар 19 апрель санасидан бошланиб кетди. Дастлаб, намойишчилар Роза Люксембург майдонида "гигиеник норозилик намойиши"га йиғилиб, кейин Креузберг ҳудудига кўчиб ўтдилар. 9 май куни оммавий карантин (изоляция режими)га қарши норозилик намойишлари жадаллашиб кетди. Унда Штутгартнинг минглаб аҳолиси қатнашди. Берлинда норозилик кичикроқ, аммо бирмунча тажовузкор шаклда содир бўлди. Мюнхендаги Мариенплатздаги намойишда эса 3 мингга яқин киши қатнашди. Тахминан 500 киши эса Франкфуртда ниқоб режимини бекор қилишга чақириб, оммавий конфликтларни юзага келтирдилар.

7 апрель куни эса Исроилнинг Модин Иллит шаҳрида "яҳудийликни қутқариш шиори" остида карантинга қарши намойиш бўлиб ўтди.

Италиядаги тартибсизликлар эса 22 октябрь куни Неаполда, Сампаниа минтақасида комендантлик соати ўрнатилгандан сўнг бошланиб, эртаси куни намойишлар бутун минтақани қамраб олди. Ҳукумат раҳбари Жузеппе Конте янги қаттиқ чекловларни жорий қилганидан сўнг, 25 октябрда норозилик ва тартибсизликлар Милан, Турин ва Римгача тарқалиб кетди. Намойишлар тинч ўтмади, тартибсизликлар, полиция билан тўқнашувлар ва талон-тарожларга олиб келди. Ушбу оммавий тўқнашувларни келтириб чиқарувчи асосий омил бошқарувдаги манзилли ёндашувнинг етишмаслиги, халққа юзага келган панде-

мия ҳақида дастлабки ва манзилли тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги ёки суст ташкиллаштирилгани билан изоҳланади.

Келгусида шу каби жамоавий конфликтлар юзага келишининг олдини олиш учун қуйидаги бошқарувга оид ечимлар ва таклифлар ишлаб чиқилди:

- оммавий карантин чораларини қўллашдан олдин, зудлик билан аҳоли учун юзага келаётган ҳодисалар бўйича тушунтириш ва тарғибот тадбирларини олиб бориш, бунга халқнинг энг ишончли вакилларини (адиблар, қаҳрамонлар, оқсоқоллар, халқнинг ишончли вакиллари жамоаси ва б.қ.) кенг жалб қилиш;

- туб аҳоли учун ноқулай вазиятлар келтириб чиқариши мумкин бўлган энг долзарб масалаларни жиддий, танқидий таҳлил қилиш ва унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий таъсирини камайтириш ҳамда бартараф этиш йўлларини белгилаб, аниқлаб олиш;

- муаммога нисбатан халқ орасида умумий ва якдил фикр-мулоҳазалар тизимини шакллантириш;

- ижтимоий ҳимоянинг энг самарали воситаларини жорий қилиш;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида юзага келаётган ноқулай вазиятга мослашиб иш юритиш шаклларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- жамоавий конфликтларни бартараф этиш учун унинг иштирокчиларига нисбатан ишончга асосланган замонавий бошқарув ислоҳотларининг мазмуни билан таништириш ва норозилик кайфиятидаги жамоани вазият тўлиқ назоратга олинишига ишонтириш;

- олдиндан бир неча йиллик истиқболда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий, молиявий талафотларга реал баҳо бериш, унинг кўламини аниқ ҳисоб-китоблар асосида аниқлаш ва унинг олдини олишнинг иқтисодий механизмларини яратиш.

COVID-19 келтириб чиқараётган зиддиятлар кўлами жиҳатидан глобал тусга эга бўлиб, уни аниқлаш, унга бошқарув фани воситалари ёрдамида баҳо бериш, унинг давомийлиги, яна қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўрганишда қуйидаги назарий ёндашувлардан фойдаланиш лозим:

тадқиқ этилаётган объектнинг хусусиятини илмий методлар ва воситалар ёрдамида таҳлил қилиш. Мисол учун "Science" илмий журналида эълон қилинган COVID-19нинг мавсумийлиги ва касалланишнинг динамик моделининг олимлар томонидан илмий ёндашув асосида таҳлил қилиниши бунга ёрқин мисол бўлади.



2-расм. Конфликтни бошқаришдаги зарурий ёндашувлар.

Манба: муаллиф томнидан тузилган

Вазиятли ёндашувда бошқарув объекти ёки конфликт қандай вазият тақозоси билан юзага келганлиги ўрганилишига асосланади. Конфликт аниқ вақтлар доирасида тақсимланиб, унинг ривожланиш босқичлари келтириб чиқарувчи омилларнинг вазиятга боғлиқлигига баҳо берилади. Мисол учун, ишсизлик даражасининг ортишига вазиятли ёндашиб, муаммога тўғри жавоб топиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ёндашувда муаммонинг сабабини ва унга муқобил ечимларни аниқлашда иқтисодий, ижтимоий кўрсаткичларга асосланган ҳолда жавоб топилади. Ушбу ёндашувда статистик ва аналитик кўрсаткичлардан фойдаланиш, улар асосида муҳим таҳлиллар олиб боришга асосланилади.

Мантиқий ёндашув ҳам юқоридаги ёндашувларнинг давоми бўлиб, сабаб-оқибат қоидаси орқали муаммога ечим топишга асосланади. Яъни, сабабсиз оқибат ва натижа пайдо бўлмаслиги мантиқий ечим топиш учун долзарб восита сифатида кўрилади.

Тарихий-анъанавий ёндашувда мавжуд муаммонинг тарихий ечимлари ҳамда

анъанавий кўринишлари биргаликда таҳлил қилинади. Мавжуд муаммо ёки конфликтнинг тарихий даврларда ўзига хос ечимлари мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Агар тарихий ёки анъанавий ечимлари мавжуд бўлса, нега айнан шу каби ечимга келиниши факторли таҳлил қилиб олинади ва жорий конфликтни бартараф этиш учун муқобил ечимлар сифатида жамланади.

Мақсадли ёндашувда эса конфликтни келтириб чиқарувчи омиллар ичидан энг муҳими сифатида ушбу конфликтнинг иштирокчилари айнан нимани мақсад қилиб олганлигини аниқлашга қаратилган ёндашув сифатида қаралади. Айнан конфликт иштирокчиларининг ҳақиқий мақсадини тўғри тушуниш, тўғри баҳолаш унинг тўғри ечимини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Технологик ёндашув орқали конфликт сабабчисининг техник-технологик ечимлари аниқланади, унинг воситасида муаммонинг ечими топилади. Конфликтни қисқартиришда технологиянинг ўзига хос аҳамияти мавжуд бўлиб, у субъектив омилларни қисқартириш имкониятини яратиб бериши билан ажралиб туради. Чунки одамларнинг доим биргаликда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда бўлиши кўп ҳолларда турли хил конфликтлар пайдо бўлишининг бош сабабчиси бўлади.

Юқоридаги илмий ва назарий ёндашувлардан келиб чиқиб, раҳбар кадрларнинг конфликтлар олдини олиш ва бартараф этишларида субъектив фазилатларни шакллантиришлари лозим. Бу жараён бошқарув фаолиятининг энг мураккаб ва шу ўринда энг долзарб қисми ҳисобланади.

Дастлаб, мураккаб ва зиддиятли вазиятни таҳлил қилиш, уни тушуниш керак. Бунинг учун эса уни келтириб чиқарган сабаблар, зиддиятнинг мақсадини аниқлаш ва ундан келиб чиқадиган таҳдидларга баҳо бериш лозим.

Зиддиятнинг сабабларини аниқлашда шуни ёдда тутиш керакки, Сиз учун қабул қилиб бўлмайдиган нарса Сиз билан зиддиятга киришган киши учун ҳам қабул қилиб бўлмайдиган масаладир.

Муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва улар юзасидан тўғри қарорлар қабул қилиш учун раҳбар шахс ўз-ўзига қуйидаги саволларни бериб, унга жавоб топиши лозим:

1. Қарши томонлар муаммони қандай қабул қилмоқдалар?
2. Муаммонинг асосида нима ётибди ва унинг ҳар икки томон учун қиймати қандай?
3. Мавжуд вазиятни зиддият даражасига кўтарилишининг эҳтимоли қай даражада?
4. Қарши томоннинг реакциясида нима яширинган?
5. Вазият юзасидан ҳар икки тарафнинг хатти-ҳаракатлари бир-бирига мос келадими?
6. Зиддиятга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?
7. Агар қарши томон сиз кутгандек муносабат билдирмаса, нима килиш керак?
8. Вазиятнинг қандай мақбул ва номақбул оқибатлари кутилмоқда?
9. Сиз учун зиддиятнинг жисмоний хатарлари қандай даражага эга?

Шунингдек, конфликт устида ишлаётганда тортишув ёки зиддиятга олиб келган ҳолат ким ёки кимлар билан бирга олиб борилаётганини аниқ билиб олиш керак. Ўзига ишонган рақиб, одатда, мулоқотда кўп гапиради ва вазиятни ойдинлаштиришдан ўзини олиб қочмайди. Ўзига ишонмаган томон эса мулоқотдан тезроқ ўзини олиб қочади ва ўз мақсадларини яширади, шунингдек, ўзининг "принципиаллик" тамойилларига суяниб, яширинишга ҳаракат қиладилар. Ўжар ва примитив шахслар билан зиддиятли вазиятларда мулоқотга киришиш жуда қийин, уларга вазиятни юмшатиш тугул, айни вазиятда ким устун позицияга эга эканлигини ҳам тушунтириш мушкул.

Интеллектуал билимлардан йироқда бўлган шахслар билан зиддиятга киришиш хавфли ҳисобланиб, бундай вазиятлар кўпинча мантиқсиз якун топишига олиб келади ҳамда вазиятни бошқариш бўйича кўрилган барча чоралар самара бермайди. Бундай одамларнинг зиддият юзасидан келтирган далиллари ўйлаганидек чиқмаса, жисмоний куч ишлатиш пайида бўлади.

Зиддият юзасидан дастлабки таҳлиллар тугагач, зиддиятни узоқ муддатларда бартараф этиш стратегиясини тузиш талаб қилинади.

Мутахассислар зиддиятларни бартараф этишнинг беш хил хусусий стратегия турларини келтирадилар.

1. "Рақобат, ҳамкорлик" стратегияси.
2. "Зиддиятни четлаб ўтиш ёки унга эътибор бермаслик" стратегияси.
3. "Қайта тузиш" стратегияси.
4. "Ҳамкорлик" стратегияси.
5. "Компромисс" стратегияси.

Глобал пандемия шароитида дунё ҳамжамиятида жамоавий конфликтлар тез-тез учрамоқда. Айрим ривожланган давлатларда карантин қоидаларини кучайтириш юзасидан ҳукумат қарорларидан халқ норозилик акциялари, намойишлари ўтказмоқда. Шу кўринишдаги жамоавий норозилик ҳаракатларининг олдини олиш, бартараф этишда жараённи оқилона баҳолаган ҳолда бошқарувини таъминлаш доим ҳам ўз самарасини бераётгани йўқ. Норозилик ҳаракатлари кўпинча Германия, Франция, Америка Қўшма Штатларида кузатилиб, вазиятни, конфликтни назоратга олишда мана шундай ривожланган мамлакатларнинг бошқарув тизими муаммонинг ижобий ечимини топиб бера олмаяпти.

Жамоавий конфликтлар юзага келганда раҳбарларнинг муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзига хос тажрибага эга бўлиши, бу каби ҳолатларда жамоани тинчлантира олишида, тартибга ва назоратга олишида ҳамда ўз ортидан эргаштира олишда муайян раҳбарлик фазилатларга эга бўлишлари талаб этилади. Бунга қуйидаги кўринишдаги раҳбар фазилатларини бошқарув кадрларида шакллантиришни тавсия этиш мумкин:

- конфликт иштирокчиларига вазиятни аниқ ва тушунарли тилда ифодалаб бера олиш қобилияти, норозилик намойишлари пайтида улар билан коммуникация қила олиши;
- конфликт келгусида юзага келмаслиги учун жорий муаммони ҳар томонлама чуқур ўрганиш, муайян таъсир этувчи чораларни ишлаб чиқиш;
- томонларнинг муаммо хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
- муҳим қарорлар қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, унинг оқибатларини танқидий таҳлил қилиш;
- COVID-19 глобал пандемия каби жаҳондаги ноқулайликлар шароитида жамоавий манфаатлар тўқнашуви вужудга келган бир пайтда муаммони янада чуқурлаштириб юбормаслик, балки уни юмшатишнинг барча чора-тадбирларини амалга ошириш;
- глобал пандемия ҳукм сураётган пайтда корхона ва ташкилотларнинг кундалик иш тартибларини қайта кўриб чиқиш, уни янада оптималлаштириш, ходимлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва ахборот алмашуви тизимини масофавий тизимлар инфраструктураси доирасида мувофиқлаштириш;
- инсоний бошқарув менежменти тамойиллари ва қоидаларини янада кенг жорий этган ҳолда бошқарув фаолиятини амалга ошириш;
- жаҳон ҳамжамияти билан узлуксиз тажриба алмашиб бориш тизимини ишлаб чиқиш кабилар шулар жумласидан.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бошқарув жараёнида юзага келадиган ҳар қандай мураккаб вазиятга, зиддиятли ҳолатларга тўғри йўл топиш ҳар бир раҳбар шахсининг энг муҳим вазифаси бўлиб, унга тўғри ёндашишда, мавжуд ҳолатлардан чиқишда юқоридаги тавсияларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар

1. Economic research: Federal reserve bank of St.Lois: https://fred.stlouisfed.org/series/WUPI

2. Конфликтология: управление Конфликтами/Учебник для вуза/ Ю.Ф.Лукин/ Москва, 2007.

3. An overview of COVID-19 with an emphasis on computational approach for its preventive intervention. Divya Mishra et al., 3 Biotech, 2020.

4. COVID-19 amidst Ebola's retreat. John Ditekemena, Science, 2020.

5. How can nanotechnology help to combat COVID-19... Opportunities and urgent need. Estef?nia V.R. Campos et al., J Nanobiotechnology, 2020.

6. Lessons from Ebola as DRC grapple with conflict, measles, and covid-19. Paul Adepoju et al., The BMJ, 2020.

7. Management of epigenomic networks entailed in coronavirus infections and COVID-19 Ranim El Baba et al., Clin Epigenetics, 2020.

8. New coronavirus outbreak: Framing questions for pandemic prevention. Scott P. Layne et al., Sci Transl Med, 2020.

Глобал пандемия даврида юзага келиши мумкин бўлган жамоавий конфликтларни ҳал этишда раҳбар фазилатлари

Иқболжон Одашев,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти етакчи мутахассиси

Аннотация: *бошқарув жараёнида раҳбар шахси тез-тез дуч келадиган ҳолатлардан бири муаммоли қийин вазиятлар ёки зиддиятли ҳолатлар бўлиб, ҳар бир мураккаб вазият ёки зиддият ўз ортидан такрорланмас оқибатларни олиб келади ҳамда бундай вазиятлардан чиқиш учун энг оптимал йўлларни қидиришни эътибордан четда қолдириш раҳбарни янада қийин вазиятларга солиб қўяди. Мақолада COVID-19 дунё ҳамжамиятини жуда ҳам қийин вазиятларга, ҳал этиш қийин бўлган зиддиятларга, умуминсоний конфликтлар исканжасига солиб қўяётган бир пайтда раҳбар кадрларнинг, лидерларнинг ўрни ҳақида баҳс юритилади, менежмент назарияси орқали муаммо ечимлари таклиф қилинади.*

Калит сўзлар: *глобал пандемия, COVID-19, конфликт, зиддиятлар, мураккаблик, таҳликали, муаммоли вазият, тамойил, манфаатлар тўқнашуви, стратегия, умуминсоний хатарлар, ноаниқлик.*

Качества руководителя при решении возможных конфликтов сообществ во время глобальной пандемии

Икболжон Одашев,
ведущий специалист Института прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан

Аннотация: *одна из наиболее распространенных ситуаций, с которыми менеджер сталкивается в процессе управления - это проблемные ситуации или конфликты. Каждая сложная ситуация или конфликт имеет уникальные последствия, и пренебрежение поиском наилучшего выхода из таких ситуаций ставит лидера в более сложные ситуации. Особенно в то время, когда COVID-19 ставит мировое сообщество в очень сложное положение, трудно разрешаемые мировые конфликты. В этой статье обсуждается роль лидеров, менеджеров, решение проблем предлагается через теорию управления.*

Ключевые слова: *глобальная пандемия, COVID-19, конфликт, противоречия, сложность, угроза, проблемная ситуация, принцип, стратегия конфликта интересов, универсальные угрозы, неопределенность.*

Management qualities in resolving collective conflicts arisen during a global pandemic

Ikboljon Odashev,
leading specialist,
Institute of Forecasting and Macroeconomic Research under the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan

Abstracts: *one of the most common situations in the management process is problematic situations or conflicts, where each complex situation or conflict has unique consequences, and neglect to find the best way out of such situations puts the leader in a more difficult situation. Especially at a time while COVID-19 is putting the world community in a very difficult situation, difficult to resolve conflicts, universal conflicts, the role of leaders, managers are discussed, problem solutions are proposed through management theory.*

Keywords: *a global pandemic, COVID-19, conflict, contradictions, complexity, threat, problematic situation, principle, conflict of interest strategy, universal threats, uncertainty.*

**Иқтисодий соҳани ривожлантириш истиқболлари /
Перспективы развития экономического сектора /
Prospectives for the development of the economic sector**

Элнорахон МЎМИНОВА,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,
Фарғона политехника институти кафедра мудири

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноатни модернизациялаш ҳамда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кун амалиёти юзасидан бажарилган таҳлиллар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилиши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ғов бўлаётган муаммоларни вақтида аниқлаш ва бартараф этиш лозимлигини талаб этмоқда. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали тармоқларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Блокчейн технологиясининг тармоқларга жорий этилиши очиқ, хавфсиз ва тақсимланган операциялар китобининг тақдим этилиши билан ифодаланади. Албатта, тармоқларни рақамлаштириш блокчейн технологиясига тўлиқ ўтилишининг гарови ҳисобланади. Мазкур жараёнда қатор муаммоли вазиятлар ҳам юзага келиши мумкинлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, тармоқда блокчейн технологиясига асосланган янги платформани яратиш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, блокчейн платформаси ёзувларини узоқ муддатли сақлаш билан боғлиқ харажатлар, блокчейн технологиясининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш харажатлари, блокчейн платформасининг бошқарув жавобгарлигини белгилаш юзасидан ечимларни топиш, стандартлаштириш низомларини ишлаб чиқиш, ҳамкорлик шартларини белгилаш кабилардир.

Блокчейн, аслида, бажарилган ва иштирок этувчи томонлар ўртасида тақсимланган барча битимлар ёки рақамли воқеалар ҳақидаги маълумотларнинг тақсимланган маълумотлар омбори ёки умумий рўйхати ҳам ҳисобланади. Оммавий журналда акс эттирилган ҳар бир битим тизим иштирокчилари кўпчилигининг келишуви асосида тасдиқланади. Тизимга киритилган маълумотлар базасини ҳеч қачон ўчириб бўлмайди. Блокчейн амалга оширилган операциялар бўйича бажарилган ҳар бир қадамни аниқлаштириб, текшириладиган ёзувни ўзида акс эттириб боради [1]. Пул бирлигидан ташқари, блокчейн технологиясидан ақлли шартномаларда, қайд ёзувларида, булутли сақлаш блокларида фойдаланиш мумкин бўлади.

Тармоққа жорий этилган блокчейн технологияси – кўплаб жараёнлар ва транзакция хизматларини ўртада учинчи томон ташкилотининг эҳтиёжисиз янада шаффоф, марказлаштирилмаган, хавфсиз ва демократик ҳолга келтирадиган восита. Шубҳасиз, блокчейннинг рақамлаштирилган идентификация усули сифатида амалга оширадиган роли яқин келажакда фуқароларни тасдиқлаш ва ўзаро боғлиқ дунёда мавжуд бўлган рақамлаштирилган хизматлар тўпламига ўзларининг кимлигини исботлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб боради. Мазкур технология тармоқларни жадал суръатлар билан ривожлантиришга олиб келиши мумкин. Мисол учун блокчейн технологияларини ақлли шаҳар лойиҳаси доирасида, банк ва тўловларни

амалга ошириш жараёнида, аҳоли сонининг ўсиш динамикасини прогнозлаштириш йўналишларида, ақлли тиббиёт дастурини ишлатишда, сайловларда овоз беришда, давлат хизматларини рақамлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида йиғилиб бориладиган кенг ҳажмли маълумотлар базаси, уларни сақлаш, қайта ишлаш, улар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келиб боради. Бу борада блокчейн технологияси қатор қулайликларга эга бўлиб, булутли сақлаш платформалари, катта ҳажмдаги маълумотлар базаси, ақлли шартномалар каби платформаларнинг ишлатилиши натижасида катта ҳажмда йиғилган маълумотлар базасини сақлаш, қайта ишлаш ва уларнинг хавфсизлик чораларини кўриш имконияти юзага келади [2].

Тармоқлар доирасида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали барча фойдаланувчилар ва учинчи томонлар ўртасида маълумот алмашинув доирасининг кенгайиши, алмашинув вақтининг тезлашиши, жараёнларнинг соддалашиши, тақсимот вазифаларининг аниқ белгилаб олиниши, йиғилган маълумотлар базасига таянган ҳолда молиявий режалаштириш юзасидан қарорларнинг асосли қабул қилиниши, келгуси даврларга мўлжалланган прогнозларнинг ишлаб чиқилишига хизмат қилувчи дастурий таъминотлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

1-жадвал

Бугунги кун амалиётида жорий қилинган блокчейн дастурлари [3]

Молиявий хизмат турлари	Активлар бошқаруви, суғурта даъволарини амалга ошириш, трансзакцион тўловларни бошқариш
Smart Property (мулкий муносабатлар)	Нақд ва нақдсиз тўлов тизимларини амалга ошириш, Smart Car, Smartphone
Smart Government (ақлли ҳукумат)	Электрон паспорт тизими, туғилганлик тўғрисидаги, никоҳ гувоҳномалари, шахсни идентификациялаш, смарт коммунал хизматлар, ақлли ҳамжамият, ақлли шаҳар, ақлли боғча, ақлли мактаб лойиҳалари
IoT Smart Health Care (IoT Smart соғлиқни сақлаш)	Ақлли жиҳозлар, таъминот-занжирли сенсорлар, шахсий соғлиқни сақлаш, ёзувларни сақлаш, электрон архив, ақлли медицина, ақлли суғурта

Ривожланаётган технология сифатида блокчейн турли соҳалар ва доменларда узилиш қобилияти туфайли аниқ ривожланиб боради. Ушбу технология концепцияни исботлайдиган кўпроқ амалий ҳаракатлар билан ўзини тасдиқлаши кутилмоқда. Бузғунчиликни аниқлаш соҳасида блокчейн технологияси ижобий таъсир кўрсатиши мумкин [4].

Бизнингча, бугунги Ўзбекистон иқтисодиётининг қуйидаги тармоқ ва соҳаларида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали миллий иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнини тезлаштиришга, шаффофликни таъминлашга, коррупцион схемаларни бартараф этишга, хуфиёна иқтисодиётга барҳам беришга хизмат қилган бўлар эди.

Суғурталаш тизимида блокчейндан фойдаланиш орқали микроконтрактлар ҳисобини тўғри юритиш, микротўловлар билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш, жамоавий суғурталаш шартномаларининг доимий назоратини амалга ошириш, мижозларни юқори даражадаги идентификациялаш жараёнини ташкил этиш ва мониторингини амалга ошириш, сертификациялаш, актуар ҳисоб-китобларни юқори даражадаги аниқлик билан ҳисоблаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Давлат бошқаруви тизимида блокчейнни жорий этиш орқали бошқарув тизими шаффофлигини таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш, бошқарув жараёнида инсон омилини камайтириш, сайлов жараёнлари адолатли ўтишини таъминлаш, бюджет ижроси тизимини жамоавий назорат ва мониторинг қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имконияти юзага келади.

Саноат соҳасига блокчейн технологиясини татбиқ этиш орқали тармоқни тўлиқ

назорат остига олиш, тизимда доимий равишда критик таҳлил қилиш орқали келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан аниқлаш, саноат маҳсулоти таннархини доимий равишда оптималлаштириб, харажатлар таркибини доимий равишда мониторинг қилиб бориш, соҳада инсон омилини чеклаш, жараённи тўлиқ рақамлаштиришга эришиш мумкин.

2-жадвал

Алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарининг алоқа хизматидан тушган тушуми таркиби (жамига нисбатан фоизда)

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Алоқа-автоматлаштириш хизматлари – жами	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
шу жумладан:									
почта	3,8	3,8	3,8	4,4	4,2	3,5	3,3	2,4	2,4
телеграф	0,0	0,0	0,0	0,0	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02
махсус алоқа	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
шаҳарлараро ва халқаро телефон	13,3	16,7	15,2	14,0	11,1	9,7	12,7	16,1	14,4
шаҳар ва қишлоқ жойлардаги телефон	2,6	2,3	2,0	1,9	1,8	1,7	1,4	1,2	1,4
радиотўлқинларни рўйхатга олиш, назорат ва ҳимоя қилиш	2,5	2,0	1,4	1,2	1,1	1,0	1,0	1,3	1,5
мобиль	65,3	60,4	59,7	57,3	58,3	58,8	54,2	49,0	50,0
интернет тармоғи	7,2	8,6	10,8	14,0	15,8	17,0	21,4	22,9	23,0
маълумот узатиш тармоғи	3,5	4,0	5,0	5,0	5,5	6,1	3,9	4,8	5,0
телевидение дастурларини узатиш ва қабул қилиш	1,0	1,1	1,2	1,3	1,4	1,5	1,5	1,6	1,6
радио дастурларини узатиш ва қабул қилиш	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2
алоқанинг бошқа турлари	0,5	0,8	0,7	0,7	0,6	0,5	0,4	0,4	0,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асоси ҳисобланган алоқа-ахборотлаштириш хизматларидан тушган тушум жами хизматлар ҳажмида динамик ўсиш тенденцияларига эришилаётганини кўрсатмоқда. 2-жадвал маълумотларига кўра, 2011-2019 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарининг алоқа хизматидан тушган тушум таркибида жами улушга нисбатан мобиль, интернет тармоғи, шаҳарлараро ва халқаро телефон хизматларининг улуши ортиб борган. Таҳлил қилинган йиллар давомида почта, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги телефон, радио частоталарни рўйхатга олиш, назорат ва ҳимоя қилиш хизматларидан тушган тушумнинг улушга нисбатан вариация қаторларида ўзгариш юз берганлиги, яъни камайиш бўлганлиги кўринади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолиятнинг ахборот ва алоқа соҳасидаги асосий кўрсаткичлари динамикасини моделлаштириш соҳада юз бераётган тенденциялар, трендлар ва вақтли қаторлар каби моделлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Иқтисодий фаолиятнинг ахборот ва алоқа соҳасининг айрим кўрсаткичларини ўрганилган йиллар давомида ўзгариш тенденциялари таҳлилини амалга оширдик (3-жадвал).

Ўзбекистонда иқтисодий фаолиятнинг ахборот ва алоқа соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2019-2022 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари аниқланди. 2010-2019 йиллар давомида айтиб ўтилган кўрсаткичлар барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Вақт (t) омили ахборот ва алоқа соҳасидаги кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича корреляцион-регрессион таҳлилда таъсир этувчи омил сифатида белгиланди ва таҳлил амалга оширилди. Таҳлиллар давомида боғланишдаги омилларнинг зичлиги аниқланди, регрессион таҳлил амалга оширилиб, регрессия тенгламаси тузилди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда ахборот ва алоқа соҳаси бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми* (млрд. сўм ҳисобида)

Йиллар	Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар
2010	2 080,2
2011	2 653,0
2012	3 219,3
2013	3 749,8
2014	4 541,3
2015	5 181,5
2016	6 306,8
2017	8 196,7
2018	10 332,6
2019	13025,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

Кўрсаткичларнинг жойлашуви йиллар давомида барқарор, аниқ оралиқларда ўсганлигини эътиборга олган ҳолда регрессион боғланиш тўғри чизиқли боғланиш сифатида қаралди:

- корреляция коэффициенти - R= 0,9513;
- детерминация коэффициенти - R2 = 0,9051;
- Фишер мезони - F= 76,32;
- Фишер мезонининг аҳамияти - Z= 2,30467E-05.

Боғланишнинг регрессия тенгламаси коэффициентлар иштирокида қуйидаги кўринишда эканлиги аниқланди (1-расм):

x=1123,997*t-253,353 (1)

1-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2010-2022 йилларда ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ҳажмининг ўзгариш динамикаси 2019-2022 йилларда ҳам барқарор ўсиш тенденциясини сақлаб қолади ва 2010 йилдаги кўрсаткичдан 6,9 марта ортиб, 14358,6 млрд. сўмга етади.



1-расм. 2010-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ҳажмининг ўзгариш динамикаси ва прогнози (млрд. сўм).

Юқоридаги таҳлиллар рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини умумий ҳолатда баҳолаш ва олдиндан башорат қилиш имконини беради. Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлардан фойдаланиш истиқболини баҳолашда асосий кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг муҳимлик даражасига кўра тартиблаган ҳолда таҳлил қилиш соҳанинг келгусидаги истиқболини аниқ кўрсата олади.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида юқоридаги таҳлилий маълумотлардан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг мураккаб индексини (РИРМИ) ҳисоблаш учун кенг қамровли усулни таклиф этамиз. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта йўналиши (3-жадвал) рақамли иқтисодиётни объектив таҳлил қилиш имконини берувчи кенг кўламли кўрсаткичлар асосида кўриб чиқишни ўз ичига олади. Турли ўлчов бирликларида ифодаланган ўзгарувчиларнинг кўрсаткичларини мумкин бўлган таққослаш учун нормаллаштириш усулидан фойдаланилади: ўзгарувчиларнинг ҳар бири 0 дан 1 гача бўлган шкаладаги нуқталарга ўтказилади, бу ерда 1 максимал ўзгарувчи учун қиймат (балл юқори, "рақамли ривожланиш" даражаси юқори) чизиқли ўзгартириш (1):

$$y(x) = \frac{x_i - x_{\min}}{x_{\max} - x_{\min}} \quad (1)$$

Бу ерда: x_i - і-чи кўрсаткичнинг қиймати;

$x_{\min}$ - кўрсаткичнинг минимал қиймати;

$x_{\max}$ - кўрсаткичнинг максимал қиймати.

Меъёрланган кўрсаткичлар тенг оғирликлар билан қўшилади (1-жадвал).

Суб-индекс қийматини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{Sub-Index} = \sum_{i=1}^{n} \frac{y_i}{n}$$

i - кўрсаткичнинг тартиб рақами;

n - кўрсаткичлар сони.

Бу ерда:

y_i - i - чи кўрсаткичнинг нормаланган қиймати;

4-жадвал

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш индексини ҳисоблаш методикаси

Суб-индекслар ва кўрсаткичлар номлари	Муайян вазн, %	
	Суб-индекс кўрсаткичи	Индекс ичидаги суб-индекс
1. "Рақамли инфратузилманинг сифати ва ИСЦга кириш" суб-индекси		**20,0**
1.1. Уй хўжаликларининг умумий сонида интернетга эга бўлган уй хўжаликларининг фоизи (фоиз)	**20,0**	
1.2. 100 та аҳоли жон бошига белгиланган кенг полосали кириш (кенг полосали) абонентлари сони, (бирлик)	**20,0**	
1.3. 100 та аҳоли бошига мобиль кенг полосали абонентлар сони, (бирлик)	**20,0**	
1.4. Ҳар бир интернет фойдаланувчиси учун халқаро интернет каналларининг тармоқли кенглиги (кбит/с)	**20,0**	
1.5. Белгиланган кенг полосали нарх (аҳоли жон бошига ГНИ фоиз)	**20,0**	
2. "Интернетдан фойдаланиш жадаллиги" суб-индекси		**15,0**
2.1. Ахборот қидириш, янгиликларни ўқиш, фойдаланувчилар умумий сонининг улуши сифатида	**16,7**	
2.2. Ижтимоий тармоқларда мулоқот, фойдаланувчилар умумий сонининг улуши сифатида	**16,7**	
2.3. Media контентини кўриш, тинглаш ва юклаб олиш фойдаланувчилар умумий сонининг улуши сифатида	**16,7**	
2.4. Молиявий операцияларни амалга ошириш, фойдаланувчилар умумий сонининг фоиздаги кўриниши	**16,7**	
2.5. Товар ва хизматларни сотиб олиш, фойдаланувчилар умумий сонининг улуши сифатида	**16,7**	
2.6. Давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик, фойдаланувчилар умумий сонининг улуши сифатида	**16,7**	
3. «Инсон капитали» суб-индекси		**20,0**
3.1. Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси (фоиз)	**25,0**	
3.2. Бошланғич, ўрта ва олий таълим қамровининг мутаносиблиги (фоиз)	**25,0**	
3.3. Таълимнинг долзарб муддати (йиллар)	**25,0**	
3.4. Фойдаланувчиларнинг умумий сонида асосий рақамли кўникмаларга эга бўлган интернет фойдаланувчилари нисбати	**25,0**	
4. «Иқтисодиётни рақамлаштириш» суб-индекси		**20,0**
4.1. Интернетга кириш имконига эга бўлган ташкилотлар умумий сонининг улуши сифатида кенг полосали фойдаланиш ташкилотлари улуши	**33,0**	
4.2. АКТ соҳасидаги ташкилотлар ходимлари сонининг рўйхатдаги улуши (фоиз)	**33,0**	
4.3. Ташкилотларнинг умумий сонида веб-сайт билан ишлаётган ташкилотлар нисбати (фоиз)	**33,0**	
5. "Иқтисодиётни рақамли ўзгартириш самарадорлиги" суб-индекси		**25,0**
5.1. АКТ соҳаси ялпи қўшилган қийматининг иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қийматидаги улуши (фоиз)	**25,0**	
5.2. АКТ хизматлари экспортининг жами хизматлар экспортидаги улуши (фоиз)	**25,0**	
5.3. 1000 АҚШ доллари ЯИМга АКТ хизматларини экспорт қилиш (АҚШ доллари)	**25,0**	
5.4. Чакана савдо айланмасида онлайн-дўконлар орқали чакана савдо айланмасининг улуши (фоиз)	**25,0**	

Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилди.

Кейинги босқичда беш суб-индекснинг ҳар бирига "оғирликлар" w_j берилади, унга асосан, умумий индекс қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Index = \sum_{j=1}^{5} SI_j w_j \qquad 3$$

SI_j – j суб-индекснинг қиймати;

w_j – j суб-индекснинг оғирлик коэффициенти;

j – суб-индекснинг тартиб рақами.

Суб-индексларнинг қабул қилинган қийматларига мувофиқ қуйидагилар берилади. Бу соҳада бошқа мамлакатлар орасида мамлакатнинг ўрнини кўрсатувчи рейтинг, бир мамлакатнинг агрегат рейтинги (3) формула билан ҳар бири ўз йўналиши бўйича рақамли ривожланиш сифатини белгилайдиган қуйи индексларнинг тортилган ўртача қиймати ҳисоблаб аниқланади. Таклиф этилаётган усулнинг афзалликлари - ўзаро таққослашни, ҳисоб-китобларнинг нисбатан қулайлигини ва мамлакат иқтисодиётининг рақамли трансформациясининг ҳар бир йўналишида кучли ва заиф томонларини аниқлаш имкониятини берувчи қулай ва ягона маълумотлардан фойдаланиш.

Глобал рақамли иқтисодиётнинг таъсирини баҳолаш модели ишлаб чиқилган бўлиб, у мамлакатнинг тўпланган капитали (K(t), сифатга асосланган меҳнат (инсон капитали) (L(t) ва умумий омил унумдорлиги (A(t), гибрид ишлаб чиқариш ўсиши моделига асосланган (4):

$$\text{Growth } GDP_{hybrid-production}(t) = \frac{5}{6} Growth(A(t)) + \frac{1}{2} Growth(K(t)) + \frac{1}{2} Growth(L(t)) \quad (4)$$

XXI асрда иқтисодий ўсишнинг асосий компоненти – жами омил унумдорлиги (Солоу қолдиғи) A(t)-техник тараққиёт даражасининг кўрсаткичи сифатида тушунилади ва унинг ўсиши нафақат техник ўзгаришларни, балки ишчи кучининг малакаси ва мотивациясини яхшилаш, бошқарув усуллари ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдан иборат.

Умумий омил маҳсулдорлигининг ўсиши і мамлакат і ва GDP^{us} фарқларига қараб, динамик тенгламадан фоиз (5) сифатида аниқланади ва яқинлашиш даражаси β_i ҳолатга ўзгаради:

$$\text{Growth A}^i(t) = 1{,}3 + \beta^i (\ln GDP^{us}{}_{p.c}(t-1) - \ln GDP^i{}_{p.c}(t-1)) \quad (5)$$

1.3 кўрсаткичи омилли унумдорлик ўсиш суръатини $A^{us}(t)$ кўрсатади. I мамлакатнинг β_i конвергенция тезлигини ўлчаш модели қуйидагича аниқланади:

$$\beta^i = \begin{cases} \dfrac{(-CCI^i)^{1,5}}{-800} \\ 0{,}015 \end{cases} + 0{,}015, \qquad \text{агар } CCI \le 0,$$

$$\text{агар } CCI \ge 0, \qquad (6)$$

Бу ерда: CCI^i - конвергенция шартлари индекси, улар рейтинг индекслари шкалалари йиғиндиси сифатида ҳисобланади ва мамлакатнинг модернизациялаш тезлигини кўрсатади. Уни ҳисоблаш учун рақамли иқтисодиётда қуйидаги моделдан фойдаланилади:

$$CCI^i = DEDI^i{}_{scal} \quad (7)$$

Юқорида келтирилган моделни амалиётга жорий этишда рақамли технологияларни жорий этишнинг факторли унумдорлиги 3 %ни ташкил этади. Узоқ муддатли вақт оралиғида 2050 йилгача ушбу кўрсаткич 4,5%ни ташкил этишини прогноз қилишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт тармоқларига блокчейн технологиясини жорий этиш натижасида қатор устунликларга эга бўлинади, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- тармоқ фаолиятининг автоматлаштирилиши ва жараённинг тўлиқ рақамлаштирилишига эришилиши натижасида тармоқ доирасида фаолият юритаётган барча корхона ва ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш, улар фаолият йўналишини мониторинг қилиб бориш имконияти юзага келади;

- тармоқ фаолиятини натижавийликка эришиш ва унумдорликка қаратиш орқали зарар кўриб ишлаётган йўналишларни ўз вақтида аниқлаш имконияти юзага келади;

- тармоқ доирасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, киритилган назорат регламентлари ва ин-

сон омилининг таъсирини пасайтирадиган бошқа протоколларнинг жорий этилиши ҳамда энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш, энергия сарфи йўқотишларини пасайтиришга эришиш мумкин бўлади;

- тармоққа тааллуқли бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш орқали жараёнлар ва қонуниятлар шаффофлигини таъминлашга эришилади, шунингдек, келгуси даврга мўлжалланган илмий асосланган прогнозларни юқори аниқликда топиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, катта ҳажмда йиғилган тармоққа тааллуқли маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда турли даражадаги критик таҳлилларни амалга ошириш, рақобат бозоридаги контрагентлар билан ишлашга доир илмий асосланган прогнозларни юқори даражадаги аниқлик билан башоратлаш, шунингдек, барча таъсир омиллари ҳисобини математик аналитик башоратлаш усуллари орқали келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни олдиндан аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади.

Манба ва адабиётлар

1. Singh, S, Singh, N.: Blockchain: future of financial and cyber security. In: 978-1-5090-5256-1/16/PP463-467 IEEE (2016).

2. Fu, D., Fang, L.: Blockchain-based trusted computing in social network. In: 2nd International Conference on Computer and Communications-978-1-4673-9026-2/16/IEEE (2016).

3. Xu, X., Weber, I., Staples, M., Zhu, L., Bosch, J., Bass, L., Pautasso, C., Rimba, P.: A taxonomy of Blockchain-based systems for architecture design. In: International Conference on Software Architecture 978-1-5090-5729-0/17 IEEE (2017).

4. Wan, Z., Lo, D., Xia, X., Cai, L.: Bug characteristics in Blockchain systems: alarge-scale empirical study. In: 14th International Conference on Mining Software Repositories (MSR) PP 423-424 IEEE/ACM (2017).

Миллий иқтисодиёт тармоқларида блокчейн технологияларини қўллаш имкониятлари

Элнорахон Мўминова,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,
Фарғона политехника институти
кафедра мудири

Аннотация: *мақолада блокчейн технологиясидан микро ва макро даражадаги молия тизимида, суғурталаш тизимида, давлат бошқаруви тизимида, электрон тижоратлаштириш жараёнида, саноат соҳасида, интеллектуал мулкни ҳисобга олиш жараёнида унумли фойдаланиш натижалари ёритилган.*

Калит сўзлар: *блокчейн, транзакция, децентрализация, блокчейн платформаси, маълумотлар инфраструктураси, биткоин, микроконтрактлар, логистика, Smart Property, Smart Government, IoT Smart Health Care.*

Возможности использования блокчейн-технологий в отраслях национальной экономики

Элнорахон Муминова,
кандидат экономических наук, доцент,
заведующая кафедрой Ферганского
политехнического института

Аннотация: *в данной статье уделено особое внимание результатам эффективного использования технологии блокчейн в микро и макрофинансировании, страховании, государственном управлении, электронной коммерции, промышленности, интеллектуальной собственности.*

Ключевые слова: *блокчейн, транзакция, децентрализация, платформа блокчейна, инфраструктура данных, биткоин, Smart Property, Smart Government, IoT Smart Health Care.*

The possibilities of using blockchain technologies in the sectors of national economy

Elnorakhon Muminova,
PhD (in Economics), Associate Professor,
Head of the Department Ferghana Polytechnical Institute

Abstract: *the article describes the results of the effective use of blockchain technology in micro and macro financing, insurance, public administration, e-commerce, industry, intellectual property, education and healthcare.*

Keywords: *blockchain, transaction, decentralization, blockchain platform, data infrastructure, binkcoin, Smart Property, Smart Government, IoT Smart Health Care.*

Собиржон ҚОЗОҚОВ,
Наманган давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ

Ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантиришда давлат муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлатнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки тадбиркорлик фаолияти бир томонлама ижтимоий муносабатларни ўз ичига олмасдан, жамиятдаги турли муносабатлар, яъни шахслараро, гуруҳлараро, институтлараро муносабатларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шу сабабдан, бозор муносабатлари амалда бўлган ҳар бир давлатда тадбиркорлик фаолияти жамият аъзоларининг асосий даромад манбаи ҳисобланади ва ҳозирги кундаги ижтимоий муаммолардан бири бўлган ишсизлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашади. Яъни, аҳолини ўзини ўзи банд этишининг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши доирасида илмий изланишлар олиб бориш белгиланган. Тадқиқотдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий омилларини илмий таҳлил этиш ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий омилларини ўрганишнинг долзарблиги қатор объектив сабаблар билан характерланади. Биринчидан, мазкур муаммонинг Ўзбекистон ҳудудида социология фани доирасида кам ўрганилганлиги тадбиркорлик фаолиятини тадқиқ этишга чорлайди. Чунки тадбиркорлик фаолиятининг социология фани доирасида ўрганилиши вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни олдиндан ҳал этиши мумкин. Иккинчидан, тадқиқот натижалари Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, изланиш доирасида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўрганиш, моҳиятини таҳлил қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар даврида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг истиқболли йўналишларини белгилаш имконини беради.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган бўлиб, у давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Биз буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги нутқларида ҳам кўришимиз мумкин: "Бизнинг бош мақсадимиз – тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлашдир. Бизнес билан шуғулланаётган ҳар кишида давлат томонидан қўллаб-қувватланишига астойдил ишонч бўлиши шарт" [1, 25]. Бу орқали мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг давлат сиёсатига ва эртанги кунига бўлган ишончи ортади. Айниқса, тадбиркор шахсда эртанги кунга бўлган ишонч бўлиши шарт. Чунки тадбиркор шахсда қачонки, эртанги кунига ишончи бўлса, у фаолиятини инновацион ғоялар билан бойитади. Бу эса, унинг фаолиятининг ривожланишини таъминлаб беради.

Ривожланган хорижий давлатларда ҳам тадбиркорлик фаолиятини давлат томони-

дан қўллаб-қувватлаш институтини шакллантириш жараёни кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ролининг ошиши иқтисодиётдаги инқирозли ҳодисалар билан боғлиқ. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш сиёсатининг дастлабки асосларидан бири Ж.М. Кейнс томонидан таклиф қилинган. Бунда у фақат кичик ва ўрта бизнесни эмас, балки, умуман, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Унинг фикрига кўра, давлат тартибга солишнинг турли усуллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда инвестиция ва истеъмолчилар фаолиятига таъсир кўрсатиши керак.

У шундай деб ёзган эди: "... истеъмол қилишга мойиллик ва инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришни мувофиқлаштириш вазифаси билан боғлиқ ҳолда ҳукумат функцияларининг кенгайиши мавжуд иқтисодий шаклларнинг тўлиқ йўқ қилинишига йўл қўймасликнинг мумкин бўлган ягона воситаси ва шахсий ташаббуснинг муваффақиятли ишлаши учун шарт" [2, 338].

Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, Россиянинг кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг операцион самарадорлиги паст деб баҳоланмоқда. Жумладан, "ОПОРА России" президенти С.Р. Борисовга берган интервьюсида шундай деди: "... тадбиркорлар банкка келганда кўрган нарсалар кўпинча ҳукумат айтганларидан фарқ қилади. Кичик ва ўрта бизнеснинг аксарият қисми учун кредитлар ҳали ҳам мавжуд эмас" [3]. Бу Россия Федерациясида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал асослари мукаммал ишлаб чиқилмаганлигини англатади.

Шу сабабдан, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда, энг аввало, институционал асослар яратилди. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 24 ноябрдаги "Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5583-сонли фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик фаолияти жамият иқтисодий ҳаётининг муҳим сектори ҳисобланмоқда. Буни биз ҳозирги кунда республикамизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётганлигидан кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш секторининг асосий қисми тадбиркорлик фаолияти секторига тўғри келаётганлигини қуйидаги натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Тадбиркорлик фаолиятининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60 фоизга етди. Аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда [4, 68]. Шунингдек, мамлакатдаги саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Худди шу кўрсаткич кўпгина вилоятларда 70-90 фоизни ташкил этмоқда [5].

Шунингдек, ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларнинг фаоллигини оширади ва бу орқали жамиятда фаол тадбиркорлик фаолияти шаклланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "фаол тадбиркор" тушунчасига қуйидагича таъриф берган эди: "Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз" [6, 87].

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Давлат дастурлари тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ҳар бир тадбиркор давлат назоратидан четда қолмайди. Чунки мамлакатимизда қабул қилинган "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган

оилаларга 5,9 триллион сўм кредит ажратилди [7]. Бу мамлакатимиздаги ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳитини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, давлат томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида ажратилган кредит маблағлари имтиёзга эга бўлиб, унга кўра, кредитлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада, 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилмоқда [8]. Бу ҳам ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган кишиларга давлат томонидан қўллаб-қувватлашни англатади. Бу орқали ўз фаолиятини энди бошлаётган ҳар бир тадбиркор давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини англаб етади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг яна бир омили давлат томонидан амалга оширилаётган солиқ сиёсати ҳисобланади. Шу сабабдан, мамлакатимиздаги ислоҳотлар шароитида давлат томонидан янги солиқ сиёсатини амалга ошириш бошланди. 2019 йил давомида мамлакатимиздаги янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада, расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди [7]. Бу эса, мамлакатимизда яширин иқтисодиётга қарши кураш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланди. Чунки бу ҳозирги кундаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этиш муаммосига жавоб топишнинг энг қулай механизми ҳисобланади.

2019 йил 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди [7]. 2019 йилнинг ўзида тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағнинг қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига доир давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларимиз натижасида 2019 йилда 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди [7]. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Буни биз Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Жаҳон банкининг 2019 йилги "Бизнес юритиш" рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик [7]. Бу ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётганини англатади ва бу мамлакатимизда инвестиция муҳитининг юқори даражада эканлигидан дарак беради.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолияти аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартириш учун хизмат қилади. Чунки ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодий ҳаётини юксалтириш учун хизмат қилмоқда. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий ҳаётимизда тутган ўрни тўғрисида қуйидагича фикр билдирган эди: "Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир" [4, 201].

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ижтимоий қатлам вакилларининг ўзига бўлган ишончи ошиши билан биргаликда, уларда мулкдорлик ҳиссининг ортишига ҳам олиб келади. Чунки тадбиркор шахс унинг амалга ошираётган фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганини тушуниб етсагина, у ўз фаолиятини давлат томонидан яратиб берилаётган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда инновацион ғоялар билан бойитиш имконига эга бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақса-

ди ҳар бир оилада тадбиркор шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бу эса, мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаб, улар ўртасидаги камбағалликнинг қисқаришига олиб келади. Чунки, оилавий тадбиркорлик фаолияти жамият аъзоларини ўзини ўзи банд этишининг энг қулай усули ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартириш учун оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Чунки оилавий тадбиркорлик фаолиятининг халқимиз миллий менталитетига хос жиҳатлари кўп бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўзаро муносабатлар оила аъзоларини қамраб олиши, ота-бола, ака-ука ва бошқалар. Улар ўртасидаги муносабатларда низоларнинг вужудга келмаслиги, яъни бу муносабатлар фаолиятни бошлашда аввал ҳам мавжуд бўлганлиги ва фаолиятни ўзаро маслаҳатлашган ҳолда ташкил этилганлиги;

- фаолиятнинг бу кўриниши миллий ҳунармандчиликка асосланиб ташкил этилиши. Бу билан халқимизнинг бир неча асрлар мобайнида сақланиб келаётган миллий қадриятларини келажак авлодга етказиб бериш имкони туғилади. Миллий ҳунармандчиликнинг ижтимоий тизимдаги мавқеидан келиб чиқиб, бу фаолият билан банд бўлган жамият аъзоларига хусусий тадбиркор мақомининг берилиши;

- оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар фаолиятини ташкил этиш учун кўп маблағ талаб этилмаслиги ва фаолиятнинг бу кўринишини вазиятдан келиб чиқиб, тез ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги;

- даромаднинг асосий қисми оила бюджетида сақланиб қолиши, яъни оила аъзоларининг барчаси оила бюджетини кўтариш учун бир хилда ҳаракат қилади;

- оилавий тадбиркорлик фаолиятининг "Устоз-шогирд" усулида ташкил этилиши ва бошқалар.

Мамлакатимизда тадбиркорлар сони қанча кўп бўлса, республикамиз иқтисодий кўрсаткичлари билан биргаликда, аҳоли фаровонлиги шунча яхши кўрсаткичларга эга бўлади. Шу мақсадда, мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир оилада тадбиркор шахсни вояга етказиш учун давлат томонидан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жамиятда юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларнинг ечимини топиш билан биргаликда, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. - Т.: "Ёшлар" нашриёт уйи, 2019. - 25 б.

2. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег // Избранное / вступ. ст. Н.А. Макашевой. - М.: "Эксмо", 2008. - С. 338.

3. Интервью с президентом "ОПОРы России" С.Р. Борисовым.

URL:http://ww.osspb.ru/osnews/5339/

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2018. - 68 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// "Халқ сўзи" газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Т.: "Ўзбекистон", 2018. - 87 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

8. "Аҳоли ва тадбиркорларга йиллик 8% ставкада имтиёзли кредитлар ажратилади" 11.03.2019 йил. https://www.spot.uz

Ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий омиллари

Собиржон Қозоқов,
Наманган давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *мақолада Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши таҳлил қилинган. Муаллиф тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини тадқиқ қилган. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилган бўлиб, давлат дастурларида акс этишининг ижтимоий омиллари ёритилган. Тадбиркорлик фаолияти жамият тараққиётига инновацияларни қўллаш орқали ҳисса қўшиши ва бу орқали экспорт салоҳиятини ошириш омиллари очиб берилган.*

Калит сўзлар: *ислоҳотлар, тадбиркорлик, ижтимоий муносабатлар, шахслараро муносабатлар, истеъмолчи, давлат, жамият, шахс, даромад, имтиёзли кредит, оила, оилавий тадбиркорлик.*

Социальные факторы государственной поддержки предпринимательской деятельности в условиях реформ

Собиржон Козоков,
независимый исследователь Наманганского государственного университета

Аннотация: *в статье анализируется государственная поддержка предпринимательства в Узбекистане. Автор исследует возможности, созданные для развития предпринимательства государством, и социально-экономические аспекты предпринимательства в контексте проводимых реформ. Особое внимание уделяется семейному бизнесу, социальные факторы которого отражены в государственных программах. Также освещается вклад предпринимательства в развитие общества посредством внедрения инноваций и, как следствие, факторы увеличения экспортного потенциала.*

Ключевые слова: *реформа, предпринимательство, социальные отношения, межличностные отношения, потребитель, государство, общество, человек, доход, льготный заем, семья, семейный бизнес.*

Social factors of state support for the entrepreneurship in the context of reforms

Sobirjon Kozokov,
an independent researcher Namangan State University

Abstract: *the article analyzes the state support of entrepreneurship in Uzbekistan. In the article, the author examines the objective reasons for the role of the state in the development of entrepreneurship, the opportunities created for them by the state, and the socio-economic aspects of entrepreneurship in the context of ongoing reforms. Particular attention is paid to family businesses, the social factors of which are reflected in government programs. The article also highlights the contribution of entrepreneurship to the development of society through the introduction of innovations and, as a result, the factors of increasing export potential.*

Key words: *reform, entrepreneurship, social relations, interpersonal relations, consumer, state, society, person, income, soft loans, family, family business.*

Жасур ШАМСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Глобал бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг маҳаллийлаштириш сиёсати доирасида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда мамлакат ҳудудида нафақат янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янги иш ўрни яратиш, балки иқтисодиётнинг илғор соҳаларини рағбатлантириш, биринчи навбатда, стратегик аҳамиятга молик тармоқларнинг халқаро даражадаги рақобатбардошлигини ва унинг миллий назоратини кафолатлайди. Ўзбекистонда ҳам импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бундай лойиҳаларни, айниқса, нефть ва газ саноати корхоналарида кўпроқ амалга ошириш устувор йўналишлардан бири саналади [4].

Дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ўсиши ва аҳолисининг турмуш даражаси бевосита унинг ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминланганлик ҳолатига боғлиқдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш мамлакатимизда таркибий ислоҳотларнинг алоҳида муҳим йўналиши сифатида белгилаб олинди. Мурожаатномада белгиланган давлат улуши бўлган корхоналар сонининг келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилиши вазифасининг амалга оширилиши бозор иқтисодиётининг муҳим қонунияти ҳисобланган рақобатнинг ривожланишига ва монополиянинг чегараланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда бугунги кундаги электр энергияга бўлган талаб 73 млрд. кВт.с, ишлаб чиқарилаётган электр энергияси эса 68,5 млрд. кВт.с ни ташкил этади. Шунинг учун Олий Мажлисга Мурожаатномада нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислоҳотларни ва бошланган йирик лойиҳаларнинг якунига етказилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантиришда биринчи қадамни қўйиш лозимлиги таъкидланди [2]. Ҳозирги кунда электр энергетикаси корхоналари олдида уларни трансформация қилиш бўйича устувор вазифаларни бажаришнинг янги босқичи, яъни станцияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва истиқболда электр энергиясининг рақобатли бозорини яратиш вазифалари турибди. Соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш "рақамли трансформация"ни амалга ошириш орқали бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5646-сонли Фармонига асосан Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Ушбу Фармонга мувофиқ Энергетика вазирлиги зиммасига:

- энергетика хавфсизлигини, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш;

- электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, кўмир қазиб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, шунингдек, нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, сотиш ҳамда улардан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш;

- ёқилғи-энергетика соҳасини стратегик режалаштириш, энергия ресурсларини иш-

лаб чиқариш, етказиб бериш ва истеъмол қилишнинг прогнозларини, энергетика соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

- ёқилғи-энергетика тармоғида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар, банклар ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- энергетика соҳасига корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилди [1].

Электр энергиясининг кундалик турмушдаги аҳамиятини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифаларнинг қанчалик муҳимлигини тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли қарори билан "Ўзбекэнерго" жамияти негизида янги 3 та акциядорлик жамияти ташкил этилди. Жумладан, "Иссиқлик электр станциялари" жамиятига электр энергиясини ишлаб чиқариш, "Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари" жамиятига энергияни магистрал тармоқлар орқали транспортировка қилиш ва экспорт-импорт қилиш вазифалари юкланди. "Ҳудудий электр тармоқлари" жамияти эса бевосита истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш фаолияти билан шуғулланади.

2019 йилда ўнта иссиқлик электр станцияси томонидан 63 миллиард 600 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Шундан аҳолига 13 миллиард киловатт-соат электр энергияси етказиб берилди, 3,5 миллиард киловатт-соат импорт қилиниб, 2 миллиард киловатт-соати экспорт қилинди.



1-диаграмма. Ўзбекистонда электр энергиясига бўлган талабнинг ошиши

Таҳлилларга кўра, 2012-2019 йилларда электр энергияси ишлаб чиқаришда йилига ўртача 2,6 фоиз миқдорида ўсиш кузатилди. Бироқ электр энергиясига бўлган талаб тўлиқ қондирилмади, тақчиллик талабнинг 9,4 фоизини ташкил этди.

Амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар доирасида Навоий ИЭСни кенгайтириш бўйича 2023-2024 йилларда 650 МВт. қувватга эга учинчи буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши ва 2024-2025 йилларда шундай қувватли тўртинчи буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши каби лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда Талимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати камида 900 мегаватт бўлган янги буғ-газ қурилмалари қурилади. 2020-2030 йилларда қайта тикланадиган энергия манбалари орқали электр энергияси ишлаб чиқаришга, айниқса, қуёш энергиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳалар фақат сармоядорлар – мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Нефть-газ соҳасини ислоҳ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлда ПҚ-4388-сонли қарори қабул қилиниб, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзтрансгаз" ва "Ҳудудгазтаъминот" акциядорлик жамиятлари қайта ташкил этилди. 2019 йилда нефть-газ соҳаси бўйича 3 миллиард 250 миллион доллар инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада, "Арслон конида газни комплекс тайёрлаш қурилмаси ишга туширилди. Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмасининг 1,2,3-тармоқлари модернизация қилинди. Аҳолига 470 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилиб, қўшимча 270 минг 932 дона газ баллонлари билан таъминланди. Шунингдек, 60 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларидаги маънан эскирган газ жиҳозлари замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилди. Шунингдек, аҳолига 9 миллиард 900 миллион куб метр ёки 3 триллион 384 миллиард сўмлик табиий газ етказиб берилди. Лекин тўлов даражаси 65,5 фоизни ташкил этди, холос. Оқибатда, табиий газ учун дебитор қарздорлик аҳоли бўйича 1 трил-

лион 196 миллиард сўмга ошишига йўл қўйилди.

Шу сабабли 2022 йил охирига қадар 3,5 миллион истеъмолчиларда замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилиб, тўлов тизими такомиллаштирилади ва бу соҳада шаффофликка эришилади.

2025 йилгача нефть-газ тармоғида ёқилғи ишлаб чиқариш ҳажми 5 миллион 200 минг тоннага етказилади. Бунинг учун 2020 йилда умумий қиймати 4,1 миллиард доллар бўлган 5 та лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуаси тоза метан негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳаси 2020 йилда якунланди. Натижада, 1,5 миллион тонна нефть маҳсулотлари - авиакеросин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ, синтетик нафта ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, учта пропан-бутан қурилмалари ишга туширилиб, қўшимча 180 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади ва жорий йилда 902 минг тоннага етказилди.

Нефть-газ ва электр энергетикаси соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади республика истеъмолчиларига электр энергиясини, табиий ва суюлтирилган газни узлуксиз етказиб бериш ҳамда республика товар бозорини тўйинтиришга қаратилган.

Шу нуқтаи назардан, 2020 йилда республикада электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 108,9 фоизга оширилди, табиий газ 107,7 фоизга ҳамда суюлтирилган газ бўйича 108,7 фоизга кўпроқ ишлаб чиқарилди.

Жумладан, 2020-2022 йилларда 2,4 миллиард куб метр табиий газ, 3,3 миллиард киловатт-соат электр энергияси ва 2 минг тонна нефть маҳсулотлари тежалади. 285 та корхонада мажбурий энергетика текширувлари ўтказилади [3].

Нефть-газ соҳасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнида илм-фан ютуқлари ва инновацион ечимлардан фойдаланишни кенг жорий этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, "рақамли иқтисодиёт"ни жорий этиш учун "рақамли кон" концепциялари амалга оширилмоқда [5].

Ахборотнинг нефть-газ ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш тизимига таъсири, аввалambор, кескин ошиб бораётган ахборот оқими ва рақобат шароитида тезкор режимда бошқарув қарорларини қабул қилиш зарурати билан изоҳланади. Бошқарув технологияларини такомиллаштириш инструментал, ташкилий ва услубий фаолиятнинг мажмуи бўлган бошқарув воситаларини шакллантириш, амалга ошириш ва қўллаш билан чамбарчас боғлиқ. АКТ стратегик режалаштириш, маркетинг, маҳсулот ва хизматларнинг сифати, менежмент, инқирозни бошқариш, молиявий ҳисоб ва ҳоказо каби корхоналарни бошқаришнинг асосий турларида экспансияли ўсиб бораётган ахборот ресурсларини бошқаришни таъминлайди. Бундай ҳолда, ўзгаришлар нафақат маълумотларнинг ҳажми, шакли ва жойлашувини, балки замонавий иқтисодиётда ташкилотни бошқариш функциялари ва вазифаларининг ўзгариши ҳисобига унинг мазмунини ҳам эгаллайди [4].

Соҳадаги муаммоларни бартараф этиш учун амалиётга қуйидагилар тавсия этилади:

- "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган йиллик бизнес-режада самарали маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозим;

- нефть-газ электрон кооперация порталини ташкил қилиш зарур. Ушбу порталда:

- барча корхоналар импорт маҳсулот (хизматлар) маълумотлар базаси;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маълумотлар базаси жойлаштирилади;

- нефть-газ корхоналарининг барчасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича алоҳида бўлим ташкил қилиш лозим;

- хом ашё маҳсулотлари (табиий газ, полипропилен, полиэтилен) экспортини камайтириш ва бу маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш натижасида қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

- "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖда тўғридан-тўғри инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш имконини яратиш мақсадида, унинг ташкилий-

ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамияти (АЖ)га ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4751561

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

3. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси. http://minenergy.uz/uz/lists/view/77

4. Афанасьев А. Наука - энергетике.// Энергия. 2019. № 2. – С. 2-4.

5. С.П. Филиппов, А. Голодницкий, А. Кашин. Топливные элементы и водородная энергетика. / Fuel cells and hydrogen energy // "Энергетическая политика". 2020. №11 (153).

Ёқилғи-энергетика корхоналарини бошқариш тизимидаги ислоҳотлар

Жасур Шамсиев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *мақолада ёқилғи-энергетика тармоғидаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар баён қилиниб, ахборотнинг нефть-газ ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш тизимига таъсири, кескин ошиб бораётган ахборот оқими ва рақобат шароитида тезкор режимда бошқарув қарорларини қабул қилиш зарурати очиб берилган. Нефть ва газ саноати корхоналарида маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича чора-тадбирлар, илмий-амалий таклифлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *ёқилғи-энергетика, экспорт-импорт, нефть-газ тармоғи, модернизация, иқтисодий самарадорлик, маҳаллийлаштириш, табиий газ, инвестиция.*

Реформы в системе управления топливно-энергетическими предприятиями

Жасур Шамсиев,
самостоятельный исследователь Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье изложены изменения и реформы в отрасли топливной энергетики на сегодняшний день. По мнению автора, необходимость принятия управленческих решений в условиях конкуренции и скоростном режиме информационного потока определяется воздействием информации на управленческую систему предприятий нефтегаза. В заключении статьи автором разработаны научно-практические предложения и рекомендации, мероприятия по повышению экономической эффективности предприятий нефтегазовой отрасли путем проведения углубленной локализации.*

Ключевые слова: *топливная энергетика, экспорт-импорт, нефтегазовая отрасль, модернизация, экономическая эффективность, локализация, природный газ, инвестиция.*

Reforms in the management system of fuel and energy enterprises

Jasur Shamsiyev,
independent researcher, the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article outlines the changes and reforms in the fuel energy industry today. According to the author, the need to make management decisions in a competitive environment and high-speed information flow is determined by the impact of information in the management system of oil and gas enterprises. In the final part of the article, the author has developed scientific and practical proposals and recommendations, measures to increase the economic efficiency of oil and gas enterprises by conducting in-depth localization.*

Key words: *fuel energy, export-import, oil and gas industry, modernization, economic efficiency, localization, natural gas, investment.*

Тоштемир БЕРДИЕВ,
АТ "Халқ банки"нинг Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириш департаменти директори ўринбосари

САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ КОМПАНИЯЛАР ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

Инвестицияларни жалб қилиш – замонавий жамият учун долзарб масалалардан бири. Юқори инвестицион жозибадорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ўсишининг юқори ва барқарор суръатлари асосий омили ҳисобланади. Менежмент классик мактаби асосчиси Анри Файоль "Замонавий бозор –инвестиция бозори", ҳеч бир корхона инвестиция манбаларисиз ривожлана олмайди, деган ғояни илгари суради [1].

Мамлакатимизда йирик компаниялардаги давлат улушини чет эллик инвесторларга сотиш орқали иқтисодиётга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу устувор йўналиш ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ПҚ-4300-сонли қарори қабул қилиниб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган давлат иштирокидаги жамиятлар акцияларини маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича эмиссиялар жойлаштириш орқали сотиш чора-тадбирлари белгиланди. Лекин ушбу вазифаларнинг бажарилиши оқсамоқда, мамлакатимизда йирик бизнес, асосан, акционерлик жамиятларида жамланган бўлиб, унинг асосини давлат улушидаги корхоналар ташкил қилади ва уларнинг сони ошиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Акционерлик жамиятлари тўғрисидаги солиштирма маълумот [2].

Кўрсаткичлар	01.10.2019 ҳолатига	Улуши, %да	01.10.2020 ҳолатига	Улуши, %да	Фарқи (+;-)
Акциядорлик жамиятлари сони, дона	601	100	597	100	-4
Акциядорлик жамиятларига тегишли акциялар сони, млрд. дона	7 573,13	100	10 075,68	100	2 502,55
Акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акциялар номинал қиймати, млрд. сўм	79 875,8	100	148 580,41	100	68 704,61
Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари сони, дона	237	39,4	258	43,2	21
Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акциялар номинал қиймати, млрд. сўм	66 337,6	83,4	127 567,8	85,8	61 230,2
Хўжалик бошқаруви ташкилотлари улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари сони, дона	233	38,7	184	30,8	-49
Хўжалик бошқаруви ташкилотлари улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акциялар номинал қиймати, млрд. сўм	5 967,2	7,4	4 492,5	3,0	-1 474,7

Акциядорлик жамиятлари томонидан эмиссия қилинган акциялар умумий номинал қийматининг 86%и (127 567,8 млрд. сўм) давлат улушига тўғри келмоқда, уларнинг реал бозор қиймати бундан 10 марта юқори. Бу 100 млрд. АҚШ долларидан ортиқ қийматда тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилишнинг истиқболли манбасини бермоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йили 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилиши, давлат улуши бўлган корхоналар сони келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилиши таъкидлаб ўтилди. Шу жумладан, 2021 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асака банк", "Ипотека банк", "Алоқа банк", "Турон банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш банк" хусусийлаштиришга тайёрланиши ва камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши эътироф этилди [3].

Шу ўринда иқтисодиётнинг муҳим йўналиши бўлган банк тизимига эътибор қаратсак (1-диаграмма).



1-диаграмма. Республикамиз йирик банкларида давлат улуши (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра) [4].

Маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамиздаги йирик 10 та банк уставида давлат улуши жуда юқорилигича қолмоқда. Бу мамлакат банк тизимида давлат таъсири жуда юқорилигидан далолат беради. Бунга давлат томонидан банклар устав капиталига маблағ киритилиши сабаб бўлмоқда. Хусусан, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ, давлат улушига эга банклар капиталига ҳукумат томонидан 2017 йилда 670 миллион АҚШ доллари миқдорида [5], 2018 йилда 3 триллион сўмдан ортиқ маблағлар [6], 2019 йили 1,9 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағлар [7] йўналтирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 25 октябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишдаги нутқида [8] "Охирги йилларда давлат бюджетидан тижорат банкларига дастурларни молиялаштириш учун 8,4 триллион сўм, айланма маблағлар учун 400 миллион АҚШ доллари, устав капиталини ошириш учун 1,7 миллиард АҚШ доллари маблағ ажратилган. Умуман олганда, сўнгги икки йил ичида банклар капитализациясини ошириш учун 3,3 миллиард АҚШ доллари давлат маблағлари берилган", деб таъкидлаб ўтди.

Хусусан, банк тизими асосий кўрсаткичларида ҳам давлат улуши мавжуд банклар бир неча йиллар давомида юқорилигича қолмоқда (2-диаграмма).

2-диаграмма. Давлат улуши мавжуд банкларнинг мамлакатимиз банк тизимидаги ўрни [9].

Давлат улуши мавжуд активларининг ўсишига давлат маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев ҳам 2020 йил 6 июль куни 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилишдаги нутқида: "Ҳукуматдан олинган маблағлар асосида берилган кредитлар улуши "Қишлоқ қурилиш банк"да 41 фоизни, "Ипотека банк"да 32 фоизни ташкил этганини, ўтган йили банкларга давлат кафолати остида қарийб 600 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 570 миллион АҚШ долларини ташкил қилганини, шу билан бир қаторда, аҳолининг жамғарма ва муддатли депозитлари улуши йирик банкларда ўртача 5 фоизни ташкил этаётгани"ни [10] таъкидлаб ўтди.

Фикримизча, кредит қўйилмалари бозорида давлат иштирокидаги банклар улуши юқорилигининг асосий сабаби уларга турли дастурларни кредитлаш мақсадида давлат томонидан қўшимча маблағ ажратилишидир. Американинг "Fitch Ratings" компанияси берган маълумотга асосан, мамлакатимиз банк сектори томонидан ажратилаётган барча кредитларнинг қарийб 40 фоизи Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳисобидан давлат банклари томонидан давлатнинг стратегик муҳим соҳаларига (нефть ва газ, шунингдек, кимё ва энергетика соҳаларига) ажратилган кредитлар ҳисобига тўғри келмоқда [11].

Мамлакатимиз банк тизими асосий кўрсаткичлари давлат банклари улушига жуда юқори, лекин самарадорлик кўрсаткичлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига кирувчи банкларга нисбатан пастлигича қолмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Тижорат банклари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига доир солиштирма маълумот [12].

Тижорат банклари	Самарадорлик кўрсаткичлари	
	ROA,%да	ROE,%да
“Ўзмиллий банк”	1,24	6,5
“Ўзсаноатқурилишбанк”	1,9	11,9
“Асака банк”	0,85	5,3
“Ипотека банк”	1,72	11,3
“Агро банк”	1,03	4,7
“Халқ банки”	2,31	10,4
“Алоқа банк”	2,2	10,8
“Турон банк”	1,57	9,5
“Микрокредит банк”	1,24	5,8
“Қишлоқ қурилиш банк”	1,56	9,3
“Ҳамкор банк”	3,51	22,9
“Ипак йўли банк”	4,09	21,1
“Давр банк”	6,36	33,8
“Траст банк”	7,79	38,2
“Ориент Финанс банк”	5,19	21,8

ROA – даромад олиш учун компания активларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирувчи коэффициент. Давлат улушидаги банкларда бу кўрсаткичнинг

пастлиги мижозлар базасининг етарли эмаслиги ёки банкнинг консерватив кредит сиёсати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мулкчиликнинг бошқа шаклларига тегишли банкларда бу кўрсаткичнинг юқорилиги арзон мижозлар базасининг салмоқли улуши, муваффақиятли спекулятив операциялар ва активларнинг юқори рентабелли операцияларга жойлаштириш натижасидир.

Компанияларда давлат улуши юқори бўлиши менежерларнинг ўз фаолияти натижаларига бевосита қизиқиши йўқлиги, давлатнинг марказлашган инвестицияларига осон эришиш имконияти ва улардан масъулиятсизлик билан фойдаланиш халқаро миқёсда тан олинган корпоратив бошқарув тамойилларининг самарали ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Бу ўз-ўзидан компаниялар қимматли қоғозлари катта ҳажмда инвесторларга сотилишига тўсқинлик қилмоқда, шунингдек, умуман, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини пасайтирмоқда.

Бизнесга сармоя киритмоқчи бўлган ҳар бир инвестор инвестиция киритишни режалаштираётган номзодларни шакллантиришда ҳар бир компанияни диққат билан ўрганади. Чунки инвестицион жараёнларни жадаллаштириш ва рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омилларидан бири корпоратив бошқарув ва назоратнинг самарали механизмларини шакллантиришдир.

Самарали корпоратив бошқарув тизими – компаниянинг акциядорлар, мижозлар ва инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, шунингдек, давлат ва жамоатчилик олдида жавобгарликни ўз ичига оладиган ташкилий тузилмадир.

Корпоратив бошқарув тизимининг асосий ютуғи бу – компания бошқарув тизими иштирокчилари: акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва ижро органлари ўртасида назорат функцияларини аниқ белгилаб, компаниянинг самарали ривожланишига ҳисса қўшади, низоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Компанияга киритилаётган инвестициялар ишончлилигини ошириш орқали капитал бозорларига киришни осонлаштиради ва капитални янада қулай шароитларда жалб қилиш имконини яратади. Корпоратив бошқарув компаниялари инвестиция ва молия фаолияти учун талаб қилинадиган капитал нархини пасайтириш ва оқимларни кўпайтириш орқали миллий иқтисодиётга зарур бўлган қўшимча ресурс жалб қилинишини таъминлашлари мумкин.

Фикримизча, мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг самарадорлик даражасини кўтариш орқали компанияларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Бизнеснинг шаффофлигини ошириш. Таъкидлаш жоизки, компания ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш сифати барча манфаатдор томонлар билан мулоқотга тайёрлик даражасини тавсифлайди. Стратегик менежмент билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ихтисослашган "McKinsey & Company" халқаро консалтинг компанияси тадқиқотлари шуни кўрсатадики, компанияга инвесторлар қизиқишининг 40%и компания фаолиятининг шаффофлигига, очиқлигига боғлиқдир [1].

Компаниянинг фаолият шаффофлиги, очиқлигини ошириш учун қуйидаги омилларга эътибор бериш керак:

биринчидан, компаниялар имкон қадар компаниядаги турли жараёнларни такомиллаштириши, умумий талаб этиладиган муаммоларни аниқлаш мақсадида корпоратив лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда халқаро консалтинг компанияларини (Big Four кирувчи) жалб қилиш амалиётини кўпроқ қўллаши, эришилган натижаларни ОАВда кенг ёритиб бориши;

иккинчидан, барча манфаатдор томонлар (стейкхолдер) гуруҳлари билан ўзаро алоқа механизмини ташкил этиш, компания фаолияти тўғрисида кенг миқёсда маълумотлар бериш орқали жонли мулоқот сиёсатини юритиш. Бу акционерлар, мижозлар, шериклар ва ходимлар билан ишончли муносабатлар ўрнатишга ва компания фаолияти шаффофлигига хизмат қилиши мумкин;

учинчидан, Кузатув кенгаши, ижро бошқаруви ходимларини рағбатлантириш тизими ва дивиденд сиёсатида шаффофликни таъминлаш инвесторлар томонидан компания фаолиятига қизиқишнинг ортишига хизмат қилади;

тўртинчидан, компанияларимиз web-сайтларида уларнинг акционерлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ва сифатли акс этишини таъминлаш зарур.

2. Ички назорат, аудит ва рискларни бошқариш тизимини ривожлантириш. Ички назорат иқтисодий хавфсизлик хизмати эмаслигини ва аудит деганда фақатгина молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириш тушунилмаслигини англаш муҳимдир. Бу – Бошқарув кенгаши ва бошқарув аъзоларининг молиявий ҳамда иқтисодий қарорларни амалга ошириш самарадорлигини белгиловчи восита. Умуман олганда, бу – бозорда рақобатбардош бўлиб қолишни истаган барча компанияларда амалга оширилиши керак бўлган ички назорат механизмлари мажмуи. Аудит ва рискларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш учун шу соҳада халқаро тажрибага эга консультант мутахассислар (EXPAT)ни жалб қилиш керак.

3. Кузатув кенгаши ролини кучайтириш. Кузатув кенгаши корпоратив бошқарув тизимида муҳим роль ўйнайди: у стратегик мақсадларни белгилайди ва компания учун муҳим қарорларни қабул қилади. Бироқ, кенгаш аъзоларининг номиналлиги компанияларимиз фаолияти камчилигидир. Қайсидир давлат ташкилоти раҳбари бир нечта компания кенгаши аъзоси этиб белгиланган. У ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотдан ортиб компания фаолияти билан шуғуллана олмайди. Жаҳон бошқарув кенгаши фаолияти муваффақият омилларидан бири – профессионал мутахассисларни жалб қилиш, Кузатув кенгашлари таркибининг камида 30%и мустақил аъзолардан ташкил топиши таъминланишига боғлиқ.

4. Компаниялар корпоратив бошқарув кодексларини қайтадан ишлаб чиқиш. Ҳар бир компания ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда корпоратив бошқарув тамойиллари, яъни ҳисобдорлик, шаффофлик, ишончлилик ҳамда юқори касб одоби қоидалари негизида узоқ муддатли барқарор ривожланишга хизмат қилувчи Кодексни ишлаб чиқиш зарур. Корпоратив бошқарув тизимини ишлаб чиқишда турли хил хорижий кодексларнинг қоидаларини нусхалашдан ва ишламайдиган ҳужжатларни қабул қилишдан сақланиш керак. Кузатув кенгаши иштирокида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш лозим.

5. Капиталнинг юқори концентрациясига барҳам бериш. Компаниялар акционерлари таркибида миноритар акционерлар сони камида 20% дан кам бўлмаслиги, бир ёки ўзаро боғлиқ бир нечта акционерлар гуруҳи акциялар улуши 7-10%дан ортиқ бўлмаслиги тизими яратилиши, бунинг учун тегишли қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш керак. Компаниялар акцияларини, аввалambор, ички бозорда сотиш амалиётини кучайтириш зарур.

6. Замонавий ғазначилик тизимини яратиш. Ғазначилик сиёсати фалсафасини ўзгартириш, яъни фақат ресурс жалб қилиш эмас, турли иқтисодий инструментлардан фойдаланган ҳолда даромад олиш тизимини шакллантириш зарур.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчимизки, корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш ҳам давлатимиз, ҳам компанияларимиз манфаати учун фойда келтиради. Корпоратив бошқарув самарадорлиги даражасининг ошиши инвестицияларни жалб қилишнинг ҳақиқий объектив омили бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун самарали корпоратив бошқарувни таъминлаш учун шароитлар яратиш узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишга ва мамлакатимизни жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг бир қисми бўлиб қолиши керак.

Манба ва адабиётлар

1. Файоль А., Эмерсон Г., Тэйлор Ф., Форд Г. Управление – эта наука и искусство. – М.: "Республика",1992.

2. www.deponet.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

3. www.president.uz/uz/lists/view/4057

4. Банклар web-сайтлари маълумотлари асосида тузилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

8. www.president.uz/uz/2961

9. www.cbu.uz/oz/statistics/bankstats/416043/

10. www.kun.uz/news/2020/07/06/tijorat-banklariga-aholi-omonatlarini-jalb-etish-boyicha-qoshimcha-takliflar-ishlab-chiqish-topshirigi-berildi

11. www.uzdaily.uz/ru/post/47382

12. Bank va mijoz телеграмм канали маълумотлари.

Самарали корпоратив бошқарувнинг компаниялар инвестицион жозибадорлигини оширишдаги роли

Тоштемир Бердиев,
АТ "Халқ банки"нинг Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириш департаменти директори ўринбосари

Аннотация: *мақолада мамлакатимиз йирик бизнес компаниялари, жумладан, йирик банклар капиталида давлат улуши юқорилигининг улар фаолияти самарадорлигига салбий таъсири таҳлил қилинган. Компанияларда давлат улушини камайтириш, уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўналишлари белгиланган. Миллий компаниялар акцияларига инвесторлар томонидан қизиқишни ошириш йўли сифатида самарадор корпоратив бошқарув модели келтирилган. Корпоратив бошқарув орқали компаниялар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *корпоратив бошқарув, манфаатдор томонлар, инвестицион жозибадорлик, банк капитали, самарадорлик кўрсаткичлари, бизнеснинг шаффофлиги, кредит сиёсати, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, ижро органлари.*

Роль эффективного корпоративного управления в повышении инвестиционной привлекательности компаний

Тоштемир Бердиев,
заместитель директора Департамента банковской стратегии и инновационного развития АКБ "Халк банки"

Аннотация: *в статье анализируется негативное влияние высокой доли государства в капитале крупных компаний страны, в том числе крупных банков, на их эффективность. Определены направления снижения доли государства в компаниях, повышения их инвестиционной привлекательности. Эффективное корпоративное управление рассматривается как способ повышения интереса инвесторов к акциям национальных компаний. Даны предложения по повышению инвестиционной эффективности компаний за счет повышения уровня эффективности корпоративного управления.*

Ключевые слова: *корпоративное управление, заинтересованные стороны, инвестиционная привлекательность, банковский капитал, показатели эффективности, прозрачность бизнеса, кредитная политика, общее собрание акционеров, наблюдательный совет, исполнительные органы.*

Increasing the investment attractiveness of enterprises with the help of effective corporate governance

Toshtemir Berdiev,
Deputy Director of the Banking Strategy and Innovative Development Department of JSC Halk Bank

Abstract: *the article analyzes the negative impact of a high state share in the capital of large companies in the country, including large banks, on their efficiency. The directions of decreasing the share of the state in companies, increasing their investment attractiveness have been determined. Effective corporate governance is seen as a way to increase investor interest in the shares of national companies. Proposals are proposed to improve the investment efficiency of companies by increasing the level of corporate governance efficiency.*

Key words: *corporate governance, stakeholders, investment attractiveness, bank capital, performance indicators, business transparency, credit policy, general meeting of shareholders, supervisory board, executive bodies.*

**Жамият бошқарувини такомиллаштириш масалалари /
Вопросы совершенствования общественного управления /
Issues of improving Public Administration**

Улуғбек АЗИЗОВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор,
Нуриддин ХОЛИЯРОВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ ЎЗГАРИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ

Аҳоли сони ўзгаришининг иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига бевосита таъсирини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Аҳоли сонининг ўсиши мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган товар (хизмат)ларга бўлган барқарор талабнинг ортиб бориши баробарида ялпи ички маҳсулотнинг мутаносиб тақсимланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Шунингдек, аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бориши мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳалари, жумладан, моддий ва маънавий неъматлар, тиббий хизмат, таълим, спорт, маданият, уй-жой, коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш муаммосини келтириб чиқаради.

Жаҳон миқёсида айрим давлатларда туғилиш сонининг камайиб бораётганлиги эса, муайян миллатнинг мавжудлигига таҳдид солиши билан бир қаторда, ишчи кучи ресурслари, аҳоли ўртача ёшининг ортиб бориши ҳамда мавжуд ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни стагнация ҳолатига олиб келмоқда.

Аксинча, аҳоли сонининг ортиб бориши кузатилаётган айрим давлатларда, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш билан бандликни таъминлаш, ижтимоий ва маиший хизматлар билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўсиши XIX асрдан бошлаб кескин ўзгарган. Бу ҳолат аҳоли сони, миллати ва ёши, жинсий таркиби, кўпайиш суръатлари, жойлашиш хусусиятларида ўз аксини топган. Ўтган асрнинг бошида Россиядан деҳқонлар кўчириб келтирилиб, Мирзачўлга жойлаштирилган, Шарқий Туркистондан уйғурлар кўчирилиб, республика шарқидаги тоғ водийларида улар учун жой ажратилган. 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида 3,9 млн. киши яшаган бўлса, шундан 19 фоизи шаҳар аҳолиси бўлган. Туб аҳолининг миграцион мойиллиги паст бўлган. Аҳолининг кўчиб келувчилар ҳисобига ўсиши чор Россияси подшо ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг натижаси эди. Шу сиёсат туфайли ўлкада янги қишлоқ ва шаҳарчалар барпо этилди. Бироқ шунга қарамай, 1865-1900 йилларда аҳоли 0,6 фоизга кўпайган. XX асрнинг 1-чорагида аҳоли ўсишида сезиларли ўзгариш бўлмаган. 1924-1940 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолиси 2,3 млн. кишига ошиб, аҳолининг ўсиши йилига 3 % га тенг бўлган.

1925 йил бошларида жами 8 131 062 кишидан иборат бўлган Ўрта Осиё республикалари аҳолисидан 3 963 285 киши Ўзбекистон ССРга ўтди, улардан ўзбеклар - 3 381 579 кишини, яъни республика аҳолисининг $^{3}/_{4}$ қисмини ташкил этган. Ўрта Осиё республикаларида яшовчи барча ўзбекларнинг қарийб 90 фоизи Ўзбекистон ССР ҳудудида бўлган [1].

1926-1939 йиллар оралиғида Ўзбекистон аҳолиси 1 700 000 кишига кўпайган, унинг 38,2 фоизини ёки 650 минг кишини собиқ СССРнинг марказий ҳудудларидан келганлар ташкил этган. Шунингдек, улар республикада Европа миллатига мансуб аҳолининг 6,4 фоиздан 15 фоизга ўсишига олиб келган [2].

Янги келганлар ҳисобига, айниқса, йирик шаҳарлар аҳолиси сезиларли даражада ўсган. Масалан, XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмида Тошкент шаҳрига келган 81,5 минг нафар мигрантдан 33,5 минг нафари ёки 41,1 фоизи доимий яшаш учун қолиб кетган [3].

Аҳолининг режасиз тарзда собиқ Иттифоқ республикаларидан оқиб келиши жиддий демографик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарган, ўша даврда йирик шаҳарларнинг инфратузилмаси ҳам ўз аҳолиси сонининг бунчалик тез кўпайишига тайёр эмас эди [1].

1940 йилда собиқ СССРда аҳоли сони 194,1 млн. кишини ташкил этган бўлса, 1950 йилга келиб, 179 млн. кишига ёки 15 млн.га камайган. Бунга 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши ҳам таъсир кўрсатган.

1959 йилда собиқ СССРда аҳоли сони рўйхатга олинган бўлиб, унга кўра, собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда жами аҳоли сони 208,8 млн. кишини ташкил этган. Собиқ СССР республикаларида аҳоли сонининг 1959-2019 йиллардаги динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўриш мумкин (1-жадвал). Хусусан, собиқ Иттифоқ бўйича 1991 йилда аҳоли сони 1959 йилга нисбатан 81 млн. 250 минг кишига ёки 38,9 фоизга кўпайган. Ушбу ҳолатни республикалар кесимида қарайдиган бўлсак, Россия Федерациясида 126,3 фоизга, Украинада 124 фоиз, Ўзбекистонда 255,4 фоиз, Қозоғистонда 180,7 фоиз, Қирғизистонда 214 фоиз, Тожикистонда 270,6 фоиз, Туркманистонда 244,9 фоиз ва Эстонияда 132,1 фоизга кўпайганлигини кўриш мумкин. Собиқ Иттифоқ республикалари орасида Марказий Осиё давлатларида аҳолининг ўсиш даражаси бошқа республикаларга нисбатан юқори бўлган. Аҳоли сонининг ўсишига объектив ва субъектив омиллар таъсир қилган.

Хусусан, Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, 1966 йилда Тошкент шаҳрида содир бўлган зилзила оқибатларини тугатиш ва янги турар жойлар қуриш мақсадида собиқ Иттифоқнинг барча республикаларидан қурувчилар келиб, бу ердаги иқлим шароити, истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлиги ҳамда бошқа республикаларга нисбатан яшаш шароити қулайлиги сабабли қолиб кетганлар.

1-жадвал

Собиқ СССР таркибидаги республикалар бўйича аҳоли сони динамикаси (1959-2019 й.), минг киши

Республикалар	1959	1970	1979	1989	1990	1991	2001	2010	2019
СССР	208 827	241 720	262 436	286 731	288 624	290 077	-	-	-
Россия	117 534	130 079	137 551	147 400	148 041	148 543	144800	143000	146781
Украина	41 869	47 126	49 755	51 707	51 839	51 944	49000	45760	42153
Белоруссия	8055	9002	9560	10 200	10 259	10 260	9990	9471	9475
Ўзбекистон	8106	11 799	15 391	19 905	20 322	20 708	24900	28639	33256
Қозоғистон	9310	13 009	14 684	16 536	16 691	16 793	14844	16593	18396
Грузия	4044	4686	5015	5443	5456	5464	5100	4436	3723
Озарбайжон	3698	5117	6028	7038	7131	7137	8081	9111	9982
Литва	2711	3128	3398	3690	3723	3728	3520	3329	2794
Молдова	2884	3569	3947	4338	4362	4367	4272	3563	3543
Латвия	2093	2364	2521	2680	2687	2681	2500	2245	1920
Қирғизистон	2066	2934	3529	4290	4367	4422	4908	5482	6390
Тожикистон	1980	2900	3801	5109	5248	5358	6196	6952	9127
Арманистон	1763	2492	3031	3288	3293	3376	3804	3262	2965
Туркманистон	1516	2159	2759	3534	3622	3714	4843	5110	5942
Эстония	1197	1356	1466	1573	1583	1582	1420	1340	1325

Манба: *United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2019) маълумотлари.*

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли сонининг ортиб бориши ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан бир қаторда, аҳоли зичлигининг ортишига ҳам олиб келади.

2019 йил ҳолати бўйича собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда аҳоли зичлиги, яъни 1 км^2 га тўғри келадиган аҳоли сонини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: Россия Федерациясида 1 км^2 га – 8,57 киши, Қозоғистонда – 6,79 киши, Қирғизистонда – 32,9 киши, Тожикистонда – 42,8 киши, Туркманистонда – 13 киши, Ўзбекистонда – 75,5 киши тўғри келади. Собиқ Иттифоқ республикалари ичида аҳоли сони зичлиги бўйича Ўзбекистон етакчилик қилмоқда.

Жаҳон миқёсида аҳоли сони зичлиги бўйича биринчи ўринда Монако – 1 км^2 га 16205 киши, иккинчи ўринда Сингапур – 8404,5, учинчи ўринда Мальта – 1261,0 давлатлари туради. Аҳолиси энг кўп давлат ҳисобланадиган Хитойда 1 км^2 га 153 киши (2020 й. ҳолатига кўра) тўғри келади.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон аҳолисининг сонига, унинг таркиби ва жойлашувига ўз таъсирини кўрсатган. Уруш натижасида республика 1 млн.дан ортиқ аҳолисини йўқотиб, аҳолининг умумий сони 1940-1945 йилларда 6,6 млн. кишидан 5,2 млн. кишигача камайган. Аммо ўша даврда собиқ Иттифоқнинг ғарбий вилоятларидан 1 млн.дан ортиқ киши Ўзбекистонга эвакуация қилинган, шундан 200 минг нафари болалар бўлиб, улар ўзбек оилаларига берилган.

Мазкур ҳолат урушдан кейинги даврда аҳоли сонининг ўсиши даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, аҳоли сони қисқа муддатда 5,2 млн.дан 8,4 млн.гача кўпайган. Бунда ҳам соф табиий кўпайишдан кўра, четдан кўчириб келтирилган аҳолининг салмоғи катта бўлган [4].

Иккинчи жаҳон уруши вақтида собиқ Иттифоқ ўзининг миллионлаб солдат ва офицерларидан айрилди ва аҳоли сони кескин камайиб кетди. Мазкур ҳолатдан чиқиб кетиш учун 1944 йил 8 июлда 10 та ва ундан ортиқ фарзандни туққан ҳамда тарбиялаган оналар учун "Қаҳрамон Она" ордени жорий қилинди. Шунингдек, учинчи фарзанддан кейин 400 рубль, ўнинчи фарзанд туғилгандан сўнг 5000 рубль миқдорида бир марталик пул мукофоти жорий қилинди.

1947 йилдан кейин барча тўловлар ҳажми икки баробарга қисқариб, кейинчалик собиқ Иттифоқ тарқалиши вақтида Қаҳрамон оналарга 250 рубль миқдорида бир марталик ва ойлик 15 рублдан нафақа пули берилган. Шунингдек, мазкур орден жорий қилингандан 1991 йилгача ярим миллион аёл "Қаҳрамон Она" орденини олган [5].

Ушбу сиёсат Ўзбекистон аҳолиси сонининг кўпайишига таъсир кўрсатди. Ўзбек оилалари фарзандлари сони 10 тадан ортиқ бўлса, пул мукофоти, навбатсиз енгил автомобиллар сотиб олиш, транспортда бепул юриш каби бир қатор имтиёзлар берилиши сабабли, фарзандлар туғилиши кўрсаткичи ошиб кетди.

1910 йилдан 2019 йилгача бўлган вақт оралиғида Ўзбекистонда ҳар минг кишига тўғри келадиган туғилиш, ўлим ва аҳоли сони кўпайиши қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳар 1000 киши аҳолига нисбатан туғилиш ва ўлимлар сони динамикаси

Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида кўрсаткичларнинг ўзгариши, фоизда								
	1910	1940	1950	1970	1980	1991	2000	2010	2019
Туғилиш сони	46,6	33,8	30,8	33,6	33,8	40,5	46,7	44,9	41,5
Ўлимлар сони	34,3	13,2	8,7	5,5	5,4	6,8	18,1	20,7	21,8
Табиий кўпайиш	12,3	20,6	22,1	28,1	26,4	32,3	28,6	24,2	19,7

Манба: *Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.*

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳити, хусусан, салкам 150 йил мустамлака бўлгани унинг демографик ривожига, жумладан, аҳолининг миллий таркибига жуда катта таъсир кўрсатган. Аҳолининг умумий сони, ҳудудлар бўйича тақсимланиши, ёши, жинси, ижтимоий ва миллий таркиби, табиий ўсиши, миграцияси ва бошқалар бўйича аҳолини рўйхатдан ўтказиш орқали тўлиқ маълумот олинади. Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш кейинги 100 йил ичида бир неча марта (1897, 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда) ўтказилган.

Ўтган йиллар маълумотлари қиёслаб кўрилганда, 1939 йилги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда 97 та, 1959 йилги рўйхатда 113 та, 1979 йилги рўйхатда 120 дан ортиқ миллат ва элат яшаган. 1989 йилги аҳоли рўйхатидан эса, Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг умумий сони 19 млн. 810 минг киши эканлиги маълум бўлди [6].

СССР тарқалиб кетган 1991 йилдан 2017 йилга қадар собиқ Иттифоқ республикаларида аҳолининг ўртача ёши 66,6 ёшдан 71,2 ёшгача ўсди. Бунинг асосий сабаби - ҳаёт сифатининг яхшиланиши.

1986-2014 йилларда собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда ҳар битта аёлга тўғри келган туғилиш сонини таҳлил қиладиган бўлсак, Шарқий Европа республикалари, яъни Россия, Белоруссия, Украина ва Молдовада 2 тадан кам бўлган. Болтиқбўйи республикаларида эса, 1 ва 1,5 та атрофида бўлган бўлса, Марказий Осиё республикаларида 3-4 тани ташкил этган.

БМТ ҳисоботига кўра, 2050 йилга қадар Марказий Осиё ва Озарбайжонда аҳоли сони ўсишда давом этади, лекин ундан кейин Европа аҳолиси сингари қисқара бошлайди. Ўша вақтга келиб, Ер шарида аҳоли сони 9,7 млрд. кишини ташкил қилади. Энг кўп аҳоли - Осиёда яшайди. Аҳоли сони бўйича Ҳиндистон Хитойдан ҳам ошиб кетади. Ҳозирги кунда АҚШ эгаллаб турган учинчи ўринни эса Нигерия эгаллайди. Россия аҳоли сони бўйича 15-ўринга тушади [7].

Демографларнинг прогнозлари мазкур жараён тобора кучайиб боришидан далолат бермоқда. Хусусан, БМТ экспертларининг прогнозларига мувофиқ, 2050 йилга бориб, дунёда энг юқори қариш даражаси 72,7 фоизга етиши тахмин қилинмоқда.

Шунингдек, аҳоли сони динамикасига республикага кўчиб келган/кетганлар ҳам катта таъсир кўрсатади. 2019 йил январь-декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 158,8 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 169,5 минг кишини ташкил этди. Миграция сальдоси минус 10,7 минг киши бўлиб, 2018 йилнинг мос даврида минус 14,7 минг киши бўлган.

Умумий аҳолининг 30,8 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 58,7 фоизи —меҳнатга лаёқатли ва 10,5 фоизи — меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ташкил этади. 2020 йилда 1000 аҳолига туғилиш 20,2 тани ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 0,8 промиллега ошган.

Туғилиш суръати секинлашган даврда ҳам мамлакат аҳолисининг умумий сони йилига 1,1-1,3 фоиз ўсган. Охирги 5 йилда республика аҳолисининг ўсиш суръати йилига 1,7-1,8 фоизни ташкил этди.

Таққослаш учун, 2015 йилда дунёнинг аҳоли сони ўсиши бўйича ижобий кўрсаткичга эга мамлакатларида ўртача ўсиш суръати 1,6 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда Ўзбекистон аҳолиси 12,6 миллион кишига кўпайди, яъни ўсиш даражаси 61,4 фоизни ташкил этган [8].

Мамлакатда кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденциялари таҳлили аҳоли ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғи ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, 2000-2016 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг нисбатан суст кексаяётган ҳудудларида ҳам аҳолисининг қариш индекси кўтарилиб борган. Бу эса, ўз навбатида, яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолининг кексайиш даражаси ҳам ўсишини кўрсатади.

Демографик вазият таълим секторига ҳам юқори босимни келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, демографик вазият таълим секторига йирик сармояларни киритиш ва уни қўллаб-қувватлаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили ўртача 500-550 минг ўқувчи-ёшлар ўрта мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларини тугатмоқда. Уларнинг ўртача 20 фоизи (2020 йилда) олий таълим муассасаларига талаба сифатида қабул қилиниб, кейинчалик олий маълумотга эга бўлмоқда. Аммо мамлакатда туғилиш даражасининг ортиши таълим тизимини такомиллаштириш, янги мактаблар қуриш, иш ўринларини доимий ошириб бориш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, уй-жой билан таъминлаш масалаларини оқилона ҳал этиш каби бир қатор вазифаларни шарт қилиб қўймоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли сони ортиши, асосан, туғилиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, республикадаги мавжуд таълим олиш муассасалари сонини ҳам кўпайтириб бориш зарур бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтда мамлакатимизда 8333 та мактаб мавжуд бўлиб, улардан 43 фоизи мослаштирилган биноларда фаолият юритган. Бундай мактабларнинг учдан бири 40-60-йилларда ҳашар йўли билан лой ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, белгиланган талабларга жавоб бермаган [9].

Ўзбекистонда 2019 йилда жами мактаблар сони 9942 тани ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 251 тага кўпайган. Бошланғич мактаблар – 16 та, ўн йиллик мактаблар – 9584 та, вазирлик ҳузуридаги мактаблар – 6 та ва махсус мактаблар - 86 тани ташкил этади.

2019-2020 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-синфларига келган ўқувчилар ҳисобига Тошкент шаҳри умумтаълим мактабларида таълим олиши кутилаётган ўқувчилар сони 450 минг нафарга етди, натижада, умумтаълим мактабларида қўшимча 140 минг ўқувчи ўрнига эҳтиёж юзага келди. Ёшларнинг маълумотларни қабул қилиш фаоллиги эрталаб юқори бўлиши ва куннинг иккинчи ярмида пасайишини инобатга оладиган бўлсак, ўқувчилар ўзлаштириш даражасининг пасайиши, дангасалик каби бир қатор салбий иллатларни юзага келишига сабаб бўлади.

Демографик вазиятни юмшатиш ва оилада болалар сонини режалаштириш бўйича Хитой тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, 1979 йилда Хитойда "Битта оила - битта фарзанд" сиёсати амалга киритилган. Мазкур сиёсатни амалга ошириш учун катта миқдорда жарима ва рағбатлантиришлар қўлланилган. 2000 йилгача аҳоли сонини 1,2 млрд. кишидан оширмаслик мақсади тантанали эълон қилинган. 1982 йилда ХХР Конституциясига ҳам туғилишни назорат қилиш сиёсати бўйича тегишли моддалар киритилган (25, 49-моддалар).

1980 йилнинг ўрталарига келиб, мазкур сиёсат бироз юмшатилиб, 1984 йилда 7-сон Ҳужжат қабул қилинган, унга кўра, қишлоқ жойларда яшовчи оилаларга иккитагача фарзандга рухсат берилган.

Туғилиш устидан самарали назорат 1990 йилларнинг охирига келиб, сезиларли натижаларга олиб келди: аҳолининг ўсиш даражаси кутилган натижани бериб, авлодлар алмашинуви 2,1 даражага яқинлашди. Оилада битта фарзанднинг ўқиши ва соғлигига катта эътибор қаратилиб, Хитойда таълим даражаси юқори ўринга чиқди.

Аммо, кутилмаган бошқа муаммолар юзага келди, хусусан, аҳоли тузилиши ва оила таркибида ўзгаришлар рўй берди. Хитойда ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги мувозанат бузилиб, ҳар 1000 та ўғил болага 855 та қиз туғила бошлади. 10 млн.дан ортиқ хитойлик эркакларга оила қуриш катта муаммога айланди ёки уйланмаган бўйдоқлар сони (ёши 30 дан ошган) 30 млн.дан ошиб кетди.

Хитойдаги битта фарзанд сиёсатининг якуний негатив таъсири 2013 йилда меҳнатга яроқли аҳоли сонининг кескин камайганлиги аниқлангандан сўнг яққол кўзга ташланди. 2013 йил бошидан 2015 йил бошигача меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 3,7 млн. кишига камайди. 2015 йил октябрь ойидан "Битта оила – битта фарзанд" сиёсати расмий равишда бекор қилинди. 2019 йилда Хитойда 15 млн. та туғилиш қайд этилган ва бу мамлакат тарихида энг кам туғилиш деб эътироф этилган [10].

Бугунги кунда давлатнинг демографик сиёсатидаги камчиликлар сабабли жаҳон бўйича Сингапур аҳоли сонини режалаштириш бўйича мураккаб вазиятга тушиб қолган. Шунингдек, фарзандларга нисбатан солиқлар ҳам жорий этилган (олий

маълумотли қизлар озод қилинган). Агар турмушга чиққан аёл олий маълумотли бўлмаса, иккинчи фарзанддан бошлаб, жарима тўлаш тизими жорий қилинган.

Оилани режалаштириш бўйича Японияниng тажрибасида оилани режалаштириш туғилишни қисқартиришга эмас, балки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Мамлакатда аёл соғлиғи учун жуда хавфли бўлган абортлар амалда деярли йўқ қилинди. Шу билан бирга, туғилишни режалаштиришнинг самарали усулларини яратиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди ва уни аёлларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилдириш бўйича тадбирлар амалга оширилди.

Японияда туғилишни камайтириш тўғрисида ҳеч қачон гап бўлмаган. Аксинча, бу мамлакатда болали оналар давлат томонидан моддий ёрдам оладилар ва маънавий қўллаб-қувватланадилар. Болали оилаларга ҳар хил имтиёзлар берилади: учинчи ва ундан кейинги бола туғилганда 5 минг иен миқдорида нафақа, туғишгача олти ҳафта ва туққандан кейин олти ҳафта пуллик таътил берилади. Фарзанд туғилганда ойлик маошнинг ярми миқдорида (камида 150 минг иен) бир марталик нафақа ва 2 минг иен миқдорида ойлик нафақа белгиланади [11].

Мазкур таҳлиллардан кўринадики, оилаларга бола сонини 1 ёки 2 та қилиб чеклаб қўйиш ҳам, бир томондан, ижобий, иккинчи томондан, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Шу сабабдан, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатни тизимли таҳлил қилган ҳолда оилада туғиладиган фарзандлар сонини режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, оила қурадиган ёшларни олий маълумот олишларига кенг имконият яратиш лозим.

Ўзбекистонда "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг сўнгги мониторинги - фуқароларнинг қанча фарзанд кўриши, ҳомиладорликнинг олдини олиш ва аёлларнинг репродуктив саломатлиги бўйича натижалари эълон қилинди. Сўровда иштирок этганларнинг 21 фоизи – 2 та, 35 фоизи – 3 та, 30,8 фоизи – 4 та,13,2 фоизи – 5 та ҳамда ундан ортиқ фарзанди бўлишини таъкидлашган.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларининг таҳлилига кўра, оилани режалаштириш масаласи аҳоли, айниқса, ёшларнинг катта қисми учун ҳамон асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни кенгайтириш, жойларда тиббий-профилактика ишларини жонлантириш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистондаги юқори ва барқарор туғилиш кўрсаткичлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун катта устунликлар беради. Бу аҳолининг "қариш"и жараёнини секинлаштиради, меҳнатга лаёқатли қатлам улушини етарли даражада ушлаб туради ва давлат бюджетига бўлган ижтимоий босимни камайтиради. Бироқ салбий жиҳати туғилишнинг юқори даражаси аёлларнинг репродуктив саломатлигига ҳам жамият, ҳам давлатнинг алоҳида эътиборини талаб қилади.

Шу сабабдан оилада фарзандлар сонини режалаштириш, ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш ва уларга бугунги кун талаблари даражасида таълим-тарбия бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мазкур муаммоларни мамлакатимиз миқёсида ҳал этишда демографик вазият ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсирини минималлаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни ҳукумат даражасида амалга ошириш лозим бўлади:

1) ижобий ва салбий тенденцияларни аниқлаш учун республикада замонавий демографик вазиятни ҳар томонлама ва танқидий таҳлилини ўтказиш;

2) соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим, бандлик, транспорт, коммунал инфратузилма, экологик, диний, ахборот соҳалари каби муҳим тизимлар бўйича демографик жараёнлар ривожланишининг миқдорий ва сифат ўзгаришлари таҳлилини ўтказиш ва истиқболини белгилаш;

3) ижтимоий-демографик сиёсатга бўладиган таҳдидларни, яъни оилавий, ҳудудий, минтақавий, миграцион, экологик, диний, этник ва бошқаларнинг ташқи ва ички омиллар таъсири доирасида социологик таснифлаш;

4) мамлакатнинг миллий манфаатлари ва давлат хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда демографик вазиятнинг энг ноқулай, ўрта ва энг мақбул ривожланиш сценарийсини ишлаб қилиш;

5) оилавий муносабатлар ва жамиятда оила институтининг демографик, ижтимоий, иқтисодий, маънавий стандартларидаги трансформация омилларини ўрганиш ва тавсиялар бериш механизмини ишлаб чиқиш;

6) республиканинг барча ҳудудларида оила қурган ёшларга оилада нечта фарзанд бўлиши мақбуллиги, оилани режалаштириш, фарзандларга таълим-тарбия бериш жараёнлари ва уларнинг саломатлигини сақлаш тўғрисида тренинг машғулотларини изчил ташкил этиш.

Шунингдек, мамлакатда юқори сифатли меҳнат ресурсларини такрор барпо қилиш шароитларини таъминлаш мақсадида демографик ривожланишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз:

1) туғилишни узоқ муддатли истиқболда ҳам демографик такрор барпо қилишнинг оддий режимини таъминлаш даражасида сақлаш (бир оилага 2 та фарзанд сиёсати);

2) соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш;

3) аҳоли эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

4) аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, шу жумладан, репродуктив саломатликни шакллантириш;

5) оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш;

6) тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик ва бола парвариши, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи масалаларида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш;

7) ишлаб чиқаришда меҳнат қилишнинг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва жароҳатларнинг олдини олиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, аҳоли сонининг кўпайиб ёки аксинча, камайиб кетиши ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига таҳдид сифатида чуқур таҳлил қилиниши ва аниқ амалий чоралар белгиланиши мақсадга мувофиқ. Шу сабабдан оиладаги фарзандлар сонини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ёшларини жисмоний соғлом, маънавий жиҳатдан мустаҳкам иродали, ватанпарвар, кучли билимли, бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган ва аниқ касб-ҳунарни эгаллаб вояга етиши мамлакатимиз тақдири ва куч-қудратини белгилашда асосий омил ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). – Т.: «Ўзбекистон», 2019.

2. Узбекистан. Экономико-географическая характеристика. – Ташкент, 1950.

3. Тошкент ШДА, 10-фонд, 1-рўйхат, 631-иш.

4. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т.: 2006.

5. https://politikus.ru/v-rossii/120794-oni-dostoyny-pokloneniya-75-let-nazad-v-sssr-poyavilos-zvanie-mat-geroinya.html.

6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.

7. БМТ: XXI аср охирида барча собиқ Иттифоқ республикалари аҳолиси сони камая бошлайди. /https://sputniknews-uz.com/society/20170705/5759469/ 21asr-oxirida-aholi-soni.html

8. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

9. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги маълумотлари.
10. https://ru.wikipedia.org/wiki
11. https://ziyouz.uz/matbuot/ "Шарқ юлдузи" журнали, 1990 йил 12-сон.

Демографик вазият ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсири

Улуғбек Азизов,
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор,
Нуриддин Холияров,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *мазкур мақолада собиқ Иттифоқ республикалари ва Ўзбекистонда аҳоли сони ўсиши тўғрисидаги таҳлилий илмий тадқиқот ишларининг натижалари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ижтимоий-демографик хавфсизликнинг ўзига хос жиҳатлари, туғилиш даражаси ва мактаблар билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинган, туғилиш сонини режалаштириш борасида Хитой, Сингапур ва Япония давлатлари тажрибаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Ўзбекистонда аҳоли сони ўсишининг ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсирини камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *демографик вазият, ижтимоий-демографик хавфсизлик, миграция, репродуктив саломатлик, социологик тадқиқот, туғилиш суръати, аҳоли турмуш даражаси.*

Влияние изменения демографической ситуации на социально-экономическую безопасность

Улуғбек Азизов,
кандидат экономических наук, профессор,
Нуриддин Холияров,
кандидат экономических наук, доцент

Аннотация: *в данной статье раскрыты результаты аналитической и научно-исследовательской работ о росте числа населения в Узбекистане и постсоветских республиках. Проанализированы особенности социально-демографической безопасности Узбекистана, уровень рождаемости и состояние охвата школами учеников, опыт Китая, Сингапура и Японии по планированию числа рождаемости, а также разработаны рекомендации и предложения по уменьшению влияния роста числа населения в Узбекистане на социально-экономическую безопасность.*

Ключевые слова: *демографическая ситуация, социально-демографическая безопасность, миграция, репродуктивное здоровье, социологическое исследование, уровень рождаемости, уровень жизни населения.*

The impact of changes in the demographic situation on socio-economic security

Ulugbek Azizov,
professor,
PhD (in Economics),
Nuriddin Kholiyarov,
associate professor,
PhD (in Economics)

Abstract: *this article presents the results of analytical and research work on the growth of the population in Uzbekistan and the post-Soviet republics. The article analyzes the features of socio-demographic security of Uzbekistan, the birth rate, the state of school enrolment, the experience of China, Singapore and Japan in planning the birth rate, and also develops recommendations and proposals to reduce the impact of population growth in Uzbekistan on socio-economic security.*

Key words: *demographic situation, socio-demographic security, migration, reproductive health, sociological investigation, birth rate, standard living of the population.*

Хуршид МИРЗАҲМЕДОВ,
Наманган давлат университети
таянч докторанти

ЁШЛАРДА ОНЛАЙНЛАШУВ МАДАНИЯТИ

Кишилик жамияти тараққиётида ахборот ўзига хос кўрсаткич бўлиб, ахборотлашган жамият ижтимоий-маданий даража сифатида ёшлар ҳаётида ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Натижада, ахборот технологияларининг оммавийлашуви ижтимоий алоқа ва муносабатларнинг янги электрон онлайн усулининг ривожига олиб келди. Шу боисдан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тарбияда масъулият "...аввалambор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача - таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни" таъкидлаган эди [1].

Жамиятимизда рақамли иқтисодиёт ва электрон оммавий ахборот тизимида маълумотларни олиш, сақлаш ва қайта ишлаш имкониятларининг беқиёс ўсиши, фойдаланувчилар учун очиқлиги электрон таълим имкониятларини кенгайтирди; иккинчидан, ўқитувчининг мунтазам функцияларининг бир қисми машиналарга ўтказилиб, ахборот-коммуникация технологиялари таълимнинг ажралмас бир қисмига айланди; учинчидан, онлайн таълим таълим фаолияти тижорат-сервиснинг усули сифатида ривожланмоқда [2, 33-50].

Онлайн таълим бутун дунё бўйлаб интернет, веб-порталлар, электрон почта, чат, янги гуруҳ ва матнлар, таълим сервисида компьютер тармоқлари орқали тақдим этилган аудио ва видео конференциялар каби бир қатор технологияларни ўз ичига олади. Бу ўқувчига қулай имконият яратиш билан бирга, унинг турмуш сифатини ҳам ўзгартирмоқда [3, 32-34].

Мамлакатимиз аҳолисининг салмоғида ёшлар улушининг юқорилиги онлайн ҳолатга ўтиш, уларнинг феъл-атвори ва табиатида янги қадриятларнинг шаклланишига олиб келди. Онлайн алоқа, бир томондан, ёшлар ҳаётини қулайлаштирса, иккинчи томондан, уларнинг онги, тафаккурида ўзгариш ясаши билан мулоқот-муносабатда маърифий медиа омилни долзарб мавзуга айлантиради.

"Онлайн" тушунчаси (инг. online - "тўлқинда", "фаол", "алоқада", "тармоқда", "эфирда", "муносабатда") интернет тармоғига уланган "фаол тармоқ алоқа"си, офлайн эса узилган ёки уланмаган ҳолатини кўрсатади. "Онлайн", одатда, фаолиятнинг шакли маъносида шахснинг интернет фаоллигини ҳам ифода этади [4].

"Онлайн" атамасининг келиб чиқиши одамларнинг ўзаро алоқа ва муносабатини ифода этган "педагог + талаба = визуал муносабат" тизимини ҳосил қилган, яъни томонларнинг бир-бири билан мулоқотга киришувининг онлайн шакли, уйдан чиқмай, жамоадан узилган ёки "бегоналашган"ларга нисбатан офлайн шакл юз берган. Демак, шахснинг жамиятдаги ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий муҳитга боғланганлиги онлайн ҳолатини англатади. Тарихий тараққиёт туфайли одамлар алоқа ва муносабатларга муайян восита ва усуллар билан кириша бошлаган. Онлайн хабар ёки маълумотни ўзга шахсга етказиш ҳисобланиб, илк онлайн-алоқа шаҳарга душман ҳужумидан сақланиш учун олов ёқиш орқали амалга оширилган. Ёзув ихтиро этилиши билан ёзма онлайн - муносабат алоқаси ўрнатилган.

Илм-фан, техника тараққиёти телеграф, телефон, радио, телевидение, кейинчалик эса интернет тармоғи билан алоқанинг олий онлайн шаклига имкон яратди. XVII асрда шахс онлайн ҳолатида газета ўқиш зарур бўлса, XX асрнинг бошларида радио ва телевизор томошаси, янги асрда эса

смартфон ва компьютер интернетда онлайн қурилмаси орқали боғланмоқда. Ҳақиқатан ҳам, интернетга кириш имконига эга бўлган ҳар бир киши, ўқувчи, ўзи билмаган нарсаларини ўрганиш учун интернетга киради. Бу одамлар дунё аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил қилади ва бунда барча қатлам инсонлари иштирок этади [5].

Ахборот тараққиёти туфайли шахс интернет орқали онлайннинг бизнес, таълим, бошқарув, ахборот тарқатиш тизими каби соҳаларда шаклланишини кузатиш мумкин. Хусусан, "онлайн-бизнес", "онлайн-магазин", "онлайн-бозор", "интернет-банкинг", "онлайн-аптека", "онлайн-психолог", "онлайн-хизмат", "онлайн-тиббиёт", "онлайн-таълим", "онлайн-боғча", "онлайн-мактаб", "онлайн-университет", "онлайн-конференция", "онлайн-кутубхона", "онлайн-жамият", "онлайн-йиртқич", "онлайн-ўйин", "онлайн-спорт", "онлайн-телевидение", "онлайн-радио", "онлайн-маҳалла", "онлайн-қабулхона", "онлайн-ҳукумат", "онлайн-макон", "онлайн-жиноят", "онлайн-мусобақа", "онлайн-меҳнат" сифатида намоён бўлади. "Онлайн" сўзининг "кибер" маъносида ишлатилишини ҳам ёддан чиқармаслик даркор. Чунки "кибер макон", "кибер спорт", "кибер жиноятчилик", "кибер пул", "кибер ҳужум", "кибер қаҳрамон" атамалари ҳам онлайн алоқанинг салбий жиҳатларда кўринишидир.

Пандемия - карантин даври инсоният ҳаётида онлайн тизимига ижобий таъсир этиб, онлайн таълим бизнеснинг алоҳида шакли сифатида ўзининг бозорини ҳосил қилди. Эътироф этиш лозимки, дунёнинг ривожланган давлатлари таълим тизимида ўқув жараёнларни онлайн платформаларда олиб бориши билан бирга, онлайн таълим тизимини миллиардлаб даромад манбаига айлантиришга ҳам улгурди. Онлайн таълим транснационал даражада шаклланиб, дунёнинг бир қатор давлатларининг ёшлари нуфузли олий ўқув юртларининг дипломлари ва сертификатларини олишга эришмоқда [6, 66].

Ўзбекистон Республикаси пандемия шароитида ёшларнинг бандлиги ва таълим ва тарбия муаммоларининг конструктив ечимларини ўз вақтида белгилаб, жаҳон онлайн тизими тажрибаларини ўзлаштирмоқда. Тажриба ёшларнинг онлайн алоқа ва муносабатларга киришув малакаси катта авлодга нисбатан фаолроқ эканлигини тасдиқлади. Онлайн таълим тизими машғулотининг олдиндан белгиланган тартиби ва аниқлиги, қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, электрон назорат мавжудлиги, иштирокчилар мулоқоти учун имкониятларнинг кенглиги натижадорлик омили, қурилма асосида масофали иштирок этиш ҳам талабага қулайлик яратади. Биз мазкур масалада россиялик педагогларнинг илмий тадқиқотларидаги электрон таълим хусусидаги фикрлари, миллий маънавий тарбияда ёндашувлар баҳсли эканлигини эътироф этамиз [7, 114].

"Офлайн" тушунчаси инглизчада: offline - "тармоқдан узилган", "тўлқинда эмас", "фаол эмас", "алоқадан узилган", "эфирдан ташқари", "муносабатни узган" маъноларини англатади. Шахснинг офлайн ҳолатига ёшларнинг ижтимоий уюшмаган жиҳатини мисол келтириш мумкин. Фикримизча, Ёшлар иттифоқининг маълумотларидаги ўқишга киролмаган, жамоат ишларига бефарқ, доимий иш билан банд бўлмаган, ҳуқуқбузарликка мойил ёшларга нисбатан "уюшмаган" таърифи мос келади [8].

Ахборот технологияларининг ривожи электрон алоқалар имкониятларини беқиёс кенгайтириб, дунё ахборот майдонида онлайн алоқалар маконини яратди. Натижада, инсон меҳнати тубдан енгил ва қулай шаклда дунёнинг электрон нашр, телевидение, радио эфирларини онлайн (online) орқали ўқиш, эшитиш, кўриш эҳтиёжини тўла қондирмоқда. Шу боис, босма нашрдан электрон нашрга ўтиш қонуний жараёнга айланди. Бу ҳол халқаро миқёсда савдо-саноат, молия-банк, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт, таълим-тарбия, спорт фирма ва компаниялари ишлаб чиқаришини онлайн шаклда ташкилини тараққиёт омилига айлантирди. Чунки инсон эҳтиёжининг онлайн ҳолатга ўтиши жаҳон иқтисодининг ижтимоий кўрсаткичига айланиб бўлди.

Ижтимоий онлайнлашув жараёнида ёшларнинг фаоллиги, бир томондан, ҳаётимизга жаҳон ахборот технологияла-

рининг ютуқлари шаклида жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадамликни таъминласа, иккинчи томондан, маънавий-маърифий ҳаётимизда миллий қадрият ва анъаналаримиздан янгича одат ва феъл-атвор "орнамент"ларига ўтишга ҳам олиб келмоқда. Ёшларда ахборотга бўлган муносабатнинг шиддаткорлиги маънавий-маданий қадриятларимизга садоқат, ўзлигимизни сақлаб қолишга эҳтиёжни икки баробар оширмоқда. Ижтимоий тажриба онлайнлашув ёшлар феъл-атворида миллий қадриятларга нисбатан бегоналашув, худбинлашув жараёни ўсишини тасдиқламоқда. Бегоналашув - шахснинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қулайлаштиришга интилиш натижасида ўзи учун қадрли бўлган нарса-буюм, жараён, кимсаларга муносабатида маънавий қийматнинг руҳий ўзгалашувида offline ҳолатининг содир бўлиши.

Социологик тадқиқотларда ёшларнинг интернет орқали "Сиз қандай мусиқани ёқтирасиз?" ёки "Сиз қайси хонанда қўшиқларини тинглайсиз?" каби саволларга "Youtube" ижтимоий видео тармоғида Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев [9] томонидан ижро этилган "Карвон кўрдим" қўшиғини Sanjay [10] исмли хонанда COVER шаклда куйлаган қўшиғи қайд этилган. Бу қўшиққа 2 йилда 4 миллиондан ортиқ ёшлар мурожаат қилган.

Замонавий ахборотлашган жамият тараққиётида анъанавийлик билан замонавийлик ўртасидаги зиддиятни кузатиш мумкин. Ўзбек халқининг бой маданий мероси унутилиб, енгил-елпи, осон ҳазм бўладиган санъат маҳсулотларининг ёшлар орасида урф бўлиши илмий жамоатчиликни хавотирга солмоқда. Социологик сўровларда ёшларнинг нафосат истеъмолида асл маҳсулотдан кўра, унинг иккинчи нусхаси ёки қайта ишлаб чиқарилган вариантини маъқул кўришлари аниқланди. "Оммавий маданият" таъсирида миллий қадриятлар, нафис санъат асарлари, ахлоқ ва одобнинг ёшлар ҳаётида қадрсизланиши, боз устига, онлайн-санъатнинг "Kitch-Cover" шаклида нафосатсиз қайта ишланган ҳолда оммага тортиқ қилиниши билан салбий кўриниши тарқалмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев масаланинг нозиклигини: "Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатда ғарбга тақлид сезилиб турадиган, очиқ-сочиқ кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши", дея таъкидлаган [11, 46].

Социологик тадқиқотлар ёшларнинг ҳазил-мутойиба, аския санъати соҳасига қизиқиши, айниқса, "Миллион", "Дизайн", "Браво" жамоаларининг концертларига бўлган мурожаати кўрсаткичларининг юқорилигини кўрсатмоқда. Жумладан, "Браво" жамоаси концерт дастурини Youtube ижтимоий тармоғида 3 кун ичида 1,5 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчиси томоша қилган. Бизнинг таҳлилларимизда мазкур жамоаларга ёшлар орасида қизиқишнинг юқорилиги ҳазил-мутойиба концерт дастурларида бадахлоқлик луқмаларининг бисёрлиги эканлиги аниқланди [12].

Истеъмолчилар жамиятида ёшлар томонидан ҳар қандай ахборотни видео-ролик шаклида Youtube, Tik-Tok, Telegram, Instagram, Facebook каби ижтимоий тармоқларга жойлаш билан шахс дахлсизлиги, инсон, оила, жамият, давлат шаъни ва қадр-қимматига жиддий салбий таъсирини кўриш мумкинлиги қайд этилмоқда. Мисол учун, ёшларнинг ахборот маданиятининг сустлиги эл-юрт тақдирига лоқайдлик, ёшларнинг оилавий қадриятлар тарбиясига эътиборсизлик [13] каби янги ички таҳдидларни келтириб чиқармоқда.

Социологик тадқиқотимиздан келиб чиқиб, ёшларда миллий маънавият ва қадриятлардан узоқлашиш, бегоналашишнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги ижтимоий-амалий таклифларни тақдим этамиз:

- ёшларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантириш;

- ёшларда спортни томоша қилишдан кўра, спорт билан шуғулланиш маданиятини ривожлантириш;

- ёшларни ижтимоий тармоқдаги фаолиятини "оммавий маданият"га олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, вандализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш лозим;

- ўқувчи-талабалар учун фан-манба, аудио-театр, аудио-китоб каналларини ташкил қилиш билан ижтимоий тармоқлардаги ёшлар фаолиятини унумли қилиш;
- онлайн мактаб ва онлайн университетларни ташкил этиш орқали зиёлилар қатлами демографиясининг ўсишига олиб келиш;
- ёшларда онлайн-тадбиркорликни шакллантириш;
- бола-она-ватанпарварлик дастурини ривожлантириш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув шароитида ахборот технологияларининг ижтимоий маданият, яъни ёшларнинг медиамаданияти сифатида шаклланиши таълим ва тарбия соҳасида ахлоқий тарбияга эътиборни талаб этади. Ёшлар ўзаро бевосита муносабатида нафосат ва фаросат қанчалик муҳим бўлса, алоқаларнинг "онлайн-одоб", "онлайн-ахлоқ", "онлайн-фазилат" шаклида ёшларнинг маънавиятида медиа тарбиясини талаб этмоқда. Бу масала онлайн қарамлик, онлайн қулликнинг (синдроми) олдини олиш учун онлайн феъл-атворда миллий анъана, онлайн тил каби саводхонлик маърифатини шакллантиришга чақиради.

Масофали таълим, электрон ўқув машғулоти, электрон курсларнинг моҳият ва мазмунида таълим субъекти ва объектининг бир линияда онлайн шаклда илм-фан, билим бериши анъанавий жонли бевосита учрашув, аудитория машғулотига тенг бўлмаса-да, лекин ёшларда қизиқиш уйғотиши билан онлайн тарбияси илмий-услубий асосларини яратиш зарурияти туғилди. Онлайн таълим ва тарбия ўқиётган ёшлар учун ўқув жараёнига интернет қурилмаси орқали белгиланган вақтда хоҳлаган жойдан кириш мумкинлиги, машғулотларни ёзиб олиш, платформага ўзи учун қулай вақтларда кириб, керакли маълумотларни олиш, ўқув-услубий маълумотлар имкониятларини яратади. Онлайн таълим-тарбия ўзининг бошланғич босқичида ёшларни ахборот майдонига кириб бориш жараёни кетмоқда. Бу жараёнда ёшларни "ялтироқ қадрият", енгил-елпи санъатдан ихоталаш учун миллий-маънавий бой меросимиз, миллатнинг юксак нафосати дурдоналари билан таништиришга эҳтиёж мавжуд. Онлайн учрашувлар тажрибасини қўллаган ҳолда ёшларни қизиқтирган саволларга ўз вақтида жавоб бериш, уларни ижодий фикрлашга чорловчи кўрсатув ва миллий сайтларни ишга солиш вақти келди.

Биз онлайн таълим ва тарбия савиясини янада натижадор бўлишини таъминлаш учун миллий алоқа восита ва қурилмаларида талаба-ёшларнинг ўқув платформаларига кириши ва ундан фойдаланишида имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устуворлигида ёшларни ахборотнинг зарарли таъсирларидан асраш, уларни ҳар томонлама халқимизнинг муносиб фарзанди бўлиб, юртимиз довруғини яна дунёга танитиши учун таълим соҳаси вакилларининг маънавий-маърифий ишлар ҳал қилувчи ҳаёт-мамот омилига айланмоқда [14, 229].

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

2. Лубский А.В., Ковалев В. В. От "онлайнизации" высшей школы к онлайн-образованию//Гуманитарий Юга России, журнал. 2020. Том 9. (42) №2, - С. 33-50. DOI: https://doi.org/10.18522/2227-8656.2020.2.2.

3. Indira Dhull, MS. Sakshi. Online learning \\ International Education & Research Journal. Volume: 3, Issue: 8, Aug 2017. pp. 32-34.

4. Онлайн и офлайн. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Онлайн_и_офлайн (кўрилган муддати: 15.01.2021)

5. Kirk St. Amant. Afterword: Re-Mapping the Global Context for Online Education.

URL: https://www.researchgate.net/publication/348394247_Afterword_Re-Mapping_the_Global_Context_for_Online_Education (кўрилган муддати: 15.01.2021). DOI: 10.37514/PRA-B.2021.1145.3.2.

6. Соловьев А.В., Меншикова А.А. Электронное обучение: в векторе развития // Высшее образование в России. 2015. № 11. - С. 66-73

7. Андреев А.А. Педагогика в информационном обществе, или электронная педагогика // Высшее образование в России. 2011. № 11. - С.113-117.

8. Ёшлар иттифоқи "уюшмаган ёшлар" терминига изоҳ берди//URL: https://kun.uz/10463916 (кўрилган муддати: 23.12.2020).

9. Sherali Jo'raev-Karvon (Шерали Жўраев-Карвон)//URL: https://www.youtube.com/watch?v=3xGMWicFGZw (кўрилган муддати: 29.10.2020).

10. Sanjay - Karvon, Санджей Карвон (Official Clip) // URL: https://www.youtube.com/watch?v=lb53rKt8meM (кўрилган муддати: 29.10.2020)

11. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 592 б.

12. BRAVO JAMOASI KONSERT DASTURI 2019\\URL: https://www.youtube.com/watch?v=6Qy8IrumoiE (кўрилган муддати: 29.10.2020).

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги ПҚ-3160-сонли қарори. 28.07.2017. www.lex.uz

14. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. - 229 б.

Ёшларда онлайнлашув маданияти

Хуршид Мирзаҳмедов,
Наманган давлат университети таянч докторанти

Аннотация: *мақола Ўзбекистонда ёшларнинг турмуш тарзи, таълим ва тарбиясига сиёсатнинг устувор соҳаси деб қаралаётгани, айниқса, пандемия туфайли онлайн ҳолати ёшлар феъл-атворида янги қадриятларни шакллантириш масалаларига бағишланган. Муаллиф мақолада онлайн таълим ва тарбия савиясини янада натижадор бўлишини таъминлашда миллий интернет восита ва қурилмаларида ёшларнинг онлайнлашув маданияти шаклланишини алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этган.*

Калит сўзлар: *ёшлар, онлайн, глобаллашув, ахборот, янгича одат ва тарбия, маданият, эҳтиёж, маънавият, миллий қадриятлар.*

Культура онлайнизации у молодёжи

Хуршид Мирзахмедов,
базовый докторант Наманганского государственного университета

Аннотация: *статья посвящена анализу формирования новых ценностей нравственности в период пандемии с переходом на дистанционное образование в контексте государственной политики молодежи как приоритет образования и воспитания. В этой связи автор анализирует воспитание онлайн-культуры молодежи как социальное явление, влияющее на обеспечение результативности дистанционного онлайн-обучения и воспитания молодежи.*

Ключевые слова: *молодежь, интернет, глобализация, информация, новые привычки и воспитание, культура, потребность, духовность, национальные ценности.*

Online culture in young people

Khurshid Mirzakhmedov,
basic doctoral student Namangan State University

Abstract: *the article analyzes the formation of new values of morality during the pandemic by the transition of distance education in the context of the state policy of youth as a priority of education and upbringing. In this regard, a scientific study of the essence of the category, its specific social features "Online" is required. There was a problem of creating a moral culture to preserve the quality of education with no painful adaptation of young people in distance education.*

The scientific community is concerned that frivolous, meaningless art products are being popularized among young people, and the rich spiritual heritage of the Uzbek people remains out of sight. In this regard, the author analyzes the formation of online culture of young people as a social phenomenon that affects the effectiveness of online distance learning and youth education.

Keywords: *youth, the internet, globalization, information, new habits and education, culture, need, spirituality, national values.*

Шавкат АСАДОВ,
юридик фанлар доктори,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси профессор в.б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг иқтисодий, касбий, диний ва ҳоказо бирлашмаларини индивид манфаатлари, интилиш ҳамда мақсадларини ҳар томонлама амалга ошириш учун ҳамкорлик қилишга жалб қилади. Ушбу асосий функцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти қуйидаги муҳим ижтимоий функцияларни амалга оширади:

1. Фуқаролик жамияти институтлари асосида ўзини ўзи бошқаришнинг жамоавий механизмларини яратади.

2. Жамоатчилик назоратини амалга оширади.

3. Ўз институтлари ва тузилмалари ёрдамида муқобил тизим вазифасини ҳам амалга оширади. У бутун жамият ҳаёти таянадиган мустаҳкам тузилмага айланади. Тарихнинг мураккаб (урушлар, инқирозлар, тушкунликлар) даврларида давлат институтига дарз кетган вақтларда мустаҳкам фуқаролик тузилмалари давлатнинг бир қатор вазифаларини ўз зиммасига олган ва муҳим таянч вазифасини бажарган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти. Замонавий шароитларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви аҳолининг горизонтал иқтисодий алоқасини таъминлашдаги иштироки орқали давлатнинг ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, у давлатнинг чегара ҳудудларидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ва бошқа геосиёсий вазифаларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради [1].

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада жадаллаштиришга катта эътибор қаратилиб, соҳада қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бу борада хорижий мамлакатлар экспертлари ҳам илиқ фикрлар билдиришган.

АҚШ Вакиллар палатаси конгрессмени Дана Рорабахер маҳаллага аҳоли кундалик ҳаётида анъанавий тарзда муҳим ўрин эгаллаган ва эгаллаб келаётган ижтимоий ўзини ўзи бошқариш институти сифатида таъриф беради. Шу маънода, маҳалла институти салоҳиятидан самарали фойдаланиш аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида хизмат қилади [2].

Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвижнинг фикрича, ўзбек маҳалласи ноёб ҳисобланади, чунки у алоҳида шахслар, оилалар, жамоалар ва халқларни жамиятга бирлаштиради. Маҳалла – алоҳида инсон, жамият ва давлат ўртасидаги боғловчи бўғин, улар бирдамлигининг воситаси [2].

"Жанубий Осиё демократик форуми" таҳлил маркази ижрочи директори П. Касака ҳам Ўзбекистонда барча миллатлар ва диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларда мувозанат яратилганини алоҳида таъкидлайди. Маҳалла жамиятнинг асоси сифатида фуқароларнинг қадрият ҳамда анъаналарини ҳисобга олади, шунингдек, уларнинг уйғун ривожланишига кўмаклашади. Экспертнинг фикрича, бу тажриба турли миллат ва конфессиялар ўртасида бағрикенглик муносабатларининг ўрнатилиши нуқтаи назаридан бошқа мамлакатлар учун ҳам ғоятда фойдалидир [3].

Либераллаштириш жараёнида давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг уйғунлиги барча даврларда ҳам эътироф этиб келинган. Ушбу

уйғунлик марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар ваколатларини ажратиш заруриятини талаб этади, ўзини ўзи бошқариш ташкилий жиҳатдан жамоа-давлатчилик (дуалистик) мақомига эга [1]. Шунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти давлат бошқарувини таъминлашда ўз ўрнига эга, деган фикрдамиз.

Кучли фуқаролик жамиятига эга бўлиш давлатнинг ички сиёсатида кучли фуқаролик позициясига эга бўлган фуқаролар қатламининг кўпайишига, сиёсий онг ва маданиятнинг юқори даражада бўлишига, жамиятда бефарқлик иллатининг камайишига олиб келади. Бу эса давлат суверенитетини таъминлашнинг муҳим ички имкониятлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳудудий оммавий жамоа деб эътироф этиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир", деб кўрсатилган.

Ўзбекистон қонунчилигида "оммавий-сиёсий ҳокимият" тушунчасининг мавжуд эмаслиги, давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг бир-биридан ажратилмаганлиги, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат ташкилотлари сифатида эътироф этилиши [4] ҳудудлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини мураккаблаштиради. Ваҳоланки, номарказлаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини демократлаштиришнинг ўзи ҳудудлар ривожланиши учун етарли эмас.

Р.Т. Жўраевнинг фикрича, ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан мавжуд ҳолат атрофлича ўрганилиб, мамлакатимизда "оммавий", "давлат" ва "маҳаллий ҳокимиятлар" тушунчалари илмий муомалотга киритилган бўлса-да, оммавий-сиёсий ҳокимиятни давлат, ижтимоий ва аралаш ҳокимиятларга таснифлашга қўшилиб бўлмайди.

Биз ҳам бу фикрни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ёки аралаш ҳокимият эмас, балки мустақил маҳаллий ҳокимиятни амалга ошириши кўпгина хориж олимлари [5] томонидан ҳам эътироф этилган.

"Ҳудудий бирликлар маҳаллий ҳокимиятга эга бўлиб, у қандай шаклларда амалга оширилмасин, унинг мақсад ва мазмунини аҳоли ҳамда барча манфаатдор гуруҳларнинг бошқарувдаги фаол иштирокини таъминлаш ташкил этади. Бундан фуқаролар ва манфаатдор гуруҳларнинг иштирокини маҳаллий ҳокимиятни амалга ошириш ва такомиллаштириш мезони сифатида белгилашнинг мақсадга мувофиқлиги аён бўлади" [6].

Муайян ҳудудда халқ ҳокимиятини ифода этадиган бўлинмас оммавий ҳокимият давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади [6]. Ўзбекистонда ҳам оммавий-сиёсий ҳокимиятни ҳудуд манфаатларига хизмат қилувчи маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан иборатлигини эътироф этиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Бироқ ҳозирги кунда айрим тадқиқотчилар, жумладан, ҳуқуқшунос Г.Маликова фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини оммавий ҳокимият эмас, балки ижтимоий ҳокимият органи сифатида эътироф этади [7].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", 8-моддасида: "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", 32-моддасида эса: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар" [8], деб белгиланган. Мазкур нормалар умумэътироф этилган меъёрларни мустаҳкамлаб, "давлат ҳокимияти" ва "маҳаллий ҳокимият" тушунчаларини ажратиш, "ом-

мавий-сиёсий ҳокимият" тушунчасини ижтимоий мулоқотга киритиш учун асос бўлади. Мазкур тушунчаларни амалдаги қонунчиликка киритилиши учун объектив омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилиши уларни нодавлат нотижорат ташкилотларидан табиатан мутлақо фарқ қилишини кўрсатади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маъмурий ҳудудий бирликлар негизида ҳудудийлик принципига таянган ҳолда ташкил этилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида аъзолик тартиби ўрнатилмайди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига кўра: "Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", деб белгиланган. Эътироф этиш мумкинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий-сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи институтдир.

Ўзбекистон шароитида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўп қатламли давлат ҳокимияти тизимини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу тизимнинг ажралмас қисмига айланиши мумкин. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат ҳокимияти ваколатларини босқичма-босқич бериш ва давлат ҳокимияти вакиллик функцияларини амалга оширувчи органлар тизимига айлантириш лозим. Бунда ҳар бир ҳокимият қатлами ўзининг функционал вазифаларига эга бўлади. Ҳудудларда оммавий ҳокимиятнинг таркибий қисми ҳисобланган маҳаллий вакиллик ҳокимияти ва маҳалла ҳокимиятининг фаолияти, асосан, оммавий назоратни амалга ошириш ҳамда мустақил ҳолда ҳудуд манфаатларига тўлиқ хизмат қилиш, фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

Оммавий-сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли. **Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муносабатлари ўзида турли ҳуқуқ соҳаларининг тартибга солиниши предметлари, яъни ҳам оммавий-давлат, ҳам хусусий доирага кирувчи муносабатлар белгиларини ифода этади. Бу билан боғлиқ равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши оммавий давлат ёки ижтимоий соҳаларга тааллуқлилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш лозимлиги келиб чиқади [9].**

Маълумки, оммавий давлат ҳуқуқи соҳасига қуйидаги белгилар характерлидир: давлат манфаатларини қондиришга йўналтирилганлиги; ҳуқуқ субъектларининг бир томонлама хоҳиш-истак билдиришлари; фаолият кўламининг кенглиги; субъектларнинг иерархик муносабатлари ва нормалари ҳамда ҳуқуқий актларнинг бўйсуниш тартибига эгалиги; мажбурий-кўрсатмавий нормаларнинг устунлиги; фаолият йўналишига норматив жиҳатдан таъсир этилиши; санкцияларни қўллаш [10].

Замонавий демократик давлат бошқарувининг энг муҳим шартларидан бири бошқарувни халққа яқинлаштириш ҳисобланади. Бу соҳада Я.Олломовнинг фикрича [9], фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши халқ ҳокимиятчилигининг таркибий қисми эканлиги тўғрисида қуйидаги асослар мавжуд:

биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муносабатлари ўз субъекти ва объектига эга;

иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг туб моҳияти давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилишга қаратилган;

учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасида мустақил бўлиб, давлат ишларининг анчаги-

на қисмини тартибга солиш ва бошқаришда қатнашадилар;

тўртинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари аҳоли олдида масъул ва жавобгардир;

бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳокимият органларидан фақат ташкилий жиҳатдангина ажратилган бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимиятидан функционал жиҳатдан ажратилмаган ва давлат дастурларининг рўёбга чиқарилишида иштирок этадилар;

олтинчидан, оммавий-сиёсий ҳокимият халқ ҳокимиятини амалга ошириш шакли ҳамдир;

еттинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фақат тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан амалга оширилади ва маҳаллий жамоа манфаатлари билан давлат манфаатлари уйғунлашган макон саналади;

саккизинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашадилар ва оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда иштирок этадилар;

тўққизинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек, ушбу ҳудудда жойлашган юридик шахслар томонидан ижро этилиши шарт;

ўнинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади ҳамда уларнинг қарорлари суд органлари - давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида бошқарувдаги йўқотишлардан бири собиқ Иттифоқ тузумидаги энг қуйи бошқарув бўғини бўлган "қишлоқ советлари" ва "колхоз бошқаруви" тизими бекор қилиниши ва унинг ўрнига тўлақонли бошқарув тизими жорий қилинмаганлиги бўлди.

Бу давлат ҳокимиятининг энг қуйи бўғинида "бошқарувдаги бўшлиқ" ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлди. Мустақиллик йилларида яратилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бу бўшлиқни тўлдириш компетенциялари етарлича берилмади.

Ўзбекистоннинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилиги илк маротаба 1993 йилда шакллантирилди. Сўнг, 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. 2013 йил 22 апрелда эса ушбу Қонуннинг янги таҳрири яна бир бор қабул қилинди. Бизнинг фикримизча, ислоҳ қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг назарий томонлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақоми бўйича бир қанча назарий масалалар очиқ қолмоқда. Жумладан:

биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институти сифатида ҳудудларда ташкил этиладиган нодавлат жамоат ташкилоти бўлса, ҳудудларда энг қуйи бўғиндаги маҳаллий бошқарув фаолиятини қайси орган олиб боради? Агар бу ваколатларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берадиган бўлсак, маҳаллий ҳокимият функцияларини нодавлат жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши назарий жиҳатдан қанчалик тўғри?;

иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нодавлат жамоат ташкилоти бўлса, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, ушбу органлар ҳудуди доирасида умуммажбурий қарорлар қабул қилиши қанчалик ўринли?;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасида энг қуйи маъмурий-ҳудудий бирлик саналган қишлоқ ва овуллар, шунингдек, шаҳарчалардаги маҳаллий ҳокимият функцияларини бажарадиган бошқарув фаолиятидаги бўшлиқни қандай тўлдириш мумкин? Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3182-сонли қарори асосида ташкил этилган секторлар фаолияти наза-

рий жиҳатдан ҳокимиятлар бўлиниши ва функциялар тақсимоти нуқтаи назаридан юқоридаги бўшлиқни тўлдира оладими?;

тўртинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нодавлат жамоат ташкилоти сифатида нега тўлиқ юридик шахс мақоми берилмаган? Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни 8-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, холос. Масалан, уларда бухгалтерия хизмати ва давлат рўйхатидан ўтиш талаби мавжуд эмас (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ҳисобга олинади);

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни 15-моддасига кўра, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)га ўлимни қайд этиш ва ишончномаларни тасдиқлаш ваколати берилган. Жамоат ташкилоти сифатида эътироф этиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бундай давлат ҳокимияти функцияларини бериш назарий жиҳатдан қанчалик тўғри ҳисобланади.

Фикримизча, энг қуйи бўғинда "бошқарувдаги бўшлиқ"ни тўлдириш учун маҳалла институтидан бошқа самарали тизим мавжуд эмас. Бунинг учун ушбу органларга ўзини ўзи бошқариш мақомини қолдирган ҳолда давлат функцияларини босқичма-босқич ўтказиш ва уларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига айлантириш амалий ва зурурий талаб бўлмоқда.

Бу ислоҳот орқали Ўзбекистонда давлат ҳокимиятидаги вертикал тизимда узвийлик ва изчиллик таъминланади. Давлат ҳокимиятининг бир маромда ишлаши учун фуқароларнинг манфаатларини таъминлашнинг самарали тизимини яратиш билан давлат ҳокимиятига ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олган бўламиз. Бу Ўзбекистонда давлат суверенитетини таъминлашнинг ички ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини реструктуризация (қайта ташкил этиш) қилиш орқали мамлакатнинг инқирозли ва таҳликали вазиятларида ўз суверенитетини сақлаб қолиши учун ўзини ўзи бошқариш органларини кучайтириш орқали давлат бошқаруви барқарорлигини таъминлаймиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш концепцияси. Маҳалла ва ундаги бошқарув - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сиймосида бугун фақат бир жамоа ёки яшаш масканигина эмас, балки аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий фаоллигини ошириш, ўзбек халқининг тарихан қарор топган қадриятларига бўлган ҳурмат, ўзаро муносабатларда одоб, ахлоқ, жамият олдидаги мажбуриятларни сўзсиз бажариш ва масъулликнинг ўзига хос бўлган тамойиллари асосида бошқариладиган ташкилотдир.

Бугунги кунга келиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини эркин ривожлантириш, халқ манфаатларини реал таъминловчи, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик дастурларни бажариш ҳамда давлат функцияларини амалга оширишда ҳақиқий кўмак берувчи ташкилотга айлантириш борасида қилинган ишларимиз биз қўйган мақсад ва вазифаларимиз олдида етарли эмаслиги аён бўлмоқда.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда миллий давлатчиликни ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан бири ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини ислоҳ қилиш ҳисобланади. Чунки, эндиликда, давлатга доимий марказлашган ҳокимият органи сифатида қаралмайди. Замонавий давлат каби ҳар бир ҳудудий жамоа ҳам ўзини ўзи ташкил этиши ва ривожланишини тақозо этади [1].

Ҳуқуқшунос Г.С. Исмоиловнинг таъкидлашича: "Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтининг ривожланишида бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжудки, улар ҳозир амалда бўлган ҳуқуқий асосларнинг мукаммал эмаслиги билан изоҳланади" [1]. Охирги чорак асрда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий база яратилган бўлсада, бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун етарли миқдордаги

сабабларни кўрсатиш мумкин. Яқин истиқболда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ этишда икки йўл борлигини кўрсатиш мумкин:

биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини энг қуйи тизимда давлат бошқарувининг ажралмас бўғинига тўла-тўкис айлантириш;

иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини моҳиятан жамоатчилик ташкилоти сифатида фуқаролик жамияти институтларининг етакчи бўғини сифатида ривожлантириш.

Бизнинг фикримизча, юқорида айтилган биринчи йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими халқ билан мулоқот ва улар манфаатларини таъминлайдиган бирламчи бўғин сифатида давлат хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ҳокимият (оммавий-сиёсий ҳокимият) органига айланиши лозим.

Яқин истиқболда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига қуйидаги йўналишларда давлат бошқарувининг айрим ваколатларини бериш керак бўлади:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тўлиқ юридик шахс мақомини бериш;
- ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бюджетини шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳалла миқёсида йиғимлар белгилаш, жамғармаларни ҳосил қилиш;
- ҳудудда коммунал хўжаликни таъминлаш ва назорат қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилишда иштирок этиш ва уни таъминлашни назорат қилиш;
- айрим тоифадаги фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш борасидаги ваколатларини кенгайтириш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини таъминлайдиган масканга айлантириш.

Хулоса қиладиган бўлсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият бошқарувидаги аҳамияти ва салоҳиятидан Ўзбекистонда тўлиқ фойдаланилмаяпти, бу эса мамлакатда кучли горизонтал бошқарув тизимини яратишга тўсиқ бўлмоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Исмоилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари: юрид. фан. док. ...диссертацияси. – Т., 2016. – 30, 21, 33, 3 б.

2. "Халқ сўзи" газетаси. 2014 йил 13 июнь.

3. "Халқ сўзи" газетаси. 2014 йил 5 ноябрь.

4. Умарова Г. Маҳалла – ижтимоий бошқарув органи. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2-3/2007. – 76 б.

5. Батанов А.В. Муниципальная власть и некоторые проблемы становления науки муниципального права // Актуальные проблемы государственного и правового строительства в Азербайджанской Республике в переходном периоде: Сб.науч.статей. 11-выпуск. – Баку, 2005: Баймуратов М.А. Роль публичной самоуправленческой (муниципальной) власти в становлении и развитии гражданского общества в Украине // Актуальные проблемы политики: Зб.наук.праць-Одесса, 2003: Тимофеев Н.С. О некоторых современных аспектах государственной политики развития местного самоуправления // Вестник МГУ. Серия Право. 4/ 2001 ва бошқ.

6. Жўраев Р.Т. Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг сиёсий жиҳатлари. – Т.: "Akademiya", 2009. – 39, 62 б.

7. Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар): юрид.-фан.номзод. ...диссертацияси. – Т., 2003. – 68 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2018. – 13 б.

9. Олломов Я. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – халқ ҳокимиятчилигининг асоси. / Монография. – Т.: "Sharq", 2011. – 14., 16-18 б.

10. Общая теория государства и права. Академический курс. В 3-х т. Т.2. / Отв. ред. М.Н.Марченко. – М., 2001. – С.398.

Ўзбекистон Республикасида маҳалла институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Шавкат Асадов,
юридик фанлар доктори,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессор в.б.

Аннотация: *ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Оммавий-сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш концепцияси бўйича илмий-амалий мулоҳазалар билдирилган. Мамлакатда кучли горизонтал бошқарув тизимини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *давлат ҳокимияти, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла институти, оммавий-сиёсий ҳокимият,Конституция, жамоатчилик назорати, нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти, конфессия.*

Приоритетные направления совершенствования института махалли в Республике Узбекистан

Шавкат Асадов,
доктор юридических наук, и.о. профессора Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье автор дает теоретико-правовой анализ деятельности органов самоуправления граждан в Республике Узбекистан. Он высказал научные и практические взгляды на роль органов самоуправления граждан в укреплении общественно-политической власти и концепцию совершенствования деятельности органов самоуправления граждан. Были внесены предложения о создании сильной горизонтальной системы управления в стране.*

Ключевые слова: *государственная власть, гражданское общество, органы самоуправления граждан, институт махалли, общественно-политическая власть,Конституция, общественный контроль, некоммерческая общественная организация, конфессия.*

Priority areas of development of the Mahalla Institution in the Republic of Uzbekistan

Shavkat Asadov,
DSc (in law), Acting Professor of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in this article the author provides a theoretical and legal analysis of the activities of citizens' self-government bodies in the Republic of Uzbekistan. He expressed scientific and practical views on the role of citizens'self-government bodies in strengthening public-political power and the concept of improving the activities of citizens' self-government bodies. Proposals have been made to create a strong horizontal management system in the country.*

Key words: *state power, civil society, citizens' self-government bodies, mahalla institution, public-political power, Constitution, public control, non-profit public organization, denomination.*

Бошқарувда рақамли технологиялар / Цифровые технологии в менеджменте / Digital technologies in management

Акбар МАҲМУДОВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи,
Элёр ПРИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) томонидан 2019 йилда биринчи марта тиббиёт ходимларини рақамли технологиялар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилди. Мазкур тавсиялар, аввалambор, узоқ ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун тиббий хизматлар кўрсатилишида рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш соҳаларига тааллуқли бўлди. Шуни қайд этиш жоизки, ЖССТ вакиллари томонидан рақамли технологиялар мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф эта олмаслиги, шунингдек, инфратузилманинг беқарорлиги ва катта ҳажмдаги маълумотлар базаси билан ишлаш жараёнидаги қийинчиликлар, операцион тизимлар ва дастурий таъминотдаги камчиликлар уларни соғлиқни сақлаш тармоқлари фаолиятига жорий этишга тўсқинлик қилиши бир неча бор таъкидлаб ўтилган эди. Хусусан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти вакили Б. Марианонинг қайд этишича: "Рақамли тиббиётни барча "дардларга малҳам" бўлган восита сифатида қабул қилиш керак эмас, фақатгина тизим фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи тадбирларни таклиф этаяпмиз, холос" [1].

Ўз навбатида, фармацевтика соҳасининг бошқарув тизимига рақамли технологияларнинг жорий этилишидаги муайян даражадаги сусткашликни "Pharma Manufacturing" томонидан ўтказилган "Smart Pharma Survey" сўровномасидаги: "Янги фармацевтик заводларни қуриш ёки мавжудларини модернизациялашда рақамлаштириш омилининг муҳимлилик даражаси қандай?" деган саволга фармацевтика соҳаси раҳбар ходимларидан иборат бўлган респондентларнинг 31 фоизи ушбу омилнинг етакчи эканлиги, 62 фоизи муҳим, лекин биринчи навбатдаги масала эмаслиги, 7 фоизи эса, бундай масала бошқарув қарорларини қабул қилишда камдан-кам ҳолатларда кўриб чиқилади, деган жавобларидан ҳам билиш мумкин [2].

2020 йилда дунёнинг деярли барча мамлакатларида Covid-19 пандемияси кенг тарқалишининг олдини олишда қатъий карантин чораларининг жорий этилиши фармацевтика соҳасига қўшимча хизматларни таклиф этиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш имкониятини берувчи дастурий таъминотга бўлган қизиқиш ҳамда талабни кескин оширди. Жаҳоннинг етакчи фармацевтика компанияларидан бири ҳисобланувчи "Novartis" компаниясининг бош директори В.Нарисимханнинг фикрича: "...рақамли технологияларга инвестициялар чамаси бир йил олдин исталаётган, аммо мажбурий ҳисобланмайдиган экспериментал соҳадан кутилмаганда мутлақ даражадаги заруриятга айланиб қолди". Келгусида "Novartis" компаниясининг бош шиори "study, results, scientific evidence" (тадқиқотлар, натижалар, илмий далиллар), албатта, рақамли технология-

лар ҳисобига кенгайтирилишини таъкидлаб ўтган [3].

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ижроия қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 146-сессиясида 2020-2024 йиллар учун мўлжалланган "Маълумотлар ва инновациялар соҳаси: рақамли тиббиёт соҳасидаги глобал стратегия лойиҳаси"да қайд этилишича: "Рақамли тиббиёт соҳасидаги тегишли қарорларни олға суриш соғлиқни сақлаш бўйича адолатли ва кенг қамровли сифатли хизматлар билан таъминлаш билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш тизимининг барқарорлигини ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, касалликлар профилактикаси, диагностикаси, даволаш, реабилитация ва паллиатив ёрдам олиш бўйича тадбирлар сифатини оширишга хизмат қилади" [4].

2020 йил август ойида тиббиёт технологиялари соҳасида фаолият юритувчи йирик компаниялар, хусусан, Philips, Google ва Consumer Technology, Association HPлар рақамли тиббиёт стандартларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббусга қўшилдилар. Ушбу лойиҳа рақамли тиббиётни таснифлашда қўлланиладиган ва барча учун тушунарли бўлган атамалар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда истеъмолчиларнинг мазкур соҳадаги саводхонлигини ошириш бўйича тадбирларни қамраб олади. Шу билан бир қаторда, лойиҳа доирасида рақамли технологияларни жорий этиш орқали анъанавий фармацевтика соҳаси фаолиятини тарихан ўхшаши бўлмаган фармакогеномикани ривожлантириш назарда тутилган [5].

"Accenture" консалтинг компаниясининг "Digital Health Tech Vision 2020" номли маърузасида қайд этилишича, тиббиёт, фармацевтика ва бошқа тиббиёт хизматларига ихтисослашган муассасалар фаолиятини блокчейн, сунъий онг, квант ҳисоб-китобларга тайёрлаш таъкидланган. Шунингдек, DARQ (ингл. distributed ledger technology, AI, augmented reality ва quantum computing) дастури соғлиқни сақлаш тизимининг барча соҳаларини трансформациялаш ва янги даражага чиқариш имкониятини беради [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сонли қарорида мамлакатимизда фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш, "Электрон шифохона" ахборот тизимини жорий этиш, "ASKDOCTOR" беморларга онлайн маслаҳат бериш порталини яратиш каби вазифаларнинг белгиланиши фармацевтика соҳасидаги бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий этиш заруриятини юзага келтирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3532-сонли қарорига мувофиқ фармацевтика соҳасини ривожлантириш ва бошқарув тизимини тубдан янги даражага чиқариш муаммолари мазкур мақоланинг мақсади ва тадқиқот йўналишларини белгилаб беради.

Аввалambор, шуни қайд этиш зарурки, баъзи бир илмий ва амалий манбаларда умумлаштириб юборилаётган бошқарув жараёнларини автоматлаштириш ва уни рақамлаштириш тушунчалари ўртасида муҳим тафовут мавжуд. Фикримизча, мақолада кўриб чиқилаётган муаммонинг назарий, услубий ва амалий хусусиятларини таҳлил қилиш қуйидаги тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришдан бошланиши лозим:

- бошқарув жараёнларини автоматлаштириш;
- бошқарув жараёнларини рақамлаштириш;
- "ақлли" саноат.

Халқаро ва миллий даражада рақамли иқтисодиётнинг моҳияти юзасидан ягона ва умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, "Australian Government" талқинида: "Рақамли иқтисодиёт - интернет, шунингдек, мобиль ва сенсор тармоқлари қўлланиладиган иқтисодий ва ижтимоий фаолият". Жаҳон банки талқинига кўра: "У билимлар ва рақамли технологияларга асосланган иқтисодиётнинг янги ривожланиш босқичи бўлиб, унинг доирасида жамият, бизнес ва давлатнинг янги рақамли

кўникмалари ва имкониятлари шакллана-ди". "Deloitte" консалтинг компанияси талқини бўйича: "Рақамли иқтисодиётнинг асоси интернет, мобиль технологиялар ва интернет бозори ёрдамида шаклланадиган ташкилотлар ҳамда машиналар ўртасидаги алоқадорликнинг ўсиб бориш жараёни ҳисобланади". "The Economist" журналида: "...юқори сифатли телекоммуникация тармоқлари инфратузилмасини таклиф этувчи ҳамда телекоммуникация тармоқлари орқали яратиладиган имкониятларни истеъмолчилар, бизнес ва давлат манфаатлари учун йўналтирувчи иқтисодиёт", деб қайд этилган.

Мамлакатларнинг рақамли иқтисодиётга тайёргарлик даражасини баҳолаш услубиятига (Digital Economy Country Assessment ёки DECA) кўра, рақамли иқтисодиёт (яъни, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва уларни ривожлантиришга асосланган иқтисодиёт) таркибан қуйидагилардан иборат:

- норақамли омиллар (рақамли трансформация жараёнларини амалга ошириш муҳитини таъминловчи сиёсат ва стратегик режалаштириш, етакчилик, қонунчилик, инсон капитали, инновациялар, ишчанлик муҳити, ишонч ва хавфсизлик омиллари);

- рақамли омиллар (рақамли технологияларни ишлаб чиқарувчи рақамли инфратузилма, ҳамкорликдаги рақамли платформалар);

- иқтисодиётнинг рақамли сектори (ахборот-коммуникация сектори, контент сектори ва оммавий ахборот воситалари).

Юқорида келтирилган ва бошқа манбалар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларни баён этиш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт - рақамли технологиялар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган маҳсулот ва хизматларни яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш бўйича фаолият йўналиши. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, рақамли технологиялар – электрон кўринишда маълумотларни излаш, йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва қабул қилиш технологиялари, деган хулосага келиш мумкин.

Ўз навбатида, бошқарув соҳасидаги рақамли технологияларни - янги бозорларни шакллантирувчи ва бизнес-жараёнларни ўзгартирувчи, иқтисодиётнинг барча тармоқларида талаб қилинадиган дастурий таъминот ва техник воситалар ёрдамида электрон кўринишда маълумотларни излаш, йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва қабул қилиш технологиялари сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Бошқарув жараёнларини автоматлаштириш белгиланган вазифаларни бажариш самарадорлигини техник воситалар ва технологиялар асосида бажаришни назарда тутади. Демак, автоматлаштириш деганда, бошқарув жараёнларига янги техник воситалар ва технологияларни жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш назарда тутиладиган бўлса, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилиш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади.

Мазкур мақоланинг кейинги босқичида фармацевтика соҳасининг бошқарув тизимини рақамлаштириш борасидаги асосий муаммоларни аниқлаш тақозо этилади.



1-расм. Фармацевтика соҳаси бошқарув тизимини рақамлаштиришда кузатилаётган асосий муаммолар [7].

1-расм маълумотларидан кўринадики, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчиларнинг бошқарув тизимини рақамлаштиришда кузатилаётган муаммолар юзасидан билдирилган мулоҳазаларидан ҳаракатдаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш электрон тизими билан интеграциялашув ҳамда бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий этиш шакли ва моҳияти бўйича тартибга солиш органлари билан келишув жараёнларининг мураккаблиги биринчи навбатдаги муам-

молар эканлигини қайд этиш мумкин. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ходимларда рақамли билимлар даражасини ошириш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологиялар билан боғлиқ муаммолар устуворлик касб этса, фармацевтика маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчилар учун маълумотлар хавфсизлиги ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалалари жиддий муаммо сифатида таснифланади.

Фармацевтика соҳаси бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий этиш юзасидан етакчи фармацевтика ва технологик компаниялар, мутахассислар, олимлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида фармацевтика соҳасининг бошқарув тизимини рақамлаштириш жараёнлари алгоритмини ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Фикримизча, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш:

а) режалаштириш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан боғлиқ маълумотлар оқими орқали;

б) ишлаб чиқарувчилар (ходимлар, машина ва ускуналар ва ҳ.к.) билан боғлиқ маълумотлар оқимини кибер-физик тизимларда бирлаштириш орқали амалга оширилади.

Бунда кибер-физик тизимлар фаолиятининг асосий мақсади бутун ишлаб чиқариш тизимининг (лойиҳалаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқариш ва етказиб беришни бошқариш) иқтисодий самарадорлигини таъминлаш бўлиб, рақамлаштиришда тадқиқотлар, лойиҳалаштириш, синовдан ўтказиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш, режалаштириш, хом ашёни харид қилиш, ишлаб чиқариш ва харидорга етказиб беришдан иборат бўлган "занжир"ли фаолиятни мувофиқлаштириш биринчи навбатдаги масала сифатида кўриб чиқилади.

Кейинги масала бошқарув жараёнларини рақамлаштиришнинг биринчи босқичи ҳисобланувчи ишлаб чиқариш циклини қамраб олувчи автоматлаштирилган тизимни шакллантириш билан боғлиқ. Автоматлаштирилган тизим ўз таркибига:

- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олувчи автоматлаштирилган тизимни шакллантириш;
- ишлаб чиқариш ва логистика тизимини оптималлаштириш билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш;
- ишлаб чиқариш муддатлари, меъёр ва мезонларни автоматлаштириш;
- ишлаб чиқариш майдонларининг моддий-техник таъминотини автоматлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ (2-расм).

Бошқарув ва технологик жараёнларнинг (режалаштириш, ишлаб чиқариш цикли, ҳисоб ва ижро назорати, логистика) тўлиқ автоматлаштирилиши маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали соҳа ташкилотлари фаолиятини кибер-физик тизимларда тўлиқ рақамлаштириш имкониятини беради. Бунда ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи (режалаштириш, мижозлар, таъминотчилар ва бошқалар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқалар) ходимлар сақлаб қолинади.

Амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни қайд этиш имкониятини беради:

биринчидан, коронавирус пандемиясига қадар бўлган даврда фармацевтика соҳаси ташкилотларида бошқарув жараёнларини рақамлаштириш масаласи зарурий, аммо биринчи навбатдаги масала сифатида кўриб чиқилмаган. Пандемия кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича қатъий карантин чораларининг кўрилиши, унинг асоратларини бартараф этишга бўлган эътиборнинг кучайиши рақамлаштириш жараёнларининг тезлашувига олиб келди;

иккинчидан, бошқарув жараёнларини "рақамлаштириш" ва "автоматлаштириш" тушунчалари ўртасида жиддий тафовут мавжуд бўлиб, автоматлаштириш деганда, бошқарув жараёнларига янги техник воситалар ва технологияларни жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш назарда тутилса, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларни қамраб олади;

учинчидан, бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий этиш мазкур жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш орқали

2-расм. Фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш [8].

амалга оширилади. Автоматлаштириш бўйича тадбирларнинг самарадорлиги даражаси рақамли технологияларнинг жорий этилиши даражасига бевосита таъсир этади;

тўртинчидан, бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий этиш аниқ белгиланган режа ва уни амалга ошириш алгоритмини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Тадқиқотда келтирилган алгоритм мазкур йўналишлардаги тадбирларни амалга оширишда муайян аҳамият касб этади.

Манба ва адабиётлар

1. https://news.un.org/ru/story/2019/04/1353451. //Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий веб саҳифаси.

2. https://media.nnit.com/Documents/Future_of_MES_Survey_Report.pdf? Survey Report: The Future of MES in IoT and Pharma 4.0.

3. Vas Narasimhan. The CEO of Novartis on Developing Drugs During a Pandemic, 2020. https://www.wired.com/story/the-ceo-of-novartis-on-developing-drugs-during-a-pandemic

4. Всемирная организация здравоохранения. "Сфера данных и инноваций: проект глобальной стратегии в области цифрового здравоохранения" // 146-я сессия, 2019 г.

5. https://www.cta.tech/

6. https://www.accenture.com/us-en/insights/health/accenture-digital-health-technology-vision-2020

7. https://media.nnit.com/Documents/Future_of_MES_Survey_Report.pdf? Survey Report: The Future of MES in IoT and Pharma 4.0

8. Муаллифлар ишланмаси.

Фармацевтика соҳасидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятига рақамли бошқарувни жорий этиш масалалари

Акбар Маҳмудов,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи,
Элёр Примов,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Аннотация: *мазкур мақолада фармацевтика соҳасида фаолият олиб борувчи акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий этишнинг назарий, услубий ва амалий хусусиятлари ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, рақамли технологияларни жорий этиш борасидаги илғор хориж тажрибасини тадқиқ этиш асосида илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган ҳамда рақамли технологияларни амалиётда қўллаш алгоритми тавсия этилган.*

Калит сўзлар: *фармацевтика, коронавирус пандемияси, бошқарув тизими, рақамли технологиялар, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, кибер-физик тизимлар.*

Вопросы внедрения цифрового менеджмента в деятельность акционерных обществ в фармацевтической отрасли

Акбар Махмудов,
PhD (по экономическим наукам), начальник отдела Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан,
Элёр Примов,
магистрант Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: *в статье отражены теоретические, методологические и практические особенности внедрения цифровых технологий в систему управления акционерными обществами фармацевтической отрасли. Кроме того, на основе изучения передового зарубежного опыта внедрения цифровых технологий даны научные предложения и практические рекомендации, а также алгоритм практического применения цифровых технологий.*

Ключевые слова: *фармацевтика, пандемия коронавируса, системы управления, цифровые технологии, сбор и обработка данных, киберфизические системы.*

Implementation of digital management in the activities of joint-stock companies in the pharmaceutical industry

Akbar Makhmudov,
PhD (in Economics), Head of the Financial and Economic Department of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan,
Elyor Primov,
master of Tashkent State University of Economics

Abstract: *the article reflects the theoretical, methodological and practical features of the implementation of digital technologies in the management system of joint-stock companies in the pharmaceutical industry. In addition, scientific proposals and practical recommendations have been developed based on the study of advanced foreign experience in the implementation of digital technologies, as well as an algorithm for the practical application of digital technologies.*

Key words: *pharmaceuticals, coronavirus pandemic, control systems, digital technologies, data collection and processing, cyber-physical systems.*

Абдуҳаким ЮЛДАШЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

ERP-ТИЗИМИ ОРҚАЛИ КОРХОНАНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, замонавий корхоналар бошқарув тизимини автоматлаштириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий мавқеини юксалтиришда АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Япония, Россия Федерацияси, Хитой каби мамлакатлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) қўллаш орқали юқори натижаларга эришмоқда. Хусусан, АҚШнинг "Allied Market Research" (AMR) компанияси томонидан 2017 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра [16], "АҚШнинг 800 дан ортиқ йирик компаниялари корхона ресурсларини режалаштириш тизими (ERP) – 43 % га, мижозлар билан ишлашни бошқариш тизими (CRM) – 17 % га, етказиб бериш занжирларини бошқариш тизими (SCM) - 13 % га ва бошқа корпоратив ахборот тизимлари - 27 % га" ўз маблағларини сарфлаш орқали юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришмоқда.

Республикамизда ҳам бошқарув тизимини автоматлаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш" [1] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятида ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш натижасида 2023 йилга келиб, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушининг 2 бараварга кўпайишига олиб келади [2].

Д.А. Гаврилов ERP-тизими – корхонанинг бизнес жараёнини қайта ишлаш, яхлит ва тезкор режалаштириш, ишлаб чиқариш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган компьютер тизими [5], деб таъриф беради.

В.В. Дик замонавий ERP-тизимлари олдин ишлатилган ахборот тизимларига нисбатан таҳлил қилиш, режалаштириш, ишлаб чиқаришда янги ёндашув ва ғояларни амалга ошириш, ходимлар ташаббусини амалга ошириш имконини беради [6], дея тавсифлайди.

О.Г. Бунтова ва С.В.Федуловларнинг "Введение в ERP-системы" китобида ERP-тизими қуйидаги тузилмаларни ўз ичига олади: ишлаб чиқариш, таъминот ва сотув, омбор, ускуналар, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга техник хизмат кўрсатиш, молия ва логистика [7].

Б.А Абдукаримов "Корхоналар фаолиятига инновацияларни жадал татбиқ этиш, яъни замонавий техника ва технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш, энг аввало, мавжуд ишлаб чиқаришни ҳар томонлама модернизациялашни зарур қилиб қўяди" [8], дея таъкидлайди.

Т.Б. Ершованинг таҳлилларига кўра, "Корхона КАТни қуриш ва татбиқ этиш жараёни стратегик ёндашувга асосланган

бўлиб, қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади: KAT концепциясини ишлаб чиқиш, корхона бизнес жараёнларини таҳлил қилиш, татбиқ этиш, бизнес жараёнлар реинжиниринги, эксплуатация қилиш ва ривожланиш" [9].

Яна бир олима Л.И. Кобко "ERP-тизимларининг бошқа технологиялар билан алоқалари турли хил ва уларнинг табиати маҳсулотнинг ҳаёт айланиш босқичига боғлиқ" [10], деб ёзади.

Бизнинг фикримизча, ERP-тизимлари корхонанинг ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни сотиш, хом ашё захирасини оптималлаштириш, маҳсулотларни сотиш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишда "ўз вақтида" Just in Time концепцияси асосида фаолият олиб бориш жараёнини инновацион бошқаришда ёрдам беради.

Глобаллашув шароитида ёғ-мой корхоналари фаолияти, ўсимлик мойи бозори муҳитини юқори даражадаги рақобати ёғ-мой корхоналарига ахборот технологияларини фаол жорий этиш шароитида амалга оширилади. Ёғ-мой корхоналари фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аҳоли истеъмоли учун "2011-2018 йилларда ўсимлик мойининг жаҳон бозори CAGR атрофида 4 фоизга ўсганлигини ва 2019 йилда истеъмол ҳажми эса 200,1 миллион тоннани ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак" [17], бундай шароитда корхонанинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва биринчи навбатда, унинг хом ашё билан таъминланиши алоҳида ўрин тутади.

Жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ёғ-мой корхоналари ривожланишнинг ҳозирги босқичида хом ашё билан таъминлаш муаммоси биринчи ўринда туради.

Хом ашё базасининг чегараланганлиги оқибатида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50 фоиздан ошмайди, бу давлат иштирокидаги ёғ-мой корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда [3].

Ёғ-мой корхонаси бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва энг аввало, уни ресурс билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Харид қилиш жараёнини ривожлантиришнинг долзарблиги корхона учун хом ашё соҳасида бўлганлиги, тадбиркорлик субъекти самарадорлигини оширишнинг муҳим захиралари мавжудлиги билан боғлиқ.

Корхонанинг бошқариш тизимини такомиллаштириш заруратини чуқур ўрганиш учун янги воситалар, бошқарувнинг янги усулларини излаш, иқтисодиёт фанининг концептуал асосларини ва таҳлил доирасини кенгайтиришга йўналтириш ҳамда ресурслар назариясининг асосий тамойилларини татбиқ этишни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётга ўтиш билан корхоналар ишлаб чиқариши ва маркетинги, шунингдек, моддий-техник таъминоти, транспорт, омборхоналар ҳамда ахборот тизимлари соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдалар. Рақобат шароитига таркибий жиҳатдан мослашиш, корхонани янги мақсадларга йўналтириш, яъни ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган кенг турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш жараёнининг янги босқичда янги муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Корхонани бошқаришни такомиллаштириш, ахборот технологияларини жорий этиш учун сармоялар талаб этилади, бу эса ушбу лойиҳалар бошқарувини баҳолашни талаб қилади.

Корхонани бошқаришда ахборот тизимини жорий этиш корхонада юзага келувчи жиддий ўзгаришлар сингари мураккаб жараёндир. Шунга қарамай, тизимни татбиқ этишда юзага келувчи баъзи муаммолар ўрганиб чиқилган ва уларнинг самарали ечим методологияси ишлаб чиқилган. Ушбу муаммоларни олдиндан ўрганиш ва уларга тайёргарлик кўриш ахборот тизимини жорий этиш жараёнини сезиларли даражада енгиллаштиради ва тизимдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Корхонани бошқариш амалиётида дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилаётган тизимлардан кенг фойдаланилмоқда. Уларнинг ичида энг кўп учраётгани қуйидагилар: корхона ресурсларини режалаштириш тизими ERP (Enterprise Resource Planning), CRM (Customer Relationship Management) мижозлар билан ўзаро алоқаларни бошқариш

тизими, ахборотларни сақлаш тизими ва уни таҳлилий ишлаш методлари BI (Business Intelligence). ERP, CRM, BI тизимлари шунчаки дастурий маҳсулот эмас, балки мавжуд бизнес жараёнларни оптималлаштириш имконини берадиган ечимдир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунга келиб, замонавий ахборот тизимлари бозорида 500 дан ортиқ ERP / MRPII турлари мавжуд. Замонавий ахборот тизимлари бозори ўсиб бормоқда. Ҳар йили ушбу бозор маҳсулотлари турлари ўртача 35-40 фоизга ортиб бормоқда [7]. Бугунги кунга келиб, корхоналар турли хил автоматлаштирилган ахборот тизимларидан энг мақбул тизимни танлашда турли муаммоларга дуч келмоқда.

Ривожланган ва ривожланаётган кўпгина давлатларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналари ERP-тизимидан самарали фойдаланиб келмоқда (1-диаграмма). Эстонияда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 60 фоизи ERP-тизимидан фойдаланиб келмоқда.

1-диаграмма. 2015 йилда ERP-тизимининг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланиши динамикаси [20].

Корхона фаолиятини рақамлаштириш ERP-тизимини ривожлантиришдан бошланади. Мазкур тизим мураккаб ишлаб чиқаришга эга кенг ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, катта ҳажмдаги омборхона операцияларини амалга оширувчи йирик корхоналарда қўлланилади.

ERP-тизими ўзида корхона фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаш, савдо, захира, ишлаб чиқариш, харид, молия ва бошқариш соҳаларини қамраб олган интеграллашган ахборот тизимини ифода этади.

ERP-тизими корхона фаолияти тўғрисида тезкор маълумот олиш, корхона фаолиятини режалаштириш ва назорат қилишни (турли бўлинмаларнинг қисқа ва узоқ муддатли режалари бир-бири билан боғлаган ҳолда) таъминлайди (1-расм).

1-расм. ERP-тизими орқали корхонани самарали бошқариш механизми.

1-расмдан кўриниб турибдики, ERP-тизимида молиялаштириш, ишлаб чиқариш ёки омборга хизмат кўрсатадиган дастурлар бир-бири билан боғланган бўлиб, бир бўлимдан туриб, бошқаларнинг маълумотларини кўриш мумкин. ERP-тизими қуйидаги функцияларни ўзида бирлаштиради:

- ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш жараёнларини тайёрлаш ва етказиб беришни бошқариш, моддий хусусиятларни бошқариш, режалаштириш, салоҳиятни бошқариш, кетма-кетликни бошқариш, сифатни бошқариш, харажатларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш лойиҳалари, ишлаб чиқариш оқимларини бошқариш);

- таъминотни бошқариш (инвентаризациялашни назорат қилиш, буюртманинг киритилиши, харидларни бошқариш, маҳсулот танлови, таъминот занжирини режалаштириш, етказиб бериш жадвали, техник назорат, талабномаларни қайта ишлаш, ҳисоб-китоб комиссияси);

- молия (нақд пул, пул маблағларини бошқариш, кредиторлар ва қарздорлар билан ҳисоб-китоблар, асосий фондларни ҳисобга олиш);

- лойиҳалар (харажат, биллинг, вақт ва моддий харажатлар, ишларни ташкил қилиш);

- меҳнат ресурслари (меҳнат ресурсларини бошқариш, иш ҳақи, таълим, иш соатлари, имтиёзлар);

- савдони бошқариш ва мижозлар билан муносабатлар (савдо ва маркетинг, комиссион тўловлар, кафилликлар хизмати, мижозларга алоқадор ёрдам ва йўналтириш хизмати);

- ахборотни сақлаш (истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва ходимлар учун турли-туман хизмат кўрсатиш интерфейслари, масофадан ишлай олиш қобилияти, хавфсизлик масалалари, маълумотларнинг долзарблиги ва аниқлиги) ва барча бўлимларда бир вақтнинг ўзида акс эттирилади.

ERP-тизимида ишлаб чиқариш занжирларини режалаштириш ва ишлаб чиқариш бошқаруви қуйи тизимларини амалга оширишда таъминот занжири бошқаруви концепциясини интеграциялаш, турли даражадаги режаларни синхронлаштириш ва занжир иштирокчилари бўлган корхоналар ўртасида режалаштирилган параметрларни яратиш амалга оширилади.

1-жадвал

Корхона бизнес жараёнларини бошқаришда ERP-тизимининг функциялари

Ишлаб чиқаришни бошқариш функцияси *1. Режалаштириш.* *2. Ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш.* *3. Чекловларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш.* *4. Таъмирлаш жараёнини бошқариш.* *5. Лойиҳаларни бошқариш.* *6. Моддий ресурслар ҳисоби.* *7. Рецептур ишлаб чиқаришни оптимал режалаштириш.* *8. Сифатни бошқариш.* 9. *Иш тақвими.*	**Бизнес жараёни ва ҳужжат айланишини бошқариш функцияси** *1. Бизнес жараёнлар ва ҳужжатлар оқимини конструкторлаш.* *2. Моддий ва молиявий ҳужжатлар оқимини бошқариш.* *3. Иш юритишни бошқариш.*	**Фаолият таҳлили функцияси** *1. Раҳбарнинг информацион тизими (KPI, BSC).* *2. OLAP бизнес таҳлил.* *3. Молиявий таҳлил.* *4. Прогнозлаш.* *5. Оптималлаштириш.*	**Персонални бошқариш функцияси** *1. Кадрларни бошқариш.* *2. Штат жадвали.* *3. Табель ҳисоби.* *4. Иш ҳақини ҳисоблаш.* *5. Иш ҳақи фондини режалаштириш.* *6. Компетенцияларни бошқариш.* *7. Анкеталаш.* *8. Кадрлар захирасини бошқариш.* *9. Меҳнат муҳофазасини бошқариш.*
Ишлаб чиқаришни техник тайёрлашни бошқариш функцияси *1. Классификацияни бошқариш.* *2. Ишлаб чиқаришни конструкторлик тайёрлашни бошқариш.* *3. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни бошқариш.* *4. Ишлаб чиқариш ресурсларини меъёрлаштириш.* *5. Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан бошқариш.* *6. Ҳужжатлар архивларини техник бошқариш.* *7. Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими (CAD) технологи.* *8. CAD/CAM ва PDM/PLM тизимларининг интеграцияси.*	**Логистика функцияси** *1. Хом ашёлар таъминотини режалаштириш ва харидларни бошқариш.* *2. Контракт-шартномавий фаолиятни бошқариш.* *3. Сотувни бошқариш.* *4. Мижозлар ва етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш.* *5. Таъминот занжирини бошқариш.* *6. Захира ҳисоби (омбор ҳисоби).* *7. Омборни бошқариш.* 8. *Автотранспорт воситаларининг йўл варақасини ҳисобга олиш.*	**Бюджетлаштириш ва назорат функцияси** *1. Режадаги таннарх калькуляцияси* *2. Ҳақиқий таннарх калькуляцияси.* *3. Жараёнга йўналтирилган харажатларни бошқариш (ABC cost).* *4. Молиявий режалаштириш ва бюджетлаш.* *5. Мижоз-корхона тизимлари билан алоқа.*	**Маъмурчилик функцияси** *1. Кириш ва хавфсизликни бошқариш.* *2. Ахборот базаси аудити ва маъмурчилиги.*
	Лойиҳаларни бошқариш функцияси *Лойиҳаларни бошқариш*	**Бухгалтерия ҳисоби функцияси** *1. Молиявий ҳисоб-китоб операциялари, дебитор ва кредиторлар ҳисоби.* *2. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби.* *3. Асосий воситалар ҳисоби.* *4. Солиқ ҳисоби.* *5. Баланс ва молиявий ҳисоботлар.* *6. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи.*	**Тизимни ривожлантириш воситалари функцияси** *1. Таснифлашни бошқариш.* *2. Ишлаб чиқаришни конструкторлик тайёрлашни бошқариш.* *3. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш.* *4. Ишлаб чиқариш ресурсларини меъёрлаштириш.*
	Асосий ишлаб чиқариш фондларини бошқариш функцияси *1. Тузилма ва меъёрларни бошқариш.* *2. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни бошқариш.*		

Таъминот занжири корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни бирламчи етказиб берувчидан охирги фойдаланувчига етказиш муддатини таъминлаш учун зарур бўлган корхона (етказиб берувчилар, тарқатиш пунктлари, транспортчилар) нуқтаи назаридан кўриб чиқилувчи функционал элементлар гуруҳларидан ташкил топган тизим ҳисобланади.

Таъминот занжирининг энг оддий модели тўрт элементдан иборат:

1) етказиб берувчи - хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар;

2) ишлаб чиқарувчи - охирги фойдаланувчи - харидорга етказиб берилувчи якуний маҳсулотни ишлаб чиқаради;

3) омбор ёки тақсимот маркази - маҳсулотларни сақлайди ва юкни туширади;

4) якуний фойдаланувчи (мижоз) - маҳсулотни олади.

Таъминот занжири модели эҳтиёжлар ва тарқатиш пунктлари бўйича такрорланувчи оддий моделлардан иборат бўлиб, улар бир моделга бирлаштирилади.

ERP-тизимини қўллаш орқали корхона қуйидаги устунликларга эришади:

- моддий ресурслар ва бутловчи қисмларга эҳтиёжни режалаштириш, уларни ўз вақтида тўлдириш, ишлаб чиқариш режасини бажариш учун етказиб бериш муддати ва ҳажмларини аниқ ҳисоблаш;

- маҳсулотлар мавжудлигини тартибга солиш (ортиқчалик ва етишмовчиликка йўл қўймаслик), омборда сақлаш харажатларини камайтириш, суғурта захиралари даражасини камайтириш, сифатсиз захиралар ва режадан ташқари харидлар сонини камайтириш;

- талаб ўзгаришига кўра, ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш;

- моддий ва вақтинча харажатларни камайтириш орқали корхонадаги бизнес жараёнини оптималлаштириш;

- айланма маблағлар айланишини яхшилаш;

- нархлар самарадорлигини ошириш;

- мижозларга етказиб бериш ва хизмат сифатини назорат қилиш;

- тартибга солинувчи ҳисоботни шакллантириш учун меҳнат харажатларини камайтириш.

ERP-тизими кенгайтирилган маълумотларни тўплашни таъминлайди ҳамда маълумотлар такрорланишини бартараф этади. Бу жараёнлар интеграл бошқарув тизимларини жорий қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларни умумий тақдим этади. Ресурсларни бошқариш тизимидан фойдаланувчилар учун ахборотларни таҳлил қилишга йўналтиришга ёрдам беради. Тизим корхонанинг турли бўлимларидан олинган маълумотлар интеграциясини амалга ошириш, доимий жараёнларни мунтазам равишда кўриб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, корхона маълумотларини бирлаштириш орқали ERP-тизими тактик ва стратегик режалаштириш вазифаларини амалга оширишга ёрдам беради. ERP-тизими корхонанинг бизнес жараёнлар устидан тўлиқ назорат қилиш имконияти ва бошқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

ERP-тизимини қўллаш орқали қуйидаги самарадорликка эришилиши мумкин:

Бошқарув ва операцион харажатларни 15% гача камайтириш.

Айланма маблағларни 2 % гача тежаш.

Сотиш билан боғлиқ даврни 25 % гача қисқартириш.

Тижорат харажатларини 35 % гача қисқартириш.

Омбордаги захиралар суғурта даражасини 20 % гача қисқартириш.

Дебитор қарздорликни 12 % гача камайтириш.

Ҳисоб-китобларда маблағлар айланишини 25% гача ошириш.

Моддий ресурсларни 25% гача орттириш.

Асосий фондлардан фойдаланишни 25% гача орттириш.

Қисқа муддатли молиявий ресурсларни жалб этишни 5 % гача камайтириш.

Хом ашё ва материалларни сотиб олиш ва омборда сақлаш харажатларини 15 фоизгача қисқартириш.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини 50 фоизгача қисқартириш.

Корхона томонидан ERP-тизимини жорий қилиш орқали ишлаб чиқаришни режалаштириш ва техник хизмат кўрсатиш, ускуналарнинг ишдан чиқиш муддатини қисқартириш, ўзгаришларни камайтириш, шунингдек, максимал техник жиҳатдан таъминлаш имконияти қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг

асосий механизми йўналиш тезлиги бўлмоқда. Савдо ҳажмининг ўсиши билан қувватлардан янада фаол фойдаланилганда янги ускуналарга катта миқдорда сармоя киритиш имкониятини яратади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда белгиланган харажатлар камаяди. Хом ашё ва тайёр маҳсулотлар ортиқча захиралари вужудга келишининг олдини олади, тайёр маҳсулотлар захираларини пасайтириш ишлаб чиқаришни режалаштириш самарадорлигини ошириш ва бозорни прогнозлашга масъул маркетинг хизмати билан янада яқинлашиши натижасида амалга оширилади. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш қувватларидан самарасиз фойдаланиш энг юқори савдо даврида тайёр маҳсулотлар захираларини "мақсадли" тўплашга олиб келади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш учун ишлаб чиқариш ресурсларини оптималлаштиради, ишлаб чиқариш занжири самарали ишлашига ёрдам беради.

Юқори ликвидли захиралар қисқартирилгач, корхона фойдали лойиҳаларга инвестиция қилиш эҳтимолига эга сармоясини озод қилади. Паст сифатли маҳсулотлар ва брак маҳсулотларнинг кўплиги. Бу муаммолар ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлиги пастлиги, яъни корхона узоқ вақт давомида юқори операцион параметрларини сақлаб қола олмайди. Корхоналарни техник-технологик жиҳатдан янгилаш (инвестицияларни жалб этган ҳолда энг сўнгги технологияларни жорий этиш) ҳамда корхона бошқарувида ERP - тизимларини самарали татбиқ этиш орқали эришиш мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. https://www. lex.uz/

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сонли қарори. https://www.lex.uz/

3. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги "Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ 4118-сонли қарори. https://www.lex.uz/

4. Гаврилов Д.А. Управление производством на базе стандарта MPR II. / Д.А. Гаврилов – СПб.: Питер, 2008. – 416 с.

5. Дик В.В. Информационные системы в экономике / В.В. Дик – М.: Финансы и статистика, 2007. – 452 с.

6. Buntova O. G., Fedulov S. V. Vvedeniye v ERPsistemy. SAP, "Galaktika ERP" [Introduction in Enterprise resource planning. SAP, "Galaxy of ERP"]. Ural'skij gosudarstvennyj universitet im. A. M. Gor'kogo, 2007.

7. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. 2-қайта ишланган ва тўғриланган нашри. – Т.: "Фан", 2012. – 371 б.

8. Ершова Т.Б. Организационные аспекты создания единого информационного пространства предприятия // Транспортное дело России. 2009. №2. – С. 62-63.

9. Кобко Л.И. Методология интегрированного логистического управления производством в оборонной промышленности. - М.: Изд-во МАИ, 2008. – С 394.

10. Research and Markets for their market research. https://www.researchandmarkets.com

11. Оптимизация бизнес-процессов. Документирование, анализ, управление, оптимизация / Джеймс Харрингтон, К.С.Эсселинг, Харм Ван Нимвеген. – СПб: – Азбука, 2002.

12. Рузметова Х.Н. Компания бизнес жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш. // "Иқтисод ва молия" журнали 2011 йил, 8-сон. – 66-72 б.

13. Дэниел О'Лири, Enterprise Resource Planning Systems: Systems, Life Cycle, Electronic Commerce, and Risk. (рус. ERP-системы. Современное планирование и управление ресурсами предприятия). 2004 г.

14. Ирина Балахонова, Сергей Волчков, Владимир Капитуров, Логистика. Интеграция процессов с помощью ERP-системы. 2006 г.

15. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

16. http://www.itstan.ru – Современные ИТ - информационные технологии

https://www.researchandmarkets.com – World's largest and most respected Market Research resource. Searchable database of market research reports incorporating all niche and top industries.

17. http://www.grandars.ru – Энциклопедия экономиста.

18. https://wiseadvice-it.ru – Настоящие эксперты в области автоматизации финансов.

19. http://asapcg.com – Услуги, услуги-разработка, услуги-развитие и модернизация SAP-систем.

20. https://issek.hse.ru – Институт статистических исследований и экономики знаний.

21. http://www.itstan.ru – Реляционные базы данных Total Commander Информационные технологии и информационные системы, программирование.

ERP-тизими орқали корхонани инновацион бошқариш

Абдуҳаким Юлдашев,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация: *мақолада замонавий ахборот технологиялари ёрдамида корхона фаолиятини самарали бошқариш хусусида сўз юритилган. Шунингдек, корхона бошқарувида қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, таъминот занжирини бошқариш бўйича мулоҳазалар билдирилган.*

Калит сўзлар: *ERP-тизими, инновацион бошқарув, ишлаб чиқариш захиралари, рақамли технологиялар, ресурсларни бошқариш, замонавий ахборот технологиялари, таъминот занжири.*

Инновационное управление предприятием с помощью ERP-систем

Абдухаким Юлдашев,
базовый докторант Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: *в статье рассматривается эффективное управление предприятием с помощью современных информационных технологий. Также были высказаны мнения об ускорении процесса принятия решений в управлении предприятием и эффективном использовании производственных ресурсов, управлении цепочкой поставок.*

Ключевые слова: *ERP-система, управление инновациями, производственные запасы, цифровые технологии, управление ресурсами, современные информационные технологии, цепочка поставок.*

Innovative management of the enterprise through the ERP-system

Abdukhakim Yuldashev,
basic doctoral student of Tashkent State Economic University

Abstract: *the article discusses the effective management of the enterprise with the help of modern information technology. Also, views were expressed on the acceleration of the decision-making process in the management of the enterprise and the efficient use of production resources, supply chain management.*

Keywords: *ERP-system, innovation management, development resources, digital technology, resource management, modern information technology, supply chain.*

Умида АБДУРАҲМОНОВА (СУЛТАНОВА),
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ДИПЛОМАТИЯГА АСОСЛАНГАН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рақамли дипломатия – интернет дипломатияси, ижтимоий тармоқлар ва web 2.0 дипломатияси билан бир қаторда, турли хил ўзгаришларга эга бўлган (оммавий дипломатия web 2.0, Интернет дипломатияси) замонавий дипломатия ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлана бошлади.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга асосланган рақамли дипломатия давлат дипломатларининг хорижий интернет фойдаланувчилари билан ўзаро алоқаларини таъминлашга қаратилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фойдаланувчилари тобора кўпроқ сиёсий мақсадларни қўядиган ижтимоий тармоқлар фуқароларни сафарбар қилиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Глобал тармоқ нафақат демократлаштиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилиши, балки фуқароларнинг эркинлигини чеклайдиган авторитар тенденцияларнинг кучайишига ҳам ҳисса қўшиши мумкин.

Рақамли дипломатия – кенг жамоатчиликни дипломатик амалиётга жалб қилишга қаратилган халқ дипломатиясининг йўналишларидан бири.

Унинг дастурларини амалга ошириш:

- тармоқдаги цензурани четлаб ўтиш учун янги технологияларни яратиш ва тарқатиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш;

- интернет тизимларининг мустақил мобил алоқа тармоқларини яратиш, уларни учинчи мамлакатлар ҳудудида жойлаштириш авторитар тузумга қарши курашувчиларга ҳокимият тақиқларини четлаб, онлайн тарзда маълумот алмашиш имкониятини беради [1].

Рақамли технологиялар ғояларнинг муҳим ўрни бўлиб, умуман олганда, ички ва халқаро сиёсатда демократлаштириш ва ҳокимиятнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради, гарчи турли мақсадларда ишлатилиши мумкин бўлса-да, айрим мамлакатларга халқаро эътиборни жалб қилади.

Электрон дипломатия ва ахборотни бошқариш, шу жумладан, тўпланган билим ва тажрибанинг ўзаро боғлиқлиги сиёсий прогнозлар ва стратегик режалаштиришда муваффақиятли ишлатилиши мумкин бўлган жуда катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдир.

Ривожланаётган ахборот муҳити ташқи сиёсат соҳасидаги давлат идораларига ўзларининг ўйин қоидаларини белгилаб беришни бошлайдилар. У халқаро тизимни мураккаблаштиради, унинг иштирокчилари рўйхатини кенгайтиради, глобал конфигурацияга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий воқеалар форматини ўзгартиради, беқарорлик ва қўшимча таҳдидларнинг пайдо бўлиш омилига айланади.

Гап нафақат ахборот компоненти, балки низоларнинг шаклланиши ҳамда бориши схемалари ва бошқа муҳим жараёнлар тўғрисида ҳам кетмоқда.

Ташқи сиёсат ва глобал муаммоларни нафақат дипломатлар, балки интернет ва мобиль телефонларнинг оддий фойдаланувчилари даражасида муҳокама қилиш халқаро муносабатларда ишонч муҳитини яратиш орқали халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, рақамли дипломатия дастурлари ягона ахборот маконини, глобал фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек, жаҳон сиёсатида бошқарув тизимини шакллантиришга ва

дунёнинг барча мамлакатларига таъсир кўрсатадиган инқироз ва муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик атамаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотчиларда бир хил фикр мавжуд эмас, бу халқаро миқёсда ҳал қилиниши керак бўлган АКТ соҳасидаги таҳдидларни аниқлашга давлатларнинг ёндашувидаги фарқлар билан боғлиқ. Ахборот технологиялари хавфсизлигини таъминлаш телекоммуникация соҳасида ҳимоя қилиш, назорат қилиш ва қонунийликка риоя қилишни ўз ичига олади. Хусусан, ушбу концепция рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш, компьютер тармоқлари ва сайтларига хакерлик ҳужумлари, мантиқий бомбалар, компьютер вируслари ва зарарли дастурлардан, частоталардан рухсатсиз фойдаланиш, электрон ҳужумлардан ва бошқалардан иборат.

Халқаро хавфсизлик субъектларининг ролини нафақат давлатлар, балки янги "актёрлар" - террористик тармоқлар, трансмиллий жиноий гуруҳлар, хусусий ҳарбий компаниялар ҳам ўйнайди. Ҳарбий бўлмаган янги – экологик, иқтисодий ва ахборот таҳдидлари ҳам пайдо бўлмоқда. Ахборот соҳаси хавфсизликка таъсир этувчи нодавлат субъектларининг муҳим роли билан ажралиб туради. Бу боғлиқлик кибержиноятчилик ва кибертерроризм таҳдидларини эслата олмайди. Рақамли дипломатияни ахборот хавфсизлигининг умумий контекстида кўриб чиқиш керак бўлади. Рақамли технологияларнинг барча объектив афзалликлари билан бирга, сиёсатчилар интернетнинг аҳамиятини тушуниб, амалда рақамли дипломатияни ривожлантиришни фақат хавф ва таҳдидлар шароитида кўриб чиқмоқдалар. Интернет экстремизм ва терроризмни ёйиш, бегона мафкура ва ташқи сиёсий ташвиқотни тарқатиш канали ахборот урушини олиб бориш воситаси сифатида қабул қилинади.

Ахборот ва психологик хавфсизликни таъминлаш жамият ва давлатнинг психологик ҳолатини салбий ахборот таъсиридан ҳимоя қилишни назарда тутади. Шу билан бирга, рақамли дипломатия дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ хавфсизлик учун асосий таҳдидлар фақат технологик ва дастурий таъминотларга қараганда кенгроқ текисликда ётади, шунинг учун бу иш ахборот хавфсизлигини тушунишга кенг ёндашиш билан тавсифланади.

Халқаро муносабатлар назариясидаги реалистик йўналиш нуқтаи назаридан халқаро хавфсизликка таҳдиднинг мавжудлиги ҳокимиятнинг номутаносиблиги, давлатнинг ҳаддан ташқари кучайиши шароитида айтилади, буни бошқа мамлакатлар ўз хавфсизлигига таҳдид деб билишади. Одатда, жавоб - қуролланиш пойгаси ва бузилган куч мувозанатини тиклаш истаги. Шундай қилиб, рақамли дипломатия дастурлари халқаро майдонда кучлар мувозанатини бузса ва жавобни келтириб чиқарадиган бўлса, халқаро хавфсизликка таҳдид солиши мумкин. Иккинчи авлод "ахборот уруши" тушунчасида ахборот қуролари стратегик давлатлараро қарама-қаршилик доирасидаги янги турдаги ҳужум сифатида қаралади. Рақамли дипломатия дастурлари халқаро майдонда таҳдид сифатида қабул қилинишини тасдиқлаш глобал ахборот соҳасининг парчаланиш тенденциясини намоён қилади. Кучларнинг номутаносиблиги ахборот соҳасида қуролланиш пойгасини келтириб чиқаради. Ахборотлаштириш етакчи давлатлар учун янги таҳдидларни келтириб чиқаради, замонавий можароларнинг ассиметрик таркибий қисмини кучайтиради, натижада, технологик жиҳатдан ривожланган давлатлар заифланади.

Рақамли дипломатияни халқаро хавфсизликка таҳдид сифатида эмас, балки кўлами ягона давлатнинг имкониятлари ва ресурсларига мос келмайдиган глобал муаммоларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш учун янги имкониятлар манбаи сифатида қараш керак. Муаммолар даражаси ва уларни ҳал қилиш қобилияти ўртасидаги бу фарқ глобал бошқарувга талаб яратади.

Глобал ахборот тармоқлари ва ижтимоий медиа глобал фуқаролик жамияти ва глобал мунозараларни шакллантириш имкониятларини тақдим этади. Шу нуқтаи назардан, жамоат дипломатияси давлат дипломатияси сифатида эмас, балки миллий дипломатия учун асос яратадиган ва умумий ёндашувларга асосланиб, давлатлараро алоқалар устида иш олиб борадиган оммавий дипломатия сифатида қаралади.

Айрим давлатлар глобал ахборот маконида етакчилигини кучайтиришга интилмоқда, бунда, ҳатто, раҳбарлар ҳам заиф бўлиб қолмоқда, бу эса халқаро беқарорликни кучайтиради. Ҳозирги кунда кўплаб етакчи давлатларда бошқа мамлакатлар фуқароларига таъсир ўтказиш учун жуда самарали, арзон ва ишлатиш учун қулай восита мавжуд.

Жаҳон тармоғининг жадал ривожланиши билан халқаро хавфсизликни таъминлаш ва халқаро муносабатларни барқарорлаштиришнинг анъанавий механизмлари аста-секин эскирмоқда, янгилари, масалан, кўп даражали дипломатия ва кўп томонлама шериклик ривожланишнинг дастлабки босқичида.

Рақамли дипломатияни ривожлантириш, глобал иқтисодий тизимга қўшилиш имкониятларини кенгайтириш, давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида қаралади. Шуни эсда тутиш керакки, бугунги кунда глобал ахборот соҳаси субъектлари нафақат давлатлар, балки трансмиллий медиа корпорациялар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, мустақил субъект сифатида ижтимоий тармоқларнинг жамоалари, масалан, глобаллашувга қарши тармоқ ҳаракати, шунингдек, алоҳида шахслардир.

Худди шундай, истиқболли рақамли дипломатияда давлат идораларидан ташқари, бизнес тузилмалари ҳам, фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнаши керак. Бундай шароитда глобал ахборот соҳаси доирасида ҳар иккала давлат ҳам, юқорида қайд этилган жаҳон сиёсатининг янги "актёрлари" иштирок этадиган халқаро ҳамкорлик ва дипломатиянинг янги, кўп босқичли моделлари пайдо бўлмоқда.

Мамлакат самарали ва инновацион ривожланиши учун рақамли соҳада "юмшоқ" кучни мустаҳкамлаш ва илм-фан, технология ва таълимни ривожлантиришга қаратилган янги ташқи сиёсий лойиҳалар зарур. Бундай лойиҳаларни амалга оширишда давлат нафақат таҳдидларни, балки электрон ахборот муҳити тақдим этаётган имкониятларни ҳам ҳисобга олиши керак.

Бундай имкониятларни аллақачон ишлаб чиқилган ва истиқболли рақамли дипломатия воситалари тақдим этади. Шу билан бирга, ахборот технологиялари ўзгариши мумкин, айни пайтда, улар тобора кучайиб борувчи тармоқ марказлилигини глобал дунё тартибига олиб кириб, бугунги жамиятнинг асосий технологик маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Ташқи сиёсий мақсадларни амалга ошириш вазифаларига давлатнинг етакчи ва мувофиқлаштирувчи роли билан хусусий сектор ва фуқаролик жамияти вакилларини жалб қилиш зарур. Шу билан бирга, миллий ва халқаро миқёсда ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг масъулияти ва ваколати бўлиб қолмоқда.

Ахборот маконида рақамли дипломатия етарли интеллектуал, технологик ва ташкилий ресурслар киритилиши шарти билан жаҳон миқёсида миллий манфаатларни илгари суришнинг илғор воситасига айланиши мумкин.

Рақамли дипломатиянинг асосий илмий йўналишлари қуйидагилар:

- билимларни бошқариш: идораларда ва умуман, ҳукуматда тўпланган билимларни қўллаш самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, ушбу билимлар уни тақсимлаш учун керакли тарзда тўпланиши ва ишлатилиши ҳамда чет элда миллий манфаатларни таъминлаш учун мақбул қўлланилиши;

- жамоат дипломатияси: жамоатчилик билан алоқаларни сақлаш, жамоатчилик фикрини ҳар томонлама баҳолаш, жамиятнинг муҳим қатламларига муҳим хабарларни юбориш ва интернетдаги нуфузли шахсларга таъсир ўтказиш учун янги алоқа воситаларини улаш;

- ахборот менежменти: керакли маълумотларнинг ҳокимият ва бошқарув органларининг қарор қабул қилувчиларига етказилиши ҳамда мамлакатлар ва минтақаларда пайдо бўлаётган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга муносиб жавоб беришини таъминлаш учун кенг ва хилма-хил ахборот оқимларини бирлаштиришга кўмаклашиш;

- консуллик ёрдами: чет элда бўлган ватандошлар билан тўғридан-тўғри алоқа каналларини яратиш;

- фавқулодда вазиятларда жавоб бериш: янги пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш учун АКТ имкониятларини кучайтириш;

- интернет эркинлиги: интернетдан фойдаланиш эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш технологиясини илгари суриш;

- ташқи манбалар: технологияларни ривожлантириш ва ҳукумат топшириқларини бажаришда ташқи эксперт ресурсларини кузатиш ва улардан фойдаланиш учун онлайн режимларни ишлаб чиқиш;

- сиёсий режалаштириш: ҳукумат тузилмаларида ташқи сиёсатни самарали мувофиқлаштириш ва режалаштириш имкониятларини таъминлаш [2, 3].

Турли хил давлатлар томонидан, айниқса, иттифоқчилик муносабатларидаги янги усулларни ишлаб чиқишда, онлайн равишда муайян ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича алоҳида қўшма дастурлар пайдо бўлиши мумкин. Шундай қилиб, "рақамли дипломатия", аслида, жуда янги, ҳам ўзаро боғлиқ бўлган вазифаларни назарда тутади, ҳам янги, ҳам анъанавий, лекин АКТ ёрдамида интернетда ҳал қилинади.

Ушбу муносабатларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, Тошкентнинг Марказий Осиёда юритаётган очиқ ва конструктив ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда Брюссель минтақамизга нисбатан ўз сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқди. Бу ЕИнинг 2019 йилда қабул қилинган Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегиясида ўз аксини топди. Мазкур ҳужжатда минтақалараро ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий барқарорлиги ва изчил тараққиётини Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. Бу эса Ўзбекистоннинг ташқи имижини янада оширишга туртки бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДҲнинг 84 органидан мақсад-вазифалари миллий манфаатларга жавоб берадиган 40 дан ортиғида иштирок этмоқда. Сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон МДҲ Иқтисодий кенгаши, Ҳамдўстлик Парламентлараро Ассамблеяси ва МДҲнинг 18 та соҳавий органига қўшилди.

2020 йилда Ўзбекистон МДҲ ташкил топганидан буён биринчи маротаба Ҳамдўстлик раислигини қабул қилгани ва уни муваффақиятли амалга ошираётгани кўп нарсадан далолат беради. Ташаббускорлиги ва прагматизми билан ажралиб турадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) фаолиятида ҳам Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Тошкентнинг ташкилотдаги янги фаол курси шарофати билан 2017 йилдан буён Ўзбекистоннинг ШҲТдаги хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, илм-фан, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган 10 дан ортиқ ташаббуси амалга оширилди.

Ўзбекистон ШҲТда янги платформаларни яратиш бўйича ташаббускорга айланди. ШҲТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг учрашуви, Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли" халқаро туризм университетини ташкил этиш шулар жумласидан.

Ташқи сиёсатнинг яна бир йўналиши - Осиё-Тинч океани минтақаси Ўзбекистон учун инвестициявий ва иқтисодий ҳамкорлик ва янги бозорларни ўзлаштириш нуқтаи назаридан муҳимдир. Сир эмаски, айнан ушбу минтақа жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган маркази бўлиб, бу ерда юқори технологияларнинг йирик экспорт ва импорт қилувчилари жойлашган. Бугунги кунда Хитой билан сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, маданий, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлигимиз жадал ва ўзаро манфаатли асосда ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашувлар, шу жумладан, давлат раҳбарларининг 2017-2020 йиллардаги музокаралари натижасида, Ўзбекистон-Хитой стратегик шерикчилиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. 2019 йилда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялари ҳажми 9,8 миллиард доллардан ошди, 100 миллион долларга яқин миқдорда турли грантлар жалб этилди.

Ўзбекистон очиқ ташқи сиёсатини жадал илгари суришни бошлаши билан мамлакатимиз етакчи давлатлар билан "Марказий Осиё + Россия Федерацияси", "Марказий Осиё + Хитой Халқ Республикаси", "С5 + 1" (АҚШ), "Марказий Осиё + Япония", "Марказий Осиё + Корея Республикаси", "Марказий Осиё + Европа Иттифоқи" ҳамкорлиги доирасида минтақавий мулоқотнинг турли форматларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Бундай форматларнинг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар архитектураси, сиёсий ва иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг глобал жараёнлари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимини шакллантиришда Мар-

казий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон ўтган қисқа даврда Туркий кенгашдаги иштироки доирасида қатор муҳим ташаббусларни амалга оширишга эришди.

Мамлакатимизнинг Туркий кенгашда иштироки нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ ва Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайишига хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси сессияси тарихида биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтаётганлигини қайд этди. "Бундай глобал фалокат сайёрамизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади" [4]. Қолаверса, "Шу йўлда барчамиз ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлигини чуқур англадик. Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир", дея таъкидлади Президент [5].

Халқаро журналист Беруний Алимовнинг илмий изланишларида келтириб ўтилган фикрлар асосида давлатнинг ижобий қиёфасини яратишдан кўзланадиган асосий мақсад ва вазифалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- халқаро миқёсда эътироф ва ишончга сазовор бўлиш;
- ўзининг ички ва ташқи муаммоларини халқаро миқёсга олиб чиқиш;
- ихтилофли вазиятларда халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари қиёфасида таянч ёки ҳамкорларга эга бўлиш;
- жаҳон бозорига чиқиш, ўз маҳсулот ва хизматларининг рақобатбардошлигига эришиш ва аксинча, импорт сифатини имтиёзли шартларда ошириш;
- халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан ўз позициясини халқаро ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектларига сингдира олиш;
- мамлакат инфраструктурасини ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш ва б.

Юқоридаги вазифалар билан давлатнинг халқаро имижини шакллантириш жараёнининг асосий мақсадли аудиториялари шартланади:

- халқаро ҳуқуқ манбалари ёки субъектлари бўлган халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари (БМТ, ЮНЕСКО);
- халқаро ихтисослашган ташкилотлар (иқтисодиёт, молия, савдо, маданият, спорт, маориф, касбий фаолият соҳаларида);
- хорижий давлатларнинг сиёсий элитаси;
- хорижий инвестор ва акциядорлар;
- халқаро жамоат ташкилотлари;
- профессионал қизиқиш доираси шу давлатни ўз ичига оладиган экспертлар ҳамжамияти (молиявий ва тармоқли таҳлилчилар, сиёсатшунослар, жамиятшунослар, иқтисодчилар, журналистлар ва ҳ.к.);
- субъект давлатга боғлиқ қизиқиш ва эҳтиёжларга эга халқаро ҳамжамият вакиллари (бошқа мамлакат фуқаролари), шу жумладан, потенциал ва реал туристлар, шунингдек, умуман, хорижий давлатлар аҳолиси.

Давлатнинг халқаро имижини мустаҳкамловчи иқтисодий унсурларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- эълон қилиб бориладиган статистик кўрсаткичлар, халқаро рейтинглар;
- ижобий ҳиссиётлар келтириб чиқарувчи брендларнинг қўлланиши;
- экспорт қилинаётган товар ва хизматлар, реклама компанияларининг ўтказилиши (мамлакат, корпорация, алоҳида лойиҳалар доирасида);
- фонд бозорларида тақдим этилган корхоналар ва уларнинг молиявий кўрсаткичлари;
- илмий ютуқлар, кашфиётлар, илмий мукофот ва жамғармаларнинг ташкил этилиши, халқаро илмий тадбирларнинг ўтказилиши;

- мамлакат ҳақида туристик қўлланма ва маълумотномаларнинг нашр этилиши;
- сиёсат, иқтисодиёт, маданият етакчилари, экспертлар, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда улар билан ўтказиладиган интервью ва суҳбатлар.

Хулоса шуки, Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришни фаоллаштириш республиканинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатидаги энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. //www.lex.uz

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 8-илова. //www.lex.uz

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонига илова. //www.lex.uz

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: "Ўзбекистон", 2019. -64 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

6. http://kun.uz/

7. http//www.press-service.uz/

8. http//www.uza.uz/

9. Алимов Б. Замонавий медиа муҳитда ПР-хизматлар. – Т.: "Ўзбекистон". 2020. – 136 б.

Халқаро майдонда Ўзбекистон имижини кенг тарғиб қилиш масалалари

Мансур Юнусов,
PhD (филология фанлари бўйича), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти в.в.б

Аннотация: *мақолада Ўзбекистоннинг 2017 йилдан бугунги кунга қадар халқаро майдонда олиб бораётган сиёсати, халқаро имижи ва ислоҳотлар жараёни хусусида сўз юритилган. Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни, халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимизга берилаётган ижобий баҳолар ва тезкор ўзгаришлар ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *глобаллашув, имиж, халқаро имиж, стратегия, инвестиция, демаркация, модернизация, декларация, инновация.*

Вопросы широкой пропаганды имиджа Узбекистана в международном пространстве

Мансур Юнусов,
PhD (по филологическим наукам), и.о. доцента Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье представлены комментарии, предложения и достижения относительно политики Узбекистана на международной арене с 2017 года, его международного имиджа и процесса реформ. Предоставляется информация о роли Узбекистана в международном сообществе, положительной оценке нашей страны международными организациями и стремительных изменениях.*

Ключевые слова: *глобализация, имидж, международный имидж, стратегия, инвестиции, демаркация, модернизация, декларация, инновации.*

Issues of broad propaganda of the image of Uzbekistan in the international arena

Mansur Yunusov,
PhD (in Philology), the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article provides comments, suggestions and achievements on the policy of Uzbekistan in the international arena since 2017, its international image and the reform process. Information is provided on the role of Uzbekistan in the international community, the positive assessment of our country by international organizations and the rapid changes.*

Key words: *globalization, image, international image, strategy, investment, demarcation, modernization, declaration, innovation.*

Муроджон МУСТОФАЕВ,
Ташқи ишлар вазирлиги ходими

ЯНГИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТГА АЪЗОЛИК: ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижаси республиканинг ташқи сиёсатида ҳам ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан алоқаларнинг илиқлашуви ва янги босқичга олиб чиқилганлиги, хорижий ҳамкорлар билан барча соҳаларда очиқлик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида олиб борилаётган ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг нафақат минтақада, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг янада мустаҳкамланиб боришига хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан бир қаторда, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасида кўп томонлама дипломатия инструментларидан самарали фойдаланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан БМТ, ШҲТ, МДҲ, Туркий кенгаш ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурилаётган ташаббус ва таклифлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (қисқартирилган номи – Туркий кенгаш) сўнгги йилларда Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланади. Туркий кенгаш 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида бўлиб ўтган Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарларининг йиғилишида Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Н.Назарбоев ташаббуси билан таъсис этилган. Венгрия 2018 йилдан бошлаб, ушбу Ташкилотда кузатувчи давлат ҳисобланади. Туркманистон туркий тилли давлат ҳисобланса-да, ўзининг нейтрал давлат сифатидаги мавқеидан келиб чиқиб, ташкилотга аъзо сифатида кирмаган.

Ушбу ташкилот таъсис этилганидан кейин ўн йил ўтгач, Ўзбекистон унга аъзо бўлиб кирди. 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистоннинг Чолпон-Ота шаҳрида Туркий кенгашга аъзо давлатларнинг 6-саммити бўлиб ўтди ҳамда ташкилот тарихида биринчи марта ушбу тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга келгусида кириши тўғрисидаги илк фикр айнан мана шу саммит давомида давлат раҳбари томонидан айтилган эди.

Орадан бир йил ўтгач, 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ҳамда ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди [1].

Ўзбекистоннинг Туркий Кенгашга аъзо бўлиб кириши ташкилотга фаол ташаббускорлик руҳини олиб кирди. Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан минтақавий халқаро ташкилотлар ҳисобланувчи ШҲТ ва МДҲ доирасида ўзаро кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, Туркий кенгашга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари ҳисобланади ва бу омил, ўз навбатида, Туркий Кенгашни минтақадаги энг фаол ва самарали кўп томонлама тузилма сифатида шакллантиришга имкон яратади.

Ўзбекистон ўз минтақасидаги барча Марказий Осиё давлатлари, қолаверса, Афғонистон билан чегарадош бўлган ягона давлат эканлигини инобатга олсак, Туркий кенгашга аъзо бўлиши билан Ўзбекистон минтақавий кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга кириши билан ташкилот янги ва

муҳим аъзога эга бўлди ва бу, ўз навбатида, унинг мавқеини оширади [2].

Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзо бўлишининг дастлабки кунлариданоқ Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилот доирасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, 2019 йил 15 октябрда Бокуда бўлиб ўтган Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг 7-саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан технопарклар, инновацион стартап компаниялар ва венчур фондлар ташкил этиш, шунингдек, қўшма инвестицион фонд ва туркий тилли давлатларда савдо уйларини очиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Саммит давомида илгари сурилган бешта ташаббус Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни барча соҳаларга кенг жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида жаранглади.

Давлат раҳбари саммит давомидаги нутқида Туркий кенгашда иштирок этиш ўзбек халқининг туб манфаатларига тўлиқ мос келиши, маданий алоқалар билан бир қаторда, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ҳам янги даражага чиққанлигини қайд этди. Ўтган уч йил давомида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми икки марта ошиб, мингдан ортиқ қўшма корхоналар ташкил қилинганлигини таъкидлади [3].

Экспертлар Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистон учун сезиларли иқтисодий дивидендларни олиб келиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Бугунги кунда Туркий кенгашнинг умумий аҳолиси сони 115 млн. кишидан, ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 1,1 трлн. долллардан ортиқ бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни экспорт қилиш учун истиқболли бозор ҳисобланади. 2018 йилда Туркий кенгаш давлатлари ўртасидаги товар айланмаси 2015 йил билан таққослаганда 29%га ўсиб, 7 млрд. долларга етган. 2016 йилдан буён Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси ҳажми 40%га ўсган. Экспертларнинг баҳолашича, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо айланмасини йилига 12 млрд. долларгача ошириш имкониятлари мавжуд [4].

2019 йил 5 октябрда Тошкентда туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ҳамда Инвестиция форуми бўлиб ўтди. Тадбирда Туркий кенгашга аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг 300 га яқин вакили иштирок этди. Мазкур тадбирларни ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилда Чолпон-Ота шаҳрида бўлган саммитда илгари сурилган эди. Мазкур тадбирда ташкилотга аъзо давлатлар Савдо-саноат палаталари раҳбарлари ва Туркий кенгаш Бош котиби Б.Амреев ҳам иштирок этди. Ушбу тадбир давомида билдирилган фикр ва мулоҳазалар Туркий кенгаш доирасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида алоқаларни келгусида ривожлантириш учун асосий йўналишларни белгилаб берди. Туркий кенгаш Бош котиби Б.Амреев ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиёти кўпроқ нефть ва газ нархига боғлиқ бўлиб қолганлигини қайд этиб, рискларни камайтириш мақсадида кўпроқ эътиборни аъзо давлатлар ўртасида ўзаро савдо, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратиш кераклигини таъкидлади.

"Атамекан" қозоғистонлик тадбиркорларнинг Миллий палатаси бошқаруви раиси А.Мырзахметов Қозоғистоннинг транзит салоҳиятидан фойдаланиш орқали Туркий кенгаш давлатларининг Россия ва ЕОИИга аъзо бошқа давлатларнинг бозорларига чиқиш имконияти мавжудлиги ҳақида фикр билдирган. Озарбайжон ҳамда Қирғизистон бизнес вакиллари ҳам асосий ўринда логистика, замонавий бизнес инфратузилмани яратиш ҳамда божхона тартиб-қоидаларини соддалаштиришдан манфаатдор эканликларини қайд этишган [5].

Бундан ташқари, транспорт коридорлари ва халқаро юкларни ўтказишда транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича Туркий кенгашга аъзо давлатлар катта имконият ва ресурсларга эга. Ташкилотга аъзо

давлатларнинг транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш Ўзбекистонга Европа бозорларига чиқиш учун шароит яратади. Бунда "Боку – Тбилиси – Карс" (БТК) темир йўли орқали боғланган транспорт коридори муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ушбу лойиҳага қўшилиши Европа мамлакатларига транзит юкларни етказиш бўйича ("Тошкент - Туркменбаши порти - Ахалкалаки – Карс" йўналиши) олиб борилаётган ишларни фаоллаштиришга имкон яратиб, Осиё ва Европани боғловчи "Мармара" туннелига олиб чиқади. Ушбу йўналиш ҳар йили 3 миллионга яқин йўловчи ҳамда 17 миллион тонна юк ташиш имкониятига эга. Шунингдек, келгусида "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўли лойиҳасининг қурилиши амалга ошиб, ушбу темир йўл БТК билан боғланса, тарихда Хитойдан Европагача чўзилган қадимги Буюк Ипак йўлининг тикланишига муҳим қадам қўйилган бўлади [6]. Ҳозирги кунда ушбу темир йўлнинг қурилиши лойиҳалигича қолмоқда.

Туркий кенгаш давлатлари ўртасида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамкорлик йўналишларидан ташқари, туризмни ривожлантириш учун ҳам бир қатор имкониятлар мавжуд. Туризм соҳасини ташкилот доирасида янада ривожлантириш мақсадида 2018 йил 7-8 август кунлари Астанада бўлиб ўтган Туркий кенгашга аъзо давлатларнинг туризм ишлари бўйича вазирларининг тўртинчи йиғилишида Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия давлатлари "Замонавий Ипак йўли" номли қўшма турпакет лойиҳасини йўлга қўйишга келишган эдилар [7]. Мазкур лойиҳадан асосий мақсад Буюк Ипак йўлида жойлашган туркий тилли давлатларнинг бой тарихий маданий меросини кўрсатишдан иборат. Ушбу лойиҳа сайёҳларга бир вақтнинг ўзида бир нечта давлатга ёки алоҳида-алоҳида саёҳат қилиш имкониятини яратади. Экспертларнинг фикрича, "Осиё шенгени" деб таърифланаётган ушбу турпакет лойиҳасининг маркетинг ҳамда реклама стратегиялари мукаммал ишлаб чиқилган тақдирда, у дунёда машҳур туризм брендига айланиши ва қисқа муддатларда ижобий натижалар келтириши таъкидланган. Ўзбекистон ушбу лойиҳанинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаётган бўлса-да, ҳозирча унда иштирок этгани йўқ. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон томонидан Туркий кенгашга аъзо давлатлар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Айниқса, бугунги кунда бутун жаҳон соғлиқни сақлаш тизимига жиддий путур етказиб, давлатларнинг иқтисодиётига катта миқдорда зарар етказаётган "COVID-19" пандемияси шароитида туризм соҳаси энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири ҳисобланади.

2020 йилнинг 23 июнь куни видеоконференция шаклида Туркий кенгашга аъзо давлатлар туризм ишлари бўйича вазирларининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу тадбир "COVID-19" пандемияси шароитида туризм соҳасида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр алмашиш учун муҳим роль ўйнади. Пандемия шароитида туризм соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган муҳим ишлар қайд этилиб, "Uzbekistan. Safe travel Guaranteed" ("Ўзбекистон. Кафолатланган хавфсиз туризм") деб номланувчи санитар эпидемиологик хавфсизлик тизимининг ишга туширилгани тўғрисида таъкидланган. Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, Ўзбекистонда туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг объектларини бепул дезинфекция қилиш ва Ўзбекистонга саёҳат қилиш давомида коронавирус билан касалланган хорижлик сайёҳларга уч минг долларлик конпенсация тўлаб берилиши кўзда тутилган. Туркий кенгаш аъзоларини қизиқтирган энг муҳим чора-тадбирлардан бири мамлакатда ишга туширилган "Uzbekistan. Safe travel Guaranteed" тизими бўлди. Мазкур тизимни ишлаб чиқишда ўрта асрларда яшаб ўтган машҳур олим ва табиб Абу Али ибн Синонинг "Фи тадбир ал-мусофирин" ("Саёҳатчилар учун чора-тадбирлар") номли қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, бундан минг йиллар олдин ушбу қўлланмада қадимда сайёҳларнинг асослантирилган эпидемиологик ва санитар қоидаларга риоя қилишлари тўғрисида ёзилган [8]. Мазкур тадбир давомида Ўзбекистон томонидан туркий тилли давлатларда ўтказиладиган маданий

тадбирларнинг Ягона календарини ишлаб чиқиш ва аъзо давлатларнинг туристик салоҳиятини кўрсатишга мўлжалланган махсус телеканал яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Туркий тилли давлатларнинг барчаси мусулмон давлатлари эканлигини инобатга олсак, шунингдек, ушбу давлатлар ҳудудларида муқаддас диний қадамжоларнинг кўплиги томонлар ўртасида зиёрат туризмини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Туризм соҳасида зиёрат туризмини ривожлантириш келгусида Туркий кенгаш доирасидаги истиқболли йўналишлардан бирига айланиши учун кенг имкониятлар мавжуд.

2019 йил давомида Ўзбекистонга ташриф буюрган 6,7 млн. сайёҳдан 52% (3,8 млн.) сайёҳ Туркий кенгаш давлатлари ҳисобига тўғри келган [9]. Ушбу рақамлар Ўзбекистонда туризмнинг келгусидаги истиқболлари Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан ҳамкорликнинг ривожланиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ташкилотга аъзо давлатлар билан бошқа йўналишлардаги алоқаларнинг кенгайиши туризмнинг ривожланишига замин ҳозирлайди.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини ларзага солиб, давлатлар иқтисодиётига катта миқдорда зарар етказаётган COVID-19 пандемияси Туркий кенгашга аъзо давлатларни ҳам четлаб ўтмади.

Шу муносабат билан, 2020 йилнинг 10 апрель куни Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг видеоконференция шаклида "COVID-19 пандемиясига қарши курашда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик" мавзуида навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Ушбу олий даражали тадбирда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Т.А. Гебрейесус ҳам иштирок этди ва Туркий кенгаш доирасида ушбу тадбирнинг пандемия билан курашишда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Саммит давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қуйидаги муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди:

- Туркий кенгаш доирасида доимий фаолият кўрсатадиган қўшма эпидемиологик кузатув тизимини шакллантириш;

- ташкилотга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, диагностика, даволаш, эпидемиологик ўрганиш ва илмий изланишлар бўйича маълумот ва тажриба алмашувини кенг йўлга қўйиш;

- Туркий кенгаш котибиятида пандемияга қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳни тузиш ва ушбу гуруҳ давлатларда фаолият юритаётган миллий штаблар билан яқин амалий алоқалар ўрнатиш;

- ҳозирги ғоят мураккаб шароитда қардош халқларни зарур озиқ-овқат ва мева-сабзавот, дори-дармон, тиббиёт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида юк ташиш ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш ҳамда чегара пунктларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тартибини соддалаштириш;

- логистика ва транспорт соҳаларидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш занжирини сақлаб қолиш учун транспорт вазирларидан иборат Ишчи гуруҳини ташкил этиш;

- коронавирус талафотларини юмшатиш учун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида халқаро ташкилотлар кўмаги муҳимлигини инобатга олиб, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва Туркий Кенгаш ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш [10].

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган юқоридаги таклифлар пандемия даврида Туркий кенгаш давлатлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган энг муҳим соҳалар ва йўналишларни қамраб олган.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг мутасадди вазирлик ва идораларининг раҳбар ходимлари, экспертлари ва мутахассислари ўртасида бир қатор йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар амалиётда ўз ифодасини топа бошлади. Хусусан, Туркий кенгаш доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида Мувофиқлаштирувчи қўмита ташкил қилиниб, ташкилотга аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида коронавирус инфекциясини ташхислаш ва даво-

лаш, оғир аҳволдаги беморларни парваришлаш, вирусга қарши курашаётган тиббиёт ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда эпидемиологик вазиятни бошқаришда электрон тизимларни жорий қилиш каби бир қатор тиббиётнинг муҳим йўналишларида тажрибалар алмашилмоқда [11].

Пандемия шароитида Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслардан бири бу – Туркий кенгаш давлатлари ўртасида транспорт воситаларининг ўзаро ҳаракатланишига амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги эди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш мақсадида транспорт вазирларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳи ташкил этилди ва 2020 йил 30 апрель куни унинг биринчи йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди. Томонлар бирламчи зарур маҳсулотлар ҳисобланган озиқ-овқат ва мева-сабзавот, доридармон, тиббиёт воситалари ва асбоб-ускуналарнинг мамлакатлараро узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, COVID-19 пандемияси даврида Транскаспий йўлаги орқали юк етказиб бериш занжирининг узилишларсиз фаолият юритишини ташкил қилиш масалаларини муҳокама қилишди. Ушбу мақсадлар учун Марказий Осиё – Кавказ – Европа мультимодал транспорт йўлагидан биргаликда фойдаланишни фаоллаштириш лозимлиги таъкидланиб, квоталар, транзит божлари, ҳайдовчилик визаларини тақдим этиш орқали томонларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятлари, Каспий денгизи орқали юк ташиш нархларида чегирмалар бериш, зарур ҳолларда қўшимча (икки томонлама/транзит) рухсатномаларни тақдим этиш ва ўзаро келишув асосида транзит учун тўловларни бекор қилиш жараёни кўриб чиқилган эди [12]. Транспорт соҳасида олиб борилаёган ишларнинг мантиқавий давоми сифатида 2020 йил 17 ноябрь куни Ўзбекистон ва Қозоғистон божхона органлари ва транспорт муассасалари ўртасида халқаро юкларни ташишда "eTIR" электрон китобчасидан фойдаланиш бўйича дастлабки пилот лойиҳа Ўзбекистоннинг "Арк булоқ" божхона постида ишга туширилди. Ушбу электрон лойиҳани ишга туширишдан мақсад халқаро юкларни ташиш тизимини рақамлаштириш, божхона тартиб-қоидаларини ва юк ташувчилар дуч келаётган тўсиқларни бартараф этишдан иборат бўлиб, чегарада юкларни божхона расмийлаштирувларисиз ўтиш имконини беришдан иборат. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ишга туширилган ушбу лойиҳанинг келгусида Туркий кенгашга аъзо бошқа давлатлар ўртасида йўлга қўйилиши ҳам режалаштирилмоқда [13].

Шунингдек, 2020 йил 11 сентябрь куни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва Туркий кенгаш ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув Меморандумининг имзоланиши билан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус амалга ошди [14]. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши соғлиқни сақлаш соҳасида Туркий Кенгаш ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Туркий кенгаш шафелигида фаолият кўрсатувчи: Халқаро Туркий Маданият Ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТУРКПА) ва Халқаро Туркий Академия (ХТА) каби халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

2019 йилнинг 30 ноябрь куни ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри турк дунёсининг маданий пойтахти деб эълон қилинди. Хива шаҳрига бу мақомни бериш таклифи 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистонда ўтказилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VI саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган эди [15]. Мазкур ташаббус доирасида ТУРКСОЙ томонидан халқаро дастур ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистонда бир қатор маданий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Қонунчиликни ривожлантириш ва парламентлараро алоқаларни кенгайтириш мақсадида 2019 йил 17 декабрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган ТуркПАнинг тўққизинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбаева иштирок этди. Тадбир давомида Сенат раҳбарини қабул қилган Озарбайжон Президенти И.Алиев ўзбек томонининг ушбу тадбирда иштирок этишини туркий тилли давлатлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини

ривожлантиришга қўйилаётган муҳим қадам сифатида таъкидлади [16].

Юқорида келтирилган далиллар Ўзбекистоннинг Туркий Кенгаш доирасидаги фаолияти кенг қамровли ва барча ҳамкорлик йўналишларини ўз ичига олганлигини кўрсатади. Туркий кенгаш бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлардан фарқли равишда, алоҳида соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан чекланмасдан, ўзининг таъсис ҳужжатларида туркий тилли давлатлар ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорликни комплекс тарзда ривожлантиришни ва кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу боисдан, мазкур ташкилот доирасида Ўзбекистоннинг келгусидаги ҳамкорлигининг истиқболларини илмий жиҳатдан ўрганишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш ва шу асосда тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу ўринда, Туркий кенгаш доирасида келгусида ривожланиши мумкин бўлган қуйидаги истиқболли йўналишларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни бериш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Биринчидан, маданий-гуманитар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик – ташкилотга аъзо давлатлар ўрасидаги тил ва маданият жиҳатдан яқинлик, халқлар ўртасидаги ўзаро қардошлик алоқалари нафақат маданий соҳадаги алоқаларни, қолаверса, бошқа йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам бирламчи ва фундаментал омил ҳисобланади. Шунингдек, пандемия сабабли юзага келган вазият ва унинг оқибатларига қарши курашишда Туркий кенгаш доирасида юқорида кўрсатиб ўтилган соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган келишувлар ва ишлаб чиқилган механизмлар бу йўналишдаги ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик – Туркий кенгашга аъзо давлатларнинг барчаси транспорт соҳасида ўзига хос транзит потенциалига эга давлатлар ҳисобланади. Ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг халқаро юкларни ташишда транзит ва транспорт коридори сифатидаги салоҳиятини ошириб, ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ва янги бозорларни очишда муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, инвестиция ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик – Ташкилотга аъзо давлатларнинг географик жиҳатдан ўзаро яқинлигини инобатга олиб, истиқболли лойиҳаларга инвестициялар киритиш, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмак берувчи механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг самарали воситаларини яратишга эришилса, Туркий кенгаш иқтисодий дипломатия соҳасида ҳам мустаҳкам платформага айланиши мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. https://lex.uz/ru/docs/4512282

2. Абдуллаев Ш. Узбекистан в Тюркском совете: общность интересов, возможности и потенциал сотрудничества //Халқаро муносабатлар. 2019, №2. - С. 9.

3. https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/15/summit/

4. http://www.isrs.uz/ru/yangiliklar/press-reliz-o-provedenii-v-ismi-kruglogo-stola-posvasennogo-prisoedineniu-respubliki-uzbekistan-k-sovetu-sotrudnicestva-turkoazycnyh-gosudarstv

5. https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/05/forum/

6. http://www.isrs.uz/ru/yangiliklar/press-reliz-o-provedenii-v-ismi-kruglogo-stola-posvasennogo-prisoedineniu-respubliki-uzbekistan-k-sovetu-sotrudnicestva-turkoazycnyh-gosudarstv

7. https://www.spot.uz/ru/2018/08/10/silk-road-visa/

8. https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=1237

9. Шу ерда.

10. www.un.int/uzbekistan/fr/news/президент-республики-узбекистан-принял-участие-во-внеочередном-саммите-тюркского-совета

11. https://t.me/ssvmatbuotkotibi/2524

12. https://mintrans.uz/uz/news/turkiy-kengashga-a-zo-davlatlar-transport-vazirlari-videokonferensiya-shaklida-yig-ilish-o-tkazdi;

13. https://dunyo.info/ru/site/inner?slug=tsifrovizatsiya_vsey_sistemi_dorozhnih_perevozok_%E2%80%93_v_tsentre_vnimaniya_tyurkskogo_soveta-Nk5

14. http://uzbekistan-geneva.ch/v-zbekiston-respublikasi-prezidenti-tashabbusi-bilan-turkij-tilli.html

15. http://uza.uz/uz/posts/khiva-2020-yilda-turk-dunyesi-madaniyati-poytakhti-04-12-2019;

16. https://azertag.az/ru/xeber/Predsedatel_Senata_Olii_Mazhlisa_Uzbekistana_pribyla_v_Azerbaidzhan.

Янги халқаро ташкилотга аъзолик: янги ташаббуслар ва истиқбол

Муроджон Мустофаев,
Ташқи ишлар вазирлиги ходими

Аннотация: *Ўзбекистон ва Туркий кенгаш ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги нисбатан янги йўналиши ҳисобланади. Шу боисдан, бугунги кунда Туркий кенгаш ташкилотида Ўзбекистоннинг фаолияти ва илгари сурган ташаббуслари назарий ва илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Мазкур Ташкилот доирасида истиқболли йўналишларни белгилаш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш келгусида Ўзбекистоннинг Ташкилотга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга замин ҳозирлайди. Шу сабабли, ушбу мақолада Ташкилот доирасида Ўзбекистоннинг иштироки ва ташаббуслари таҳлил қилинган ҳамда ривожлантирилиши мумкин бўлган истиқболли йўналишлар бўйича тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Туркий кенгаш, халқаро ташкилот, кўп томонлама дипломатия, стратегик ҳамкор, туркий тилли давлатлар, савдо айланмаси, транспорт коридорлари, аъзо давлатлар, саммит, минтақавий ташкилотлар, катализатор.*

Членство в новой международной организации: новые инициативы и перспективы

Муроджон Мустофаев,
сотрудник Министерства иностранных дел

Аннотация: *сотрудничество между Узбекистаном и Тюркским советом – относительно новое направление международных отношений страны. В связи с этим, деятельность и инициативы Узбекистана в Тюркском совете научно и теоретически не изучены. Выявление, научное исследование и реализация перспективных направлений в рамках организации откроют путь для дальнейшего расширения и укрепления сотрудничества между Узбекистаном и государствами-членами организации. Поэтому в данной статье анализируются участие и инициативы Узбекистана в организации и даются рекомендации по перспективным направлениям развития.*

Ключевые слова: *Тюркский совет, международная организация, многосторонняя дипломатия, стратегический партнер, тюркоязычные страны, торговый оборот, транспортные коридоры, государства-члены, саммит, региональные организации, катализатор.*

Membership in a new international organization: new initiatives and prospects for the future

Murodjon Mustofaev,
Ministry of Foreign Affairs'

Abstract: *cooperation between Uzbekistan and the Turkic Council is a relatively new direction of the country's international relations. In this regard, the activities and initiatives of Uzbekistan in the Turkic Council have not been studied theoretically and scientifically. Identification, research and implementation of the promising directions within the Organization will open the way for further expansion and strengthening of cooperation between Uzbekistan and the member states of the Organization. Therefore, this article analyzes the participation and initiatives of Uzbekistan in the Organization and provides recommendations on promising areas of development.*

Key words: *Turkic Council, international organization, multilateral diplomacy, strategic partner, Turkic-speaking countries, trade turnover, transport corridors, member states, summit, regional organizations, catalyst.*

Академия ҳаётидан / Из жизни академии / Academy life

Президент Мурожаатномасига бағишланган давра суҳбати

4 январь куни Давлат бошқаруви академиясида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида кўтарилган масалаларга бағишланган "Янги Ўзбекистон: синовлардан зафарлар сари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мурожаатномада сўз юритилган масалаларни атрофлича ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир Давлат бошқаруви академияси томонидан Бош прокуратура Академияси ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш, Коррупцияга қарши курашиш, Ёшлар ишлари бўйича агентликлар раҳбарлари, Савдо-саноат палатаси ходимлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

"Лидерлик салоҳиятини ривожлантириш" мавзуида онлайн семинар-тренинг

Академия ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ўртасидаги "Ўзбекистон Республикаси давлат секторида инновацияларни жорий этиш мақсадида Академия салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида 15-26 февраль кунлари Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш миллий институти (NHI) томонидан профессор-ўқитувчи ва ходимлар учун "Лидерлик салоҳиятини ривожлантириш" мавзуида онлайн семинар-тренинг ташкил этилди.

Мазкур семинар-тренинг доирасида Жанубий Кореянинг етакчи вазирлик ва идоралари, шунингдек, Кореянинг илмий марказлари (Korean Ministry of personal management, Korean Ministry of Education NHI, Korea Institute of Public Administration (KIPA), Seoul National University (SNU), Korea Advanced Institute of Science and Technology (KAIST), Incheon National University, Seoul National science and technology university)нинг 20 дан ортиқ мутахассислари иштирокида сессиялар бўлиб ўтди.

Сессияларда "Ҳаракат дастурлари"ни ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви, бошқарув сиёсати, давлат ташкилотларининг хусусий венчур бошқаруви услуби, стратегия ва инсон ресурсларини ривожлантириш, лидерлик, давлат хизматчилари қадриятлари, дизайн ва аналитика сингари масалалар хусусида сўз борди.

Маҳалла – тараққиёт таянчи

Академия профессор-ўқитувчилари январь-февраль-март ойлари давомида республиканинг аксарият ҳудудлари бўйлаб "Маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимини жорий этиш мавзуида интенсив семинар-тренинг машғулотлари олиб бордилар. Унда маҳаллалар раислари ва уларнинг ўринбосарлари, секторлар раҳбарлари ва штаб котиблари, "маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича иқтисодий ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Профессор-ўқитувчилар республика вилоятларида жорий этилаётган уч бўғинли "маҳаллабай" янги тизимининг мазмун-моҳияти, "Маҳалла раиси – ислоҳотчи" тамойилининг йўлга қўйилиши, секторларда ташкил этиладиган бошқарув офислари, ишчи ва мувофиқлаштирувчи гуруҳларнинг таркиби ва уларга юклатилган вазифалар, маҳалла раисининг янги мақоми, унинг билим даражаси ва касбий салоҳияти, оилалар билан ишлашдаги тартиб-таомиллар каби кенг қамровдаги суҳбат ва амалий машғулотлар ўтказишди.

"Сиёсий маърифат соати" дарслари

Академияда ҳар ҳафта жума кунлари ташкил этилган сиёсий маърифат соати дарсларида маърузачилар ҳокимликлар ва турли давлат ташкилотлари раҳбар ходимларига Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўз юритилган масалалар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда соҳада учраётган муаммолар, давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолияти таҳлили ва ушбу соҳада учраётган муаммолар, иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратишга доир масалалар ва бошқа ўзгариш ҳамда янгиликлар тўғрисида маълумотлар бердилар.

"Янги Ўзбекистон бунёдкорлари: ёшларимизга илҳом ва ишонч берайлик!"

Буюк келажак сари дадил одимлаётган мамлакатимиз бугунги кунда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир ёшларга, ғайратли ва фаол аҳоли қатламига таяниши бежиз эмас.

31 март куни Тошкент шаҳрининг кам таъминланган оилалари фарзандлари, иқтидорли ёшларда ислоҳотларга ва ўзгаришларга ишонч ва дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш, уларни янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган яратувчанлик лойиҳалари натижалари билан таништириш, ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ҳамда турли бузғунчи ва ёт ғояларга муросасизлик руҳида тарбиялаш, билим олишга, маънавий етук ва жисмонан соғлом бўлишга, иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришга, ўз тақдири ва мамлакатимиз порлоқ келажагининг ҳақиқий эгаларига айлантириш мақсадида Академияда Янгиҳаёт туманидаги 292-сонли мактабнинг 20 нафар ўқувчиси ва "Биноқор" маҳалла фуқаролар йиғинининг 10 нафар фаоллари махсус дастур асосида "Янги Ўзбекистон бунёдкорлари: ёшларимизга илҳом ва ишонч берайлик!" мавзуидаги ўқув-мотивацион мулоқот ва танишув тадбири ташкил этилди.

Ушбу тадбир доирасида иштирокчилар куннинг биринчи ярмида Тошкентдаги "Tashkent city" ва "Humo Arena" мажмуаларига ташриф буюрдилар. Улар юртимизда барпо этилган замонавий бунёдкорлик намуналари билан яқиндан таништирилди. Куннинг иккинчи ярмида ўқувчиларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларда инновацион тафаккурни ривожлантириш мақсадида "Crafers" ишлаб чиқариш корхонаси ва Тошкент политехника музейига ташриф амалга оширилди.

Тадбирда иштирокчиларни нафақат пойтахтдаги замонавий бунёдкорлик намуналари ва корхоналари фаолияти билан таништириш, балки ўқувчилар ва маҳалла фаоллари ўртасида жонли мулоқот ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун Академия профессор-ўқитувчилари томонидан ўқувчиларнинг илғор натижаларга эришишига қаратилган мотивацион тренинг машғулотлари ташкил этилди.

Ўқувчиларнинг давлат бошқаруви соҳасига қизиқишларини ошириш учун улар Академиядаги тингловчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилди. Академия ректори Адҳам Бекмуродов билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш борасида давлат даражасида яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида руҳлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда мактаб ўқувчилари ва маҳалла фаоллари ўз таассуротларини билдириш билан бирга, бу каби тадбирларни бошқа вилоятлар, республикамизнинг энг олис ҳудудларида ҳам давом эттириш таклифини илгари сурдилар. Тадбир якунида иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.